

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАЛАНДАР САПАЕВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИ
(морфемика, сўз ясалиши ва морфология)

ТОШКЕНТ – 2009

АННОТАЦИЯ

Мазкур услубий қўлланма ўзбек тили ва адабиёти йўналиши ўқув режасидаги «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фани дастурига мувофиқ тайёрланди. Услубий қўлланмадан қўйидаги бўлимлар ўрин олган: 1) морфемика; 2) сўз ясалиши; 3) морфология.

«Морфемика» бўлимида сўзнинг маъноли қисмлари ва уларнинг турлари, хусусиятлари, сўзнинг морфем структурасидаги (таркибида) ўзгаришлар ҳақида; «Сўз ясалиши» бўлимида ҳозирги ўзбек адабий тилида янги маъноли сўз ҳосил қилишнинг муҳим белгилари, сўз ясаш усуслари ҳақида; «Морфология» бўлимида сўзнинг грамматик шакллари, сўз туркумлари ва уларга хос грамматик категориялар ҳақида маълумот берилади.

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди,
доцент М.Ҳамроев.

Тақризчилар: филология фанлари доктори,
профессор Ҳ.Шамсидинов,
филология фанлари номзоди,
профессор Р.Юнусов.

Корректорлар: М.Сафарниёзова,
Н.Аҳмедова.

Саҳифаловчи: Д.Товакалова.

Услубий қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2008 йил 25 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

СҮЗ БОШИ

Ўзак ва аффиксларнинг таҳлили морфологияда ҳам сўз ясалишида ҳам учрайди. Лекин бу икки соҳанинг таҳлили ҳодисага қандай нуқтаи назардан ёндошишга қараб ҳар хил. Шу билан бир қаторда улар учун умумий бўлган ҳодисалар ҳам мавжуд. Шунга кўра ўзак ва аффикслар таҳлилида фақат шу соҳага алоқадор бўлган томонларгина таҳлил қилинади. Бу айрим қисм тилшуносликда «морфемика» деб аталади. Қўлингиздаги ушбу рисолада бу соҳага алоқадор бўлган масалалар қўйидагилардан иборат: аввало *морфема* термини изоҳланиб, ундан кейин морфеманинг турлари (ўзак ва аффиксал) ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, морфемаларга ажратилишининг қонуниятлари (синхрон аспектда), морфемага қўйиладиган талаблар, аффиксал морфемаларнинг турлари, уларнинг ўзак морфемага қўшилиш тартиби, сўз ва шакл ясаш даражалари каби қатор масалаларга ҳам ўрин берилган.

Тилшуносликнинг сўз ясалиши бўлимидан, биринчидан, янги лексик бирликларнинг қандай ҳосил қилиниши, иккинчидан, мавжуд ясалмаларнинг қандай пайдо бўлганлиги текширилади. Текширишининг бу икки томони ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳодисалар ҳисобланади. Сўз ясаш турли усуллар билан амалга оширилади. Бу усуллар лексик-семантик, фонетик, грамматик ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқ. Маълумки, сўз ясалиши ҳодисаси илгари тилшуносликнинг айрим бир соҳаси сифатида эмас, балки морфология ичида текширилиб келинган. Бундай ўрганиш энг асосий усуллар - сўз ясашнинг ҳам, шакл ясашнинг ҳам бир хилда (аффиксация) бўлиши, кўпгина ясовчиларнинг сўз туркumlари билан ҳам боғлиқ бўлиши (-ла аффикси феълликни кўрсатиши билан бир қаторда сўз ҳам ясайди) бир қадар чалкашликларга олиб келарди. Шунга кўра, кейинги вақтларда нашр этилаётган ишларда, ҳатто айрим мактаб грамматикаси дарсликларида ҳам сўз ясалиши тил

фанининг мустақил қисми сифатида морфологиядан ажратилиб, алоҳида бўлим сифатида берилган.

Ҳақиқатан ҳам сўз ясалиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ясашнинг қонун-қоидаларини, моделларини, воситаларини ва шу билан боғлиқ ҳолда ясалиш структурасини текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир. Қўлингиздаги ушбу қўлланмада сўз ясалишига тааллуқли бўлган барча масалаларни имкон даражасида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Сўз ясалиши ҳақидаги барча маълумотлар синхроник аспектта амал қилинган ҳолда баён этилди.

Грамматика тилшунослик фанининг бир қисми бўлиб, у тилнинг грамматик қурилишини текширади. Демак, у сўз ва гапнинг ҳар бир тилдаги шаклий томонларини - сўзнинг шаклан ўзгаришларини, сўз қўшишнинг, сўз бирикмаларининг турли кўринишларини, воситаларини ва гапнинг структурасини, турларини ўрганади. Бу ҳол грамматиканинг қўйидаги 2 қисмдан иборат эканлигини кўрсатади.

1. Морфология; 2. Синтаксис.

Морфологиянинг объекти сўзнинг грамматик томонидир, (сўзнинг грамматик томони деганда, унинг от, сифат, феъл каби грамматик категорияларга бўлиниши тушунилади). У сўзни тилнинг грамматик системаси нуқтаи назаридан текширади. Сўзнинг морфологик таркиби деганда морфологик категориялар, сўзнинг морфологик шакллар системаси, сўз шакларининг ҳосил бўлиш йўллари, воситалари, сўзларнинг лексик-грамматик категориялари тушунилади.

Морфологиянинг асоси кенг маънода шакл ясашдир, сўзнинг шаклидир. Фонетиканинг асосини унли-ундош, жарангли-жарангсиз каби фонетик оппозициялар ташкил қилганидек, морфологиянинг асоси бир-бирига зид, лекин ўзаро боғланган грамматик оппозициядир (бирлик-кўплик, бўлишшли-бўлишсиз каби).

Морфология ва синтаксис бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки тилнинг грамматик қурилиши яхлит система бўлиб, у морфологик ва синтактик ҳодисалардан, уларнинг қисмлари ўзаро муносабатда бўлган бир бутунлик, ягона система ҳосил қилишидан иборатdir.

Морфологиянинг асоси кенг маънода шакл (сўз шакли) ясаётдир. Демак, морфология сўз ҳақидаги таълимотдир.

Морфологиянинг сўз ҳақидаги грамматик таълимот сифатида таърифланиши, унинг текшириш объектлари доирасига сўзларнинг лексик-грамматик категорияларга бўлинishi - сўзларнинг туркумланишини ҳам (от, феъл каби) киритишга имкон беради.

Морфология билан синтаксиснинг яқин муносабати жуда кўп ҳодисаларда сезилиб туради:

1) гапда сўзларнинг бояганиш усуслари ва алоқа шакллари сўзниң шаклий ўзгариши - морфологик ўзгариши билан боғлиқ;

2) сўз туркумлари ва грамматик категориялар билан гап бўлаклари орасида бояганиш бор, яъни сўзниң қандай гап бўлаги вазифасида келиши унинг морфологик шакли билан белгиланади;

3) шакл ўзгартирувчи аффикслар ва кўмакчилар синтактик муносабат ифодалайди;

4) сўзларни от, феъл каби гурӯҳларга ажратишнинг бир асоси уларнинг синтактик белгисидир.

Қўлланма бўлажак бакалаврларга морфемика, сўз ясалиши ва морфологиядан маълумот беришга мўлжалланган.

МОРФЕМИКА

Морфемика сўзнинг энг кичик маъноли қисмлари ҳақидаги таълимотдир. Бу кичик қисмлар тилшунослиқда морфемалар деб юритилади. Масалан, *пахтакорларимизга* сўзи *пахта*, *-кор*, *-лар*, *-имиз*, *-га* қисмларидан иборат. Бу қисмлар турли хил сўзлар таркибида қатнашиб, ўзига хос маънолар ифодалайди. Бу қисмлар яна бўлинадиган бўлса, унинг маъноси йўқолади. Демак, морфема сўзнинг энг кичик маъноли қисмидир.

Морфема таркибига кўра фонемалар комплексидан, баъзан битта фонемадан иборат бўлади. Масалан, *у-ни*, *китоб-и*.

Морфема сўз тузилишида зарур бўлган энг кичик маъноли қисм бўлиб, у ясама сўзларнинг ҳам, сўз шакларининг ҳам таркибига киради ва шу шаклларда ажратилади. Бошқача айтганда, морфема аффикслари бўлган сўзлардагина ажратилади. Масалан, *гулзор*, *пахтакор*, *темирчилик*, *ўқиганман* каби қисмлар морфемаларга ажратилади, аммо *уй*, *китоб*, *олма*, *оқ*, *кум-кук* каби сўзлар морфемаларга ажратилмайди. Улар яхлит сўзлардир.

Морфемалар вазифасига кўра сўз ясалишига ҳам сўз ўзгаришига ҳам алоқадордир. Масалан, *темир-чи* сўз ясаш, ҳодисаси, *темир-ни* шакл ясаш ҳодисасидир. Кўринадики, «ясаш» термини (кенг маънода) ҳосил қилиш маъносини ифодалайди.

Морфема энг кичик маъноли қисм сифатида шу тилда (ўзбек тилида) сўзловчиларнинг хотирасида сақланади. Бу эса сўзларни маъноси англашилиб турадиган қисмларга ажратиш ва, аксинча, хотирада мавжуд бўлган морфемалар асосида янги сўз ясаш ёки сўзларни турли грамматик шаклларга кўра ўзgartириш имкониятини беради. Шу жиҳатдан қараганда, морфема, ҳаммадан бурун, тилнинг энг муҳим элементидир. Бироқ морфема ўз ҳолича хотирада сақданибгина қоладиган нарса бўлибгина қолмай, балки грамматик шаклларнинг тузилишида ҳам иштирок этади. Бу жиҳатдан эса морфема тил элементи бўлиши билан бирга, айни замонда нутқ элементи ҳам ҳисобланади.

Морфема бирор сўз доирасига кирмай туриб, лексик ёки грамматик қийматга эга бўлмайди. Масалан, *-чи*

аффикси гарчи ўзбек тилида шахс оти ясовчи элемент сифатида хотирада сақланса-да, аммо у ҳали бунда конкрет бирон шахс оти назарда тутилмайди. Шунингдек, *-ни* аффикси тушум маъносидаги тил элементи сифатида хотирада сақланса ҳам, у конкрет сўзнинг тушум келишиги маъносини билдирамайди.

Морфеманинг лексик ёки грамматик характердаги конкрет маънога эга бўлиши фақат нутқда, яъни гапда юзага келади. Шунинг учун сўзларнинг морфемаларга бўлиниши нутқ жиҳатидан эмас, тил жиҳатидандир.

Ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган сўзларнинг морфологик тузилиши таҳлил қилинар экан, унда ажратиладиган ҳар бир морфема ҳозирги пайтда англаниши, яъни маъноси тушунарли бўлиши шарт. Шунинг учун ҳозирги ўзбек тилидаги морфемаларни сўзнинг ҳозирги даврда тушунарли бўлган, хотирада тил элементи сифатида сақланадиган энг кичик маъноли қисмлари деб таърифлаш мумкин.

Масалан, талабалар + нинг, санъат + кор + лар + имиз+нинг, тин + ч + лик + парвар + лик, мустақил + лик + ни кабилар.

Қўшимчали содда сўзларни морфемаларга (ўзак ва қўшимча) ажратиш тартиби қўшма, жуфт ва такрорий сўзларга тадбиқ қилиниши у қадар тўғри бўлмайди. Чунки бу сўзлар таркибидаги ҳар бир қисм (компонент) аслида сўзга хос бўлган грамматик тугалликка эга. Шунинг учун бу қисмлар маълум «ички» грамматик муносабатда бўлади. Масалан, Янгиер, ошқозон, учбурчак, бешбармоқ (*овқат*) Янгиобод, Мирзачўл, отқулоқ, ош-нон, қозон-товоқ, баланд-паст, қол-қол (*бутдой*), тог-тог (*тахта*), кўм-кўк (*осмон*) каби қўшма, жуфт ва такрорий сўзларнинг ҳар бири грамматик жиҳатдан тўла шаклланган сўздан ташкил топган. Бундан ташқари, улар таркибида аффикслар ҳам йўқ.

Аммо баъзи қўшма ва жуфт сўзларда аффикс морфемалар бўлиши мумкин. Бундай пайтда улар морфемаларга ажратилади. Масалан, кун + га-боқ + ар, муз ёр + ар, ол-иб сот-ар, қўл + ма-қўл, кун + дан-кун + га, ой + ма-ой каби.

Шундай қилиб, морфема сўзнинг ҳозирги пайтда янгидан маъноли қисмларга бўлинмайдиган ҳар бир ўзаги, ҳар бир қўшимчасидир.

Морфемалар маъно ва вазифасига кўра 2 хил бўлади.

1. Ўзак морфема. 2. Аффиксал морфема.

Ўзак морфема. Ўзак морфема сўзнинг лексик маъносини билдирувчи асосий қисм бўлиб, қўшимчалар шу ўзак билан биргаликда қўлланади. Шунга кўра, ўзак морфема асосий морфема, аффиксал морфема эса эргаш ёки ёрдамчи морфема деб ҳам юритилади. Ўзак морфема сўз ясалиши учун ҳам, шакл ясалиши учун ҳам асос ҳисобланади. У сўзнинг семантик ядросини ташкил этади.

Масалан, *пахтакор*, *пахтазор*, *пахтачилик* каби сўзларда пахта – сўз ясалиши учун асос бўляпти. *Пахтани*, *пахтанинг*, *пахталар* каби сўзларда у шакл ясалиши учун асос ҳисобланади.

Сўзга турли хил морфемалар қўшилиб келганда ҳам, ўзакнинг маъноси ўзгармайди. Ундан ясалган янги сўзларнинг – ясалмаларнинг маъноси ҳар вақт ўзак морфеманинг маъноси билан боғланган, шу маънога асосланган бўлади. Масалан *ақл*, *катта*, *темир*, *арава*, *тер*, *ур* каби сўзлардан ясалган *катта-лик*, *темир-чи*, *арава-каш*, *тер-им*, *ур-оқ* каби ясалмаларнинг маъноси юқоридаги сўзларнинг маъносига асосланади.

Ўзакнинг қўшимчага нисбатан етакчи экани фақат семантик жиҳатданadir. Чунки у сўзнинг таркибий элементи тил бирлиги бўлган сўзлар сингари ҳали маълум грамматик қоида ва қонунлар таъсирида бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўзак грамматик қийматга эга бўлган бирлик деб эмас, балки лексик қийматга эга бўлган энг кичик бутунлик деб баҳоланади.

Ўзак морфема ясама бўлмайди. У фақат туб бўлади. Ясама ўзак дейиш – бу сўзда икки ва ундан ортиқ ўзак бўлиши мумкин демакдир. Масалан, *теримчи* сўзининг *тер* – (туб) ва *терим* – (ясама) ўзакларига, *билимдонлик* сўзининг *бил* – (туб) *билим* – (1-ясама), *билимдон* – (2 ясама) ўзакларга ажратиш лозим бўлади. Ваҳоланки, бу сўзларда биттадан (*тер-* ва *бил-*) ўзак морфема бор. Демак, битта сўзда фақат битта ўзак бўлади. Ўзак фақат қўшимчали сўзлардагина мавжуд.

Сўзни ўзак ва қўшимчага ажратишнинг икки шарти бор:

1. Ўзак деб ажратиладиган қисм бугунти тиlda мустақил маъно ифодалashi, бошқа қўшимчалар қабул қила олиши шарт.

2. Қўшимча деб ажратиладиган қисм эса бошқа ўзакка ҳам қўшила олиши шартдир. Масалан *йиг+им*, *тер-им*, *йиг-ма*, *бос+ма*, *бос-иқ*, *тўс-иқ*, *ур-им*, *бос-им* каби.

Таъкидланганидек, ўзак аввало, сўздаги асосий туб, энг туб лексик маънони ифодалайди. У сўзниng семантик ядросини ташкил қилади. Бу маъно ҳали ўз характерига кўра конкретлашмаганлиги учун абстракт маъно ҳисобланади. Аммо ўзбек тилида ўзакнинг маъноси факат абстракт (мавҳум) бўлади, дейиш уччалик тўғри бўлмайди. Яъни ўзакнинг маъноси ҳам конкрет, ҳам абстракт бўлади. Масалан, *терим*, *терма* сўзларининг ўзаги биринчисида «йигиштириб олиш» (пахтани), иккинчисида предметларни (шахсларни) «тўплаш», «танлаш» маъносини ифодалайди. Бу ҳолатда ўзак абстракт маъно ифодалаган. Аммо *пахтани*, *пахтанинг* каби сўзларидаги *пахта* - ўзаги маълум бир предмет тушунчасини (конкрет маънони) ифодалаган. Демак, ўзбек тилидаги ўзак ҳам конкрет, ҳам абстракт маъно ифодалайди.

Ўзакнинг маъносига баъзи сўзларда сўзниng реал лексик маъносига тенг келса, баъзи сўзларда тенг келмайди. Масалан, *китобдан* сўзининг лексик маъноси шу сўзниng ўзаги - *китоб* англаттан маънога тенг келади. Шу ўринда, демак, ўзакнинг маъноси лексик маънодан иборат. Аммо *бошлиқ*, *бошла*, *бошқарма* сўзларининг лексик маънолари *бош* (голова) ўзаги англаттан маънодан фарқ қиласди. Чунки юқоридаги сўзларниng ўзаги *бош* - ўша сўзларниng лексик маъноларини ифодаламайди, балки шу сўзларниng асосида ёттан умумий, абстракт тушунчани ифодалайди. Бу тушунча алоҳида *бош* - (голова) сўзининггина лексик маъносига бўлиши мумкин.

Ўзак морфема ўз конкрет маъносидан узоқлашиб, умумий характерда маъно ифодалайдиган воситага, яъни аффиксал морфема айланиши мумкин. Масалан, *ошхона*, *ишхона*, *чойхона*, *талабнома*, *таклифнома*, *руҳсатнома* каби сўзлардаги *хона*, *нома* элементлари шу ўринда бир иш фаолият жойи маъносини, бирор предмет тури маъносини ифодаловчи қўшимчага айланган.

Сұз ва ўзак.

1. Сұз. Ўз товуш қобигига эга бұлған, нарса-ҳодисалар, жараёнлар, шахслар, белги ва миқдорларни, хусусиятларни, ҳаракат ва ҳолатни алоқа ва муносабатларни номлаш учун хизмат қыладиган, мустақил лугавий маңнога эга бұлған, шунингдек, турли хил грамматик маңно ва вазифаларда құлланадиган тил бирлигидир. Сұз гапнинг (нутқнинг) қурилиш материали ҳисобланади. Демак, сұз объектив борлықдаги предмет ёки ҳодисалар ҳақидағи түшүнчаның товуш воситаси билан ифодаланишидір. Сұз, маңно ифодалаш билан бирга, эмоцияларни, ҳис-түйгуларни ҳам билдириши мүмкін (масалан, ундовлар). Келиб чиқадики, сұз түшүнчаны ифодалайди ёки ҳис-түйгуларни билдиради. Буларнинг ҳаммаси сұзнинг маңно томонидір. Сұз якка ҳолда билдирған маңносидан ташқари, құлланышда, нутқ ичида күчган маңнода ҳам ишлатилиши мүмкін, эмоционал бүёққа эга бўлиши мүмкін. Масалан: *болам сұзи ўрнида бўтам, қўзим, чирогим, дейиш, боласи кўп ўрнига жўжаси кўп, фарзанд ўрнига тирноқ* (фарзандга зор - тирноққа зор) дейиш, бўтам, болажоним, болагинам, қизалогим, отажон, жон отам, жоним отам каби құллашлар сұзларнинг эмоционал бўёғи ҳисобланса, *Оҳ қандай гўзал манзара, ҳаҳ, ҳали оқибат шуми?* *О, у юрак, о у тилла бош,* (*У.Носир*) каби гаплардаги ундов сұзлар турли хил эмоцияларни (ҳис-хаяжон) ифодалаған.

2. Ўзак. Морфема структураси жиҳатидан бўлинмас, ҳолдаги сұзнинг ўзак билан бир хил кўринишида келиши бу элементларнинг яқин муносабатини кўрсатади. Аммо, шундай бўлса ҳам, улар бир-бирига тенг ҳодисалар эмас. Масалан, *темир- темирчи, ўр-ўроқ, тил – тилшунос, иш – ишла, бунда темир, ўр, тил, иш сұzlари нутқда бошқа сұзлар билан синтактик алоқага кириша олади* (*қизик, китоб, темир панжара, ўзбек тили, иш бошламоқ*), аммо шу шаклдаги *темирчи, китобхон ўроқ, ишла, тилшунос* сұзларидағи ўзаклар эса сұзнинг бир элементи бўлиб, бундай хусусиятта эга эмас. Сұзнинг ўрни билан, морфемаларга бўлинishi, морфеманинг эса ажралмас элемент эканлиги, сұзнинг грамматик жиҳатдан шаклланған бир бутунлик бўлиб, аниқ бир лексик-грамматик категорияга – сұз туркумига кириши, бундай туркумларга ажралишининг сұзгагина хослиги каби

ҳодисалар ўзак билан сўз орасидаги фарқлардандир. Шунингдек, сўз нутқда гап бўлаги вазифасида келади ва ўз маъносидан ташқари, турли хил қўшимча маъноларни ҳам ифодалайди. Демак, морфема сўз ичида, сўз эса нутқ ичида яшайди.

Айтилган фикрларни якунлаб ўзакка шундай таъриф бериш мумкин: ўзак сўзнинг қўшимчаларни ажраттандан сўнг қоладиган, ҳозирги туб лексик маънони ёки лексик маъно асосида ётган умумий тушунчани ифодалайдиган энг кичик қисмидир. У қўшимчаси мавжуд бўлган сўзлардагина ажратилади.

2. Аффиксал морфема. (лотинча *affixus* – «богланган», – «бириктирилган»). Қўшимча мустақил қўлланмайдиган, боғлиқ ҳолда, ўзакка қўшилиб келадиган, ўзакнинг лексик-грамматик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ҳар хил маъноларни ифодалашга хизмат қиласидиган морфемадир. Қўшимча ўзакнинг маъносига янги лексик белги – модал маъно ёки фақат грамматик маънода қўлланадиган ўзак ёнидаги ёрдамчи маънодир. Кўринадики, қўшимча, биринчидан, ўзак ифодалайдиган туб лексик маънога янги лексик белги қўшиши мумкин.

Масалан, *темирчи* сўзидағи –чи қўшимчаси металнинг бир тури маъносига шу металл билан шугулланувчи шахс белгисини қўшади. Бу белги алоҳида лексик маънони ташкил этмаса ҳам, мавжуд лексик маънога қўшилган янги белгидир. Иккинчидан, қўшимча ўзак ифодалаган маънога қўшимча грамматик маъно қўшиши мумкин. Масалан, *болалар китобларини ўқидилар* гапида *болалар* (эга), қўплиқда бўлгани учун *китобларни* (тўлдирувчи) *ўқидилар* (кесим) ҳам қўплиқда келган. Бу ўринда –лар қўшимчаси, бир томондан, предметнинг кўп сонли эканлигини (лексик белги), иккинчи томондан эса, бу қўшимча гапдаги бошқа сўзнинг сон жиҳатдан ўзига мос бўлишини талаб қиласиди.

Учинчидан, қўшимча ўзак ифодалаган маънога фақат грамматик маъно қўшиши мумкин. Масалан, *китоб-ни, китоб-нинг, китоб-дан, ўқиди-м, ўқиди-нг, ўқи-ди* каби.

Тўртинчидан, қўшимча ўзак ёнида туради. Ўзича ўзаксиз қўлланмайди. Ва, ниҳоят, бешинчидан, якка ҳолда маъно хусусияти реаллашмайди. Қўшимча ўз маъно хусусиятига кўра ўзак морфемага, яъни асосий морфемага таянади.

Шунинг учун қўшимча эргаш ёки ёрдамчи морфема ҳисобланади. Сўзнинг қисмлари бўлган ўзак билан қўшимча ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласди. Булар қуидагилар:

1. Ўзак сўзнинг туб маъно ядросини ташкил қиласди. Қўшимча эса морфемасиз лексик ёки грамматик маъно ифодаламайди, у нутқда оддий товушлар йигиндиси бўлиб қолади: *-чи, -ли, -ти, -г, -и, -лик, -тар, -чир, -га (-га, -қа, -ка)* каби.

2. Ўзак лексик маъно томонидан бутун бир туб сўзга нисбатланиши мумкин. Масалан, *от* (*лиқ*), *бош* (*ла*), *иш(чи)* сўзлари *от*, *бош*, *иш* сўзларига нисбатланиши мумкин. Шунинг учун бу ўринда ўзакнинг маъноси бутун сўзнинг ҳам лексик маъносидир.

Ўзакнинг маъноси ҳар вақт ҳам сўзнинг маъносига teng булавермайди. Яъни сўз ифодалаган маъно ҳамма вақт ўзак ифодалаган маънога teng бўлмайди. Айниқса, сўз ясовчи қўшимчалари бўлган сўзларнинг маъноси ўзакнинг маъносига таянса ҳам, янги маъно бўлади. Масалан, *иш+чи, темир+чи, тил+шунос, иш+ла, оқ+ла, билим+ли, пахта+кор* сўзларининг маъноларини *темир, тил, иш, оқ, бил, пахта ўзакларининг маъноларига солишириб кўрсак, бир томондан, улар орасида семантик фарқ борлигини кўрамиз*. Иккинчи томондан эса, ўша маънолар ўзакларнинг маънолари билан ички жиҳатдан боғланганлигини, ундан келиб чиқсанлигини кўрамиз.

Қўшимчалар эса бутун сўзга нисбатланмайди. Баъзан фонетик жиҳатдан бутун сўзга teng келиб қолиши мумкиндай кўринса ҳам уни қўшимчанинг мустақил сўзга teng келиб қолиши деб тушунмаслик керак. Масалан, *(из) чил, мис (кор), ўт (қиз), - ёза-(ман), ёза(сан), ёза(сиз)* қўшимчалари товуш томонидангина сўзга ўхшащдир.

3. Ўзак унлисиз бўлмайди. У фонетик жиҳатдан камида бир бўгинга тўғри келади. Масалан, *ош, иш, у, бу, шу, ун, бор, кел, ёз* каби. Қўшимчалар эса унлисиз ҳам бўла беради. Масалан, *(ўқи)t, (ишла)ш, (эла)к, (ялтира)қ, (тин)ч, (ишла)й* каби.

4. Ўзакнинг фонетик вариантлари камдан-кам бўлади. Масалан, *ёш(лик), ва (яш)а, онг(ли) ва анг(ла), сариқ ва*

сарг(ай) каби. Қўшимчаларда эса фонетик варианлар нисбатан қўпроқ учрайди.

Масалан, *(турт)ки*, *(сушур)ги*, *(чоп)ки*, *(чол)ги ёки (чол)гу*; *(эг)ик*, *(син)ик*, *(буз)уқ*, *(тут)қин*, *(сўл)гин*, *(тур)гун*; *(уйин)чоқ*, *(эрин)чак*, *(сирган)чиқ*, *(қизган)чиқ* кабилар.

5. Сўзнинг ўзак ва қўшимчаларга бўлиниши маъно жиҳатдан узаро алоқадор бўлган сўзларни бир-бирига солиштириб кўрганда, айниқса, аниқ ажралиб туради.

Масалан, *сувли*, *сувсиз*, *сувчи*, *сувдон*, *сувсира* сўзлари солиштириб қаралса, уларда бир морфеманинг айнан тақрорланганини кўрамиз. Бу морфема *сув* бўлиб, у ўша сўзларнинг умумий ўзагидир. Бир умумий ўзакка эга бўлган бундай сўзлар қариндош ёки ўзакдош сўзлар дейилади. Аксинча, сўзнинг тузилишида ўзаклар ҳар хил, қўшимчалар эса бир хил бўлиши мумкин. Масалан, *темирчи*, *ишчи*, *тракторчи*, *балиқчи* (*қуш*) доирачи каби. Бироқ бундай сўзлар қариндош сўзлар деб айтилмайди.

6. Нутқда ишлатилиши жиҳатидан қараганда ўзакка нисбатан қўшимча қўпроқ тақрорланади.

Масалан, *Киш бўйи аллақайси ерларда жунжиб чиққан қуш зотлари* – чумчуқлар, читтаклар, тўргайлар, саъвалар... *ўз тўплари билан вижир-вижир, чугур-чугур сайраб куладилар* (А.Қодирий).

Бу гапдаги *вижир* ва *чугур* сўзларини ҳисобга олмагандан сўзларнинг бирортаси ҳам тақрорланган эмас. Ваҳдоланки, -*лар* аффикси 8 марта, *(и)б* қўшимчаси 2 марта, -*и* қўшимчаси 3 марта тақрорланган.

Аффиксал морфемаларнинг хусусиятлари

Аффиксал морфемалар маъноси ва функциясига кўра икки турга бўлинади: 1) сўз ясовчи қўшимчалар; 2) шакл ясовчи қўшимчалар.

Сўз ясовчи қўшимчалар. Бу қўшимчалар турли сўзларга қўшилиб, унинг маъноси билан bogланган янги сўз ҳосил қиласди. Масалан, *-м* (-им, -ум) қўшимчаси ҳаракат ва ҳолат англатган *билмоқ*, *термоқ*, *тўпламоқ*, *кечирмоқ*, *тузмоқ* каби феъллардан нарсалик маъносини, иш-ҳаракат натижасини ифодаловчи от ясашга хизмат қиласди: *билим*, *терим*, *тўплам*, *кечирим*, *тузум* каби.

Ясовчи құшимчалар бир түркүм доирасига мансуб янги сұз ясашга (*бала-лик, сир-дош, олма-зор* – отдан от ясалған) ва бир түркүмдән бошқа түркүм сұзи ясашға хизмат қиласы: *суз-ма, қир-гич, ўс-ма, кула-ти, тұша-к* (феълдан от ясалған), *күз-ла, варақ-ла, завқ-лан, бой-и* (отдан феъл ясалған), *кес-кин, чоп-қир, оч-иқ* (феълдан сифат ясалған), *күк-ар, кенг-ай, янги-ла, оқ-ла* (сифатдан феъл ясалған) каби.

Сұзға бирдан ортиқ ясовчи құшимча құшилиши билан унинг таркиби мураккаб қурилишга зәға бўлиб боради: *билимдонник* сұзи *билимдон* ясаш асосидан *-лик* құшимчаси орқали ясалған. *Билимдон* сұзи учун эса *билим* ясаш асоси ва *-дон* ясаш воситаси бўлиб хизмат қилған. *Билим* сұзи ҳам, ўз навбатида, *-им* құшимчаси орқали *бил* асосидан ясалған.

Ясовчи құшимчаларнинг сұз ясаш даражаси бир хил эмас. Айрим құшимчалар жуда кўп миқдорда янги сұзлар ясаш учун хизмат қиласа, баъзилари миқдор жиҳатидан камроқ сұз ясады ёки сұз ясаш хусусиятини ҳозир умуман йўқоттан. Ясовчи құшимчалар шу жиҳатдан уч турга бўлинади: 1) *унумли құшимчалар*; 2) *камунум құшимчалар*; 3) *унумсиз құшимчалар*.

1. Жуда кўп янги сұз ясашға хизмат қилувчи құшимчалар *унумли құшимча* дейилади: *иш-чи, тарих-чи, трактор-чи, жанг-чи, бўёқ-чи; ақл-ли, бола-ли, гайрат-ли, ейиш-ли; туз-ла, оқ-ла, жой-ла; бўл-ма, мосла-ма, қатла-ма, бола-лик, ёш-лик, тинч-лик, дўст-лик* каби.

2. Камроқ сұз ясаш учун хизмат қилувчи құшимчалар *камунум құшимча* дейилади: *таро-қ, тирно-қ; тош-қин, ён-гин, қир-гин; меҳнат-каш, чизма-каш; эк-ин, йиг-ин, тут-ун*.

3. Ҳозирги ўзбек тилида янги сұз ясаш хусусиятини йўқоттан құшимчалар *унумсиз құшимча* дейилади. Бу құшимчалар ўзбек тилида маълум даврларда янги сұзлар ясаш учун хизмат қилған бўлса ҳам, ҳозирги вақтда тилда саноқли сұзлар таркибидагина сақланиб қолған: *қоро-вул, дард-чил, эп-чил, югур-дак, кекир-дак* кабилар.

Сұз ясовчиларнинг асосий қисмини ўзбек тилининг ўз құшимчалари ташкил қиласы. Шу билан бирга, ўзбек тилида бошқа тиллардан ўзлашған ясовчилар ҳам құлланади: *-дор, -кор, -зор* кабилар тожик тилидан ўзлашған. Бу ясовчилар дастлабки вақтларда тожик тилидан қабул қилинған сұзлар

таркибида қўлланган бўлиб, кейинчалик сўз ясаш воситаси сифатида ўзбек тилидаги сўзларга ҳам қўшилиб, янги сўз ясаш вазифасини ўтай бошлади: *туз-дон, кул-дон, салмоқ-дор, олма-зор, узум-зор, тил-шунос, тупроқ-шунос, пахта-кор, сер-сув, но-урин* каби.

Рус тилидан қабул қилинган *реалист, редакция, студент, аспирант, директор* сингари сўзлар таркибидаги *-ист, -изм, -ция, -ант (-ент), -тор* кабилар ўзбек тилида сўз ясовчи қўшимчалар қаторига киритилмайди. Бундай сўзлар ўзбек тилида морфемаларга ажратилмайди, балки яхлит бир сўз сифатида қаралади.

Шакл ясовчи қўшимчалар. Бу қўшимчалар сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмайди, янги сўз ясамайди, балки шу сўзнинг грамматик шаклини ясайди, унга янги грамматик маъно қўшади, кичрайтириш, эркалаш, такрор, давомлилик каби ҳар хил қўшимча маъно англатувчи ёки сўзнинг гапда бирор вазифани бажаришга мослашган шакларини ясайди. Масалан, *пахта-нинг, пахта-дан, пахта-ни, пахта-га; ватан-им, ватан-инг, ватан-и; келган-ман, келган-сан; ўқи-ди-м, ўқи-ди-нг; икки-нчи, кел-ар, кел-иб; уй-ча, қуш-ча, қўзи-чоқ, каттагина* каби.

Шакл ясовчи қўшимчалар ўз хусусиятига қараб икки турга бўлинади: 1) категориал шакл ясовчи қўшимчалар; 2) нокатериоал шакл ясовчи қўшимчалар.

Категориал шакл ясовчи қўшимчалар сўзларнинг ўзгариши билан боғлиқ бир бутун системани ташкил қилган грамматик шаклларни ҳосил қиласди ва улар маълум грамматик категорияларга, парадигмаларга бирлашади. Жумладан, от ва отлашган сўзларга хос грамматик сон, эгалик ва келишик шаклларини ясовчи қўшимчалар; феълларга хос шахс-сон шакллари, замон шакллари ва у билан боғлиқ майл шаклларини ясовчи қўшимчалар категориал шакл ясовчи қўшимчаларга киради.

Нокатериоал шакл ясовчи қўшимчалар грамматик маъно ифодаловчи шакл ясайди, лекин бу қўшимчалар шакллар системасини – парадигмани ҳосил қilmайдi. Булар асосан қўйидагилар:

1. Отларда кичрайтириш, эркалаш, чегара каби ҳар хил маъноларни англатувчи шакл ясовчи қўшимчалар: *-ча, -лоқ, -*

чак, -чоқ, -гина, -тча: *уй-ча, бұта-лоқ, құзи-чоқ, келин-чак, шаҳар-тча* каби.

2. От, сифат ва равишиларда модаллик (-гина: қиз-гина, яхши-гина, тез-гина), сифатларда белгининг күчсиз экани каби маъноларни англаттан шакл ясовчилар (-иш, - (и)мтири: күк-иш, күк-имтири).

3. Соңларда доналиқ, чама, жамловчи, тартиб сон турларини ясовчи қўшимчалар: -та, -ча, -ов, -ала, - (и)нчи: икки-та, уч-ов, беш-та-ча, тўрт-инчи каби.

4. Феълларда ҳаракатнинг такрор, давом, күчсизланиш каби миқдор шакллари ёки бирор вазифани бажаришга мослашган сифатдош, равищдош ва ҳаракат номи шакллари ясовчи қўшимчалар: -(и)мсира, -(и)нқира, -тила, -тан, -(и)б, -так, -моқ: *кул-имсира, ютур-тила-моқ, кел-тан, кел-иб, кел-так, кел-моқ* каби.

Қўшимчаларнинг сўзга қўшилиш тартибида маълум қонуният бор. Маълумки, сўз ясовчи қўшимчалар сўзнинг материал қисмига, лексик маъно ифодаловчи қисмига киради. Шунга кўра, табиий равища, бу турдаги қўшимчалар сўзга шакл ясовчи қўшимчалардан олдин қўшилади: *ишчи + лар, исла + ди, чиройли + роқ* ва б.

Шакл ясовчи қўшимчаларнинг синтактик муносабат ифодаламайдиган тури синтактик муносабат ифодалайдиган туридан олдин қўшилади: *ишчи-лар-га, исла-ма-ди, исла-япти* каби.

Демак, сўзда сўз ясовчи қўшимча, шакл ясовчи қўшимчанинг синтактик муносабат ифодаламайдиган ва бундай муносабатни ифодалайдиган тури қатнашгандა, уларнинг қўшилиш тартиби қўидагича бўлади: ўзак + сўз ясовчи қўшимча + синтактик муносабат ифодаламайдиган шакл ясовчи қўшимча + синтактик муносабат ифодалайдиган шакл ясовчи қўшимча: *иш + чи + лар + га, ис + ла + яп + ти*.

Ўзбек тилида қўшимчалар суффикс характеристида бўлади, яъни сўзда ўзакдан кейинги ўринда туради: *иш-чи, қиши-ла, куч-ли, мактаб-ни, бола-лар, исла-син, исла-т-яп-ман* каби. Лекин бошқа тиллардан кириб ўзлашиб қолган сўзларда ўзак олдига қўшилувчи қўшимчалар (префикслар) ҳам бор. Булар сўз ясовчилар доирасидагина учрайди: *сер-ҳаракат, сер-қатнов, сер-ташвиш; ба-кувват, бе-нуқсон, бе-ташвиш; антифашист, анти-демократия* каби.

Құшимчалар структура жиҳатидан содда ёки құшма бұлади. Масалан, *паҳтакор*, *паҳтадан* сұzlаридағи -кор ва -дан құшимчалари содда құшимчалардир. Демек, содда құшимчада, ҳозирги үзбек тили нұқтаи назаридан, маъноли қисмлар бұлмайды, у биргина маъноли қисмдан иборат бұлади.

Құшма құшимчалар ҳозирда мустақил құшимча сифатида құлланған оладиган икki ёки уңдан ортиқ құшимчанинг үзаро бирикиб, бир құшимча - бир морфема ҳолига келишидан туғилади. Масалан, *мұлчилик*, *одамгарчилик*. Ҳозирги үзбек тилида -чи, -лик ва -тар құшимчалари сұз ясаш учун хизмат қилади, яъни уларнинг ҳар бири алоҳида бир құшимчадир (*сув-чи*, *дұст-лик*, *зар-тар* каби). Лекин *мұлчилик*, *одамгарчилик* сұzlари таркибидағи -чилик ва -тарчилик құшимчалари яхлитлигича бир құшимча ҳисобланади (улар қисмларга ажралмайды). Чунки ҳозирги үзбек тилида *мұлчи*, *одамгар* ёки *одамгарчи* сұzlари йўқ. Демек, бирдан ортиқ аффиксал морфеманинг үзаро бирикиб бир бутун ҳолга келишидан ҳосил бўлган құшимча құшма құшимча дейилади.

Құшма құшимчалар вазифаси бир хил ёки вазифаси ҳар хил бўлган құшимчаларнинг бирикувидан ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, *серобгарчилик* сўзидағи -тарчилик учта сұз ясовчи құшимчанинг бирикишидан ҳосил бўлган. *Завқланмоқ* сўзидағи -лан құшимчаси бир сұз ясовчи (-ла) ва бир шакл ясовчи (даража ясовчи -и) құшимчанинг бирикишидан ҳосил бўлган. *Келмоқда* сўзидағи -моқда құшимчаси икки шакл ясовчи (-моқ ва -да) құшимчанинг бирикишидан ҳосил бўлган.

Құшимчаларда шакл ва маъно муносабати

Сўzlарда бўлганидек, құшимчаларда ҳам шакл ва маъно муносабати асосида омонимия, полисемия, синонимия каби ҳодисалар учрайди.

Аффиксал омонимия. Шаклан бир хил бўлиб, маъно жиҳатидан турлича туркумларга хос сұз ясовчи ва шакл ясовчи құшимча омоним құшимча дейилади. Улар шаклан бир хил бўлса ҳам, лекин маъно жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бошқа-бошқа құшимча ҳисобланади.

Аффиксал омонимия қўйидаги кўринишларга эга:

1. Сўз ясовчи қўшимчалар ўзаро омонимлик муносабатида бўлади. Сўз ясовчи қўшимчаларнинг бир сўз туркуми доирасида омонимлик ҳолатида бўлиши жуда кам учрайди. Бу ҳодиса кўпинча икки, баъзан уч сўз туркуми доирасида бўлади.

Сўз ясовчи қўшимчаларнинг омонимлик муносабатида бўлиши қўйидагича:

а) -к, -қ (-ик, -иқ, -ук, -оқ): *кўра-к*, *теш-ик*, *соч-иқ*, *ют-уқ*, *туз-оқ*, *ўр-оқ* (от); *эг-ик*, *син-иқ*, *қўрқ-оқ*, *юм-уқ* (сифат); *кўз-ик*, *кеч-ик*, *чин-иқ* (феъл) каби;

б) -ти (-ки, -қи); *супур-ти*, *чоп-қи*, *теп-ки* (от); *куз-ти*, *кеч-ки*, *қиши-ки* (сифат) каби;

в) -ин, -ун: *эк-ин*, *тут-ун*, *йир-ин* (от); *эрк-ин*, *яшир-ин* (сифат) каби;

г) -лик; *бола-лик*, *пахтачи-лик*, *яхши-лик* (от); *ҳафта-лик*, *кун-лик*, *туш-лик*, *бухоро-лик* (сифат);

д) -қин, -гин (-қун, -гун); *тош-қин*, *ён-гин*, *уч-қун* (от); *ёр-қин*, *оз-гин*, *тур-гун* (сифат) каби;

е) -дон: *туз-дон*, *кул-дон*, *қалам-дон* (от); *билим-дон*, *гап-дон*, *қадр-дон* (сифат) каби.

2. Сўз ясовчи қўшимча билан шакл ясовчи қўшимча омонимлик муносабатида бўлади:

а) -чак, -чоқ, -чиқ: *куюн-чак*, *мақтан-чоқ*, *сирган-чиқ* (сифат); *келин-чак*, *той-чоқ*, *қол-чиқ* (отнинг кичрайтиш -эркалаш шакли) каби;

б) -ча, -ларча, -лаб: *қисқа-ча*, *яширин-ча*, *дўст-ларча*, *мард-ларча*, *ой-лаб*, *йил-лаб* (равиш); *уй-ча*, *шаҳар-ча* (отнинг кичрайтиш шакли); *үн-ларча*, *юз-лаб*, *үн-лаб* (сон шакллари) каби;

в) -ма; *газла-ма*, *чилдир-ма*, *ўс-ма* (от) ва *яса-ма*, *туг-ма*, *қайнат-ма* (сифат); *кел-ма*, *ўқи-ма*, *бор-ма* (феълнинг бўлишсиз шакли) каби;

г) - (а)р: *кўк-ар*, *оқ-ар* (сифатдан феъл ясалган); *кел-ар*, *бор-ар*, *ёз-ар* (сифатдош шакли) каби;

д) -сиз: *сув-сиз*, *куч-сиз*, *поён-сиз* (сифат); *кела-сиз*, *ишлияп-сиз*, *ўқиган-сиз* (феълнинг шахс-сон шакли) каби;

е) -и, (а)й: *чанг-и*, *бой-и*, *тинч-и*, *куч-ай*, *кенг-ай* (феъл ясовчи); *қишлоқ-(г)-и*, *мактаб-и* (эгалик шакли); *бор-ай*, *кел-ай*, *ёз-ай* (феълнинг майл шакли).

3. Шакл ясовчи қўшимчалар ўзаро омонимлик муносабатида бўлади:

а) -(и)ш: оқ-иш, кўк-иш, сарг-иш (белгининг камлиги шакли); ўқи-ш, бор-иш, ёз-иш (харакат номи шакли); ёз-ишди, ишла-шди, кул-ишди (фөълнинг биргалик даражаси шакли) каби;

б) -м, -нг: ука-м, ота-м, ука-нг, ота-нг (эгалик шакли); келди-м, ўқиди-м, кедди-нг, ўқидинг (шахс-сон шакли) каби.

Бу каби омонимлик хусусиятига эга бўлган қўшимча омоморфема ҳам дейилади.

Аффиксал полисемия. Ясовчи аффикснинг бир туркумга хос бўлган хилма-хил маъноли сўз ясаш ҳодисаси аффиксал полисемия дейилади: торт-ма, бўл-ма, бостир-ма (жой оти); исит-ма, терла-ма, ёзиш-ма (мавҳум от); сур-ма, қатла-ма (нарса оти) каби. -ма қўшимчаси ёрдамида ясалган бу сўзларнинг ҳаммаси нарсалик маъносини англатади. Улар англатган маънодаги фарқ эса қўшимча орқали эмас, балки ясаш асоси орқали аниқланади. Шунинг учун бундай хусусиятга эга бўлган қўшимча полисемантик қўшимча, бундай тил ҳодисаси эса аффиксал полисемия дейилади.

Қўйидаги қўшимчалар полисемантик хусусиятга эга:

1) -ти, -ги (-ки, -қи): супур-ти, чоп-қи (нарса оти), сев-ти, сез-ти, кул-ти (мавҳум от) каби;

2) -лик: пахтачи-лик, пиллачи-лик, ўқитувчи-лик, учувчи-лик, адабиётшунос-лик, ўлкашунос-лик, жамиятшунос-лик (касб, хунар, соҳа оти); яхши-лик, манман-лик, бола-лик, ўсмир-лик, ёш-лик (белги, ҳолат номи); тепа-лик, жар-лик, паст-лик, дўнг-лик (жой, макон оти) каби.

Полисемантик қўшимча бир туркумга тегишли ҳар хил маъноли сўз ясашига қарамай бир неча қўшимча эмас, балки бир неча маъно англатган биргина қўшимча ҳисобланади.

Демак, қўшимчалардаги омонимия ва полисемия ҳодисалари қўшимчанинг қандай ясаш асосларига қўшилиши, ясама сўзнинг лексик ва грамматик маънолари кабиларга қараб аниқланади.

Аффиксал синонимия. Шаклан ҳар хил бўлиб, бир-бирига ўхшаш ёки жуда яқин маъно билдирувчи қўшимчча синоним қўшимча дейилади. Аффиксал синонимия, асосан, бир хил сўз туркуми доирасида содир бўлади.

Құшимчалардаги синонимия ҳодисаси бошқа-бошқа құшимчаларнинг сүз ясаш асосига құшилиши натижасыда юз беради. Масалан, *ўрин-сиз* ва *но-ўрин*, *гайрат-ли* ва *сергайрат*, *гул-ли* ва *гул-дор*.

Тилда синоним құшимчалар сүз ясовчиларнинг ўзаро ва шакл ясовчиларнинг ўзаро маънодош бўлиб келиши асосида (*ўзгар-т* ва *ўзгар-тир*, *тўл-дир* ва *тўл-тиз* каби), шунингдек, ўзбек тили құшимчалари билан бошқа тиллардан қабул қилинган құшимчаларнинг маънодошлик хусусиятига эга бўлиши натижасыда (*адабиёт-чи* ва *адабиёт-шунос*, *губор-сиз* ва *бе-губор* каби) келиб чиқади. Синоним құшимчаларнинг турли асосларга құшилиб сүз ясаш даражаси ҳам бир хил эмас. Жумладан, маҳсулдор -чи құшимчаси турли маъно англаттан шахс оти ясагани ҳолда, унинг синоними сифатида келган -шунос құшимчаси маълум асосларгагина құшилиб шундай отлар ясади. Шунингдек, -шунос құшимчаси құшилган барча асосларга -чи құшимчаси ҳам бир хилда құшила олмайди. Қиёсланг: *адабиёт-чи* ва *адабиёт-шунос*, *тарх-чи* ва *тарих-шунос*, лекин *бўёқ-чи*, *хизмат-чи* (-шунос құшимчасини қўшиб бўлмайди), *шарқ-шунос*, *тупроқ-шунос*, *ўлка-шунос* (-чи құшимчаси қўшилмайди).

Синонимия қўйидаги кўринишларга эга:

1. -чи құшимчаси тожик тилидан қабул қилинган -шунос, -кор, -каш каби құшимчалар билан синонимлик муносабатида бўлади: *тил-чи* ва *тил-шунос* *адабиёт-чи* ва *адабиёт-шунос*; қасос-чи – қасос-кор, чилдирма-чи – чилдирма-каш каби.

2. -ли құшимчаси тожик тилидан ўзлашган -кор, -дор, -ба, -сер каби ясовчилар билан синонимлик ҳолатида бўлади: *итоат-ли* ва *итоат-кор*, *байроқ-ли* ва *байроқ-дор*, *сув-ли* ва *сер-сув*, *ташвиш-ли* ва *сер-ташвиш*, *давлат-ли* ва *ба-давлат*, *тартиб-ли* ва *ба-тартиб* каби.

3. -сиз құшимчаси тожик тилидан кирган *бе-*, *но-* құшимчалари билан синонимлик муносабатда бўлади: *губор-сиз* ва *бе-губор*, *хабар-сиз* ва *бе-хабар*, *умид-сиз* ва *но-умид*, *ўрин-сиз* ва *но-ўрин* каби.

Сўзнинг морфема таркибидағи ўзгаришлар

Тилнинг бошқа ҳодисаларида бўлгани каби тарихий тараққиёт жараёнида сўзларнинг морфема таркиби ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, *айт* феъли ҳозирги тилда морфемаларга ажралмайди, лекин у аслида икки морфемадан ташкил топган бўлиб, қадимда унинг *ай* элементи ўзак бўлган (яъни ҳозирги *айтди* феъли қадимда *айди* шаклида бўлган). Демак, *т* элементи аслида шу ўзакка қўшилган аффиксал морфемадир: *ай-т* (*ай+ит*) – *айт*. Шунингдек, *арт* феъли ҳам *ари* ўзагидан ҳосил бўлган (*ари* йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ – кетмоқ). Масалан, *кўйлакнинг* *кири ариди*, *калла соглан жойдан ит аrimas* (мақол), *ари-т*. Бу ўринда *т* элементи орқали ўтимсиз феълдан ўтимли феъл ясалган. Солиширинг: *кир ариди* – *кирни аритди*. *чанг ариди* – *чангни аритди* (тозалади). Кўринадики, сўз таркибидағи бу ўзгаришда фонетик ҳодисанинг (*и* тушган) роли бор.

Одатда, сўзларни морфемаларга ажратишда, асосан, унинг адабий тилда англатган маънолари ва грамматик хусусиятлари ҳисобга олинади, яъни сўзларнинг туб – ясамалиги уларнинг ҳозирги кунда қандай ўқилишига қараб белгиланади. Баъзи сўзлар қадимда ясалган бўлса ҳам, бора-бора турли сабаблар натижасида уларнинг бу ҳолати йўқолган. Яъни уларнинг ясалганлиги сезилмай қолиб, улар ажралмас бир сўзга айланган. Масалан, ясама сўз туб сўзга айланган *кўрпача* (аслида *кўрпа-ча*); *кўмир* (аслида *кўм-ир* ёки *куй-мир* – *куядиган*, *ёнадиган*) яхши (алида ёқмоқ феълидан), *чақирим* (аслида *чақир-им*).

Сўзнинг морфем таркибидағи бу тарихий ўзгариш яъни бир неча қисмли сўзнинг ажралмас бир бўлакка айланиши соддаланиш дейилади.

Соддаланиш натижасида ясама сўз туб сўзга айланади, морфемаларнинг сони камаяди. Соддаланиш ҳодисаси қўшимчаларда ҳам учрайди. Масалан, феъл ясовчи *-да* (тарихий) (аслида *-ла* қўшимчасининг варианти) ва от ясовчи (кенг маънода) *-ш* қўшимчаларининг бирикувидан (*да-ш*, *дош*) ҳосил бўлган. Бу қўшма қўшимча кейинчалик тарихий тараққиёт натижасида маълум сабаблар билан бир содда қўшимчага айланган (*қўл-даш* – *қўлдош*; *йўл-дош*, *саф-*

дош, қурол-дош) каби. Бундай соддаланиш қүшма сұзларда ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, *тог олча* (асли *тог+олуча*); *саксон* асли (*саккиз+үн*) *түқсон* (асли *түққиз үн*); *одамови* (асли *одам+йови*); *Шовот* (асли *Шоҳ Обод*); *Шоббоз* (шоҳ Аббос); *босвонди* - *қовун тури* (*босиб олди*). Соддаланиш ҳодисасининг қўйидаги сабаблари мавжуд:

1. **Фонетик сабаб.** Сўз структурасида юз берган фонетик ҳодиса сабабли ўзак морфема билан аффиксал морфема ўртасидаги алоқа сезиларсиз ҳолга келади. Масалан, қаттиқ сўзи аслида қот (*қотмоқ*) ўзагига -иқ қўшимчасининг қўшилишидан ясалган. Аммо қот ва қаттиқ сўзларида о ва а товушлари орасидаги фарқ, шунингдек, қаттиқ сўзида бир т товушининг ортирилиши бу сўзниг қот сўзидағи алоқасини сезиларсиз ҳолга келтириб қўйган. Натижада қаттиқ сўзи морфемаларга ажralмайдиган бўлиб қолган. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилидаги *совчи* сўзи -чи қўшимчаси орқали сав сўзидан (*сав ўгузча «сўз» демакдир*) ясалган бўлиб, товуш ўзгариши (а-о) ва маъно тараққиёти натижасида туб сўз ҳолига келиб қолган. Яна мисоллар: *бу кун* – *бугун*, *сез-сесканмоқ*, *терс-тескари*, *паст-ай-пасаймоқ*, *суст-ай-сусаймоқ* ва бошқалар.

2. **Грамматик сабаб.** Сўз таркибида юз берган грамматик ўзгариш сабабли ёрдамчи сўз қўшимчага айланади ёки бирдан ортиқ шакл ясовчи қўшимчалар бир қўшимча ҳолига келиб қолади. Масалан, *боряпти*, *ишляпти* сўзларидағи -яп қўшимчаси аслида ёт кўмакчи феълининг равищдош шаклидан келиб чиққан. Солиширинг: ўқиб ётиди - *ўқияпти*, -*ётиб//йатип* -яп, *ишлаб ётиди* – *ишляпти*; шунингдек, *укамники*, *мактабники* сўзларидағи -ники қўшимчаси тарихан мустақил -ни ва -ки қўшимчаларидан иборат бўлган.

3. **Лексик – семантик сабаб.** Сўз таркибидаги семантик алоқанинг йўқолганлиги сабабли ўзакнинг маъноси билан ундан ясалиб чиққан сўзниг маъноси орасидаги боғланиш йўқолади. Масалан, *қишлоқ* (аслида *қиши+ла+қ-*) аслида қишиланадиган жой); *юрак* (юр-ак: «доим юриб турадиган»; *шолча* (шол билан шолча маънолари бугунги кунда боғланмайди); *личоқ* (лич-бич ўзагидан, «кесадиган» бич сўзи қадимда умуман кесиш маъносида қўлланган); *овлоқ*

(ов + ла-қ аслида «ов қиладиган жой») маъноларида қўлланган: бош-бошоқ, қол-қолчиқ сўзлари ҳам шундай.

Морфологик қайта бўлиниш

Сўзниг морфемаларга бўлиниши, морфемалар орасида чегара – ажралиш ўрни тарихий тараққиёт натижасида ўзгариши ҳам мумкин. Масалан, улар олмоши ҳозирги тиlda у-лар шаклида ажралади, лекин бу қўшимчанинг бошидағи -л товуши аслида ўзакницидир. У олмоши аслида ул шаклида бўлган. Демак, бу сўз ул-ар – улар шаклига ўтган бўлиб, ўзакнинг бир товуши қўшимчага ўтган, ўзак морфема қисқарган, аффиксал морфема кенгайган (солиштиринг: ул + нинг; ул + ни, ул-га, ул-да, ул-дан ва бошқалар).

Сўзниг морфемаларга ажралишидаги бундай тарихий ўзгариш – сўз таркибидаги морфемаларнинг таркибидаги ажралиш чегарасининг ўзгариши – морфологик қайта бўлиниш дейилади.

Морфологик қайта бўлиниш фонетик ҳодиса билан ҳам боғлиқ. Яъни бир морфеманинг қўшимча қўшилиши билан фонетик жиҳатдан бошқа тусга кириши натижасида сўзлар 2 хил вариантда бўлиб, бирининг бошқасидан туғилишини кўрсатади. Масалан, сана – саноқ, этак-этаги, курак-кураги, қишлоқ-қишлоғи, йўналиш-жўналиш каби.

Морфология билан боғлиқ бўлган товуш ҳодисалари, ҳозирги даврда, тилшуносликдаги маҳсус таълимот сифатида *морфонологияда* (фономорфонология) ўрганилади. Морфология сўздаги маъноли элементларни, сўзниг лексик-грамматик томонларини текширса, морфонология эса буларнинг (морфема ва сўзларнинг) фонологик жиҳатдан шаклланишидаги қонуниятларни белгилайди: уларнинг фонетик қиёфаси, морфемаларнинг қўшилишида, сўз таркибида учрайдиган фонетик вариантлар, морфемаларнинг чегарасида ва қўшилаётган морфемаларнинг ўз ичида, қўшилиш натижасида бўладиган фонетик ҳодисаларни текширади: бундай ҳодисалар қуйидаги кўринишларда бўлади: *багир-багри, буюр-буйруқ, тани-танув, йўқ-йўғи, кўнгил-кўнгли, қишлоқ-қишлоғи, айир-айрим*.

Сўздаги фонетик ўзгаришлар яна қуйидаги ҳолатларда содир бўлади.

1. Товуш алмашиниши натижасида: а) унлиларнинг алмашиниши: *а - о*(ишила - ишлов, қишила-қишлиов, сўрасурок);

2. Унлиниг чўзилиши: *о-о* (*жон - жо:н, мадор-мадо:рим, ёр - ё:рим*);

3. Товушларнинг тушиши: 1) -унлиларнинг тушиши: (*буйур-бўйруқ, улуг-улкан, сариқ-саргай, ўйин-ўйна, ўрин-ўрни*); 2) ундошларнинг тушиши: (*қочқоқ-қочоқ, қайерда?-қаерда?, пастай-пасай, тупурук-тупук*) каби.

4. Товушларнинг иккиланиши: (*иси-иссиқ, саси-сассиқ, маза-мазза, бошига-бошига, ачи-аччиқ*).

5. Товуш орттириш: (*хато-хатойинг, имзо-имзойинг, парво-парвойинг, сингли-синглиси*) каби..

6. Товушларнинг ўрин алмашиниши: (*ёғ-мур-ёмғир, тупроқ-турпоқ, тўтра-тўрга, ўхшайди-ўшҳайди (шевада), супра-сурпа*).

Сўзнинг тузилишига кўра турлари

Сўзлар тузилиши жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади: 1) содда сўзлар; 2) қўшма сўзлар; 3) жуфт сўзлар; 4) такрорий сўзлар; 5) қисқартма сўзлар.

1. Таркибида битта ўзак морфемаси бўлган сўз *содда сўз* дейилади. Масалан, *иш, ишила, ишчи, ишчан, китоб, китоблар, китобга, китобни, китобнинг* каби.

Содда сўз туб ва ясама бўлади. Таркибида сўз ясовчи қўшимча бўлмаган сўз туб сўз дейилади. Масалан, *пахтанинг, пахтадан, дараҳт, дараҳтлар, шаҳар, шаҳарлар, шаҳарнинг* ва бошқалар.

Таркибида ясовчи қўшимча қатнашган сўзлар *ясама сўз* дейилади. Масалан, *пахтазор, олмазор, дўстлик, ишила, оқла, курсдош, чиройли, билимли* ва бошқалар.

2. Грамматик тобелик муносабатлари асосида бириккан ёки бу муносабат аниқ англашилмайдиган икки ёки ундан ортиқ сўз ёки сўз шакллардан ташкил топиб бир ургуга бирлашадиган ва бир тушунчани ифодалайдиган сўз *қўшма сўз* дейилади: *белбог, меҳмондўст, ер ёнгоқ, бешқайрагоч, уч бурчак, раҳмдил, соҳибжамол, ўзбилармон* ва бошқалар.

Қўшма сўзларнинг лексик ва грамматик маънолари айрим ҳолда ҳам, бутунликка нисбатан ҳам изоҳланиши

мумкин бўлган, айрим мустақил тушунчаларга осонлик билан ажralувчи битта мураккаб тушунчани ифодалайдиган ва гапда бигта гап бўлаги вазифасида кела оладиган мураккаб сўз деб номланувчи тури ҳам мавжуд. Масалан, *жигар ранг*, *тўқ қизил*, *бир юз тўқсон беш*, *қўл қўлқоп*, *ўқиб чиқмоқ* ва бошқалар.

3. Икки сўзни тенг грамматик муносабатлар асосида ёнма-ён келтириш ёки бир сўзни такрорлашдан тузилган сўз жуфт сўз дейилади. Масалан, *тог-тош*, *ота-она*, *уй-рўзгор*, *қовун-тарвуз*, *гўшт-ёғ*, *ошна-огайни*, *аста-секин*, *уч-тўрт*, *беш-олти*, *бориш-келиш*, *ака-ука*, *тун-кун* ва бошқалар.

4. Сўзни такрорлаш орқали ҳосил қилинган янги шаклдаги сўз *такрор* сўз дейилади. Такрор икки хил бўлади: 1) тўла такрор – *кatta-кatta*, *баланд-баланд*, *қатор-қатор*, *ким-ким*, *шу-шу*, *қоп-қоп*, *тог-тог*, *машина-машина* каби; 2) қисқа такрор – *кап-кatta*, *ям-яшил*, *кўм-кўк*, *бўм-бўш*, *сув-пув*, *чой-пой*, *нон-пон* ва бошқалар.

5. Нутқда ихчамлика эришиш мақсадида тургун сўз бирикмаларини турли хил усуллар билан қисқартириш натижасида ҳосил қилинган сўз қисқартма сўз дейилади. Қисқартма сўзлар сўзларнинг бош товушларидан ГЭС, БМТ, АҚШ, ХХР; ТДГУ, биринчи сўзнинг бош қисми, кейинги сўзларнинг эса биринчи товушларидан (ТошибИ, ЎзМУ, ЎзА); сўзларнинг бош қисмларидан (Тошунивермаг, Ўздавнашр) ҳосил қилинади.

СЎЗ ЯСАЛИШИ

Ҳар бир тилнинг сўзлари, лексикаси доим ҳаракатда бўлиб, натижада, унинг таркиби турли туман ўзгаришларга учрайди: баъзи сўзлар эскириб, фаол қўлланишдан чиқади, ёки қўлланиши чегараланиб, бора-бора истеъмолдан қолади; янги сўзлар пайдо бўлиб, улар лексикани тўлдиради; айрим сўзларнинг маъноларида ўзгариш юз беради ва бошқалар.

Лексикадаги тараққиётнинг энг асосий йўллари бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ва сўз ясашдир.

Сўз ўзлаштириш деганда бир тилдан иккинчи бир тилга бевосита лексема олиш тушунилади. Сўз ўзлаштириш сўз ясашга нисбатан анча фаол ҳисобланади, чунки сўз

ўзлаштириш сўз ясашга нисбатан осон кечади. Сўз ўзлаштиришнинг қонун-қоидалари тилшунослик нинг лексикология бўлимида ўрганилади. Сўз ясалиши эса тилшуносликнинг алоҳида бўлими бўлиб, у икки хил маънода қўлланади: 1) умуман янги лексик маъноли сўз ҳосил қилиш; 2) тилшуносликнинг сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганувчи бўлимини билдиради.

Сўз ясалиши, умуман, қандай усул, қандай восита билан бўлмасин янги лексик маъноли сўз ҳосил қилишдир. Масалан, *иш-чи* (-чи қўшимчаси билан ясалган), *гулбеор* (2 ясовчи асосларнинг бирикувидан ясалган) ва бошқалар.

Сўз ясалиши тилшуносликнинг айрим бир бўлими сифатида сўзларнинг ясалишини (ясама сўз), янги лексик бирлик ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, воситаларини, сўз ясалиши структурасини (таркибини) текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир.

Сўзни лексикология ҳам, грамматика ҳам текширади. Лекин бу икки хил текшириш бир-биридан маълум белгилари билан фарқ қиласди. Лексикология сўзнинг семантик структураси, уларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларини, сўзларнинг ўз ёки ўзлаштан сўз эканини, сўзларнинг эмоционал-экспресив бўёқقا эга бўлиши каби масалаларни ўрганади. Грамматика эса сўзнинг шаклан ўзгаришларини, сўз қўшилишининг, сўз бирикмаларининг турли кўринишларини, гап ва унинг турларини ўрганади. Демак, сўз ясалишининг ўз объекти бор.

Ҳозирги ўзбек тилида ясама сўзлар миқдори лутат бойлигининг катта қисмини ташкил қиласди. Бу ясалмалар ҳосил бўлишига кўра тарихий (диахрон) ва ҳозирги (синхрон) ясалишга алоқадор бўлиши мумкин. Суз ясалишининг таҳлилида бу икки ҳодисани фарқлаш лозим.

Сўз ясалиши ҳозирги (синхрон) аспектта таянади. Бунда тил таракқиётининг маълум бир даври кўзда тутилади. Масалан, ҳозирги замон ўзбек тили. Бунда ясама сўзнинг қисмлари ўтасидаги муносабат жонли бўлади, яъни сўзнинг маъносини қисмларнинг маъно муносабати билан асослаш мумкин бўлади. Масалан, *ўр + им, тер + им, темир+чи, доира+чи, билим+чи, ақл+чи, рандатла*, эговча ва бошқалар.

Тарихий (диахрон) ясалишда эса ясама сўзнинг маъноси ва шу маънонинг ифодаланиш усулини қисмларнинг маъно муносабатлари орқали асослаб бўлмайди. Бу маъно маҳсус текширишлар орқали аниқланади. Масалан, *ўт+лоқ*, *тош+лоқ*, *қум+лоқ*, *қишиш+лоқ*, *ов+лоқ* сўzlари кўринишидан ўхшашиб. Буларнинг ҳаммаси аслида ўрин маъносини ифодаловчи *-лоқ* қўшимчаси орқали ясалган. Аммо дастлабки уч сўз ясама саналиб, морфемаларга ажралади (*ўтлоқ* - *ўти*, *ўт кўп жой*, *тошлоқ* - *тошли*, *тош кўп жой*, *қумлоқ-қумли*, *қум кўп жой*). Кейинги иккитаси (*қишлоқ*, *овлоқ*) бундай қисмларга ажралмайди, чунки буларда қисмларнинг семантик муносабати сезилмайдиган бўлиб қолган. Яъни *қишлоқ* сўзи фасл билдирувчи *қишиш* сўзи билан боғланмайди (*қишиш-ла-қ* «*қишишда яшайдиган жой*»), *овлоқ* сўзи энди «*ов жойи*, *ов қилинадиган жой*» маъносида эмас, балки маъноси ўзгариб «*хилват жой*» деган маънони билдиради.

Ҳозирги (синхрон) сўз ясалишида камидаги иккита ясовчи компонент (қисм) қатнашади. Булардан ҳеч бўлмагандаги биттаси мустақил маъноли (нарса, белги, ҳаракат ва ш.к.) бўлади. Ясама сўзни юзага келтирувчи бу қисмлар **ясовчилар**, уларнинг ўзаро муносабатидан (бирикишидан) ҳосил бўлган бирлик **ясалма** (ясама сўз) дейилади.

Ясалманинг юзага келишида қатнашувчи мустақил маъноли қисм **ясовчи асос** (ясалманинг асоси) ҳисобланади. Бундай асос содда ясама сўзда битта, қўшма сўзда бирдан ортиқ бўлади: *ишчи*: *иш* - ясовчи асос, *-чи* - ясовчи қўшимча, *ишчи* - ясалма; *тошкўмир*: ясовчи асос - *тош* ва *кўмир*, *тошкўмир* - ясалма.

Ясама сўз қуидаги қонуниятларга асосланади.

1. Агар сўз таркибида, икки ясовчи қисм қатнашмаса, гарчи бу сўз таркибида ясовчи қўшимча ёки мустақил маъноли қисм бўлса-да, шунингдек, сўзнинг маъноси билан сўз ясалишининг маълум типи ўртасида алоқадорлик сезилса-да, бу сўз ясама сўз бўла олмайди. Масалан, қаттиқ *юмшоқ*, *силлиқ* сўzlарига эътибор беринг. Булардан *юмшоқ* сўзи *юмша* феълига *-қ* қўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлганини сезиш қийин эмас (-қ қўшимчасининг таъсирида феъл охиридаги а товуши о товушига ўтган: *юмша+қ* - *юмшоқ*). Шунингдек, *юмшоқ* сўзи билдирган маънони *юмша* ва *-қ* ясовчилари маъноси билан асослаш мумкин: *-қ*

қўшимчаси нарсанинг феъл англатган ҳаракат натижаси сифатидаги белгисини билдиради: *йиг-иқ*, *қис-иқ*, *ёп-иқ*, *йирт-иқ* каби.

Қаттиқ сўзи ҳам аслида худди *юмшоқ* сўзи типида ясалган. Буни *юмшоқ* сўзи билдирган маънонинг *юмшаш* ҳаракати билан боғлиқлиги, қаттиқ сўзи билдирган маънонинг қотиш ҳаракати билан боғлиқлигидан ва иккаласида ҳам бир қўшимчанинг мавжудлигидан сезиб олиш мумкин. Лекин юз берган фонетик ўзгариш қаттиқ сўзниң қот феъли билан боғланишини жуда хиравлаштириб, сезилмас даражага келтириб қўйган. Шунинг учун бу сўзни қисмларга ажратиб бўлмайди.

Силлиқ сўзи ҳам шу типда ясалган. Лекин ясамалилик бу сўзда деярли сезилмайди. Чунки ҳозирги ўзбек тилида «сатҳини равон қилиш» маъносидаги *сили* (ёки «сил») феъли йўқ.

Демак, ҳозирги сўз ясалиши нуқтаи назаридан *юмшоқ*, *илиқ*, *ўсиқ* кабилар ясама сўз. Лекин *суюқ*, *силлиқ*, *қуюқ* сўzlари ясама сўз эмас.

2. Баъзи сўzlarda аффикс қисми борлиги сезилиб туради, ҳатто, уни бошқа қўшимча билан алмаштириш ҳам мумкин. Бу ҳол мазкур сўзниң аслида ясама бўлганини жуда аниқ кўрсатади: *тириқ*, *тирил*. Лекин буларда ҳам мустақил маъноли қисм (ясовчи асос) бўлгани билан уларни ясама сўз ҳисоблаб бўлмайди.

Хуллас, у ёки бу сўзниң таркибида сўз ясовчи қўшимча бўлса, ҳатто бу аффикс бир неча сўzlар таркибида учраса ҳам, лекин сўз таркибида мустақил маъноли компонент (ясовчи асос) қатнашмаса, бундай сўzlарни ясама сўз деб бўлмайди. Уларнинг ясамалиги ё тарихий нуқтаи назардан ёки бошқа тил нуқтаи назаридан бўлади. Масалан, *говла*, *эмакла*, *ўдагайла*, *тарашла* сўzlаридаги *-ла* аффиксининг феъл ясовчи аффикслиги аниқ. Демак, бу сўzlар тарихан ясама феъл. *Машинист*, *эгоист*, *майший*, *моддий*, *сиёсий* сўzlардаги *-ист*, *-ий* ҳам сўз ясовчи аффикс. Лекин буларда ҳам мустақил маъноли компонент (ясовчи асос) йўқ, шунинг учун ясовчи қисмларга бўлинмайди. Демак, ясама сўз эмас. Буларнинг ясама сўз экани қайси тилдан ўзлашган бўлса, ўша тил нуқтаи назаридангина бўлиши мумкин.

3. Бирор сўз таркибида мустақил маъноли қисм бўлса ҳам, лекин ундан қолган қисмнинг маъно ва вазифаси шу сўз доирасида уқилмаслиги (билинмаслиги) мумкин: *кўчманчи, тиқмачоқ, бўғиз, белдамча, зарурат, пўстлоқ, қулоқчин, қолдиқ, босқич, шахсият, шодиёна, қўналга, бирор* (бирон) ва б. Буларда ҳам мустақил маъноли компонент борлиги сезилиб турса-да, лекин ундан қолган қисмнинг сўз ясовчи экани сезилмайди, шунинг учун бундай сўзлар ҳам ҳозирги сўз ясалиши нуқтаи назаридан ясама сўз ҳисобланмайди, ясовчи компонентларга бўлинмайди.

4. Баъзи сўзлар таркибида мустақил маъноли қисм ва ясовчи аффикс борлиги сезилса-да, бу сўзнинг маъносини унинг қисмлари маъноси билан асослаб, изоҳлаб бўлмайди: *беозор, оқлиқ, шолча, қиплоқ, овлоқ* кабилар. Бундай сўзларни ҳам ҳозирги сўз ясалиши нуқтаи назаридан ясама сўз деб бўлмайди.

Демак, маълум бир сўзнинг таркибида мустақил маъноли қисм ёки ясовчи аффикснинг, ёки ҳар иккисининг борлиги сезилиб турса-да, лекин бу сўзнинг маъносини ажралиши мумкиндеқ кўринган қисмлари маъноси билан асослаб бўлмаса, бундай сўз ҳозирги сўз ясалишига кирмайди. Бундай сўзлар ясовчи қисмларга бўлинмайди (буларда ясовчи асос + ясовчи аффикс ёки ясовчи асос + ясовчи асос ҳолати бўлмайди), уларда соддалашиш юз берган.

Хуллас, ҳозирги сўз ясалишида икки ясовчи компонентнинг қатниашуви, булардан эса камида биттаси мустақил маъноли бўлиши шарт. Ясама сўзнинг (ясалманинг) маъноси ана шу ясовчи компонентларнинг маъно муносабатига асосланган бўлади: *тер + им; тер – ясовчи асос, -им – ясовчи аффикс; белбог + ли: белбог – ясовчи асос, -ли ясовчи аффикс* ва б.

Ўзбек тилида сўз ясалиши усуслари

Ўзбек тилида сўз ясашнинг воситалари ҳар хил бўлиб, унинг турлари шундай кўринишларга эга: 1) фонетик усул; 2) семантик усул; 3) аффиксация (морфологик) усули; 4) композиция (синтактик) усули.

1. **Фонетик усул.** Бу усул билан сўз ясаш 2 ҳодисани кўзда тутади: 1. Сўзнинг таркибида фонетик ўзгариш (товуш

ўзгариши) қилиш орқали янги сўз ҳосил қилиш. Масалан, *бўр-бўз*, *тог-тош*, *кўз-кўрмоқ*, *тош-тиш* (қаттиқлик белгиси асосида).

2. Ургунинг ўрнини ўзгартириш билан янги сўз ясаш. Масалан, *янги* (сифат), *янги* (равиш), *ҳозир* (равиш) – *ҳозир* (тайёр), *тутма* (от), *тутма* (феъл), *академик* (унвон) – *академик* (нашр тури).

Семантик усул. Лексик – семантик йўл билан сўз ясаш сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши орқали янги маъноли сўзниң юзага келишидир.

Семантик ёки лексик-семантик усул ёрдамида сўз ясаш тарихий тараққиёт жараёнида тилдаги айрим маънолар орасидаги бодланишларнинг йўқолиб кетиши, сўзниң айрим шаклларида янги лексик маънонинг юзага келиши каби ҳодисалар билан бодлиқ. Бундай ҳодиса тилнинг кўп йиллар давомида ривожланиши натижасида аста-секин юзага келади. Масалан, *юпқа* (қалин эмас) (*юпқа* қоғоз -сифат)-*юпқа* -овқатнинг номи (от); *кўк* (ранг) – *кўк* (осмон) *кўк* (резавор), *кўк* (тикишнинг бир тури); *кун* (сутканинг бир қисм) – *кун* (қуёш, планета).

Семантик усул билан ясалган сўзлар бир туркум доирасида (*кўк* (осмон) *кўк* (резавор)) от ҳамда бошқа – бошқа сўз туркумларига тегишли бўлиши мумкин: *юпқа*-сифат, *юпқа* – от каби.

3. Композиция усули. Композиция йўли билан сўз ясаш бирдан ортиқ ясовчи асосни маъно ва мазмун жиҳатидан бириктириб, янги лексик бирлик – қўшма сўз ҳосил қилишдир. Қўшма сўзниң содда сўздан фарқи шундаки, содда сўзда мустақил маъноли қисм битта. Қўшма сўзда эса биттадан ортиқ бўлади. Сўз ясашнинг бу тури ўзбек тилида энг фаол усулларидан ҳисобланади. Масалан, *гулбеор*, *ер ёнгоқ*, *учбурчак* каби. Қўшма сўз бир бутун лексик маъно – бир мураккаб тушунча ва яхлит шаклланиш – грамматик тушунчанинг ҳам яхлитлиги, фонетик бутунлик билан характерланади. Демак, у бир сўздир. Қўшма сўзниң қисмлари орасида грамматик алоқа бўлмайди. Аммо семантик алоқа бор. У ҳар қандай сўз бирикмасида, гапда бир синтактик вазифа бажаради. Қўшма сўзниң асосий қисми икки компонентдан иборат бўлади. Қўшма сўзлар от, сифат, сон, равиш ва қисман феълларда кенг тарқалган.

Масалан: оққуш, учбурчак, уртуқмоқ, белбог, билакузук (от); меҳмондўст, шифобахш, жигар ранг (сифат); қарор қилмоқ, адо этмоқ, қўл қўймоқ (феъл); ҳечқачон, бир лаҳза, бир зум, бир нафас (равиш).

Агар икки ёки ундан ортиқ мустақил маъноли морфемадан ташкил топган қўшма сўзниңг бирор компоненти (морфемаси) ҳозирги ўзбек тилида мустақил маъносини йўқотган бўлса, бу қўшма сўз қўшма сўзлик хусусиятини йўқотади – содда сўзга айланади. Шунингдек, мустақил сўз билан кўмакчи (асосан кўмакчи феъл) сўзниңг бирикуви ҳам қўшма сўз эмас. Бундай қўшилмалар аналитик шакл дейилади. Масалан, қалам билан, укам учун, ўқиб чиқмоқ, ёза бошлимоқ, кўриб қолмоқ, бериб келмоқ каби (Бу ҳақда феълниңг аналитик шакли қисмига қаранг). Шунингдек, кечқурун, зараркунанда, одамшаванда, дардисар, астойдил каби сўzlар аслида қўшма сўз бўлган бўлса ҳам, ҳозирда содда сўз ҳисобланади.

Қўшма сўз билан сўз бирикмасининг шаклан ўхшаш томонлари бор. Аммо улар орасида фарқ бор. Улар қўйидагилар:

а) қўшма сўзниңг компонентлари морфема, сўз бирикмасининг қисмлари эса сўз бўлади;

б) қўшма сўзниңг қисмлари яхлитлигича бир лексик маъно ифодалайди, сўз бирикмасининг қисмлари алоҳида лексик маъно ифодалайди;

в) қўшма сўзниңг қисмлари орасида синтактик алоқа бўлмайди, сўз бирикмасининг қисмлари орасида синтактик алоқа бўлади (туяқуш, ойболта, хушфеъл), қўзиқорин, қушқаноти, ой ёргути, асалари уяси, қора фортфелли (йигит), чуст дўппили (бола), ўн қаватли (бино):

г) қўшма сўз қисмлари ўз мустақиллигини (қисман ёки тўлалигича) йўқотади, сўз бирикмасининг қисмлари эса ўз мустақиллигини сақладайди;

д) қўшма сўз қисмлари яхлит бир саволга жавоб бўлади, сўз бирикмаси қисмлари алоҳида саволга жавоб бўлади ва бир гап бўлаги вазифасида келади.

Даврлар ўтиши билан маълум типдаги сўз бирикмалари бир сўзга (қўшма сўзга) айланиши мумкин. Бунда сўз бирикмаси бир маъно – лексик маъно ифодалайдиган бўлиб қолади, бирикма қисмлари орасидаги синтактик алоқа йўқолади. Натижада аслида сўз бирикмаси бўлган бирлик қўшма сўзга айланади. Бу жараён тилшуносликда синтактик-

лексик усул билан сўз ясалини деб юритилади. Масалан, *қашқаргул*, *токқайчи*, *мингбоши*, *юрт боши*, *енгил табиат*, *кала фаҳм*, ўзбилармонлик барибир (бари-эга – бир- кесим). Синтактик – лексик усул билан сўз ясаш тарихий (диахроник) ясалиш ҳисобланади.

Аффиксация усули. Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясалишининг кенг қўлланиладиган энг унумли, етакчи тури аффиксация усулидир. Асосга қўшилиб, шу асоснинг маъноси билан боғлиқ бўлган, аммо янги бир лексик маънодаги сўз ҳосил қилишда иштирок этадиган аффикс сўз ясовчи аффикс (қўшимча) дейилади. Янги лексик маъноли сўз ҳосил қилишнинг етакчи воситаси бўлган аффиксация ўзбек тилида суффиксация характеристида бўлади, яъни ясовчи қўшимчалар ясовчи асоснинг охирига қўшилади. Масалан, *теримчи*, *олмазор*, *тил + шунос*, *оқ + ла*, *иш + ла*, *бил + им + ли*, *интизомли* каби. Қисман сўз ясашда бошқа тиллардан (асосан тожик тилидан) кирган олд қўшимчалар (префикслар) ҳам қўлланади. Масалан, *ба + қувват*, *бар + вақт*, *бе + баҳо*, *но + ўрин*, *бе + ўхшов*, *бе + вафо*, *сер + ҳосил* каби. Бундай ясалиш асосан сифат туркумида учрайди.

Сўз ясовчи қўшимчалар кўпинча бир туркумдаги сўздан бошқа бир туркумга кирадиган янги сўз ясади. Масалан, *ёз*, *қиши* – от, *ёзги*, *қишки* – равиш; *иш*, *арра* – от, *ишла*, *аррала-феъл*, *оқ*, *яхши-сифат*, *оқла*, *яхшила* – феъл; *супур*, *ўр* феъл, аммо, *супурги*, *ўроқ* от каби.

Баъзан сўз ясовчи аффикс бир туркумнинг ўзига хос бўлган сўз ясами мумкин. Бу кўпроқ от туркумига хос. Масалан, *иш* – *иш + чи*, *темир-темир + чи*, *арава-арава + каш* (соз); *қум-қум + лоқ*, *тош-тош + лоқ*, *ўрик-ўрик + зор*, *тил-тил + шунос*, *адабиёт-адабиётшунос*, ўзбек-Ўзбекистон каби.

Сўз ясовчи аффикслар нутқда қўлланиши даражасига кўра унумли, кам унум ва унумсиз аффиксларга бўлинади.

Кўплаб янги сўзлар ясаш учун хизмат қиладиган аффикс **унумли ясовчи** дейилади. Масалан, (*иш*)-чи, (*хизмат*)-чи, (*ов*)-чи, (*аъло*)-чи, (*мосла*)-ма, (*қайнат*)-ма, (*яса*)-ма, (*кўргаз*)-ма, (*тинч*)-лик, (*яхши*)-лик, (*катта*)-лик, (*кул*)-ги, (*турт*)-ки, (*супур*)-ги, (*қиши*)-ки, (*иш*)-ла, (*арра*)-ла, (*оқ*)-ла, (*бош*)-ла, (*яхши*)-ла, (*тараш*)-ла каби.

Сўз ясашда кам қатнашадиган аффикс *кам унум ясовчи* дейилади. Масалан, *(ур)-оқ, (таро)-қ, (бон)-оқ, (мехнат)-каш, (арава)-каш, (суз)-гич, (кир)-гич, (йиг)-им, (мусобақа)-дош, (қовур)-ма* каби.

Ҳозир янги бирлик ҳосил қилмайдиган аффикс *унумсиз ясовчи* дейилади. Унумсиз аффикслар одатда бир неча сўздагина мавжуд бўлади. Масалан, *(коп)-агон, (чоп)-агон, (сез)-гир, (кес)-кир, (иш)-чан, (уят)-чан, (сан)-а, (той)-чоқ, (кес)-кин*.

Аффиксоидлар. Аффиксларнинг тугилишида шундай ҳол ҳам учрайди: баъзи сўзлар аффикс функциясини бажариб, эргаш морфемага яқинлаша бошлаган бўлса ҳам, ҳали аффиксга айланиб етмаган бўлади. Булар аффиксоид саналади. Масалан, *бу уйда тўрт хона бор – биз ишхонага бордик*. Кўринаники, *хона* элементи ўрни билан сўз бўлиб ҳам қўлланади, аффикс бўлиб ҳам қўлланади (кейинги ҳолда ўрин билдирадиган аффиксга жуда яқин келади). У бир ўринда ўзак морфема, бошқа ўринда – эргаш морфема вазифасида келади: *молхона, музхона* (чогиширинг: музлик); *сомонхона* (*утинхона, мактабхона* (шеваларда: мактаб сўзидағи –ма элементининг ўрин маъноси ўзбек тилида уқилмайди: *бу структура ўзбек тилига ёт, шунинг учун –хона морфемаси қўшилган*), *сартарошхона* қиёсланг: (*сартарошлиқ*). Жон элементи ҳам шундай: *жоним отам = отажоним, жон қизлар = қизларжон, жон болам = жоним болам, болажоним, жонгинам = болажонгинам* каби. Ўзбек тилида аффиксоидлар (улар сўз-аффикс=сўз деб ҳам юритилади) кам учрайди.

Сўз ясалиш структураси

Сўзниң ясалиш структураси (таркиби) сўзниң морфем структурасидан ҳам, сўзниң морфологик структурасидан ҳам фарқ қиласи.

Сўзни морфем структурасига кўра таҳлил қилинганда унинг (сўзниң) умуман таркиби-морфемалари-маъноли қисмлари аниқланади. Масалан, *тер-им + чи + лар, ўқи + т-увчи + лик-ни, пахта + зор-лар-нинг* каби.

Сўзниң морфологик структураси таҳлил қилинганда эса, унинг (сўзниң) шакл ясаш асоси ва шакл ясовчи восита

ажратилади. Бу воситалар сўз таркибида эса иккатадан ошмайди: *шакл ясовчи асос*, *шакл ясовчи аффикс*. Масалан, *пахтакорларнинг сўзининг пахтакорлар шакл ясовчи асоси – нинг* шакл ясовчи аффикси, *пахтакорлар сўзининг шакл ясовчи асоси – пахтакор*, *шакл ясовчи аффикси –лар*, *пахтакор – сўз*.

Сўз ясаш таркибида эса *сўз ясовчи асос ва сўз ясовчи аффикс* ажратилади. Яъни, сўзда ясовчи қисмлар ҳам иккитадан ошмайди. (гарчи сўз таркибида бирдан ортиқ ўзак ва сўз ясадиган бирдан ортиқ аффикс бўлса-да). Масалан, *билимдонлик* сўзининг сўз ясовчи асоси *билимдон*, сўз ясовчи аффикси *-лик*, *билимдон* сўзининг сўз ясовчи асоси *билим*, сўз ясовчи аффикси *-дон*, *билим* сўзининг сўз ясовчи асоси *-била*, сўз ясовчи аффикси *-им*.

Ясама сўзининг асоси (сўз ясалиш асоси) қўшма сўз ёки сўз бирикмасига тенг бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам ясовчи қисмлар иккитадан ошмайди. Масалан, *белбогли* сўзининг ясовчи асоси *– белбог*, ясовчи аффикс *-ли*; *беш қаватли (бино)* ясовчи асос *– беш қават*, ясовчи аффикс *-ли*; *икки хонали (уй)* – *икки хона* – ясовчи асос, *-ли* ясовчи аффикс. Аммо ясовчи аффикс қатнашмаган қўшма сўзларда ясовчи компонентлар (қисмлар)нинг ҳаммаси ясовчи асос деб юритилади. Масалан, *тошкўмир тош* – ясовчи асос, *кўмир* – ясовчи асос – *тошкўмир* – ясалма *оқ қуш – оқ – ясовчи асос, қуш – ясовчи асос – оққуш – ясалма каби*.

Сўзининг ясалиш структурасини аниқлашда фақат ясама сўзлар (содда ясама ва қўшма сўзлар) таҳлил қилинади. Яъни содда туб сўзлар эътибордан четда қолади. Бундай сўзлар сўзининг морфем ва морфологик структурасига кўра таҳлил этилади. Бошқача айтганда, сўзининг ясама қисмигина таҳлил этилади. Масалан, *ўқувчиларнинг* сўзининг *ўқувчи* қисми, *олмазорлар* сўзининг *олмазор* қисми, *тинчликни* сўзининг *тинчлик* қисми ва бошқалар.

Сўз таркибида морфемаларни тўгри ажратиш ясаш асосининг ва ясовчи воситанинг таркибини, чегарасини тўгри ҳисобга олиш катта аҳамиятта эга. Масалан, *гулчилик*, *темирчилик*, *балиқчилик* каби ясама лексемаларда *гулчи*, *темирчи*, *балиқчи* ясаш асоси ҳисобланади. Аммо *кўпчилик*, *озчилик*, *декончилик*, *ёгин гарчилик* қабиларда эса ясаш асоси *кўп*, *оз*, *декон*, *ёгин* лексемалариdir. Чунки ўзбек

тилида күпчи, озчи, деҳқончи, ёгингар шаклидаги лексемалар йўқ. Демак, бу ўринда шу сўзлар таркибидаги -чилик, -гарчилик қисмлари ясовчи аффикслар ҳисобланади.

Таҳлил намунаси:

1. Морфем структура таҳлили. (Сўзнинг энг кичик маъноли қисмлари ва уларнинг турлари аниқланади).

1) теримчиларни:

тер=ўзак, -им=с.я.аф., -чи=сўз я.аф., -лар=кат.шак. яс.аф., -ни= кат.шак. яс.аф;

2) балиқчиликдан:

балиқ= ўзак, -чи =сўз я.аф., -лик= кат.шак. яс.аф., -дан= кат.шак. яс.аф;

3) тўқимачиликни:

тўқи= ўзак, -ма=сўз я.аф., -чи =сўз я.аф., -лик=сўз я.аф., -ни = кат.шак. яс.аф;

4) деҳқончилиқда:

деҳқон= ўзак, -чилик =сўз я.аф., -да =кат.шак. яс.аф;

5) кўпчиликнинг:

кўп = ўзак, -чилик =сўз я.аф., -нинг = кат.шак. яс.аф;

6) Мирзачўл:

Мирза = ўзак, чўл ўзак;

7) Каттақўргон:

Катта= ўзак, кўргон= ўзак;

8) ишлаган:

иш= ўзак; -ла = сўз я.аф., -ган=нок.ш.яс.аф.

2. Сўз ясалиш структураси таҳлили: (ясалмани ҳосил қилувчи қисмлар ажратилади).

1) темир:

темир сўз;

2) темирчи:

темир = ясовчи асос, -чи = ясовчи аффикс
(темирчи=ясалма);

3) темирчилик:

темирчи=ясовчи асос, -лик = ясовчи аффикс
(темирчилик = ясалма);

4) кимёгар:

кимё = ясовчи асос, -тар = ясовчи аффикс
(кимётар = ясалма);

5) кимётарчилик:

кимётар = ясовчи асос, -чилик = ясовчи аффикс
(кимётарчилик = ясалма);

6) ўртоқчилик:

ўртоқ = ясовчи асос, -чилик = ясовчи аффикс,
(ўртоқчилик = ясалма);

7) Каттақүргон:

Катта = ясовчи асос, -қүргон = ясовчи асос, (Каттақүргон = ясалма);

8) ноўрин:

но = ясовчи аффикс, -урин = ясовчи асос, (ноўрин = ясалма);

9) серҳосил:

сер = ясовчи аффикс, -хосил = ясовчи асос, (серҳосил = ясалма);

10) сермаъноли:

сермаъно = ясовчи асос, -ли = ясовчи аффикс,
(сермаъноли = ясалма);

3. Морфологик структура таҳлили: (сўзшакл ҳосил қиувчи қисмлар ажратилади).

1) ишлар:

иш = шакл ясовчи асос, -лар = шакл ясовчи аффикс,
(ишлар = сўз шакл);

2) ишчилар:

ишчи = шакл ясовчи асос, -лар = шакл ясовчи аффикс
(ишчилар = сўзшакл);

3) ишчиларни:

ишчилар = шакл ясовчи асос, -ни = шакл ясовчи
аффикс, (ишчиларни = сўзшакл);

4) ишчиларимизнинг:

ишчиларимиз = шакл ясовчи асос, -нинг = шакл ясовчи
аффикс (ишчиларимизнинг = сўзшакл).

Сўз ясаш асослари

Сўз шакл таркибида лексик маъно англатувчи қисм билан грамматик маъно билдирувчи қисм фарқланади. Сўз шаклнинг лексик маъно билдирувчи қисми лексема

дейилади. Лексема грамматик маъно ифодаловчи қисм, шунингдек, сўз ясовчи қўшилиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ясаш асоси бўлиб келган лексема туб ёки ясама бўлади. Туб лексема ясовчи морфемаларга бўлинмайди: *иш-лар-им*, *бил-а-ман*, *ўқи-ди-м*, *сез-ган-сан* каби сўзларнинг *иш*, *бил*, *ўқи*, *сез* қисми туб бўлиб, ўзакка тенг келади.

Ясама лексема эса туб лексемага ясовчи аффикс қўшилишидан ёки бирдан ортиқ лексеманинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *иш-чи-ларга*, *бил-им-ларни*, *сез-тир*, *замон-дош-ларим*, *чим-қирқар*, *шўр-қудуқ* каби.

Ясама лексема маъноли қисмларга бўлинади, чунки тилда ясама лексема билан ёнма-ён туб лексема ҳам мавжуд бўлади. Жумладан, *шаҳарлик*, *ишчан*, *китобхон*, *бутунги*, *кўкар* каби ясама лексемалар маъноли қисмларга – морфемаларга бўлинади. Чунки ҳозирги ўзбек тилида бу ясалмаларнинг ҳосил бўлишига асос бўлган *шаҳар*, *иш*, *китоб*, *бутун*, *кўк* каби лексемалар ҳам ишлатилади.

Тилда лексема истеъмолдан тушиб қолса ёки унинг ясама лексема билан алоқаси, боғлиқлиги йўқолса, ясама лексеманинг морфемаларга бўлиниш хусусияти ҳам йўқолади, натижада ясама лексема туб лексемага айланади.

Туб лексемалар билан узвий алоқада бўлган ясама лексемалар тилда икки ҳолатда – мустақил ишлатиладиган лексема сифатида ҳам, аффикс ёки бошқа лексема билан биргаликда, боғлиқ ҳолда ҳам мавжуд бўлади. Жумладан, *йўлдош*, *гўзаллик*, *тутқич*, *деворий* кабилар ясама лексемадир. Улар ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатиладиган *йўл*, *гўзал*, *тут*, *девор* каби туб лексемалардан ясалган. *Юксак*, *юксал* кабилар ҳам ясама лексема, лекин улар таркибидаги *юк*, *юкса* қисмлари ҳозирги тилда мустақил ишлатилмайди, балки боғлиқ асос тарзида мавжуд.

Туб лексема билан ясама лексема фақат морфологик жиҳатдангина эмас, балки лексик маъно англатиши томонидан ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Туб лексеманинг маъноси бевосита шу лексеманинг ўзига асосланади. Ясама лексеманинг маъноси эса унинг таркибидаги қисмларнинг – ясовчи асос ва ясаш воситасининг маънолари орқали юзага чиқади. Масалан, *даражат*, *сув*, *пахта*, *туз*, *қўя* каби туб лексемалар борлиқдаги нарсаларни бевосита, тўғридан-тўғри

англатади, улар шу нарсаларнинг тилдаги шартли атамаси ҳисобланади. *Дараҳтзор*, *сувчи*, *пахтакор*, *туздон*, *қўлқоп* сингари ясама лексемаларнинг маъноси эса таркибидаги қисмлар маъносига асосланади, шулар орқали англашилади: *дараҳтзор* – «дараҳт кўп бўлган жой»; *сувчи* – «сугориш, сув бериш билан шугулланувчи шахс»; *пахтакор* – «пахта етишириш билан шугулланувчи шахс»; *туздон* – «туз солиб қўйишга мўлжалланган идиш»; *қўлқоп* – «қўлга кийиш учун мўлжалланган нарса» каби.

Ясаш асоси бўлиб туб лексема ҳам, ясама лексема ҳам хизмат қиласи. Масалан, *терим*, *билим*, *йигим*, *урим* отлари учун ясаш асоси бўлиб туб феъл лексемалар хизмат қилган, *теримчи*, *билимдон*, *гулчилик* каби ясама отларда *терим*, *билим*, *гулчи* ясама лексемалари ясаш асоси бўлиб келган, *теримчилик*, *билимдонлик*, *тўқимачилик*, *огмачилик* каби ясама отларда эса *теримчи*, *билимдон*, *тўқимачи*, *огмачи* ясама лексемалари ясаш асоси вазифасида келган.

Сўз таркибидаги морфемаларни тўғри ажратиш ясаш асосининг ва ясовчи воситанинг таркибини, чегарасини тўғри ҳисобга олиш катта аҳамиятта эга. Жумладан, *гулчилик*, *пахтачилик*, *балиқчилик* каби ясама лексемаларда *гулчи*, *пахтачи*, *балиқчи* лексемалари ясаш асоси ҳисобланади. *Кўпчилик*, *о兹чилик*, *деҳқончилик* кабиларда эса ясаш асоси *кўп*, *оз*, *деҳқон* лексемалари дир, чунки тилда *кўпчи*, *о兹чи*, *деҳқончи* шаклидаги лексемалар йўқ.

Ясама лексема тузилишига кўра содда ва қўшма бўлинади.

Содда лексема туб лексемага лексема ясовчи аффикс қўшилиши билан ясалади: *бола-лик*, *иш-ла*, *дарс-лик*, *терим-чи* каби.

Қўшма лексема икки ва ундан ортиқ лексеманинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *Мирзачўл*, *карнайгул*, *анжиршафтولي*, *оташқалб*, *кўксултон*, *туятортар* каби.

Сўз туркумларида сўз ясалиши

Сўз ясалиши ҳодисаси мустақил сўз туркумларига хос бўлса ҳам лекин сўз ясашнинг бирор усули билан янги сўз ҳосил қилиш сўз туркумларининг барчаси учун бирдек эмас. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида энг маҳсулдор усул –

аффиксация ва композиция усули билан сўз ясаш от, сифат, феъл ва равиш туркумлари учун характерлидир. Сон туркумида эса аффиксация усули билан ҳам, композиция усули билан ҳам миқдор билдирувчи янги сўз (янги сон) ясалмайди. Сонларга қўшилувчи -(и)нчи (учинчи, бешинчи, иккинчи), -та (иккита, учта, бешта) каби аффикслар янги миқдор билдирувчи сон ҳосил қилмайди, балки сон (миқдор) тушунчасини ўзгартмаган ҳолда, унга тартиб, дона каби маънолар қўшади, холос.

Ўн беш, беш юз, беш юз минг, беш юз миллион, ўн минг, ўн беш минг кабиларда ҳар бир сўз (сон) ўз маъносида қатнашади, улар бирикиб янги бир сўз (сон)ни ҳосил қилмайди.

Олмошлар бошқа туркумга оид сўзлар ўрнида қўлланувчи, умумийлик хусусиятига эга сўзлар бўлганидан янги сўз ясалиш ҳодисаси бу туркумда деярли йўқ даражададир.

ОТ ЯСАЛИШИ

Ҳозирги ўзбек тилининг лугат таркибида от туркуми жуда кўп сўзларни бирлаштиради. бошқа сўз туркумларига нисбатан от туркумининг янги сўзлар билан бойиб бориши анча фаол ва узлуксиз давом этади. От туркумининг бойиб бориши ўзбек тилининг асосан ўз ички воситалари асосида, шунингдек, бошқа тилларнинг таъсирида содир бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилида отлар қуйидаги усуллар билан ясалади: 1) аффиксация усули, 2) композиция усули. Булар сўз ясашнинг фаол усуллари ҳисобланади. Булардан ташқари, қисман фонетик усул ва семантик усул билан ясалган отлар ҳам бор.

Аффиксация усули билан от ясалиши

Аффиксация усулида ясовчи асосга маҳсус аффикс қўшиш орқали от ҳосил қилинади. Бу усул ҳозирги ўзбек тилида от ясалишининг энг фаол, энг маҳсулдор усулларидан бири ҳисобланади. Аффиксация усули билан от ясашда от, феъл, сифат, равиш ва бошқа туркум сўzlари асос бўлиб хизмат қиласи. Шунга кўра бу отлар уч турга бўлинади: 1) от асосидан ясалган отлар; 2) феъл асосидан ясалган отлар; 3)

бошқа сўз туркумларидан (сифат, равиш, сон, тақлийдий сўз кабилардан) ясалган отлар.

От асосидан ясалган отлар. Бу турдаги ясалишда асос бўлиб от сўзлар хизмат қиласди. Бундай ясалмаларниң маъноси ҳар вақт ясаш асосининг маъноси билан бояланган, ундан ўсиб чиқсан бўлади. Бу хилдаги ясама отларда ясаш асосининг маъноси билан боялиқ равишда шахс, нарса ва ўрин-жой, ҳар хил мавҳум тушунчалар ифодаланиши мумкин.

Шахс отлари жуда катта тўдани ташкил қиласди, англатган маъноларининг хилма-хиллиги, ясовчи аффиксларниң кўплиги, маҳсулдорлиги билан бошқа тўдадаги отлардан ажралиб туради. Бу отлар соғ ўзбекча аффикслар ҳамда бошқа тиллардан (асосан тожик тилидан) қабул қилинган ясовчи морфемалар воситаси билан ясалади. Ҳозирги ўзбек тилида шахс отлари қуйидагича ясалади:

1. **-чи**. Бу аффикс энг фаол от ясовчи бўлиб, барча сўз туркумларидан (бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлардан ҳам) от ясашга хизмат қиласди: *иш-чи, тарих-чи, жанг-чи, бўз-чи, бўёқ-чи, сув-чи, қизиқ-чи, доклад-чи, табел-чи, хизмат-чи, ёлгон-чи, трактор-чи, пулемёт-чи, ҳайбаракалла-чи* каби.

-чи аффикси полисемантик хусусиятта эга. Бу аффикс орқали ясалган отнинг хилма-хил маънолари бевосита ясаш асосининг маъноси билан бояланган. Бу типдаги ясама отлар: а) шахснинг ясаш асоси англатган нарса билан шугулланишини (*темир-чи, бўёқ-чи, сувоқ-чи, сув-чи, тунука-чи, қуш-чи*); б) иш-ҳаракатни ясаш асоси англатган нарса воситасида бажаришини (*най-чи, чилдирма-чи, дутор-чи, кетмон-чи, машина-чи, ўроқ-чи, карнай-чи, трактор-чи, шахмат-чи* каби); в) ясаш асосидан англашилган нарсани яратиш, ясаш билан шугулланишини (*тақа-чи, эгар-чи, бўз-чи, пичоқ-чи, сандиқ-чи* каби); г) шахснинг касб-ҳунар, турлича мутахассислик, шунингдек, фан-техниканинг хилма-хил соҳалари бўйича машгул бўлишини (*тарих-чи, лугат-чи, дентиз-чи, разведка-чи, йилқи-чи, футбол-чи* каби); д) шахснинг бирор белги, ҳолат, хусусияти билан ажралиб туришини (*жанжал-чи, кек-чи, лофт-чи, ҳасад-чи, туҳмат-чи, фитна-чи, гина-чи, галва-чи, ваҳима-чи* каби); е) шахснинг бирор жамоага, ижтимоий ташкилотга муносабатини (*исён-*

чи, динамо-чи, пахтакор-чи, миллат-чи, республика-чи каби) ва бошқа жуда күп маъноларни англаттан отлар ясайди.

2. **-дош**. Ясаш асосидан англашилган нарса, соҳа бўйича биргалик, яқинлик, баробар алоқадорлик маъносидаги шахс оти ясайди: *ватан-дош, қурол-дош, тенг-дош, фикр-дош, мактаб-дош, сұхбат-дош, йўл-дош* каби. Бу қўшимача орқали ясалган отлар ўрин, макон жиҳатидан (*синф-дош, мактаб-дош*), шайт жиҳатидан (*замон-дош, тенг-дош, аср-дош*), ва белги, ҳолат, хусусият жиҳатидан (*сұхбат-дош, сир-дош, оҳанг-дош, фикр-дош*) шахсларининг биргалиги, тенг алоқадорлиги маъноларини англатади.

-дош аффикси маъно жиҳатидан тожик тилидан қабул қилинган **ҳам-** аффикси билан синонимик муносабатда бўлади: *фикр-дош=ҳам-фикр, сұхбат-дош = ҳам-сұхбат* каби. Аммо бу аффиксларни ҳамма вақт параллел ҳолда бири ўрнига иккинчисини ишлатавериш мумкин эмас. Жумладан, *мусобақа-дош, йўл-дош* дейилади, аммо *ҳам-мусобақа, ҳам-йўл* дейилмайди. Ёки *ҳам-шаҳар, ҳам-дард* дейилади, лекин *шаҳар-дош, дард-дош* дейилмайди.

Бу аффикс орқали айрим илмий атамалар ҳам ясалади: *сифат-дош, равиш-дош, ун-дош* каби.

3. **-гар (-кар)**. Бу аффикс ясаш асосида ифодаланган нарса бўйича шахснинг касб-ҳунарини билдирадиган от ясайди: *зар-гар, савдо-гар, мис-кар, совун-гар, кимё-гар* каби.

4. **-кор**. Ясаш асоси англаттан нарсани етиштирувчини, шу нарса билан шугулланувчини ифодалайдиган от ясайди: *галла-кор, пахта-кор, санъат-кор, сабзавот-кор, шоли-кор* каби. Мавҳум тушунчаларни билдирган отларга қўшилганда, шахснинг белги, ҳолат, хусусият кабиларга муносабатини ифодаловчи от ясайди: *хизмат-кор, мадад-кор, ташаббус-кор, ижод-кор, гуноҳ-кор* каби.

5. **-бон**. Ясаш асосидан англашилган нарсага эга ёки шу нарсанинг сақловчиси, қўриқловчиси бўлган шахсни билдирувчи от ясайди: *бог-бон, дарвоза-бон, сарой-бон, тарози-бон* каби.

6. **-дор** (тожикча *доштан* – «ушламоқ», «эга бўлмоқ» феълидан). Бу аффикс шахснинг ясаш асосидан англашилган нарсага эга ёки алоқадорлигини билдирувчи от ясайди: *бог-дор, муҳр-дор, чорва-дор, мулк-дор, ҳукм-дор, айб-дор* каби.

7. *-шунос* (тожикча *шунохтан* – «танимоқ», «билимоқ» феълидан). Бу аффиксоид шахснинг ясаш асосидан англанишган нарса ёки соҳанинг мутахассиси, касб эгаси эканини билдирган от ясади: *табиат-шунос, адабиёт-шунос, зар-шунос, ўлка-шунос, мусиқа-шунос* каби.

8. *-фуруш* (тожикча *фурӯхтан* – «сотмоқ» феълидан). Бу аффиксоид ясаш асосида ифодаланган нарсани сотиш билан шугулланувчи шахс оти ясади: *мева-фуруш, дўппи-фуруш, нос-фуруш, чой-фуруш* каби.

9. *-боз* (тожикча *бозидан, бохтан* – «ўйнамоқ» феълидан). Бу аффиксоид шахснинг ясаш асоси англаттан нарса билан кўп шугулланишини, шунга ўта берилганлигини билдирувчи от ясади: *каптар-боз, бедана-боз, қимор-боз, дор-боз, майшат-боз, мажлис-боз* каби. Худди шу тартибда ясалган *найранг-боз, масхара-боз, ваъда-боз* кабилар шахснинг белги, хусусиятини билдиради.

10. *-хўр* (тожикча *хўрдан* – «емоқ» феълидан). Ясаш асосидан англанишган нарсаларни, айниқса егулик ва ичимлик нарсаларни кўп ва тез-тез истеъмол қилувчи шахс оти ясади: *чой-хўр, гўшт-хўр, палов-хўр, нон-хўр, қимиз-хўр* каби.

11. *-паз* (тожикча *пухтан* «пиширмоқ» феълидан). Таом намларини билдирувчи сўзларга қўшилиб, шахснинг шу овқатни пишириш, тайёрлаш билан шугулланишини англатган от ясади: *ош-паз, калла-паз, кабоб-паз, сомса-паз, манти-паз* каби.

12. *-соз* (тожикча *сохтан* – «ясамоқ» феълидан). Ясаш асоси ифодалаган нарсани ясаш, созлаш, тузатиш билан шугулланувчи шахс оти ясади: *соат-соз, кема-соз, арава-соз, асбоб-соз* каби.

13. *-дўз* (тожикча *дўхтан* – «тикмоқ» феълидан). Ясаш асоси англаттан нарсани тикиш, яратиш билан шугулланишини шахс оти ясади: *маҳси-дўз, дўппи-дўз, этик-дўз, кашта-дўз* каби.

14. *- каш* (тожикча *кашидан* – «тортмоқ» феълидан). Шахснинг ясаш асоси ифодалаган нарса билан шугулланишини, иш-ҳаракатнинг шу орқали бажарилишини англатадиган от ясади; *арава-каш, чизма-каш, тую-каш, лой-каш, сурат-каш, пахса-каш* каби.

15. **-хон** (тожикча *хондан* – «ўқимоқ» феълидан). Ясаш асосидан англашилган нарсани доимий ўқиш билан шугулланувчи шахс оти ясайди: *китоб-хон, газал-хон, шеър-хон, муштум-хон* каби.

16. **-гўй** (тожикча *гуфтан* – «демоқ», «айтмоқ» феълидан). Шахснинг ясаш асоси ифодалаган нарса, воқеа-ҳодисалар билан банд бўлувчи, уни доимо айтиб туриш билан шугулланувчи шахс оти ясайди: *насиҳат-гўй, маслаҳат-гўй, дуо-гўй, хушомад-гўй* каби.

17. **-ҳам** Шахснинг ясаш асоси орқали ифодаланган нарса, воқеа-ҳодисаларга тенг алоқадорлиги, биргалиги маъноларини англатган от ясайди: *ҳам-суҳбат, ҳам-шаҳар, ҳам-қишлоқ* каби.

18. **-ий**. Киши ва жой номларига қўшилиб, шахснинг тахаллусини билдирган от ясайди: *Наво-ий, Ҳабиб-ий, Абдулла Авлон-ий, Исмоил Бухор-ий, Мирзо Самарқанд-ий, Юнус Ражаб-ий* каби.

19. **-вачча** (тожикча *бача* – «ёш бола» сўзидан). Ясаш асоси англатган шахсларга қариндошлик муносабатида бўлганлик маъносидаги от ясайди: *холма-вачча, амма-вачча, амаки-вачча, тога-вачча, бой-вачча* каби. Жониворларга нисбатан унинг боласи маъносида ишлатилади: *ит-вачча, мушук-вачча, кучук-вачча*.

Ҳозирги ўзбек тилида шахс оти ясовчи аффиксларнинг сўз ясаш даражаси бир хил эмас. Уларнинг айримлари, айниқса **-чи** аффикси, энг актив сўз ясовчи восита сифатида хизмат қиласа, баъзилари, жумладан, **-дош, -дор** каби аффикслар оз миқдорда сўз ясайди. **-бон, -оҳ, -хўр, -дўз, -паз** каби аффиксларнинг сўз ясаш даражаси эса жуда чегараланганд. Юқорида келтирилган **-шунос, -парвар, -хўр, -паз, -дўз, -боз, -бон, -дор, -соз, -хон, -тўй** каби ясовчилар тожик тилида мустақил сўз асосидан иборат бўлиб, ўзбек тилида ясовчи аффикс (аффиксоид) сифатида хизмат қилади.

Предмет ва ўрин-жой отлари. Бундай отларни ясовчи аффикслар у қадар кўп эмас:

1. **-лоқ** Ясаш асосидан англашилган нарса кўп бўлган ўрин, жой маъносидаги от ясайди: *ўт-лоқ, қум-лоқ, тош-лоқ* каби.

2. **-дон.** Ясаш асосидан англашилган нарсаларни сақлашга хосланган, шу нарса солинадиган нарсаны англатадиган от ясайди: *туз-дон, кул-дон, сиёҳ-дон, қалам-дон, гул-дон, сув-дон* каби.

3. **-зор.** Бу аффикс ясаш асоси англаштан нарса күп бўладиган жой маъносидаги от ясайди: *пахта-зор, олма-зор, дараҳт-зор, узум-зор, ўрмон-зор, лола-зор, анжир-зор* каби.

4. **-истон.** Халқ (миллат) номини билдирувчи ёки бошқа бирор сўзга қўшилиб, шу халқ (миллат) яшайдиган мамлакат ёки ясовчи асос англаштан нарса кўп бўлган жой маъносидаги от ясайди: *Ўзбек-истон, Тожик-истон, Арман-истон, Баҳор-истон, гул-истон* каби.

5. **-поя.** Ясаш асосидан англашилган нарса билан боғлиқ бўлган нарса ва ўрии номини билдирувчи от ясайди: *гўза-поя, беда-поя, зина-поя, шоли-поя, арпа-поя, бутдой-поя* каби.

6. **-гоҳ.** Ясаш асосида ифодаланган воқеа-ҳодисалар воқе бўладиган жой маъносидаги от ясайди: *жанг-гоҳ, сайр-гоҳ, ором-гоҳ, сайил-гоҳ, манзил-гоҳ* каби.

7. **-нома.** Бу аффиксоид ясаш асоси ифодалаган нарса билан боғлиқ хат, ҳужжат маъносидаги от ясайди: *гувоҳ-нома, шарт-нома, таклиф-нома, баҳт-нома, айб-нома, ташаккур-нома, арз-нома* каби.

8. **-хона.** Ясаш асосидан англашилган нарса учун хосланган, бирор иш учун мўлжалланган жой маъносини англашувчи от ясайди: *иш-хона, босма-хона, дори-хона, ош-хона, чой-хона, қабул-хона, тўй-хона* каби.

9. **-обод.** Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асоси маъноси билан бўгланган жой номларини ясайди: *Пахта-обод, Мехнат-обод, Деҳқон-обод, Юнус-обод, Янги-обод* каби.

Юқорида кўрсатилган **-поя, -нома, -хона, -обод** каби аффиксоидар билан бир қаторда, ўзбек тилида худи шундай мустақил сўзлар ҳам мавжуд. Мисоллар (*Мажидиддин*) *Мўминмирзони ўртага солиб, шаҳзода Бадиузвазонга нома юборинг* (*Уйғун ва И.Султон*). Яхши ишиласа, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади (*Ойбек*). Кўприкнинг нариёғида ишкомга пояси кесиб олинган кекса тол ёнида Дилдор билан Аъзамжон туради. (*С.Аҳмад*).

Мавҳум тушунчаларни англашувчи отлар. Бундай отлар ҳам катта тўдани ташкил қиласди. Бу тўдага кирган отларнинг

маъноси ва қўлланиш доираси хилма-хилдир. Мавҳум отлар кўпинча китобий ва илмий услубларда кенгроқ ишлатилади. Мавҳум отлар асосан ўзбек тилининг ўз ясовчи аффикслари орқали ҳосил қилинади. Бошқа тиллардан қабул қилинган аффикслар воситасида мавҳум отлар деярли ясалмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида қуийдаги аффикслар мавҳум от ясашга хизмат қиласиди:

1. **-лик**. Бу аффикс турлича маъно англатадиган отлардан мавҳум отлар ясади. Бундай ясалмаларда ясаш асоси вазифасида ҳар хил туркум сўзлари келади:

а) шахс билдирувчи отларга қўшилиб, ясаш асоси маъноси билан боғлиқ равишда ҳолат, хусусият, белги маъноларини англатган от ясади: *бола-лик*, *йигит-лик*, *талаба-лик*, *ўспирин-лик*, *ёшлик* каби. *Куёвлик*, *ака-лик*, *она-лик*, *келин-лик* каби ясалмалар ҳам шу хилдаги ҳолат, хусусият билдирувчи отларга киради;

б) ясаш асосида ифодаланган соҳа бўйича касб-хунар, мутахассислик маъноларини билдирувчи от ясади: *косиб-лик*, *тишунос-лик*, *чорвачи-лик*, *темирчи-лик*, *бритадир-лик*, *заргар-лик* каби;

в) бирор ижтимоий-сиёсий, илмий ҳаракат ва йўналишларга муносабат англатувчи ҳолат оти ясади: *тинч-лик*, *ташкилотчи-лик*, *бюрократ-лик*, *ўнг оғмачи-лик*, *сўл-лик* каби;

г) баъзан бирор вазифа, мақсад ва фаолият учун мўлжалланган, шунга хосланган нарса оти ясади: *дарс-лик*, *уруг-лик*, *кийим-лик* каби.

2. **-чилик (-чи + -лик)**. Бу мураккаб аффикс ясаш асоси англатган нарса бўйича касб-хунар соҳаси, ҳолат, хусусият маъноларини билдирувчи от ясади: *дехқон-чилик*, *мева-чилик*, *ўртоқ-чилик*, *қуда-чилик*, *қассоб-чилик* каби. Бу аффикс ҳам полисемантик хусусиятга эга бўлиб, хилма-хил маъноли мавҳум отлар ясади.

Шуни эсалатиш керакки, -чи аффикси бор ясама асосга -лик аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлган *темирчи-лик*, *хизматчи-лик*, *лугатчи-лик* каби ясалмаларни мураккаб -чилик аффикси орқали ясалган *узум-чилик*, *богдор-чилик*, *йигит-чилик*, *шоли-чилик*, *полиз-чилик* сингари отлардан фарқ қилиш даркор.

3. **-гарчилик** (*-гар + чи + лик*). Бу мураккаб аффикс турли отларга қўшилиб, ясаш асоси англатган нарса билан боғлиқ ҳолат, белги, хусусият билдирувчи отлар ясайди: *одам-гарчилик*, *ёгин-гарчилик*, *лой-гарчилик*, *ошна-огайни-гарчилик*, *серобчилик* каби. Бу ўринда ҳам **-гар** аффикси бор ясама асосдан **-чилик** аффикси орқали ясалган сўзларни мураккаб **-гарчилик** аффикси воситасида ҳосил қилинган ясалмалардан фарқлаш лозим. *Чогиштиинг: савдогар-чилик ва нам-гарчилик* каби. Бу сўзлар ясаш асосининг (*савдогар ва нам*), шунингдек ясаш воситасининг (**-чилик** ва **-гарчилик**) бошқа-бошқа бўлиши билан ўзаро фарқ қиласди.

4. **-лаштириш** (*-ла + ш + тир + иш*). Бу мураккаб аффикс **автомат-изация**, **газификация** каби байналмилал сўзлар таркибида «**-изация**», «**-ификация**» каби қисмларни калькалаш асосида келиб чиқсан: *автомат-лаштириш*, *радио-лаштириш*, *электр-лаштириш*, *компьютер-лаштириш* каби.

Феъл асосидан ясалган отлар. Аффиксация усули билан от ясалишида ясаш асоси феъл билан ифодаланган ясалмалар ҳам катта тўдани ташкил қиласди. Бундай отлар ясаш асоси ифодаланган иш-ҳаракат ва ҳолат тушунчалари билан боғлиқ равишда ҳаракат қуроли, натижаси, ҳаракат белгисининг ташувчиси, ҳолат, хусусият каби хилма-хил маъноларни англатади.

Феъл асосидан от ясалишида қуйидаги аффикслар қўлланади:

1. **-тич** (*-гич*, *-кич*, *-қич*). Ясаш асосидан англашилган иш-ҳаракатнинг қуролини, шу ҳаракатни бажаришга мўлжалланган асбобни билдирувчи от ясайди. Одатда, унли ва жарангли ундош билан тутаган асосларга **-тич**, **-гич** аффикси, жарангсиз ундош билан тутаган феъл асосларига **-кич**, **-қич** шакли қўшилади: *ўтказ-тич*, *кўтар-тич*, *ўлча-тич*, *қашла-тич*, *елли-тич*, *чиз-тич*, *курсат-тич*, *қис-кич*, *бос-кич*, *оч-кич*, *эрит-кич* каби.

2. **-ма**. Бу аффикс жуда маҳсулдор бўлиб, ясаш асоси англаттан ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ нарсани билдирувчи от ясайди: *бўл-ма*, *уюш-ма*, *ўс-ма*, *эслат-ма*, *тўқи-ма*, *курсат-ма*, *суз-ма*, *қовур-ма*, *листир-ма* каби.

Бу аффикс полисемантик бўлиб, энг муҳим маънолари қуйидагилар:

а) аниқ нарса оти ясайди: *тут-ма, құләз-ма, құллан-ма, ўс-ма, қотиш-ма, газла-ма, қурил-ма, сур-ма* каби;

б) ўрин-жой оти ясайди: *бостир-ма, торт-ма, бұл-ма, пистир-ма;*

в) ҳаракат ва ҳолат атамасини билдирувчи от ясайди: *ёзиш-ма, үюш-ма, эслат-ма, айир-ма, бирик-ма.*

г) овқат номларини ясайди: *қовур-ма, қатла-ма, димла-ма, чұз-ма, қий-ма, суз-ма* каби;

д) мавхұм тушунчаларни билдирувчи от ясайди: *терла-ма, бұғ-ма, оқ-ма, қичи-ма, устқур-ма, юкла-ма* каби.

3. **-м (-им, -ум).** Бу аффикс ясаш асоси англаттан ҳаракат натижасида пайдо бўладиган нарса отини ясайди: *тұпла-м, қий-им, бояла-м, бұл-им* каби. Бу аффикс орқали муайян нарсани билдирувчи от ҳам (*қий-им, тұпла-м, тұтра-м*), мавхұм тушунчаларни билдирувчи от ҳам ясалади: *билим, оқ-им, тер-им, кес-им, ун-ум, туз-ум, чида-м, кечир-им* каби.

4. **-ти (-ги, -ки, -қи, -гу).** Бу аффикс ясаш асоси англаттан ҳаракат қуроли, ҳолат ва нарса оти ясайди. Одатда, жарангли ва сонор ундош билан тугаган асосларга **-ти, -ти** аффикси, жарангсиз ундош билан тугаган асосларга **-ки, -ки** аффикси қўшилади: *узан-ти, супур-ти, чал-ти, чол-гу, теп-ки, турт-ки, тутат-ки, чоп-ки* каби. Бу аффикс ҳам аниқ (*супур-ти, чоп-ки, ёқил-ти*) ва мавхұм маъноли от ясайди: *сев-ти, сез-ти, туй-ти, ур-ти, уй-ки* каби.

5. **-ч, -инч.** Бу аффикс асли феълнинг ўзлик даража шаклига қўшилиб, ҳаракат ва ҳолат маъносидаги мавхұм от ясайди: *кувон-ч, севин-ч, ишон-ч, суюн-ч, юпан-ч* каби.

6. **-к, -қ (-ик, -ик, -уқ, -ок).** Бу аффикс полисемантик хусусиятта эга бўлган маҳсулдор аффикс бўлиб, асос англаттан ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ турлича маъно билдирувчи от ясайди: *кур-ик, теш-ик, беза-к, ти-лак, чиз-ик, сол-ик, ют-уқ, уч-уқ, ўр-ок, қийно-қ* каби.

Бу аффикс:

а) аниқ нарса ва ҳаракат қуроли оти ясайди: *кура-к, эл-ак, тұша-к, пич-ок, туз-ок, тар-ок, соч-ик, ўр-ок* каби.

б) ўрин-жой маъносини билдирувчи от ясайди: *йұла-к, ёт-ок, құр-ик* каби;

в) ҳолат, хусусият, белги маъносидаги мавҳум от ясайди: *тила-к*, *беза-к*, *ют-уқ*, *сол-иқ*, *қил-иқ*, *буйр-уқ*, *чарчо-к*, *торт-иқ*, *ўто-к* каби.

7. **-инди** (*ин+ди*). Бу аффикс ясаш асосидан англапшилган ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиши натижасида ҳосил бўладиган нарсани билдирувчи от ясайди: *йиг-инди*, *қир-инди*, *юв-инди*, *оқ-инди*, *супур-инди*, *чиқ-инди* каби. Бу аффикс орқали ҳосил бўлган ясалма баъзан сифат бўлади: *асра-нди* (*сақла-нди*) бола каби.

8. **-ин**, **-ун**. Бу аффикс ясаш асоси англатган ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиши натижасида юзага келадиган нарсани билдирувчи от ясайди: *эк-ин*, *йиг-ин*, *ёғ-ин*, *тут-ун*, *бўғ-ин*, *қуий-ун* (*қуюн*) каби.

9. **-мак**, **-моқ**. Камунум аффикс бўлиб, ясаш асоси англатган ҳаракат жараёни билан боғлиқ бўлган нарсани билдирувчи от ясайди: *е-мак*, *черт-мак*, *топиш-моқ*, *қуй-моқ*, *чақ-моқ*, *ил-моқ* каби.

10. **-дак**, **-доқ**. Ясаш асоси англатган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ нарса, белги, хусусият билдирувчи от ясайди: *кекир-дак*, *югур-дак*, *қовур-доқ*, *қўн-доқ* каби. Бу аффикс баъзан тақлидий сўзлардан от ясайди ва **-илдоқ** шаклида яхлит ҳолда келади: *шақ-илдоқ*, *чир-илдоқ*, *шилл-илдоқ*, *ҳиқ-илдоқ* каби. Бу унумсиз аффикс баъзан сифат ҳам ясайди: *лик-илдоқ*, *сўлқ-илдоқ* каби.

11. **-гин**, **-қин**. Ясаш асосидан англапшилган ҳаракат ва ҳолат жараёни номини билдирувчи от ясайди: *ён-гин*, *қув-гин*, *қир-гин*, *бос-қин*, *тош-қин*, *тўл-қин* каби. Бу аффикс **-гун**, **-қун** шаклида ҳам ишлатилади: *юл-гун*, *уч-қун*, *тут-қун* каби.

12. **-(у)-в**, **(о)в**. Ясаш асосидан англапшилган ҳаракат ва ҳолат маъноларини билдирувчи от ясайди: *мақта+v=мақтов*, *сайла+v=сайлов*, *қурша+v=қуршов*, *учраш-ув*, *тортиш-ув*, *ёз-ув*, *тўқнаш-ув*, *ўқи+v=ўқув* каби.

13. **-чи**, **-вчи**, **-увчи**. Ясаш асоси ифодалаган иш-ҳаракатни бажариш билан шугулланувчи шахс оти, нарса оти ва мавҳум от ясайди: *том-чи*, *суюн-чи*, *сайло-вчи*, *тингло-вчи*, *уч-увчи*, *ўқу-увчи*, *богло-вчи*, *терго-вчи*, *чайқо-вчи*, *ўқит-увчи* каби.

14. **-ш.** Ясаш асосидан англашилган ҳаракат жараёни оти ясайди: *у́йлан-иш*, *қурил-иш*, *ўпирил-иш*, *ўти́р-иш*, *йиги́л-иш* каби.

-в, -чи, -ш аффикслари орқали от ясалиши феълнинг ҳаракат номи шакли асосида юзага келган.

Булардан ташқари, феъл асосидан от ясовчиларга қўйидагилар ҳам киради: *-ит*, *-ат*, *чиқ-ит*, *кур-ит*, *кўч-ат*; **-чилик**: *ич-чилик*; *а:* *түқ-а*, *яр-а* (*ёрмоқ* феълидан); *чиқ*, *ёпин-чиқ*, *суюн-чиқ*; **-дик**: *ҳор-дик*, *қол-дик*, *тошил-дик* каби.

Бошқа сўз туркумларидан ясалган отлар. От ва феълдан ташқари, сифат, сон, олмош, равиш ва тақлидий сўзлар ҳам от ясалишида асос бўлиб хизмат қиласди. Булар орасида сифатдан от ясалиши нисбатан фаолроқ бўлиб, қолган сўз туркумларидан ясалиш анча чегараланган. Шуни ҳам эслатиш керакки, бу сўз туркумларидан ясалища кўлланувчи аффикслар миқдор жиҳатидан у қадар кўп эмас:

1. **-лик**. Сифат, сон, равиш, баъзан олмошлардан ясаш асоси маъноси билан боғлиқ белги, хусусият ва ҳолат оти ясайди: *яхши-лик*, *тўзал-лик*, *янги-лик*, *катта-лик*, *онгсиз-лик*, *эски-лик*, *бир-лик*, *беш-лик* (*бешта-лик*), *тез-лик*, *кўп-лик*, *секин-лик*, *ўз-лик* каби.

2. **-чилик (-чи + лик)**. Бу мураккаб аффикс сифатлардан ҳолат, хусусият, белги маъносидаги мавҳум от ясайди: *хурсанд-чилик*, *пишиқ-чилик*, *арzon-чилик*, *номаъқул-чилик*, *беадаб-чилик*, *йўқ-чилик*, *кам-чилик*, *қиммат-чилик*.

3. **-гарчилик (-гар + чи + лик)**. Бу аффикс ҳам сифатлардан ясаш асоси англатган белги, хусусият ва ҳолат маъносидаги мавҳум от ясайди: *овора-гарчилик*, *сероб-гарчилик*, *шарманда-гарчилик*, *хафа-гарчилик*, *бемаза-гарчилик* каби.

4. **-чи**. Сифатлардан ясаш асоси англатган белги, хусусият билан характерланиш маъносидаги от ясайди: *қизиқ-чи*, *эски-чи*, *аъло-чи*.

5. **-а**. Сифат ва тақлидий сўзларга қўшилиб, нарса, ҳаракат ва ҳолат маъносидаги от ясайди: *бўз-а*, *қуйқ-а*, *жизз-а*, *қаҳқаҳ-а*, *шаршар-а*, *дўмбир-а*, *дагдаг-а* каби.

6. **-ак**. Тақлидий сўзлардан нарса, белги, хусусият маъноларини билдирувчи от ясайди: *түрр-ак*, *қарс-ак*, *варр-ак*, *бизбиз-ак*, *дардар-ак* каби.

Композиция усули билан от ясалиши

Икки ва уңдан ортиқ асоснинг қўшилиши орқали от ҳосил қилиш композиция усули билан от ясаш дейилади. Композиция усули билан асосан қўшма отлар ясалади. Қўшма отларнинг тузилиши аслида сўз бирикмасига ўхшайди. қўшиувчи қисмларнинг ҳар бири мустақил сўзга тенг бўлади. Тилнинг тадрижий тараққиёти натижасида бирикма қисмлари орасидаги синтактик алоқа йўқолади, яхлит бир маъно англатган янги лексик бирлик - қўшма сўз ҳосил бўлади. Бу ҳодиса аста-секинлик билан тилда қўшма сўз ясаш қолипига айланаб қолади. Қўшма сўз ясалиши учун асос бўлган бу қисмлар ўзининг дастлабки маъносини қисман ёки бутунлай йўқотади, иккаласи биргалиқда бошқа янги лексик маъно англата бошлайди. Масалан, қўзи билан қорин сўзларининг ҳар қайсиси алоҳида лексик бирлик, ўз маъносига эга. Уларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган қўзиқорин сўзи эса аввалги сўзларнинг маъносидан бошқа маънони, бошқа нарсанинг номини билдиради. *Қўл-қоп, Олти-арик, Оқ-тош, Қора-қишлоқ, олма-бош, Шўр-қудуқ* каби ясалмалар ҳам шу асосда ҳосил бўлган.

Аниқловчи билан аниқланмишга тенг қисмларнинг қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган бундай қўшма отлар асли тузилиш жиҳатидан қаратқичли бирикма (қўқонарава, асалари, қўлқоп, ошқозон, бўрижар, қўлёзма каби) ҳамда сифатловчилик бирикма тарзида бўлади: *Оққўргон, бешбармоқ, Еттисув, бақатерак, кўричак, ўқилон, Қоратепа* каби.

Таркибидаги қисмлари қандай туркум сўzlари билан ифодаланишига қараб қўшма отлар қўйидаги кўринишларга эга бўлади:

1. Икки отдан иборат бўлади. Бу қўшма отлар:

а) асли қаратувчилик муносабатида бўлган икки отнинг қўшилиб кетишидан ҳосил бўлади: *кўз-ойнак, билаг-узук, бел-бог, ош-пичоқ, от-тўрва, том-орқа* каби;

б) асли сифатловчилик муносабатида бўлган икки отнинг қўшилиб кетишидан ҳосил бўлади: *олтин-тугурт, тош-кўмир, тилла-қўнгиз, сада-райхон* каби.

2. Сифат ва отдан иборат бўлади: *Қора-кўл, Катта-қўргон, Оқ-сарой, аччиқ-тош, кўк-йўтал, оқ-қуш, Кўк-тош, Қизил-тепа, Янги-қўргон* каби.

3. Сон ва отдан таркиб тоғган бўлади: *Тўрт-кул, уч-буручак, Уч-қўргон, Беш-ёғоч, Уч-қудуқ, беш-бармоқ, саккиз-оёқ* каби.

4. От ҳамда феълнинг сифатдош ёки ҳаракат номи шаклларидан иборат бўлади: *от-боқар, бешик-терватар, туя-тортар, ўрин-босар, муз-ёар, кунга-боқар, бўри-босар, дунё-қарааш* каби. Баъзан от билан аниқ ўтган замон шаклидаги феълнинг бирикувидан иборат бўлади: *Қор-ёғди, Сой-кеиди, Гурс-кетди, гўшт-куйди* каби.

5. Икки феълдан иборат бўлади. Бундай қўшма отларда биринчи феъл равишдош шаклида, иккинчи феъл эса сифатдош ва ҳаракат номи шаклида бўлади: *ишилаб чиқариш, исқабтолар, олиб сотар, излаб толар* каби.

6. Сон (баъзан олмош) билан феълнинг сифатдош шаклидан иборат бўлади: *беш-отар, беш-кўтарар, ўзи-бўларчилик*.

Қўшма отлардан ташқари, тургун бирикма тарзидағи отлар ҳам бўлади. Бундай отлар икки ва ундан ортиқ сўздан ташкил топади, бу сўзлар орасида аниқловчилик муносабати сақланган бўлади. Бундай бирикма таркибидағи сўзларнинг ҳаммаси биргаликда яхлит бир тушунчани англатади. Тургун бирикма тарзидағи қўшма отларнинг кейинги қисми кўпинча учинчи шахс эгалик аффиксини олган бўлади: *меҳнат дафтарчаси, ҳалқ маорифи бўлими, Ўзбекистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамаси* каби.

Тургун бирикма типидаги қўшма отлар таркибидағи сўзларнинг ўрнини ўзгартириб бўлмайди: *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Америка Қўшма Штатлари, Европа Ҳамжамияти, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги* каби.

СИФАТ ЯСАЛИШИ

Бошқа сўз туркумлари сингари, сифат ҳам тўхтовсиз янги сўзлар билан бойиб боради. Бу ҳодиса асосан ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари ҳисобига янги маъноли сифатлар ҳосил қилиш ва бошқа тиллардан сўзлар қабул қилиш ҳисобига содир бўлади: *документал, актуал, диалектал, прогрессив, эффектив, федератив, традицион, редакцион, реакцион* каби сифатлар айнан шу шаклда қабул қилинган. Аммо бу сифатлардаги **-ал, -ив, -он** каби элементлар фақат шу сўзлар таркибида гина келади, шу таркибдан ажратилмайди. Булар ўзбекча сўзлардан янги сифат ясаш хусусиятига эга эмас. Тожик тилидан ўзлаштирилган сўзлар таркибида сифат ясовчи аффикслар эса асрлар давомида тилимизга сингиб кетиши натижасида ўзбекча сўзлардан ҳам сифат ясай олади. Бу аффикслар эндилиқда ўзбек тилининг фаол сўз ясовчилари қаторига ўтган: *донгдор, салмоқдор, билимдон, серсув, серунум, ноўрин, беомон* каби.

Отлар сингари сифатлар ҳам аффиксация ва композиция усуллари билан ясалади. Бу икки усул орқали сифат ясашда аффиксация усули айниқса, маҳсулдор ҳисобланади.

Аффиксация усули билан сифат ясалиши

Аффиксация усули билан сифат ясалишида кўпинча от ва феъл, баъзан равиш ясаш асоси вазифасида келади. Бу усул билан сифат ясашда қўйидаги аффикслар қўлланади:

1. **-ли**. Бу аффикс серунум ясовчи бўлиб, турлича маъно англатган сифат ясайди: *ҳурмат-ли, маза-ли, ақл-ли, гайрат-ли, маъно-ли, маълумот-ли* каби.

Бу аффикс орқали ясалган сифатлар қўйидаги маъноларни англатади: а) ясаш асоси отдан англашилган нарсага эгаликни, ўша нарсанинг борлиги, мавжудлигини билдиради: *уй-ли, милтиқ-ли, дўппи-ли, пахта-ли, бола-ли, мева-ли, қошқоқ-ли, даста-ли* каби; б) ясаш асосидан англашилган нарсанинг одатдагидан кўра кўплиги, мўллиги, ортиқлиги маъноларини билдиради: *лавда-ли, ақл-ли, куч-ли, сув-ли* каби; мавҳум отларга қўшилгандан ҳам шундай маъно

англатган сифатлар ясалади: *хурмат-ли, муруват-ли, мушоҳада-ли, интизом-ли, ишонч-ли, шиддат-ли, унум-ли, билим-ли* каби; в) ясаш асоси феълнинг сифатдош шаклидан бўлиб, нарсанинг ундан англашилган ҳаракат-белги, ҳолат-хусусиятта эга эканлигини билдиради: *қизиқар-ли, қониқар-ли, тушунар-ли, етар-ли, ачинар-ли, кўринар-ли* каби. Бу тицдаги ясалмаларда *-ли* аффикси сифатдош ясовчи *-(а)р* аффикси билан бирекиб, бир мураккаб аффиксга айланниб бормоқда: *ажабланар-ли, сезилар-ли, мақтар-ли, айтар-ли, билинار-ли, зерикар-ли* каби; г) ясаш асоси феълнинг ҳаракат номи шаклидан бўлиб, буюм-нарсанинг бирор иш учун яроқли эканлигини, ўша ҳаракат учун мосланганлигини билдиради: *чолиш-ли, миниш-ли, ейиш-ли, ичиш-ли* каби.

-ли аффикси эгалик, мавжудлик, ортиқлик маъноларини англатган айрим ясалмаларда *сер-, -дор, ба-* каби аффикслар билан синонимия муносабатида бўлади: *гайратли* ^{*} = *сергайрат, сувли* = *серсув, унумли* = *серунум* = *унумдор* каби.

2. **-сиз**. Бу аффикс ҳам жуда унумли бўлиб, ясаш асоси билан боғлиқ равища белги, хусусият, ҳолат каби хилма-хил маъноларни билдирувчи сифат ясади. Булар қўйидагича: а) ясаш асосидан англашилган нарсага эга эмасликни, унинг йўқлиги, мавжуд эмаслигини билдиради: *сув-сиз, иш-сиз, хато-сиз, пул-сиз* каби; б) ясаш асоси англатган нарса, ҳолат кабиларнинг камлиги, етарли эмаслигини билдиради: *туз-сиз, куч-сиз, ҳаракат-сиз, ёғ-сиз, тажриба-сиз, ақл-сиз* каби; в) ясаш асосидан англашилган буюм-нарса белгиси, ҳолат, хусусият кабиларнинг кўплиги, ортиқлиги, шу хусусият унинг доимий белгисига айланганлиги маъноларини билдиради: *чек-сиз (дентиз), поён-сиз; (чўл) ҳад-ҳисоб-сиз;* г) шахс, нарсанинг салбий хусусиятини, салбий ҳолатини билдиради: *онг-сиз, андиша-сиз, ахлоқ-сиз, шафқат-сиз, ҳаё-сиз* каби. Бу ясовчи баъзан *бе-, но-* аффикслари билан синонимлик муносабатида бўлади: *поён-сиз* = *бе-поён, тартиб-сиз* = *бе-тартиб, ўрин-сиз* = *но-ўрин, умид-сиз* = *но-умид*.

3. **-ти (-ки, -қи)**. Бу аффикс ясаш асосидан англашилган ўрин ва шайтга муносабатни, унга хосланганликни билдиради: *ёз-ти, куз-ти, бугун-ти, кейин-ти, қадим-ти, тун-ти, ич-ки, таш-қи, кеч-ки* каби. Баъзан бу аффикс орқали

ясалган сифатнинг ясаш асоси вазифасида феъл шакллари келади, шундай хусусиятта эгалик маъносини билдирувчи сифат ясалади: *вайса-қи*, *йигло-қи*, *сайро-қи* каби.

4. **-тин (-гин, -кин, -гун, -қин, -кун)**. Бу аффикс феъл шаклларига қўшилиб, ҳаракат ва ҳолат билан бөглиқ белги-хусусият маъноларини билдиради: *ғам-гин*, *оз-гин*, *сўл-гин*, *тур-гун*, *тут-кун*, *кес-кин*, *жўш-қин*, *сот-қин*, *ёр-қин* каби.

5. **-тир (-тир, -кир, -қир, -қур)**. Бу аффикс ясаш асоси англаттан ҳаракат ва ҳолат билан бөглиқ белги-хусусиятнинг ортиқлигини, шу хусусиятнинг кўплиги, кучли эканлигини билдирувчи сифат ясади: *сез-тир*, *ол-тир*, *ўт-кир*, *топ-қир*, *кес-кир*, *чоп-қир*, *уч-қур* каби.

6. **-чоқ (-чиқ, -чак)**. Бу аффикс феъл асосига даража шаклидан кейин қўшилиб, белги-хусусият, ҳолат маъноларини билдирувчи сифат ясади: *эрин-чоқ*, *мақтанс-чоқ*, *ялин-чоқ*, *тортин-чоқ*, *чўзин-чоқ*, *қизган-чиқ*, *куон-чак* каби.

7. **-к (-ик, -ук, -ак), -қ (-иқ, -уқ, -оқ)**. Маҳсулдор аффикс бўлиб, ясаш асоси вазифасида кўпинча феъл шакллари келади. Ҳаракат ва ҳолат натижасида воқе бўладиган белги, хусусиятни билдирувчи сифат ясади: *кес-ик*, *чири-к*, *ютур-ик*, *ет-ук*, *син-иқ*, *юм-уқ*, *тин-иқ*, *юмало-қ*, *қол-оқ*, *қувно-қ* каби. Бу аффикснинг вариантлари ясаш асосининг унли ва ундош товушлар билан тугашига қараб танланади.

8. **-ий (-вий)**. Мавҳум отларга қўшилиб, шундай нарсага алоқадорлик, унга хосланганлик маъноларини билдирувчи сифат ясади: *замона-вий*, *илм-ий*, *ахлоқ-ий*, *иқтисод-ий*, *тарих-ий*, *оила-вий*, *мафқура-вий*, *омма-вий*, *марказ-ий* каби. Бу аффикс кўпроқ араб тилидан қабул қилинган сўзлар таркибида қўлланади. Шунга кўра баъзи арабча сифатлар таркибида аффикс сифатида ажратилмайди: *оддий*, *жиiddий*, *сунъий*, *ҳаққоний*, *ашаддий*, *жиноий* каби.

9. **-и**. Ясаш асоси англаттан шахс, нарса, ўрин, ҳолат кабиларга хосланганлик, алоқадорлик, тегишли эканликни билдирувчи сифат ясади: *чапан-и*, *зардўз-и*, *кишмири-и*, *хитой-и*, *ироқ-и* каби.

10. **-ма**. Бу унумли аффикс феъл асосига қўшилиб, шахс ва нарсанинг ҳаракат – ҳолат билан бөглиқ турли белгисини англатувчи сифат ясади: *сайрат-ма*, *куч-ма*, *ағдар-ма*,

шилдира-ма, қайнат-ма, яса-ма, ула-ма; қүш-ма, соч-ма, бура-ма, ҳовлиқ-ма, сайлан-ма, дангилла-ма каби.

11. **-қоқ, -тоқ.** Бу аффикс феъллардан сифат ясайди, нарсанинг ҳаракат-ҳолат билан бөглиқ хусусиятини, белгисини билдиради: *уриш-қоқ, ёшиш-қоқ, буриш-қоқ, уюш-қоқ, тириш-қоқ, той-тоқ, қоч-қоқ* каби.

12. **-чан.** Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарса, ҳаракат ва ҳолатта бөглиқ белги, хусусият билдирувчи ёки «шу нарсанинг якка ўзи билангина» маъносидағи сифат ясайди: *ҳаракат-чан, иш-чан, кўнгил-чан, бўй-чан, ўй-чан, уят-чан, хаёл-чан, сезув-чан, синув-чан, билув-чан, кўйлак-чан* каби.

13. **-симон.** Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарсага ўхшашлик маъносидағи сифат ясайди: *олтин-симон, одам-симон, тухум-симон, қалқон-симон* каби.

14. **-агон.** Феъл асосига қўшилиб, ясаш асоси англаттан ҳаракат ва ҳолат билан бөглиқ белги, хусусиятга эгалик билдирувчи сифат ясайди: *бил-агон, чоп-агон, қоп-агон, ўз-агон, ёт-агон, теп-агон* каби.

Феълнинг сифатдош шаклига **-мон** аффиксини қўшиш орқали ясалган сифатлар маъно жиҳатидан **-агон** аффикси воситасида ясалган сифатларга яқин туради: *ишбilar-мон, ўlar-мон, еяр-мон* каби. Аммо бу аффикс анча камунум ҳисобланади.

15. **-онгич, -овуч.** Булар ҳам камунум аффикс бўлиб, ҳаракат ва ҳолат билан бөглиқ белгининг ортиқлигини билдирувчи сифат ясайди: *теп-онгич, кул-онгич, ҳурк-овуч, иско-вуч, қоп-онгич* каби.

16. **-чил.** Камунум аффикс бўлиб, ясаш асоси англаттан белги, ҳолат, хусусиятта эгалик маъносидағи сифат ясайди: *эл-чил, дард-чил, из-чил, халқ-чил* каби. Сифат ва равишларга қўшилганда белгининг озлиги, кучсизлиги маъноларини билдиради: *оқ-чил, кам-чил* каби.

17. **-аки.** Бу ҳам камунум аффикс бўлиб, от, сифат, баъзан тақлидий сўзлардан сифат ясайди: *қалб-аки, оғз-аки, зўр-аки, хом-аки, жizz-аки, жирт-аки* каби.

18. **-ин.** Бу аффикс от ва феъл асосларидан белги, хусусият билдирувчи сифат ясайди: *эрк-ин, оташ-ин, яшир-ин, тўқ-ин-соҷ-ин, тўл-ин, оч-ин=тўқ-ин* каби.

19. **-парвар**. Бу аффиксоид ясаш асоси англаттан нарса, ҳаракат билан бөглиқ белги, ҳолат, хусусият билдирувчи сифат ясайды: *ватан-парвар, сулұ-парвар, маърифат-парвар, тараққий-парвар, соя-парвар* каби.

20. **-кор, -тар**. Ясаш асосидан англашилган нарса, ҳолат, хусусиятта эгаликни, ўша билан баңд бўлиш маъноларини билдирувчи сифат ясайды: *фидо-кор, халос-кор, исён-кор, даъво-тар, жавоб-тар, иғво-тар, исроф-тар* каби.

21. **-манд**. Ясаш асоси ифодалаган нарса ва ҳолатта эгалик билдиради: *аёл-манд, орзу-манд, дард-манд, ихлос-манд*.

22. **илдоқ (ил + доқ)**. Бу камунум аффикс тақлидий сўзлардан сифат ясайды: *лиқ-илдоқ, қақ-илдоқ, шақ-илдоқ, биж-илдоқ, шиқ-илдоқ*.

23. **-вор**. Камунум аффикс бўлиб, турли сўзлардан қиёслаш маъносидаги сифат ясайды: *девона-вор, афсона-вор, тантана-вор* каби.

24. **-параст** (тожикча *парастидан* – «итоат қилмоқ», «таъзим қилмоқ» феълидан). Ясаш асоси англаттан нарсага, ҳолатга ўта берилганлик, унга эътиқод қилиш маъносидаги сифат ясайды: *mansab-параст, шуҳрат-параст, гул-параст, майшат-параст; мол-параст, амал-параст* каби.

25. **ба-**. Ясаш асоси орқали ифодаланган нарсага ортиқ даражада эгаликни билдиради: *ба-давлат, ба-гайрат, ба-қувват, ба-тафсил, ба-тартиб, ба-ҳайбат, ба-маъни* каби. Бу аффикс **-ли, -дор, сер-** ясовчилари билан синонимия муносабатида бўлиши мумкин: *бадавлат = давлатли, баҳайбат = ҳайбатли, басавлат = савлатли = серсавлат = савлатдор* каби.

26. **бе-**. Отларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарсага эга эмасликни ёки унинг бир оз камлигини, етишмаслитини билдирувчи сифат ясайды: *бе-губор, бе-қиёс, бе-пул, бе-ватан, бе-маза, бе-галва, бе-фарзанд, бе-хабар, бе-фаросат* каби. Бу аффикс орқали ясалган сифатлар кишиларга хос белги-хусусиятни (*бе-мехр, бе-ҳаё, бе-парво, бе-там, бе-обру, бе-номус*) ҳамда умуман нарсаларга хос белги-хусусиятни билдиради: *бе-хато, бе-рухсат, бе-поён, бе-ҳисоб, бе-сабаб, бе-даво, бе-такрор, бе-таъсир* каби. Бу аффикс баъзан **-сиз** ва қисман **но-** ясовчилари билан синонимлик муносабатида бўлади: *бепул = пулсиз,*

белоён=*поёnsиз*, *бетакаллуф*=*такаллуфсиз*, *бетоб*=*нотоб*, *бетайин*=*нотайин* каби. Аммо *бе-* аффикси ҳамма вақт ҳам -*сиз*, *но-* ясовчилари билан алмашавермайды: *бежирим*, *аммо жириmsиз*, *ножирим* дейилмайды; *бемалол*, *бемаҳал*, *бетараф*, *бесұнақай*, *бекід* кабилар ҳам *малолсиз*, (*шевада*) *номалол*, *маҳалсиз*, *номаҳал*, *тарафсиз*, *нотараф*, *сұнақайсиз*, *нохуд*, *худсиз* каби тарзда ишлатилмайды.

27. *но-*. Турли сүзларга құшилиб, ясаш асоси англатган нарса, белгига эга эмасликни, унга зид эканликни билдиради: *но-қулай*, *но-үрин*, *но-рози*, *но-маълум*, *но-тұғри*, *но-умид*, *но-инсоф* каби. Бу аффикс ҳам -*сиз* ясовчиси билан синонимлик муносабатида бўлади: *ноҳақ* = *ҳақсиз*, *ноүрин* = *үринсиз*, *ноинсоф* = *инсофсиз*, *ноумид* = *умидсиз*. Тожик тилидан қабул қилинган айрим сүзлар таркибида бу аффикс ажралмайди: *ноёб*, *нодон*, *нотоб*, *ночор*, *ношуд* каби.

28. *сер-*. Бу аффикс ясаш асоси англатган нарса, ҳолат ва хусусиятнинг кўплигини, ортиқлигини билдиради: *серчиқим*, *сер-завқ*, *сер-сув*, *сер-шоҳ*, *сер-ташвиш*, *сер-галва*, *сер-ҳосил*, *сер-гап* каби.

29. *-дон*. Ясаш асосидан англашилган нарсани ортиқ даражада «биливчи», «суювчи» маъносидаги сифат ясайди: *гап-дон*, *билим-дон*, *қадр-дон*, *ҳисоб-дон* каби.

30. *бад-*. Бу аффиксоид шахс ва нарсаларнинг ясаш асоси англатган маъно билан боғлиқ салбий белгисини билдирувчи сифат ясайди: *бад-жаҳл*, *бад-башара*, *бад-қовоқ*, *бад-ном*, *бад-бўй*, *бад-ҳазм*, *бад-феъл*, *бад-нафс*, *бад-маст*, *бад-ахлоқ* каби.

31. *-дор*. Бу аффикс ҳам отларга құшилиб, ясаш асосидан англашилган нарсанинг меъёридан ортиқлигини билдирувчи сифат ясайди: *пул-дор*, *гүшт-дор*, *бўй-дор*, *салмоқ-дор*, *елка-дор*, *димог-дор* каби. Бу аффикс ўрни билан ясаш асоси англатган нарса, белги-хусусият кабиларнинг мавжуд эканлиги, борлиги маъносини ҳам билдиради: *жозиба-дор*, *қарз-дор*, *дўкон-дор*, *байроқ-дор*, *кунгура-дор*. Бу ясовчи шунга ўхшаш маъно билдирувчи -*ли* аффикси билан синонимия муносабатида бўлади: *жарангдор* = *жарангли*, *унумдор* = *унумли*, *ширадор* = *ширали*, *жозибадор* = *жозибали* каби.

Умуман, ўзбек тилида *-ли*, *-дор*, *сер-*, *ба-* аффикслари орқали ясалган сифатлар маъно жиҳатидан бир-бирига анча яқин туради: *гӯштли* = *гӯштдор* = *сергӯшт*; *савлатли* = *савлатдор* = *серсавлат* = *басавлат*, *маъноли* = *маънодор* = *сермаъно*, *унумли* = *унумдор* = *серунум* каби. Аммо бу аффикслардан ҳар бирининг ўзига хос маъно ва услубий хусусиятлари ҳам бор.

32. *хуш-*. Ясаш асосида ифодаланган нарса ва ҳолат билан боғлиқ бўлган белгини билдирувчи сифат ясади: *хуш-хабар*, *хуш-бичим*, *хуш-вақт*, *хуш-суҳбат*, *хуш-мўйлов*, *хуш-хат*, *хуш-бўй* каби. *Хушёқмас*, *хушчақчақ* кабилар ҳам асос англаттан маъно билан боғлиқ белги билдиради.

33. *-намо*. Ясаш асоси ифодалаган нарса, хусусият ва ҳолат кабилар билан қиёслаш, ўшанинг хусусиятига эга эканлик маъноларини билдирувчи сифат ясади: *гаранг-намо*, *касал-намо*, *мулла-намо*, *олим-намо* каби.

34. *-ча*. Бу аффикс аслида равиш ясовчи бўлиб, сифат ясашга ҳам хизмат қиласи. Ясаш асоси англаттан маъно (этник ва географик ном) билан боғлиқ хусусият билдирувчи сифат ясади: *бухоро-ча* (*бухорча*) *ўйин*, *фаргона-ча* (*кураш*), *ўзбекча* (*талаффуз*), *туркман-ча* (*телшак*) каби.

Булардан ташқари, қўйидаги аффикслар орқали чекланган тарзда сифат ясалиши мумкин: *бар-*: *бар-вақт*, *бар-ҳаёт*, *бар-тараф*; *-боп*: *пальто-боп*, *кўйлак-боп*, *норин-боп*; *-мон*: *билар-мон*, *устабузар-мон*; *-каш*: *дил-каш*, *паст-каш*, *дард-каш*, *ҳазил-каш*, *жафо-каш*, *жанжал-каш*; *-шумул*: *олам-шумул*, *жаҳон-шумул*; *-лоқ*: *япа-лоқ*, *бақа-лоқ* каби.

Композиция усули билан сифат ясалиши

Ҳозирги ўзбек тилида композиция усули билан сифат ясалиши ҳам маҳсулдор усуллардан ҳисобланади. Композиция усулида икки ва ундан ортиқ асоснинг қўшилиши натижасида белги билдирувчи янги сўз – қўшма сифат ҳосил бўлади. Қўшма сифат қисмлари орасидаги сифатловчилик муносабатининг йўқолиши натижасида улар қўшилиб кетиб, яхлит бир лексик бирлик сифатида белги маъносини англата бошлиди ва қўшма сифатта айланади: *олачипор*, *қимматбаҳо*, *тошбақа* каби.

Құшма сифатни сифат бирикмалардан фарқлаш лозим. Сифат бирикма таркибидаги қисмларнинг сифатловчылық муносабати сақланған бұлади, улар бирикма ҳолида бошқа бир отта бөгланади ва нарсанинг белгисини билдиради: *икки хонали* (үй), *беш қырралы* (юлдуз), *юз катакли* (шиашка), *күп міллатлы* (жамоа) каби. Шу каби хусусият предикатив синтагмага ҳам хос: *лағзы ұалол* (йигит), *зуваласи пишиқ* (бола), *күз илгамас* (дала), *жағли тез* (киши) каби.

Құшма сифат қисмлари қайси сұз туркумлариданлигига қараб қойылады:

1. Икки сифатдан: *олачипор*, *түк қизил*, *қора қизил*, *улут сифат қорасовуқ* каби.

2. Сифат ва отдан: *қоракүз*, *карқулоқ*, *ширинсүз*, *қымматбаҳо*, *пушти ранг*, *хаста дил*, *соғиб жамол*, *қора пұчоқ* каби.

3. Икки отдан: *ұаво ранг*, *бұгдой ранг*, *бодомқовоқ*, *оташқалб* каби.

4. Равиши ва отдан: *камунум*, *камқон*, *камсув*, *камғап*, *камчиқит*, *камқувват*, *камегин*, *ҳозиржавоб* каби.

5. Равиши, баъзан от ва феълнинг сифатдош шаклидан: *тезпишар*, *тезотар*, *кечипишар*, *эртапишар*, *тезоқар*, *тингчликсевар* каби.

6. Соң ва отдан: *бешкокил*, *беш қаватли* (бино) каби. Бундай сифат баъзан -лама аффикси билан ясалади: *иккиюзлама*, *иккиёқлама*, *бирёқлама* каби.

7. Ясаш асоси ҳамда от ва *аро* сүзидан: *халқаро*, *шаҳарлараро*, *мактаблараро*, *республикалараро*.

Рус тилидан калькалаш асосида ұзлашған сұзларга умум сүзи құшиш орқали ҳам құшма сұзлар ҳосил қилинади: *умумхалқ*, *умумдавлат*, *умумжаҳон*, *умумشاҳар*, *умумиттифоқ* каби.

ФЕЪЛ ЯСАЛИШИ

Ҳозирги ўзбек тилида феъллар аффиксация усули билан (*тиш+ла, тоза+ла, хайр+лан, кўп+ай, гумон+сира, икки+лан, йўл+иқ, йилт+ира* каби) ва композиция усули билан (*ҳикоя қил, гайрат қил, ижод эт, олиб кел, ташлаб кет, очиб ташла, сотиб ол, санаб ол* каби) ясалади.

Аффиксация усули билан феъл ясалиши

Аффиксация усули билан феъл ясашда кўпинча от, сифат, сон, равиш, тақлидий сўзлар, шунингдек, олмош ва ундовлар ясаш асоси вазифасида келади. Бу сўзларга қўшилган феъл ясовчи аффиксларнинг сўз ясаш даражаси ҳам бир хил эмас; уларнинг айримлари маҳсулдор аффикс бўлиб, жуда кўп миқдорда феъл ясашга хизмат қиласа, баъзилари чегараланган миқдорда феъл ясади.

Ҳозирги ўзбек тилида феъл ясашда қўйидаги аффикслар қўлланади:

1. **-ла.** Бу аффикс энг фаол феъл ясовчи морфемалардан бўлиб, барча сўз туркумларидан феъл ясай олади: *иш+ла, мушт+ла, ош+ла* (отдан), *оқ+ла, янги+ла, яхши+ла, қора+ла* (сифатдан), *ҳозир+ла, тез+ла, секин+ла* (равищдан), *туф+ла, дод+ла* (ундовдан), *қиқир+ла, шитир+ла, тақир+ла* (тақлидий сўздан) каби.

-ла аффиксининг маъноси ясаш асосидан англашилган маъно билан боғлиқ ранишда турлича бўлади. Бу аффикс билан ясалган феъллар қўйидаги маъноларни билдиради:

1. От туркумига кирган сўзлар ясаш асоси вазифасида келади. Бундай феъллар:

а) иш-ҳаракатни асосда ифодаланган нарса орқали бажариш, шу нарса билан шугуланиш каби маъноларни билдиради: *тиш-ла, ош-ла, туз-ла, қўл-ла, парма-ла, гул-ла, қоп-ла, варақ-ла, эс-ла* каби;

б) ясаш асоси ифодалаган нарсани ҳосил қилиш, юзага келтириш маъноларини билдиради: *гул-ла, қат-ла, уруг-ла, даста-ла;*

в) ясаш асоси англатган нарса ҳолатига ўтиш, ўша нарсага ўхшатиш маъноларини билдиради: *бут-ла, муз-ла, сув-ла.*

г) иши-ҳаракатнинг ясаш асоси англатган ўрин ва пайтга муносабатини билдиради: *ора-ла, жой-ла, ўрин-ла, қипп-ла, ўрма-ла;*

2. Белги билдирувчи сўзлар (сифат, равиш) ясаш асоси вазифасида келади, шундай асос ифодалаган белги ҳолатига ўтказиши, шу ҳолатта эга қилиш маъноларини билдиради: *янги-ла, тўтри-ла, текис-ла, паст-ла, секин-ла, оқ-ла, сара-ла, ҳул-ла, тоза-ла, эрка-ла, тўп-ла, яхши-ла* каби.

3. Ундов ва тақлидий сўзлар ясаш асоси вазифасида келади, шундай асос ифодалаган ҳис-ҳаяжон ва товушни юзага келтиришни билдиради: *ҳўп-ла, тарақ-ла, дод-ла,войвой-ла, гумбур-ла, дукур-ла.*

Ўзбек тилида **-ла** аффикси орқали ҳосил бўлган бир қатор ясалмаларда сўз таркибининг, морфемалар орасидаги чегаранинг ўзгариши натижаси **-и, -ш** сингари айрим шакл ясовчиларнинг **-ла** аффикси таркибига сингиб кетиши ҳодисаси ҳам учрайди. Бунинг натижасида **-лан, -лаш** каби мураккаб аффикслар (**-ла + -и, -ла + -ш**) юзага келади: *таажжуб+лан, ажаб+лан, газаб+лан, ўртоқ+лаш, салом+лаш, бир+лаш* каби. Бу ясалмаларда алоҳида **-ла** ҳамда мустақил **-и, -ш** аффикслари ажратилмайди, чунки тилда бу феъллар **-и, -ш** аффиксисиз *таажжубламоқ, ажабламоқ, ўртоқламоқ, бирламоқ* тарзида ишлатилмайди. Шунга кўра **-лан, -лаш** кабилар феъл ясовчи алоҳида мураккаб аффикслар қаторига киради.

-и, -ш аффикслари аслида ўзлик ва биргалик даражага шаклларини ясашга хизмат қилгани учун **-лан, -лаш** аффиксли ясама феълларда ҳам ўзлик ва биргалик даражага хос хусусият – бажарувчи шахснинг ўзидағи ҳолат, хусусият-белгининг ўзгариши, юз бериши ёки унда шахсларнинг биргалиги маънолари ифодаланади: *шод-ланмоқ, икки-ланмоқ, хавотир-ланмоқ, дўст-лашмоқ, хайр-лашмоқ, кескин-лашмоқ* каби.

Байналминал асосдан ясалган *газлаштирмоқ, режалаштирмоқ, экранлаштирмоқ, автоматлаштирмоқ* типидаги феъллар таркибидағи **-лаштирир** ҳам мураккаб аффикс бўлиб, мустақил қисмларга ажралмайди.

2. **-(а)р.** Бу аффикс сифатлардан феъл ясашга хизмат қиласи, шу белгига эга бўлиши, шу белги ҳолатига ўтиш

маъноларини билдиради: *кўк-армоқ*, *оқ-армоқ*, *бўз-армоқ*, *ўзга-рмоқ*, *ёш-армоқ*, *қисқа-рмоқ*, *эски-рмоқ* каби.

3. *-(а)й*. Бу аффикс сифат ва равишлардан, баъзан отлардан феъл ясайди, ясаш асоси англатган белги ҳолатига ўтиш, шу белгига эга бўлиш маъноларини билдиради: *кенгаймоқ*, *тор-аймоқ*, *сар(и)ғ-аймоқ*, *оз-аймоқ*, *кўп-аймоқ*, *қора-аймоқ*, *ул(у)ғ-аймоқ*, *куч-аймоқ*, *кеекса-ймоқ*, *тикка-ймоқ*, *кам-аймоқ* каби. *дикк+аймоқ*, *ҳурп-аймоқ*, *шаллп-аймоқ* каби феъллар ҳам асли шу аффикс орқали тақлидий сўзлардан ясалган.

4. *-а*. Бу камунум аффикс от ва сифатлардан феъл ясайди, асосдан англашилган нарса, белги ҳолатига ўтиш, ҳаракатни шу нарсага ўтказиши, ҳаракатнинг белгига муносабати каби маъноларни англатади: *сан-амоқ*, *ўй(и)н-амоқ*, *ош-амоқ*, *яш-амоқ*, *тун-амоқ*, *қон-амоқ*, *қий(и)н-амоқ*, *буш-амоқ* каби. Мисоллардан кўринадики, бу аффикс ёрдамида феъл ясашда асос маълум фонетик ўзгаришига учрайди. *Йилтир-а*, *шилдир-а*, *жилдир-а* кабилар ҳам шу аффикс билан ясалган.

5. *-сира*. Бу аффикс от ва олмошлардан феъл ясайди, асосдан англашилган нарсани исташ маъносини билдиради: *сув-сирамоқ*, *уйқу-сирамоқ*, *хавф-сирамоқ*, *қон-сирамоқ*, *гумон-сирамоқ*, *ҳадик-сирамоқ*, *сен-сирамоқ*, *сиз-сирамоқ*, *ёт-сирамоқ* каби.

6. *-к(-ик)*, *-қ (-иқ)*. Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асосидан англашилган нарса таъсирига ўтиш, белги-хусусият, ҳолатига ўтиш маъноларини билдиради: *кўз-икмоқ*, *кеч-икмоқ*, *бир-икмоқ*, *чин-икмоқ*, *зўр-икмоқ*, *йўл-икмоқ*, *зор-икмоқ* каби.

7. *-ира*. Камунум аффикс бўлиб, асосан, тақлидий сўзлардан феъл ясайди, тақлидий сўз ифодалаган ҳолатта ўтиш маъносини билдиради: *йилт-ирамоқ*, *милт-ирамоқ*, *ялт-ирамоқ*, *қалт-ирамоқ*, *шарқ-ирамоқ* каби.

8. *-и*. Камунум аффикс бўлиб, от ва сифатлардан феъл ясайди: *чангимоқ*, *бойимоқ*, *тинчимоқ* каби.

Юқоридагилардан ташқари, ҳозирги ўзбек тилида *ҳайқирмоқ*, *камситмоқ*, *қизиқсинмоқ* каби ясалган феъллар ҳам мавжуд.

Композиция усули билан феъл ясалиши

Композиция усули билан қўшма феъллар ясалади. Одатда, қўшма феъллар икки ва ундан ортиқ асоснинг бирикувидан ҳосил бўлади, улардан яхлит бир маъно англашилади. Икки ва ундан ортиқ сўз (асос) бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилганда, улар орасида синтактик алоқа бўлмайди: *Ганижон беихтиёр орқасига қаради-ю, яна йўлида давом этди.* (А.Қаҳҳор). Гўрутлибек бошидан ўтган воқеаларни бир-бир баён этди (*«Гўрутли»*).

Қўшма феълнинг шахс-сон ва замон билан тусланишини кўрсатувчи шакл ясовчи аффикслар ҳар вақт кўмакчи феълга қўшилади: *Ёш ойбеклар байробгин, кўтарайлик баландга. Дўстим, жонни бахши этайлик, фақат она-Ватанга* (А.Орипов). У ёқ - бу ёққа диққат билан кўз ташлади-да, зинадан оҳиста юқорига кўтарилди. (К.Яппин). Йўлчи атрофига кўз югуртириб, қизга томон икки -- уч қадам босди (*Ойбек*).

Қисмларининг қайси сўз туркумидан бўлишига қараб қўшма феъллар икки турга бўлинади:

1. «От+феъл» тузилишли (феъл бўлмаган сўз билан феълдан таркиб топган) қўшма феъллар: *таъзим қилмоқ, гайрат қилмоқ, фикр қилмоқ* каби;

2. «Феъл+феъл» тузилишли (икки феълдан таркиб топган) қўшма феъллар: *сотиб олмоқ, олиб қочмоқ, чиқиб кетмоқ* каби.

«От+феъл» тузилишли қўшма феъллар. Бундай қўшма феъл таркибидағи қисмлар аслида обьект билан ҳаракат муносабатини кўрсатса ҳам, қўшма феъл таркибида улар орасидаги синтактик алоқа кучсизланаб, ҳар икки қисм яхлит ҳолда бир умумий лексик маънони англата бошлайди, яъни семантик ва грамматик жиҳатдан ўзаро узвий боғланиб кетиб, бир бутун лексик бирликни ташкил қиласди. Бу тип қўшма феълларнинг биринчи қисми вазифасида от, сифат,сон каби туркум сўzlари келади, иккинчи қисм вазифасида *солмоқ, қилмоқ* феъллари қўлланади. Бу хилдаги қўшма феълларда *солмоқ, қилмоқ* феъллари биринчи қисмида ифодаланган нарса, белги, хусусиятга, даража ва миқдорга эга қилиши, ўшанга хос қилиш, шу ҳолатта келтириш каби маъноларни англатади: *асос солмоқ, гапга солмоқ, даҳшат*

солмоқ, эсга солмоқ вафо қилмоқ, эълон қилмоқ, катта қилмоқ каби. Биз, ўқитувчилар, тўққиз йил давомида сени кўзимизнинг нури, қалбимизнинг ҳарорати билан шарвариш қидик. (А.Қ.). Нормат қўшиқча қулоқ солиб, ичкаридаги одамнинг чиқишини кута бошлади, (С.Аҳмад). Қизнинг қийточ қоши, жарангли кулгилари кимларнингдир юрагига ларзалар соглан. («Саодат»).

Қилмоқ кўмакчи феълининг синоними, сифатида этмоқ, айламоқ феъллари қўлланади: қабул қилмоқ - қабул этмоқ, - қабул айламоқ, обод қилмоқ - обод этмоқ - обод айламоқ каби. Ҳозирги ўзбек тилида айламоқ феъли нисбатан камроқ ишлатилади: Зиёфат, келди-кетди алламалагача давом этди. (О.) Ўзингни бос, ҳовлиқма, сабр эт. (У.) Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт, (А.Орипов).

Баъзан кўрсатмоқ феъли қилмоқ, этмоқ феълларига вазифадош бўлиб келиши мумкин: Гулнорнинг гойиб бўлиши Йўлчига яшин урган каби таъсир кўрсатди. (О).

«От+феъл» тузилиши қўшима феълларда иккинчи қисм бўлмоқ феъли билан ҳам ифодаланади: тамом бўлмоқ, тажанг бўлмоқ, хафа бўлмоқ, сарсон бўлмоқ, овора бўлмоқ каби. Яхшилар доим насиҳатлар ўз аҳбобига Ичмагил, хушёр бўл, тушма бало гирдобига (Э.Воҳидов).

Бўлмоқ феълининг қўшима феъл таркибида иккинчи қисм сифатида келишини бу феълнинг от кесим таркибида боғлама вазифасида келишидан (талаба бўлди, ўқитувчи бўлди, муҳандис бўлади каби) фарқлаш керак. Бўлмоқ феъли боғлама вазифасида келганда қўшима феъл ясалмайди, балки содда сўз боғлама билан ишлатилган бўлади, холос. Бу вақтда бўлмоқ феълини бошқа боғлама билан алмаштиrsa бўлади: Самимий айтилган сўз содда бўлади. Чунки дилнинг ҳукмронлиги тилдан устун бўлади. Яхши одамнинг боқишилари ҳам доим гўзал бўлади (М.Ибр.). Мисоллардаги бўлмоқ феълини -дир боғламасига (соддадир, устундир, гўзалдир шаклида) алмаштириш мумкин.

Бўлмоқ феъли қўшима феълнинг қисми вазифасида келса, уни боғлама билан алмаштириб бўлмайди: Ҳайрон бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ, кир бўлмоқ. Оз бўлсин, оз бўлса ҳам соз бўлсин (Мақол). Жоним билан Рустамжон ака, бундан қўнглини тўқ бўлсин. (К.Яшин). Мисоллардаги

бўлмоқ қисмини –дир боғламаси билан алмаштириб бўлмайди.

От ва отлашган сўзлар билан *қўймоқ*, *чиқармоқ*, *олмоқ*, *боғламоқ*, *кўрмоқ*, *кечирмоқ*, *ташламоқ* каби феълларнинг бирикишидан асли фразеологик бирликлар ҳосил бўлади; бундай бирликларни от+феъл тузилиши қўшма феъллар қаторига киритиш тўгри бўлмайди: *кунтил қўймоқ*, *ном чиқармоқ*, *дам олмоқ*, *умид боғламоқ*, *йўл тутмоқ*, *қўлга олмоқ*, *кун кечирмоқ*, *қадам ташламоқ*, *фиркга келмоқ*, *кўздан кечирмоқ*. Бу хил бирликларнинг маъноси унинг таркибидағи қисмларнинг тўгри маъносидан келиб чиқмайди, балки ҳар икки қисм яхлитлигича кўчма маъно англаатади. Масалан, *Деҳқонларни ипсиз боғламоқчилар дент!* Уларни ерга боғлаб қул қилмоқчилар дент! (Н.Сафаров).

«Феъл+феъл» тузилиши қўшма феъллар. Қўшма феълнинг бу тури икки феълнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Биринчи қисм одатда феълнинг –*а*, –*й* ҳамда –*б* (-*иб*) қўшимчали равишдош шаклида бўлади. Қўшма феъл таркибидағи қисмлар ўзаро биришиб, уларнинг маъносидан фарқ қилган янги маъно англаатади: *олиб бормоқ*, *олиб келмоқ*, *сотиб олмоқ*, *ташлаб кетмоқ*. *Пахтафуруш бойлар кузда камбагалларнинг пахтасини арzon-гаровга сотиб олиб, саройига босиб қўяр эди*. (М.Исмоилий). Аваз сурувдан қолиб кеттан иккита қўзичоқни олиб келди. (П.Қ.). Бундай қўшма феъл яхлитлигича янги лексик маъно англатиши билан нутқда мустақил ва ёрдамчи феълдан тузилиб, иккинчи қисм тугалланганлик, такрор, давом, бошланиш каби турлича маъноларни ифодаловчи аналитик шакллардан фарқ қиласи: *олиб келмоқ* – қўшма феъл, *айтиб юбормоқ* аналитик шакл каби. Ҳозирги ўзбек тилида икки феълдан ташкил топган қўшма феъллар у қадар кўп эмас: *чақириб келмоқ*, *тортиб олмоқ*, *қайтариб олмоқ* каби. Аммо аналитик шакллар нутқда жуда кўп ишлатилиди: *айта бошламоқ*, *айтиб қўймоқ*, *айта қолмоқ*, *айтиб юбормоқ* каби.

РАВИШ ЯСАЛИШИ

Равишилар ҳам аффиксация ва композиция усуулари билан ясалади. Аффиксация усули билан равиши ясалишида от, сифат, олмош каби сўз туркумлари ясаш асоси вазифасида келади.

Аффиксация усули билан равиши ясалиши. Аффиксация усули билан равишилар қўйидаги аффикслар билан ясалади:

1. **-ча**. Бу аффикс от, сифат, олмош, равиши ва феълларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, ясаш асосида ифодаланган нарса, белги, ҳолат ва хусусиятта ўхшатилганликни, қиёслашни англаттан равишилар ясади: *тошган-ча, бола-ча, йигит-ча, яширин-ча, эски-ча, сиз-ча, атрофли-ча, илгариги-ча, бултурги-ча, қисқа-ча, ўзим-ча, истаган-ча* каби. Ҳаётта чуқур, кенг, атрофлича қарашиб ундан кейин фикрлаш ва ўйлаш керак. (*Ойбек*).

Бу аффикс баъзан эгалик, келишик аффиксларидан кейин ҳам қўшилиб келади: *сиз-ча – сизнинг-ча, ўзим-ча, сен-ча – сенинг-ча* каби. Анчадан кейин Қаландаров худди ўзича гапиргандаи деди... (*А. Қаҳҳор*)..

2. **-часига**. Бу аффикс турили сўзларга қўшилиб равиши ясади, иш-ҳаракатнинг ясаш асоси англаттан нарса, белги-хусусиятга қиёс қилинганлиги, ҳаракатнинг бажарилиш усули маъноларини билдиради: *ҳарбий-часига, аскар-часига, очиқ-часига, қаҳрамон-часига* каби. Бу аффикс аслида **-ча** ясовчиси ҳамда эгалик аффикси билан жўналиш келишиги аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган (*ча + си + га*). Бу аффикс таркибига сингиб кеттан эгалик ва келишик аффикслари ўзининг маъноси ва шакл ясовчилик хусусиятини йўқотади: *Ўқтам махоркани фронтачасига ўраб, тутунини ҳузур қилиб сўрди*. (*Ойбек*) Мирвали Эралининг сўнти сўзидан кейин айтар гапини йўқотди, энди очиқчасига гаплашиш пайти келди, деб ўйлади. (*С. Аҳмад*).

3. **-ларча**. Бу аффикс от, сифат каби сўзлардан равиши ясади, ясаш асоси англаттан нарса, белгига ўзшатиш, ҳаракатнинг бажарилиши усули маъносини билдиради: *йигит-ларча, полвон-ларча, қадрдон-ларча, ўргоқ-ларча, ота-ларча, катта-ларча, дўст-ларча, бола-ларча* каби. Бу аффикс ҳам тузилиш жиҳатидан мураккаб бўлиб, кўплик аффикси **-лар** ва **-ча** аффиксининг бирикишидан ҳосил бўлган: *Ҳалим*

бобо Ойқизнинг қўлларини сийпалаб, оталарча эркалатди. (Ш. Рашидов). Жўра дўстларча койиб-койиб, ҳужранинг беш тийинлик чақадай қулфини кўрсатди-да, йўқолди. (Ойбек).

4. **-лаб**. Бу аффикс ёрдамида от, сифат, равиш туркуми сўзларидан равиш ясалади, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, пайтини ва миқдорини билдиради: *йил-лаб, ҳафталаб, яхши-лаб, бош-лаб, қулочкаш-лаб, кечат-лаб, ой-лаб, саҳар-лаб, кўп-лаб, кило-лаб, тонна-лаб* каби. Бундай далилларни, керак бўлса, жуда кўплаб топишимиз ва ёзишимиз мумкин («Муштум»). Бу ўтиришдан сўнг у (Отабек) бир ойлаб бўзахонага келмади. (Ойбек).

5. **-дек, -дай**. Бу аффикс орқали ясалган равишлар ҳаракат ва ҳолатнинг ясаш асосида ифодаланган нарса ёки белги-хусусият билан ўхшашлигини, қиёслашни билдиради: *тог-дек, от-дек, лочин-дай, қадимги-дай, илгариги-дек, аввалги-дек, бутунги-дай, гул-дай* каби. Бу ерда ҳеч ўзгариш йўқ, ҳамма нарса аввалгидаи. Ота-бободан қолган чордевор... сомон сувоқ қилинган эски томда ҳаёт яна аввалгидаек. (С.Анорбоев).

6. **-она**. Бу аффикс тўрли сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг белгисини ясаш асосидан англашилган нарса, воқеа-ҳодисага таққослаш, ўхшатиш маъноларини билдиради: *мард-она, қаҳрамон-она, олим-она, камтар-она, шоир-она, холис-она, мугамбир-она, оқил-она, голиб-она* каби. Бу аффикс, одатда, тоҷик тилидан қабул қилинган сўзлар таркибида қўлланади: (Элмурод) Зокиржон қассобнинг сиёsat ҳақидаги мугамбirona саволларига оқ кўнгиллик билан жавоб беришга тиришганини эслаб, қизарар эди. (П.Турсун).

7. **-ига (-сига)**. Бу аффикс ёрдамида ясалган равишлар иш-ҳаракатнинг бажарилишини бирор жараён, ҳолатга ўхшатиш йўли билан, унинг қай тарзда бажарилишини англатади: *кўндаланг-ига, баравар-ига, бирдан-ига, қатора-сига, ёппа-сига, сидирға-сига* каби. Бу аффикс ҳам келиб чиқиши жиҳатидан эгалик ва жўналиш келишиги аффикслари билан боғланган: *Одамлар бараварига қарсак чалишар, Алимардоннинг рақибини олқишлишаарди.* (Ў.Хошимов).

8. **-ан**. Бу аффикс араб тилидан қабул қилинган сўзлар таркибидагина ажратилади: *руҳ-ан, мажбур-ан, қатъий-ан*

(қатъиян), виждан-ан, тасодиф-ан каби. (Бу аффикс араб тилида тушум келишиги белгиси ҳисобланади): *Халқимизнинг энг муҳим маънавий-ахлоқий фазилати ўз иш жойида вижданан ва фидокорона меҳант қилишдан иборатдир. Араббой кўпчилик кулгисидан бир оз изза тортиди. Лекин у баъзи бирорлардай умум кулгисига мажбуран таслим бўлиб илжаймади.* (П.Турсун).

Юқорида кўрсатилган аффикслардан ташқари, -лай (-лайн), -ин каби аффикслар ҳам турли сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг белги, хусусиятини билдирувчи равиш ясашга хизмат қиласи: бутун-лай, тирик-лай, хом-лайнин, яшир-ин, ол-дин каби. Шу пайтда олдин кетаётган йўловчи ташийдиган автобус тўхтади. (С.Зуннунова).

Ўзбек тилида пайт, белги, миқдор, ўрин маъноларини билдирувчи айрим сўзлар жўналиш, чиқиш ва ўрин-пайт келишиги аффиксларини олган ҳолда равишга айланиси мумкин: зидан, тубдан, қўққисдан, бирдан, зўрга, жўрттага каби. Бу каби ясалмаларда келишик аффикси шакл ясаш хусусиятини йўқотади ва сўзнинг лексик маъно англатувчи қисмига сингиб кетади. Сўзнинг шу келишик шаклида қотиб қолиши натижасида равишлашиш ҳодисаси юз беради. Албатта, воситали келишик шаклида келган ҳар қандай сўз ҳам равишга айланавермайди. Масалан: *Бу унинг қалбида бирдан уйғониб кетган оталик туйгуси эди* (П.Қодиров).

Қўйидаги ҳолларда равишлашиш ҳодисаси юз бериши мумкин:

а) сифат, сон ва равишлар чиқиш келишиги шаклида равишга айланади: янгидан, чиндан, ёлғондан, бирдан, қўққисидан, тўсатдан каби. Масалан: *Саида ёлғондан ҳайрон бўлиб қолди*. (А.Қаҳҳор).

б) айрим феъл шакллари чиқиш келишиги шаклида равишга айланади: тошмасдан, қайтадан, ўйламасдан, индамасдан, чарчамасдан каби. Масалан: *У индамасдан ўтиб кетаверди. Ҳамма гап пулда экан, Охун, – индамасдан ўтирган тошкентлик бир мардикор сўзга аралашди...* (Ойбек).

Композиция усули билан равиш ясалishi. Композиция усули билан равишлар ясалади. Таркибидаги қисмларининг қандай сўзлардан бўлишига қараб қўшма равиш қўйидагича ҳосил қилинади:

1. Ҳар белгилаш олмоши билан ўрин ёки пайт маъносини билдирувчи сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади: ҳар вақт, ҳар лаҳза, ҳар гал, ҳар маҳал, ҳар он, ҳар замонда, ҳар ёққа, ҳар ер, ҳар ён, ҳар томон, ҳар тараф, ҳар дам, ҳар дамда, ҳар томонда, ҳар онда, ҳар чоқ, ҳар сафар, ҳар қачон, ҳар қаерда, ҳар қанча, ҳар лаҳзада каби. Мисоллардан кўринадики, бу сўзлар келишик шаклида ҳам келади: Суҳбат ҳар ёқлама мазмундор, мароқли давом этди. (*Ойбек*). Навоий Беҳзодга қалин ошно бўлганини билдириди ва ҳар вақт келиб уни қувонтиришини илтимос қилди. (*Ойбек*).

2. Бир сўзи билан ўрин, пайт ва миқдор билдирувчи сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади: бу сўзлар келишик формасида ҳам келиши мумкин: бир вақт, бир маҳал, бир йула, бир зумда, бир куни, бир кун, бир йили, бир дам, бир дамда, бир пас, бир пасда, бир мунча, бир пасга, бир нафас, бир нафасга, бир нафасда, бир зум, бир он, бир онда, бир вақтда, бир гал, бир замон, бир замонда, бир бошдан, бир текис, бир текисда, бир чеккада, бир оз; бир мунча, бир талай, бира тўла, бир варакай каби. Абдужалил бойникидаги зиёфатни Мулла Обид бир мунча таажжуб ичида ўтказди. (*А. Қодирий*). Бир оздан кейин у кийиниб олиб, йўлга отланди. (*А. Обиджон*).

3. Айни бир отни, сонни орага -ма, ба- элементини қўшиб такрорлаш билан, шунингдек айни бир сифатни чиқиш ва бош келишиқда такрорлаш билан, айни бир от ва сифатни чиқиш ва жўналиш келишикларида такрорлаш билан, ўз олмоши такрорини эгалик ва чиқиш келишиги аффикслари билан ҳам ишлатишдан равиш ясалади: юзма-юз, сўзма-сўз, учма-уч, дам-бадам, йўлма-йўл қўлма-қўл, бирма-бир, қуруқдан-қуруқ, тўғридан-тўгри, бекордан-бекорга, кундан-кунга, ўз-ўзидан, зўр-базўр, дам-бадам, очиқдан-очиқ, зўрма-зўраки, бекордан-бекорга, узундан-узоқ каби. Дарвозадан дам-бадам мўралаб турган қизлар тапир-тупур қилиб, ютуриб кетишиди. (*С. Зуннунова*). Гиштларни бирма-бир олишган эди, олтин тўла хумнинг оғзи кўринди. (*С. Юнусов*).

МОРФОЛОГИЯ

Маълумки, тилшунослиқда морфология ва синтаксис биргалиқда грамматика деб юритилади. Грамматика (юнонча *grammatika* – «ёзиш санъати») тилшунослик фанининг бир қисми булиб, у тилнинг грамматик қурилишини текширади. Демак, у сўз ва гапнинг ҳар бир тиљдаги (хусусан ўзбек тиљидаги) формал-грамматик томонларини – сўзнинг шаклий ўзгаришларини, сўз қўшилмаларининг, сўз бирикмаларининг турли кўринишларини, воситаларини ва гапнинг структурасини, типларини ўргатади. Грамматика термини тилнинг грамматик қурилиши маъносида ҳам қўлланади. Аниқки, бу термин кейинги маънода ишлатилганда, грамматика фанининг текшириш обьектини билдиради.

Ҳар бир тилнинг спецификасини унинг фонетик, лексик ва грамматик структуралари акс эттиради. Бу структураларнинг ҳаммаси бир бутун тизимни ҳосил қиласди, демак, тилнинг грамматик қурилиши унинг фонетик қурилиши билан ва лексик системаси билан боғлиқдир: тилнинг ўзаро боғланган бўлакларнинг яхлитлигидан иборат бўлиши грамматиканинг фонетика ва лексикология билан алоқада эканлигини англашиб туради. Келиб чиқадики, тилнинг ҳамма томонлари ўзаро боғланган, ўзаро шартланган бўлиб, грамматик қурилиш тил системасининг бир қисмидир. Грамматика сўzlарни шакллантиради, бириктиради, уларнинг фикр англашиб воситаси сифатидаги вазифасини белгилайди.

Ҳар бир тилнинг грамматик қурилиши маълум меъёрларга, қонун-қоидаларга эга. Масалан, ўзбек тиљида сифатловчининг сифатланмишдан олдин келиши, эргаш гапнинг, кўпинча, бош гапдан ёки бош гапдаги ҳоким (шу эргаш гапни ўзига қарам қилган) элементдан аввал келиши, қаратқич ва қаралмишнинг шахс жиҳатидан мослашиши ва бошқалар.

Кўпгина тилларнинг грамматик қурилишида ўхшашликлар бор, лекин, иккинчи томондан, бир оиласа кирадиган тилларнинг орасида ҳам маълум фарқлар бор. Тилларнинг грамматик қурилишидаги ўхшашлик нисбатан синтаксисда кучли (айниқса, қўшма гапларнинг

структурасида), фарқланиш, ноўхшашлилк эса сўз шакларида кучлидир.

Грамматика тилнинг грамматик қурилишига хос бўлган қонун-қоидаларни, нормаларни тасвиirlайди, унинг турли хусусиятларини текширади. Мисол учун, ўзбек тилининг грамматик қурилишига доир айрим ҳодисаларни эслаб ўтамиш: эганинг бош келишиқда бўлиши, шахс жиҳатидан мосланиш (*Мен бораман. Сен борасан* каби), сўзларнинг бирикишидаги ички мослик – мувофиқлик. Масалан, -инқира аффиксини олган сўз ҳаракатнинг юзага келишидаги «кучсизлик, камлик, меъёрдан пастлик» маъносини билдиради, шунга кўра бу сўз семантик жиҳатдан мос равищда «сал», «бир оз» сўзлари билан бирика олади (*ранги сал оқаринқиради* каби), -роқ аффиксини олган сўз ҳам шундай (*сал оқарганроқ* каби), булар «жуда» типидаги кучайтирувчи восита билан қўшила олмайди, чунки ички томони, мазмуни тўгри келмайди, мослашмайди.

Морфология ва синтаксис

Грамматика икки қисмга – морфология ва синтаксисга бўлинади. Морфология ҳам, синтаксис ҳам ўз текшириш обьектига эга бўлиб, улар бир-бири билан узвий равища боғланган.

Морфология (грекча *morphe* – «шакл», *logos* – «таълимот») сўзларнинг грамматик хусусиятлари ҳақидаги таълимотdir. Морфологияда сўзнинг ўзгариши ва шу ўзгариш билан боғлиқ бўлган маънолар, сўзнинг тузилиши ва таркиби ўрганилади. Сўзларнинг ўзгариши умумий структура белгиларига эга бўлган сўз гуруҳлари билан боғланган, шунинг учун морфология маълум белгилари асосида бир-биридан фарқ қилган сўз гуруҳларини – сўз туркумларини ҳам текширади.

Синтаксис (грекча *. syntaxis* – “тузиш”) гапнинг грамматик хусусиятларини, гап қурилиши ва турларини текширади. Гап қурилиши учун оҳанг, сўзларнинг бирикиши, предикативлик ва сўз тартиби каби синтактик воситалар муҳимдир.

Морфология билан синтаксиснинг бир-биридан фарқи шундаки, морфологиянинг текшириш обьекти – сўз. Унда

сўзнинг у ёки бу шакллари, хусусиятлари таҳлил қилинади. Синтаксиснинг текшириш объекти гап бўлиб, гап тузилиши, сўз биримларни ва сўзларнинг борганиш йўллари таҳлил этилади.

Морфология сўзни тил системасида олиб қарайди, алоҳида сўз шакллари ва уларнинг қандай бояланганлигини аниқлайди. Масалан, бош келишикдаги *шаҳар*, пахта сўзлари қаратқич келишигида *шаҳарнинг*, *пахтанинг*, чиқиш келишигида *шаҳардан*, *пахтадан*, тушум келишигида *шаҳарни*, *пахтани* каби шакллар билан бояланган. Шунингдек, *кўрдим*, *кўрганман*, *кўраман*, *кўрарман*; *тердинг*, *терасан*, *тергансан*, *терарсан* каби шакллар ҳам ўзаро бояланган. Демак, морфология турланиш ва тусланишнинг хусусиятларини текширади, сўзнинг морфологик таркиби, унинг шакллари ва грамматик маънолари, сўз туркумлари ва уларга хос сўз ясаш йўлларини ўргатади.

Синтаксисда фикрни ифодалаш учун сўзларнинг бояланиси, гап тузилиши ва турлича синтактик муносабатлар текширилар экан, демак, морфологиядаги турлича сўз шаклларининг гапда бошқа сўзлар билан синтактик алоқаси, гап қурилишида шу шаклларнинг қандай вазифада келганлиги кабилар аниқланади. Масалан, *шаҳарнинг* – турдош от, қаратқич келишиги, бирлик, қаратқич аниқловчи; *ўқийди* – феъл, яқин ўтган замон, бўлишили, хабар майли, III шахс, бирлик, кесим каби.

Морфология ва лексикология

Маълумки, морфология билан бир қаторда, лексикология ҳам сўзларни текширади, сўз морфологияда ҳам, лексикологияда ҳам асосий текшириш объекти ҳисобланади. Ҳар бир сўз мураккаб лексик-грамматик бутунликни ташкил этади. Сўзнинг лексик маънолари йигиндиси унинг лексик бирлик эканлигини билдиrsa, грамматик шакллар мажмуаси ва улар англатган грамматик маънолар сўзнинг грамматик бирлик эканлигини кўрсатади. Шу сабабли сўзлар, бир томондан, лексикологияда ва, иккинчи томондан, морфологияда тамоман бошқа-бошқа нуқтаи назардан, бошқа мақсадда ўрганилади. Лексикологияда сўзлар тилнинг лексик таркибини, унинг лексик системасини белгилаш,

сүзнинг лексик маъноси, услубий хусусиятлари, қўлланиши ва бойиб бориши йўлларини аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганилса, морфологияда эса сўз ўзгаришига хос грамматик қоида ва қонуниятларни белгилаш, грамматик маъноларни ифодалаш воситаларини аниқлаш мақсадида ўрганилади. Масалан, *дараҳт*, *бино*, *қуш*, *болалик*, *баҳор*, *қишлоқ* каби сўзлар бошқа-бошқа лексик маъниога эга бўлиб, лексикология шу маъноларни, уларнинг услубий ва қўлланиш хусусиятларини текширади. Морфологияда эса бу сўзлар бир хил умумий хусусиятта эга бўлган тил ҳодисаси бўлиб, уларнинг предметликни англатиши, келишик, эгалик, грамматик сон сингари категорияларни кўрсата олиши ва бошқалар аниқланади.

Морфологиянинг вазифаси фақат сўз шакллари ва улар англатган умумий грамматик маъноларни ўрганиш билан чекланмайди. Лугавий бирликларнинг семантик ва формал хусусиятларини аниқлаш асосида белгиланган сўзларнинг лексик-грамматик категорияларни, яъни сўз туркумлари ҳақидаги таълимот ҳам морфологияга киради.

Демак, морфология сўз ҳақидаги, унинг морфологик структураси, шакли ва улар англатган грамматик маънолар ҳамда сўз туркумлари ва уларга хос грамматик категориялар ҳақидаги грамматик таълимотдир.

Морфология ва фонетика

Маълумки, тилнинг ҳар бир ҳодисаси унинг, тилнинг товуш томони билан боғлиқ. Ҳар бир грамматик ҳодисанинг товуш билан ифодаланиши грамматиканинг (морфологиянинг) фонетика билан алоқадорлигини ҳам кўрсатади. Масалан, сўзларда лексик ургунинг бошқа-бошқа бўгинга тушибни орқали, айрим ҳолларда, сўзнинг маъноси, қайси лексик – грамматик категорияга кириши ва таркибида морфемаларнинг типи дифференциация (фарқланиш, ажралиш) қилинади.

Масалан, қушча сўзида ургу охирги бўгинда (-ча) бўлганда -от, -ча аффикси кичрайтиш маъносини билдиради: қушча – кичик қуш; шу сўзнинг ургуси бош бўгинда бўлганда – равиш, бундаги ургусиз -ча аффикси ўхшатиш маъносини билдиради. қушча: қушдек (дай) қуш

каби. Демак, бу ўринда фонетик ҳодиса туфайли от билан равиш фарқланди. Яна мисоллар тутма́ (от) – тутма (феъл) қайнатма́ (шурва) (сифат) – қайнатма (феълнинг бўлишсизлик шакли). Маълум бўладики, тилнинг товуш томонининг бошқа ҳамма томонлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги табиий ҳолдир.

Сўзниңг грамматик маъноси

Сўз киши онгидағи, борлиқдаги нарса, ҳаракат, белги ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчани билдиради. Сўзниңг тушунча англатиши сўз лексик маъносининг асосини ташкил этади. Аммо мустақил сўзлар фақат лексик маъно англатиб қолмай, балки ўзаро bogланган бир қанча қўшимча маъноларни ҳам англатади. Масалан: *пахталар, китоблар, ўқувчилар, ишладилар, ёздилар, ўқимоқдалар* каби сўзлар фақат лексик маъно ифодалаб қолмасдан, сўзлар гуруҳи учун умумий бўлган қўшимча маъно ҳам ифодалайди. Яъни, *пахталар* сўзи техника экинини англатса, *китоблар* эса ўқув қуролини, ўқувчилар сўзи билим оловчи шахс маъноларини ифодалайди. *Келдилар, ишладилар* сўзлари эса бирор томонга қараб ҳаракат қилиш, бирор фаолият билан шугулланишни билдиради. Булар шу сўзларнинг лексик маъноси. Шу билан бир қаторда бу сўзларда қўшимча маъно-кўплик, бош келишик, 3-шахс, ўтган замон, бўлишлилик маънолари ҳам ифодаланади. Сўзлар гуруҳи учун хос бўлган бундай умумий маънолар грамматик маънолар дейилади. Демак, ҳар бир мустақил сўзда икки хил маъно – лексик маъно ўзаро bogланган ҳолда биргалиқда ифодаланади.

Сўзниңг лексик маъноси аниқ ва мавҳум бўлиши мумкин. Масалан: *қалам, олма, китоб, уй, гул, йигит, қиз* конкрет нарса ва шахс маъносини англатса, *баҳт, меҳр, садоқат, ақл, виждан* каби сўзлар мавҳум маънога эга.

Грамматик маъно, одатда мавҳум тушунчадан иборат бўлиб, шу хилдаги бошқа тушунчалар билан бирга сўзниңг лексик маъносига қўшимча тарзда ифодаланадиган қурилиш системасида сўзниңг вазифаси ва ўринни белгилайди. Масалан, келишик шакллари отнинг бошқа сўзлар билан

синтактик алоқасини кўрсатади, унинг гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифаларида келишини таъминлади.

Грамматик маънолар ўз хусусиятига қараб иккига бўлинади.

1. Категориал грамматик маъно.

2. Хусусий маъно.

1. Сўзниг категориал грамматик маъноси маълум сўз туркумлари учун хос умумий грамматик маънолардан иборат. Масалан, отнинг “предметлик”, сифатнинг “белги”, феълнинг “ҳаракат” маъносини англатиши шу сўзларга хос категориал грамматик маъноларга киради.

2. Сўзниг хусусий грамматик маъноси конкрет сўз туркумiga хос бўлиб, маҳсус воситалар орқали ифодаланади. Масалан: отларга хос эгалик, грамматик сон маънолари, феълларга хос шахс, сон, замон, даража маъноларининг ҳар қайсиси хусусий грамматик маъноларга киради.

Ўзбек тилида грамматик маъно қўйидаги усувлар билан ифодаланади:

1. Асосга грамматик маъно билдирувчи аффикс қўшиш билан *китобни, китобнинг китобга*.

2. Ёрдамчи сўзлар келтириш билан: *қалам билан, мактаб томон, тинчлик учун*.

3. Оҳанг орқали. Гапни турлича оҳанг билан айтиш орқали ҳам турлича грамматик маъно ифодаланади: *Машина келди. Машина келди? Машина келди! Бу китоб (қайси). Бу - китоб (нимা)*.

4. Сўзларни такрорлаш орқали (кучайтириш): тез-тез, *катта-катта, баланд-баланд*.

5. Сўзларни жуфтлаш орқали (жамлаш): *қариндош-уруг, уй-рўзгор, қозон-товоқ*.

Сўзниг грамматик шакли

Сўзниг грамматик шакли (қисқача: сўз шакли) ҳар бир аниқ мустақил маъноли сўзниг сўз бирикмаси ёки гапда қўлланиладиган кўриниши ва шу кўриниши билан боғланган грамматик маъноларга эга бўлишидир. Бундай бутунлик **элементар синтактик бирлик** деб ҳам юритилади.

Сўзниг грамматик шакли лексик маънога қўшиладиган грамматик маъно билан уларни ифодалаш воситалари йигиндисидан иборат.

Масалан, *пахтамизнинг* шакли, биринчидан, маълум лексик маънога (техника экини) эга бўлиб, у сўзниг ўзаги – *пахта* орқали ифодаланган; иккинчидан, ўша нарсанинг (*пахтанинг*) I шахснинг кўплигига қарашли эканлиги ҳамда қаратқич келишиги маънолари (грамматик маънолар) лексик маънога қўшилган бўлиб, бу грамматик маънолар – *имиз* ва *-нинг* қўшимчалари орқали ифодаланган. Грамматик шакл ана шу лексик маъноли қисм (*пахта*) билан грамматик маъноли қисмлар – шакл ясовчи аффикслардан (*-имиз*, *-нинг*) ташкил топган.

Сўзларнинг грамматик шакллари икки ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. Бу шакллар бир-бирига қарама-қарши (оппозиция) турсалар ҳам, уларнинг ҳар бири нутқда ўша сўзниг қисми, кўриниши сифатида қўлланади. Ана шу шаклнинг ўзи *сўз* термини билан аталади. Шундай қилиб, сўз ўзининг шаклларида яшайди, шу шаклларидан бири сифатида қўлланади, айни замонда, сўз ўзининг барча грамматик шаклларини бирлаштиради.

Сўзниг грамматик шакли бевосита сўз ясалишини акс эттирмайди, аммо ясама сўз бутун ҳолда грамматик шаклга эга бўлади. У сўзниг асосий маъноси – лексик маъносини ифодалайди. Грамматик шакл лексик маънога қўшимча маъно қўшади.. Шунинг учун грамматик шаклнинг моҳиятини конкретлаштириб, унга шундай таъриф бериш мумкин:

Сўзниг лексик маънони ифодалаши билан бирга, борлиқقا муносабатини ёки ўзаро бирикиш чогида нутқда бошқа сўзларга муносабатини, алоқасини ифодалайдиган қўшимча маънога эга ва унга мувофиқ шаклга эга бўлиши сўзниг грамматик шакли дейилади.

Баъзи грамматик шакл маҳсус кўрсаткичга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо шу кўринишида ҳам у айрим грамматик шаклни ташкил қиласди. Бундай шакллар ноль кўрсаткичли шакл деб юритилади.

Масалан, *уй*, *дафтар*, *китоб*, *ўқи*, ёз каби сўз-шакллар бош келишик, бирлик, келаси замон, бўлишли, аниқ майл,

буйруқ-истак майли шаклида бўлиб, сўзга қўшимча маъно қўшади ва айни пайтда унинг шаклини белгилайди.

Шундай қилиб, сўз нутқида ўзининг грамматик шакларидан бири сифатида қўлланади. Унинг бундай шакллари битта ёки бир нечта бўлади ва улар ўзаро грамматик маъно тизими орқали боғланади. Масалан, келишик, эгалик, шахс-сон маънолари сўз шакларини ана шундай ўзаро боғлаб турадиган грамматик манолардир.

Маълумки, конкрет олинган сўз шаклининг ўзак қисми ўзгариши мумкин. Масалан, *китобнинг*, *қаламнинг*, *уйнинг*, *даланинг* каби сўзларнинг грамматик маъно ифодалайдиган қисми (-нинг) ўзгармагани ҳолда ўзак қисмлар ўзгариши мумкин. Бунда лексик маънолар ҳар хил бўлса ҳам, грамматик маъно бир хиллигича қолаверади.

Шундай қилиб, сўз шакли (сўзишакл) конкрет олинган сўзнинг нутқдаги кўриниши бўлса, шакл тури ҳар хил сўзнинг сўнгги қисми маълум грамматик маънога кўра бир хил кўринишга эга бўлишидир. («Шакл тури (шакл типи - типоформа)» термини умумлаштирувчи тушунчани ифодалайди). Шу асосда «қаратқич келишиги шакли», «кўплик шакли», «шахс-сон шакли» каби иборалар қўлланилади.

Хозирги ўзбек тилида грамматик категорияга муносабатига кўра сўзнинг грамматик шакллари 2 турга бўлинади:

1) категориал шакллар, 2) нокатегориал шакллар.

Категориал шакллар маълум бир сўз туркумига хос грамматик шакллар системасига бирлашувчи, демак, грамматик категория ҳосил қилувчи шакллардир: отлардаги грамматик сон, эгалик ва келишик шакллари, феъллардаги замон, шахс-сон шакллари: *китоб-им*, *китоб-инг*, *китоб-и*; *мактаб-нинг*, *мактаб-ни*, *мактаб-та*.

Нокатегориал шакллар ҳам маълум грамматик маънони англатади, аммо ўзаро бир системага бирлашмайди, маълум даражада мустақимликка эга бўлади. Отлардаги кичрайтиш ва эркалаш, сифатлардаги белгининг ортиқ-камлиги шакллари кабилар нокатегориал шаклларга киради: *Йигит-га*, *қиз-алоқ*, *Карима-хон*, *оқ-роқ*, *кўкимтир*, *ӯқи-тан*, *ӯқи-ш*, *ӯқи-б* каби.

Сўзниг грамматик шаклари тузилиш жиҳатидан уч хил бўлади: синтетик шакл, аналитик шакл, жуфт ва такрорий шакл.

Синтетик шакл сўзга аффикс қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан, Университетда Каримни кўрдим. Меҳнатдан ер, сувдан ўсимлик, қуёшдан борлиқ яшнайди. (М. Исмоилий); гапларида грамматик шакллар -да, -ни, -им, -дан, -й, -ди аффикслари билан ҳосил қилинган, демак, синтетик шакл.

Аналитик шаклда эса грамматик маъно ёрдамчи сўз орқали ифодаланади. Масалан, Укам учун китоб олдим. Ўқтам катта суръат ва куч билан отилаёттан сувни томоша қилди (Ойбек) гапларида маънолар ёрдамчи сўз билан (учун, билан) ифодаланган, демак, укам учун, суръат ва куч билан кабилар аналитик шакл.

Жуфт ва такрорий шакллар.

Сўзниг жуфт шакллари бир хил шаклдаги икки сўз (асос)нинг тенгланиши йўли билан боғланиши орқали ҳосил бўлади. Одатда, икки сўзниг жуфтланиши натижасида янги лексик маъноли сўз ясалмайди, балки жуфтлик ҳосил этган сўзлар ўз маъносини сақлагани ҳолда кўплик, жамлаш, умумлаштириш, миқдор, такрор, кучайтириш каби қўшимча маъноларни англатади: ота-она, олма-ўрик, қалам-дафттар каби. Шунинг учун жуфт шакллар сўз ясалиши системасига кирмайди. Улар тиlda маъно ва услубий жиҳатдан турлича оттенкаларни, шунингдек айрим грамматик маъноларни ифодалашга хизмат қиласи.

Сўзниг жуфт шакллари ўз қисмларининг бир туркумдаги сўздан бўлиши (от-от, феъл-феъл каби), ҳар бир қисмнинг ўз ургуси борлиги ва уларнинг грамматик жиҳатдан тенглиги билан характерланади. Улар шу хусусияти билан бир тушунчани англатиб, бир бош ургуга эга бўлган, қатъий тартиб асосида тобеланиш йўли билан боғланган ва қисмлари турли сўз туркуми бўлган қўшма сўзлардан фарқ қиласи. Қиёсланг: тог-тош, қовун-тарвуз, катта-кичик ҳамда бешотар, қўзойнак, Каттақўргон каби.

Жуфт шакл ҳосил қилувчи сўзлар семантик жиҳатдан қўйидагича маъно муносабатида бўлади:

а) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин сўзлар жуфт шакл ясайди: *арпа-бугдой*, *қўл-оёқ*, *олма-ўрик*, *гўшт-ёғ*, *хотин-қиз*, *шиста-бодом*, *ошна-огайни* каби; Масалан: *Э, содда бола-е, суриштираверасанми, ошна-огайниси чиқиб қолармиди; Кексалар тили билан айтганда, Қизлархон қўлли-оёқли қиз бўлиб, уй ишини ҳам, ўқишини ҳам баравар удалайди.* (И. Раҳим);

б) синонимик муносабатда бўлган сўзлар жуфт шакл ясайди: *қут-барака*, *рози-ризолик*, *орзу-истак*, *уй-хаёл*, *куч-куват* каби; Масалан: *Қайта қуриш бу ошкоралик меваларини кўрмоқ ҳар бир вижданли кипининг орзу-истагидир.* (Газетадан);

в) антонимик муносабатда бўлган сўзлар жуфт шакл ясайди; *кун-тун*, *катта-кичик*, *паст-баланд*, *узоқ-яқин*, *оқ-қора*, *ёш-қари* каби. Масалан: *Уфқни ўз гавдаси билан тўғсан паст-баланд тоглар қоп-қорайиб, ридо кийгандек симлиқ кўринарди.* (Шуҳрат). Улар тор кўчани чангитиб, гурс-гурс қадам ташлаб ўтишиди, паст-баланд тепаликлар этагида тўхташди. (С. Сиёев);

г) бутун ва бўлак маъносини билдирган сўзлар жуфт шакл ясайди: *гап-сўз*, *ой-кун*, *тоғ-тош*, *вақт-соат* каби; Масалан: *Агар сизга оғир тушмаса, юртдаги гап-сўз босилгунча, бирор ийл Тошкентда турсин, сўнгра Марғилонга борсин, дердим.* (А. Қодирий). *Вақти-соати келур, Самарқанд орзусига ҳам эришурсиз.* (П. Қодиров).

Жуфт шакл қисмлари маъно жиҳатидан қўйидагилар билан характерланади:

1. Ҳар икки қисм мустақил маънога эга бўлади: *опасингил*, *ер-сув*, *ўйин-кулги*, *аста-секин*, *борди-кељди*, *яхши-ёмон* каби.

2. Бир қисми мустақил маънога эга бўлади. Бу хил жуфт шакллар қўйидаги кўринишларга эга: а) ҳар икки компонент ҳам мустақил маъноли сўз бўлиб, тарихий ривожланиш натижасида унинг бир қисми ўз лексик маъносини йўқотади ва жуфт шаклнинг таркибий қисмига айланиб қолади: *қари-қартанг*, *кўча-кўй*, *темир-терсақ*, *бўй-баст* каби; б) фақат биринчи компоненти мустақил маънога эга бўлиб, унинг фонетик ўзгариши натижасида иккинчи компоненти юзага келади: *чала-чулла*, *майдა-чуйда*, *калта-култа*, *дог-дут* каби.

3. Ҳар икки қисми мустақил маънога эга бўлмайди: *алгов-далгов, ади-бади, гиди-биди, така-пука, иккир-чикир, апоқ-чапоқ* каби.

Жуфт шакл таркибида қуйидаги фонетик ўзгаришилар бўлади:

а) биринчи товуш ўзгаради: *юн-пон, қогоз-погоз, мева-чева, қулоқ-сулоқ, китоб-митоб* каби; б) сўз унли билан бошланганда, бир ундош товуш орттирилади (орттириувчи, шунингдек, алмаштири-лувчи товуш сифатида *п, м, с, ч* ундошлари келади): *иш-лиш, ишим-сишим, апил-тапил, уй-пуй, ош-пош* каби; в) асосдаги унли товуш ўзгаради: *дон-дун, дод-дуг, таг-тут, хат-хут* каби; г) бир ундош товуш орттирилади ва асосдаги унли ўзгаради: *ора-сира, ажи-бужи* каби; д) бир ундош алмаштирилади ва асосдаги унли ўзгаради: *бақир-бүқур, латта-путта, майдар-чуйда, ғадир-будур, ҳаккам-дуккам* каби.

Такрорий шакллар бир хил шаклдаги сўз (асос)ларнинг такрорланишидан ҳосил бўлади. Жуфт шакл сингари такрорий шакл ҳам сўз ясалиши ҳодисасига кирмайди. Чунки уларнинг асосий кўпчилиги янги лексик маъно билдирамайди, фақат кўплик, маънони кучайтириш, такрор, давом каби қўшимча отгенкаларни англатади.

Такрорий шакл, асосан, давомлилик, кўплик, маънони кучайтириш, экспрессивлик, такрор кабиларни англатади: *Ўқтам юра-юра кенг, сўлим майдонга чиқиб қолди. Она болани беланчакка солди ва қаттиқ-қаттиқ тебратга бошлиди.* (А.К.) – Эҳе, қанча-қанча воқеалар бошимиздан ўтди!

Баъзи такрорий шаклларда қисман янги лексик маъно англатиш ҳодисасини кўриш мумкин. Бу вақтда такрорий шакл қисмлари ўзининг асл лексик маъносидан узоқлашган бўлади: *от-от* (ўйин номи), *эс-эс* (*эс-эс* билмоқ), *куз-куз* (*куз-куз* қилмоқ) каби.

Айрим тақлидий сўзларнинг такрори маълум нарса, белги кабиларнинг ўзини англатиши мумкин: *чакчак* (овқат номи), *чақ-чақ* (кувноқ), *пақпақ* (ўйин номи) каби. Бир сўз ҳолига келиб қолган бундай бирликлар такрорий шакллик хусусиятини йўқотган бўлади.

Такрорий шакллар тўла такрор ва қисқа такрор асосида ҳосил бўлади: *япалоқ-япалоқ, яп-япалоқ, қора-қора, қоп-*

қора; күк-күк, күм-күк каби. Масалан: *Суви тип-тиниқ, офтоби йўлида губорлар йўқ эмиш.* (Т.М.)

-ба, -ма элементлари ёрдамида ҳосил бўлган сўзлар ҳам тақорорий шаклга киради; *бетма-бет, кетма-кет, хилма-хил, дамба-дам, навбатма-навбат* каби. Бундай тақорорий шакллар кўпинча асос англатган маънодан бошқачароқ маъноларни ҳам билдиради: *басма-бас, учма-уч, бошма-бош, юзма-юз, номма-ном* каби.

Грамматик категория

Сўзниңг асосида ётувчи умумий маъноларни бирлаштирувчи шакллар тизими грамматик категорияни ташкил қиласди.

Грамматик категорияниңг асосан 2 тури фарқланади: 1) морфологик категория; 2) синтактик категория.

Ўзаро бир-бирига зид қўйилган ва қиёсан олинган грамматик маънолар тизими ва уларга хос ифода воситалари – грамматик шакллар тизими морфологик категория дейилади. Масалан: отларда келишик категорияси, сон категорияси, феълларда шахс-сон категорияси, нисбат (даражা), замон шакллари тизимларининг ҳар қайсиси ўзига хос грамматик маънолар мажмуасига ва шу маъноларниңг ифода шакллари системасига эга.

Асосида ётувчи маъносига кўра бирлашиб, синтактик муносабатни кўрсатиш учун хизмат қилувчи шакллар тизими синтактик категория дейилади.

Грамматик категориялар умумий ҳодиса сифатида хусусий ҳодисаларда мавжуд бўлади, хусусий ҳодисалар умумлашмаси асосида юзага келади. Демак, сон категорияси бирлик ва кўплик маъноларини ифодаловчи шакллар системасидан, эгалик категорияси биринчи шахс – сўзловчи, иккинчи шахс – тингловчи, учинчи шахс – ўзга ва шуларниңг миқдорий маъноларини ифодаловчи шакллар тизимидан иборат. Грамматик категорияларда тилниңг ўзига хос хусусияти очиқ намоён бўлади. Масалан, рус тили (айрим бошқа тиллар) учун хос грамматик жинс категорияси туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида йўқ; рус тилида сифатларга келишик категорияси хос, ўзбек тилида эса сифат, одатда, турланмайди ва бошқалар.

Сўзларнинг морфологик структураси

Маълумки, сўз тилнинг энг муҳим бирликларидан бири бўлиб, шакл ясалишига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги мумкин. Масалан, **китоб** сўзи от туркумига мансуб, шунга кўра **китобим**, **китобинг**, **китоби** (эгаликнинг кўплиги ҳам назарда тутилади); **китоб ва китоблар**: **китобга**, **китобни**, **китобнинг**, **китобдан**, **китобда**, **китобимнинг**, **китобингни**, **китобларимизга**, **китобларингиздан** каби шаклий ўзгаришлар системасига эга. Сўзниң грамматик маънолари жиҳатидан фарқланадиган ҳар бир шакли сўзшакл дейилади. Сўзшаклларнинг ясалишида қатнашиб, ҳар хил грамматик маъно англатадиган қисм сўзниң морфологик тузилишини ташкил қиласди. Масалан, **дўстларимдан** сўзи ўз морфологик тузилиши жиҳатидан **дўст-лар-им-дан** тарзида бўлинади. Бу сўзда **дўст** - ўзак морфемаси, шакл ясаш асоси, **-лар** - кўплик шакли ясовчи морфема, **-им** - эгалик шакли ясовчи морфема ва **-дан** - чиқиш келишиги шакли ясовчи морфема. **Ўқиётимиз**, **ёздингиз**, **шаҳарларимизда**, **мактабларингиз-нинг** сингари сўзлар ҳам морфологик структура жиҳатидан **ўқи-ётир-миз**, **ёз-ди-нгиз**, **шаҳар-лар-имиз-да**, **мактаб-лар-ингиз-нинг** тарзида бўлинади. Буларда **ўқи**, **ёз**, **шаҳар**, **мактаб** морфемалари шакл ясаш асоси, ундан кейинги морфемалар эса шакл ясовчи воситалар - аффикслар ҳисобланади.

Кўринадики, сўзниң морфологик тузилишида шакл ясаш асоси ва шакл ясовчи восита мавжуд бўлади. Сўзшакл таркибида бирдан ортиқ шакл ясовчи аффикснинг иштирок этишига қараб унинг морфологик структураси ҳам мураккаблашиб боради: **мактаблар**, **мактаблари**, **мактабларидан** каби. Бу вақтда сўзшакл таркибида ҳар бир шаклнинг ясаш асоси ва ясовчи воситаси алоҳида-алоҳида ажратилади; ажратиш охирги шаклдан бошланади. Масалан, **шогирдларимизга** сўзида жўналиш келишиги шаклини ясаш асоси **шогирдларимиз**, **-га** аффикси эса шу келишик шаклини ясовчи восита. **Шогирдларимиз** сўзида эгалик шаклини ясаш асоси - **шогирдлар**, эгалик шакли ясовчи восита - **-имиз**; кўплик шаклини ясаш асоси - **шогирд**, **-лар** сон шакли ясовчи восита ҳисобланади. **Ёздиридик, келтирдингиз** каби сўзшаклларининг таркиби ҳам шу тарзда

ажратилади: *ёздирдик* (шахс-сон шакли) *ёздирди* (замон шакли), *ёз-дир* (даража шакли) каби; *келтирди-нгиз* (шахс-сон), *келтирди* (замон), *кел-тир* (даража) каби.

СҮЗ ТУРКУМИ

Сұзлар ўз мавҳум грамматик маънолари, морфологик белгилари ва грамматик категорияларига қараб, сўз ясаш, шакл ясаш ва сўз ўзгартиш хусусияти ҳамда гапда бажарган вазифаларига қараб бир-биридан фарқ қилади.

Сўзларнинг мавҳум грамматик маъноси, морфологик ва синтактик белгиларига қараб гурухларга бўлиниши сўз туркуми дейилади.

Ҳар бир туркум ўзига хос мавҳум грамматик маънони англатади ва шу туркумга хос грамматик маъно ифодаловчи воситаларга эга бўлади. Жумладан, от туркуми «предметлик» маъносини (*кўча, бино, шаҳар, садоқат, дўстлик, киши* каби); феъл туркуми «ҳаракат»ни (*ўқи, ёз, ишла, кўкар, тинчи, бошли* каби); сифат туркуми эса «белги» маъносини (*яхши, катта, гўзал, баланд, ширин, қадимги, билимли* каби) англатади. От, сифат, феъл ва бошқа сўз туркумлари англатган бу мавҳум маънолар грамматик маънога киради. Бундай мавҳум грамматик маъно сўзларни туркумларга ажратишда асосий белги ҳисобланади. У, айниқса, лексик маъноси билан грамматик маъноси бир-бирига мос бўлган сўзларда катта ўрин тутади, сўзларни туркумлашда грамматик белгилар ҳам албаттга, ҳисобга олинади. Сўз туркумларини характерловчи грамматик белгилар хилмачилдир.

Сўзнинг морфологик белгилари, асосан, унинг маҳсус шакл ясаш ва сўз ўзгартиш шаклларига эга ёки эга эмаслигида кўринади. Масалан, от келишик ва эгалик қўшимчасини олиб турланса, феъл шахс-сон ва замон қўшимчасини олиб тусланади.

Сўзнинг гапда қандай гап бўлаги вазифасида келиши ва бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга кириша олиши сўз туркумларининг синтактик белгисига киради. Масалан, предметликни билдирган от гапда эга ва тўлдирувчи вазифасида келади. Бу отнинг муҳим белгисидир. Бошқа сўз туркумлари эга ва тўлдирувчи вазифасида келиш учун

отлашади (*Ёмонни танқид қил, яхшига тақлид қил*). Отлар гапда феъл, сифат, сон каби қатор сўз туркумлари билан синтактик алоқага кириша олади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўзлар мавҳум грамматик маънолари, морфологик ва синтактик белгиларига қараб беш гурухга бўлинади:

- 1) мустақил сўзлар;
- 2) ёрдамчи сўзлар;
- 3) модал сўзлар;
- 4) ундов сўзлар;
- 5) тақлидий сўзлар.

Мустақил сўзлар лексик ва грамматик маънога эга бўлиб, гапнинг бирор бўлаги вазифасида келадиган, шунга мувофиқ шакл ясаш хусусиятига эга бўлган сўзлардир.

Мустақил сўзлар воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тушунчаларни (предмет, белги, ҳаракат, миқдор каби) ифодалайди. Шунга кўра уларга хос асосий белги – лексик маъно англатиш саналади (бу жиҳатдан олмош бошқа мустақил сўз туркумларидан ажralиб туради).

Мустақил сўзлар учун иккинчи умумий белги гап бўлаги вазифасида келиши ҳисобланади.

Учинчи, жузъий, лекин муҳим белги – сўз ясаш ва шакл ясаш хусусиятига эга бўлиш саналади. Кейинги ҳодисалар барча мустақил сўз туркумларига бирдек хос эмас. Масалац, от ва феълда ҳар икки ҳодиса – сўз ясаш, шакл ясаш мавжуд; сифатга сўз ясан ва шакл ясаш хос; равища, асосан, сўз ясаш ва қисман шакл ясаш (даражажа ясалиши) бор ва бошқалар. Сон ва олмошда сўз ясаш ҳодисаси мавжуд эмас.

От, сифат, сон, олмош, феъл ва равиши мустақил туркумларга киради. От нарсани билдиради; сон, келишик, эгалик, категорияларига эга; гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи ҳамда ҳол вазифаларида келади. Сифат нарсанинг белгисини билдиради: аслий ва нисбий бўлади; қиёсий ва орттирма даражалари билан характерланади; гапда аниқловчи ва кесим, отлашганда эса эга, тўлдирувчи вазифасини бажаради. Сон нарсанинг миқдорини, сирасини билдиради, гапда асосан, аниқловчи, айрим ҳолларда кесим, отлашганда эга вазифаларида келади. Олмошлар от, сифат, сон каби сўз туркумлари ўрнида қўлланади, лекин нарса.

белги, миқдор кабиларни ифодаламайди, балки уларни кўрсатишга хизмат қиласди. Қайси сўз туркуми ўрнида қўлланса, ўша сўз туркуми бажарган синтактик вазифаларда келади. Феъл нарсанинг ҳаракати ва ҳолатини англатади; майл, замон, шахс-сон, нисбат категорияларига эга; гапда кесим, унинг функционал шакллари эса аниқловчи, ҳол ва тўлдирувчи вазифасини бажаради. Равиш эса асосан ҳаракатнинг белгисини англатади, гапда, асосан, ҳол вазифасида қўлланади.

Ёрдамчи сўзларнинг мустақил сўзлардан фарқи шундаки, улар лексик маъно англатмайди, морфологик жиҳатдан ўзгармайди, гап бўлаги вазифасида келмайди, ясалиш хусусияти ҳам йўқ.

Лексик маънога эга бўлмай, фақат хилма-хил муносабатларни кўрсатиш, сўз ва гапларни ўзаро боғлаш ёки уларга нозик қўшимча маъно қўшишга хизмат қиласдиган сўзлар ёрдамчи сўзлар дейилади. Ёрдамчи сўзларга кўмакчи, боғловчи, юклама киради.

Модал сўзлар сўзловчининг гапда ифодаланган фикрга ёки фикрнинг борлиқда муносабатини кўрсатадиган сўзлардир. Улар тасдиқ, ишонч, гумон каби хилма-хил модал маъноларни ифодалайди, гапда кириш сўз ва бутун бир гап сифатида қўлланади.

Ундовлар алоҳида груҳни ташкил қиласди. Улар турли-туман ҳис-туйгуларни, хитоб, чақириқ, ундаш кабиларни англатади.

Тақлидий сўзлар борлиқдаги жонли ва жонсиз нарсаларнинг ихтиёрий ҳамда ихтиёрсиз равишида чиқарган товушларини тақлидан ифодалайди.

Сўзларнинг маълум туркумларга ажратилиши қотиб қолган, ўзгармайдиган ҳодиса эмас. Ўзбек тили грамматик қурилишининг ривожланиши, янги грамматик хусусиятларнинг аста-секин тўплана бориши натижасида бир туркумдаги айрим сўз бошقا туркумга ўтиши мумкин. Сўзларнинг бундай ўзаро ўтиш ҳодисаси сўзларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларнинг ўзгариши билан боғланган.

Масалан, ўзбекча кунда сўзи асли кун (русча день) сўзининг ўрин келишик шаклига тенг бўлиб, шу шаклида лексик ва грамматик жиҳатдан ўзгариб, равишига (ҳар кун)

күчган. Бу равишини энди ўрин келишигидаги от деб қараб бўлмайди (*кунда-шунда*).

Бир туркум сўзининг бошқа туркумга ўтиши ҳодисасини бир туркум сўзининг нутқда бошқа туркум сўзи ўрнида ишлатилиши ҳодисасидан фарқлаш керак. Кейинги ҳолатда янги сўз ҳосил бўлмайди.

Ўзбек тилида бир туркум сўзининг бошқа туркум сўзи ўрнида қўлланиши қўйидагича:

а) сифатларнинг отлашиши: *Яхшига ёндаш, ёмондан қоч;*

б) отларнинг сифат ўрнида қўлланиши: *Кенг, текис асфальт йўлдан машиналар гизиллаб ўтмоқда;*

в) сонларнинг отлашиши; *Болаларимизнинг каттаси ўн олтига қадам қўйди;*

г) равишларнинг отлашиши: *Кўпдан қўп ақл чиқар;*

д) сифатдошларнинг отлашиши: *Баҳор қўшигини кийлаганларнинг Гулшани хазонсиз, иқболи мангу (У).*

е) сифатнинг равиш ўрнида, равишининг сифат ўрнида қўлланиши: *Уста ака сўзларни чертиб-чертуб, салмоқ билан самимий ва чиройли гапирди (О). Оз сўз - соз сўз.*

Бир туркум сўзи бошқа туркум сўзи ўрнида қўлланганда у бутунлай кейинги сўз туркумига ўтиб кетмайди, аксинча, аввалги сўз туркуми доирасида қолади. Жумладан, тош йўл, атлас кўйлак, яхшининг шарофати; *Кўкка боқма, кўпга боқ* каби мисоларда тош, атлас отлари сифат ўрнида, яхши сифати ва кўп равиши от ўрнида келган. Бироқ улар сўз сифатида отлигича, сифатлигича, равишлигича қолади.

ОТ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Предметлик маъносини англатадиган ва сон, келишик ҳамда эгалик каби грамматик маъноларни ифодалайдиган мустақил сўз туркуми от дейилади.

Отлар шахсга оид номлари (*бала, киши, йигит, қиз, ота, она*) аниқ нарсалар (*дафтар, китоб, олма, гул, бугдой*) ҳамда мавҳум тушунча билдирувчи (*шодлик, севти, гўзаллик*) номларни ифодалайди.

От туркуми учун хос бўлган асосий хусусият сон, эгалик ва келишик категориясига эга бўлишdir.

От ўзи олган келишик шаклига мувофиқ эга, аниқловчи, тұлдирувчи, изоҳловчи, ҳол ва кесим вазифасида, шунингдек, номинатив (атов) гап, ундалма вазифасида келади.

Масалан: *Талабалар имтиҳон топширдилар. Талабаларнинг қишики сессияси бошланғы. Темирчы Халил отани танимаган одам йўқ. Мевалар гарқ пишган.*

Сон ва келишик категориялари от учун доимий, эталик категорияси эса доимий бўлмаган категорияйdir.

Отнинг тури хил гап бўлаклари вазифасида келиши, шунингдек, ундалма, атов гап, изоҳловчи бўлиб келиши унинг бирламчи вазифасидир. От сифатлашса, яъни атрибутив формага кирса гапда сифатловчи-аниқловчи вазифасидан келади. Бу от учун иккиламчи вазифа ҳисобланади. Масалан: *тилла соат, ёғоч қошиқ, темир йўл, гишт кўпrik* каби.

Отнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири унинг функционал шаклларга эга бўлишидир. Шунингдек, от ўзига хос сўз ясалиш системасига ҳам эга. Отлар тузилишига кўра содда, қўшма, жуфт, такрор ва қисқартма шаклда бўлади.

Отларнинг маънога кўра таснифи

Отларни семантик ва грамматик хусусиятларига кўра қўйидагича тасниф қилиш мумкин.

1. Бир турдаги предметлардан бирининг номини ёки шу турдаги предметларнинг умумий номини ифодалашга кўра.

2. *Ким? ёки нима?* саволларига жавоб бўлишига кўра.

3. Саналиш ёки саналмаслигига кўра.

Биринчи таснифга кўра отлар 2 турга ажralади: а) атоқли отлар;

б) турдош отлар.

1. Атоқли отлар бирор шахс ёки предметта атаб қўйиладиган отлардир: *Тулқин, Аброр, Янгиер, Ҳадра, Уйгун, Яшин, Тошкент, Сирдарё, БМТ* ва б.к.

Улар қўйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) кишиларнинг исм-шарифи, тахаллуси: *Раҳим Маҳмудов, Ойбек*; 2) ҳайвонларга атаб қўйилган номлар: *Олапар, Тўртқўз, Таргил, Бойчибор, Гиркўк*; 3) географик номлар (буларга оддий кўча номларидан тортиб қитъа номларигача барчаси киради):

Навоий күчаси, Тошкент шаҳри, Помир тоги, Осиё қитъаси; 4) ташкилот, муассаса ва идора номлари: *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Низомий номли ТДПУ;* 5) китоб, газета, журнал, кинофильм, спектакль номлари: *Ўтган кунлар* романи, *Маърифат* газетаси; 6) сув ҳавзалари ва инишотлар номлари: *Амударё, Орол денизи, Катта Фаргона канали;* 7) тарихий воқеалар, байрам номлари: *Мустақиллик куни, Наврӯз байрами.* 8) астрономик номлар, яъни планета, метеорит, астероид номлари: *Юпітер, Сатурн, Сомон йўли.*

2. Турдош отлар: Бир турдаги предметларнинг умумий номларини ифодалайди: *китоб, дафтар, шаҳар, дарё, қишлоқ* каби.

Айрим ҳолларда турдош от атоқли отга, атоқли от турдош отта кўчиши мумкин.

Масалан: *лола* (т.от.) - *Лола* (ат.от), *темир* (т.от) - *Темир* (ат.от.) *ампер* (а.от - француз физиги), *Ампер* (а.от, электр токининг куч бирлиги). *ризамат* (т.от) - *Ризамат* (а.от - узум тури), *дизель* (т.от) - *Дизель* (а.от).

Турдош отлар яна бир неча нуқтаи назардан тасниф қилинади:

А. Ифодаланган тушунчанинг характеристига кўра: конкрет (жисмий) ва абстракт (мавҳум) отларга бўлинади.

Аниқ (жисмий) бешта сезги (кўриш, эштиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери орқали сезиш) ёрдамида сезиш мумкин бўлган предметларни ифодалайди: *дафтар, китоб, қалам, гул, пахта, олма.* Конкрет отлар англаттан предметларни бевосита санаб кўриш мумкин. Шунинг учун улар сонлар билан синтактик алоқага кириша олади.

Мавҳум (фикрий) отлар мавҳум тушунчаларни ифодалайди: *бахт, дўстлик, тинчлик, туйгу, озодлик, севги, муҳаббат.* Бундай отлар одатда кўпллик аффиксини олмайди. Баъзан кўплик формада қўлланганда эса кўплик маъноси эмас, балки қўшимча (кучайтириш) маънолар ифодаланади: *туйгу - туйгулар, уйқу - уйқулар.*

Б. Отлар бирлик шаклда бир турдаги предметнинг ўзини ёки предметларнинг тўдасини (жамини) билдиришга кўра яна 2 турга ажралади: Якка отлар ва тўда (жамловчи) отлар.

Якка отлар бирлик шаклда бир турдаги предметлардан биттасини билдиради: *уй, хона, дафтар, китоб*.

Тұда (жамловчи) отлар бирлик шаклда ҳам бир хил предметларнинг жамини ифодалайды: *армия, халқ, үрмөн, оломон, тұда, эл, мева-сабзавот, ғамма, күшчилик*.

II. Кім? ёки нима? саволларга жавоб бўлишига кўра отларни киши (шахс) отларига ва нарса (предмет) отларига ажратиш мумкин. Киши отлари кім?, нарса отлари нима? сўроқларига жавоб бўлади: *үқитувчи, талаба, қиз, йигит, дафтар, қалам, китоб*.

Отларни киши отлари ва нарса отларига ажратиш отларда сон категориясининг ифодаланишинигина эмас, уларнинг турлана олиш даражасини белгилашда ҳам муҳим роль ўйнайды. Масалан, киши отлари туслана олади. Нарса отлари эса фақат III шахс тусловчиси билангина ишлатилади. (*Талабаман, талабасан, талаба*): (*китобман?*...).

III. Саналиш ва саналмаслигига кўра отлар саналадиган ва саналмайдиган отларга бўлинади. Саналадиган отларнинг асосини конкрет отлар ташкил қиласиди: *китоб, дафтар, қалам. Салима бешта дафтар сотиб олди*. Саналмайдиган отларнинг асосини модда отлари ташкил қиласиди. М: *ҳаво, булут, сув, ёр, ун*. Одамларнинг исм-шарифи, шаҳар, қишлоқ номлари, географик номлар ҳам саналмайды: *Тошкент, Чирчиқ дарёси, Самарқанд, Наргиза, Соодат*.

Эгалик категорияси

Отларнинг грамматик хусусиятларидан бири унинг эгалик категориясига эга бўлишидир. Предметнинг З шахсдан (сўзловчи, тингловчи, ўзгадан) бирига тааллуқли эканлитини англатувчи умумий маънолар ва уларни ифода қилувчи шакллар тизими эгалик категорияси дейилади.

Предметнинг уч шахсдан бирига мансублигини кўрсатувчи морфема **эгалик аффикси** дейилади. Эгалик аффикслари шахс маъноси билан бирга унинг (шахснинг) сонини (бирлиги ва кўплиги) ҳам кўрсатади. *Дўстим, дўстимиз*.

Эгалик категорияси аффикслари шахс ва сонда қўйидаги кўринишга эга:

Бирлик		Кўплик	
I ш.	- <i>(и) м.</i>	I ш.	- <i>(и)из,</i>
II ш.	- <i>(и) нг.</i>	II ш.	- <i>(и) нгиз,</i>
III ш.	- <i>и, -си.</i>	III ш.	- <i>и, -си.</i>

Эгалик аффикси қўшилганда, сўз таркибида баъзан кўйидагича фонетик ўзгариш содир бўлади:

1. Иккинчи ёпиқ бўгинида қисқа ва тор *и* ва у унлилари бўлган сўзларда бу унлилар тушиб қолади: *Масалан: бурнинг, оғзи, кўнглим.*

2. Охири *к* ва *қ* ундоши билан тутаган сўзларга эгалик аффикси қўшилса, бу товушлар *г, ғ* ундошига айланади, *ўртоқ-гим, эшик-эшиги, қишлоқ-қишилогим, истак-истагим.*

Сингл-и-си, шунг-и-си, бун-и-си сўзларида эгалик қўшимчалари икки марта қўшилган. Эгалик аффикси от ёки отлашган сўзларга сон категориясидан кейин қўшилади. Келишик категорияси шакллари эса эгалик аффиксидан кейин қўшилади: *китоб-лар-им-ни, дафтар-лар-им-ни.*

Агар *-лар* аффикси ҳурмат маъносини ифодалаш учун қўлланса, у ҳолда эгалик аффикси ундан олдин қўлланди: *Дада-м-лар, ака-м-лар.*

Одатда эгалик аффиксини олган сўз гапда қаратқич келишигидаги сўз билан грамматик алоқага киришади: *Укамнинг китоби, мактабнинг боқи.* Аммо айрим ҳолларда эгалик аффиксини олган сўз бош келишикдаги сўз билан ҳам боғланиши мумкин. *“Галаба” боғи, “Ўртоқ” фабрикаси, Самарқанд шаҳри каби.*

Баъзан эгалик аффиксини олган сўз чиқиши келишигидаги от билан ҳам боғланиши мумкин: *талабалардан бири, теримчилардан учтаси, ўтирганлардан биттаси.* Бу ўринда эгалик аффикси қарашлилик маъносини эмас, балки, мансубликни ифодалайди. Эгалик аффиксларининг ишлатилишида икки ҳолат бор:

1. Эгалик аффикси ўзи қўшилган сўзнинг бошқа сўз билан боғланишида ишлатилади. Бу вақтда эгалик аффикси билан келган сўз қаратқич келишигидаги сўз билан алоқага киришади. Қаратқич келишиги аффикси кишилик олмошларига қўшилади.

*Менинг китобим
Сенинг китобинг
Унинг китоби*

*китобимиз
китобингиз
китоби*

2. Айрим ҳолларда эгалик аффикси қўлланмасдан, тааллуқлилик маъноси белгисиз ифодаланиши ҳам мумкин: *бизнинг bog(имиз), сизнинг bog(ингиз)*. Бу ҳодиса асосан I, II шахсда содир бўлади.

III шахсда эса, асосан, эгалик аффикси қўшилиб келади: *уларнинг bogи, унинг китоби*.

3. Равиш ва модал сўзларга қўшилганда эгалик аффикси ўз грамматик маъносини йўқотиб, ўзак таркибиға қўшилиб кетади: *бугуни, эртаси, кечаси, чамаси, мазмуни* каби.

Сон категорияси

Отларга хос морфологик белгилардан бири унинг грамматиксон категориясига эга бўлишиди.

Ўзбек тилидагисон категориясини бир-бирига қарама-қарши қўйилган бирлик ва кўплик шакллари ташкил этади.

Бирлик шаклдаги отлар бир жинсдаги предметлардан биттасини ташкил этади. *китоб, дафтар*. Кўплик шаклдаги отлар эса бир жинсдаги предметларнинг икки ёки ундан ортиқ, лекин конкрет бўлмаган миқдорини ифодалайди: *дафтарлар, китоблар*.

Ўзбек тилида ҳам бирлик, ҳам кўплик шаклга эга бўлган отлардан ташқари фақат бирлик шаклда қўлланадиган отлар ҳам мавжуд. *Ун, ёг, шакар, сув, гўзаллик, яхшилик*.

Сон шаклларида келиши жиҳатидан отлар икки турли бўлади.

1. Бирлик ва кўплик шаклга эга бўлган отлар.

2. Фақат бирлик шаклга эга бўлган отлар.

Санаш мумкин бўлган аниқ нарсаларни англатган отлар бирлик ва кўплик шаклда бўлади. Бундай отлар ўзларига саноқ сонларни бириктириб кела олади: *битта китоб, иккита дафтар*.

Ўзбек тилида кўплик маъноси икки хил усул билан ясалади:

а) морфологик усул.

б) лексик-семантик усул.

в) аралаш усул.

Морфологик усулда кўплик маъноси асосга -лар аффиксини қўшиш билан ифодаланади. *Болалар, китоблар* каби.

Ўзбек тилида -лар аффикси қўйидаги маъноларни ифодалайди.

1. Шахс ёки предметнинг кўплигини ифодалайди: *даражатлар, уйлар, талабалар*.

2. Эгалик аффиксдан кейин қўшилиб, ҳурмат маъносини ифодалайди: *дадамлар, ойимлар, холамлар, акамлар*.

3. Пайт билдирувчи равишларга, пайт, ўрин, ёки нарса сонини билдирувчи бирималарга қўшилиб, чама, тахмин маъноларини ифодалаш учун хизмат қиласди: *соат 11 ларда, кечқурунлари сұхбатлашамиз, кечалари сайр қиласмиз*.

4. -лар аффикси уюшиқ бўлакларнинг ҳар бирига қўшилганда кўплик, таъкид, ҳурмат маъноларини ифодалайди. 1. *Баҳор, Мактаб боҚидаги ўриклар, олмалар, гилослар* чаман каби очилган. 2. *Ҳайдар, Қўчқор, Комиллар* бир кўрпада тепкилашиб катта бўлишган (У.)

Лексик - семантик усул билан қўйидагича ясалади:

1) саноқ сонлар, гумон олмошлари ва миқдор равишлари отни аниқлаб келади. Бир неча бола, кўп бола, ҳар хил китоб;

2) отга сифатловчи бўлиб келган от, сифат, сон, такрорланади. *Даста-даста гул, тўда-тўда оломон, қоп-қоп бугдой, тог-тог хирмон*.

3) Жуфт сўзлар орқали ҳам кўплик – умумлаштириш маънолари ифодаланади: *уй-рўзгор, қозон-товоқ, қўни-кўшни, мева-чева, дўст-ёр, қариндош-урут*.

Аралаш усулда юқоридаги ҳар иккала усулдаги воситалар қатнашади: .

Кўп ота-оналар келишди.

Фақат бирлик шаклдаги отлар: Отларнинг фақат бирлик шаклда қўлланиши асосан доналаб санаш мумкин бўлмаган нарсаларни атайдиган отларга ва умуман кўплик билдирамайдиган отларга хос хусусиятдир. Булар асосан қўйидагилар:

1. Мавхұм отлар: *ватаңпарварлық, дәхқончилик, халқпарварлық.*

2. Доналаб санаб бұлмайдиган отлар, одатда, бирлиқде ишлатилади: *ёғ, сув, асал, ун, ҳаво.*

3. Организмдаги жуфт аззоларни шунингдек, жуфт нарсаларни билдирувчи отлар: *құл, күз, қош, оёқ, қулоқ..*

4. Атоқли отлар: *Тошкент, Каримжон, Зарафшон.*

5. Фақат биттегідан ортиқ бұлмайдиган отлар фақат бирлиқде ишлатилади: Бундай отларға -лар аффикси құшилғанда күчайтириш, муболага, таъкид маңындар ифодаланади. Масалан: *Тилларымда титроқ соз эмас, севинч тұладыр. (У).*

Келишик категорияси

Отнинг бошқа сұzlар билан синтактик мұносабатини күрсатувлар маңындар ва бу маңынды ифодаловчы шакллар тиизими келишик категорияси дейилади.

Келишик категорияси б ғрамматик маңын ёки б келишикни үзіда бирлаштиради.

Булар: бөш келишик, қаратқыч келишиги, түшүм келишиги, ўрин-пайт келишиги, жұналиш келишиги ва чиқыш келишиклари дійілдер.

Келишик категорияси от ва отлашған сұzlарнинг бошқа сұzlар билан ғрамматик алоқаси күрсатади ва шу сұzlарнинг гапдаги вазифасини белгилайди.

Отнинг бошқа сұzlар билан ғрамматик алоқаси, келишикден ташқары, күмакчи билан (аналитик шакл тарзыда) ҳам ифодаланиши мүмкін: *Вокзалдан Қорасувга машинада (машина билан) эмас, пиёда боради. (О.Әқубов) У киши мени Тошкентта үқиши (үқиши учун) юборған зәдилар. (А.Қаҳжор).*

Аммо келишик шакли ва күмакчи ифодалаган маңындар маълум даражада бир-бираидан фарқ қиласы. Күмакчи билан ифодаланишида маңын хийла аниқ бұллади: *Бир дараахт билан (дараахтдан) боя бұлмас. (Мирмуҳсин) Жамшидни кутиб олиш учун (кутиб олишта) Санобарнинг отаси – Шомурод ака чиққанды. (О.Әқубов).*

Хар бир келишик маҳсус аффикс билан ифодаланади. Лекин отнинг келишик аффиксінін олмаган шакли ҳам

бошқа келишикларга нисбатан алоҳида шакл саналади. Келишик шакллари воситасида бир сўзнинг бошқа сўз билан тобе алоқаси ифодаланади. Жумладан, бош келишикдаги от бошқа сўзни ўзига тобелаш орқали муносабатга киришади. Шунинг учун у асосий келишик (основной падеж) дейилади. Қолган келишик шакллари эса бир сўзни бошқа сўзга тобелаш орқали боягайди ҳамда воситали келишик (косвенный падеж) дейилади.

Отнинг келишик аффиксини олиб ўзгариши турланиш, бу аффикслар эса турловчи аффикслар дейилади. Ҳар бир келишикнинг ўз шакли, маъноси ва синтактик вазифаси бор. Масалан: жўналиш келишиги қўшимимчаси от, олмош, сон ва отлашган сўзларга қўшилиб, от билан феъл орасидаги синтактик муносабатни кўрсатади. Унинг асосий маъноси ҳаракатнинг йўналиш ўрнини ифодалашдир.

Ҳар бир келишикнинг маҳсус аффикси (бош келишикдан ташқари) бор ва улар алоҳида-алоҳида саволларга жавоб бўлади.

№	Келишик номи	Қўшимчаси	Сўроқлари
1.	<i>Бош келишик</i>	—	<i>ким?</i> <i>нимада?</i> <i>қаер?</i>
2.	<i>Қаратқич келишиги</i>	<i>-нинг, -н</i>	<i>кимнинг?</i> <i>ниманинг</i>
3.	<i>Тушум келишиги</i>	<i>-ни, -н,</i>	<i>кимни?</i> <i>нимани?</i>
4.	<i>Жўналиш келишиги</i>	<i>-га,-ка,-қа,</i>	<i>кимга? нимага?</i>
5.	<i>Ўрин-пайт кел.</i>	<i>-да</i>	<i>кимда?</i> <i>нимада?</i>
6.	<i>Чиқиш келишиги</i>	<i>-дан</i>	<i>кимдан?</i> <i>нимадан?</i>

Бош келишик

Бош келишикдаги от умуман шахс, предмет, воқеа-ҳодисаларнинг номини атайди, *ким?*, *нимада?*, *қаер?* сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Отнинг бош келишик шакли маҳсус аффиксга эга эмас. Бу келишик шакли аффиксли келишик шаклларига қарама-қарши қўйилади ва

шуларга нисбатан белгиланади. Шунга кўра бош келишик аффикссиз келишик ёки ноль кўрсаткичли формаси деб юритилади.

Бош келишикдаги сўз қуидаги вазифаларда келади:

1. Эга вазифасида келади: *Деразамнинг олдида бир туп Үрик оппоқ бўлиб гуллади. (Ҳ.Олимжон) Бектемир эшиқдан жўрттага кулимсираб кирди. (Ойбек) Юклар ташлансин, фақат қуромлар олинниб, катта шаҳарга қараб пиёда йўл олинсин. (Ойбек);*

2. Бош келишикдаги от номинатив (атов) гап ёки шундай гапнинг бош сўзи вазифаларида келади: *Қишлоғи Аччиқ совуқ ҳар ёндан чимчилайди. (Ойбек) Ойсиз тун. Баланд тизма тог... минглаб юлдузларни беркитиб ётибди. (П.Қодиров) Бегубор ойдин кечади. Ҳали тонг отишига анча бор. (А.Мухтор);*

3. Бош келишикдаги от гацда кесим вазифасида келса, келишикдан кейин тусловчи (шахс-сон) ҳам қатнашади. *Отам камтар, тўгри сўзи, очиқ кўнтил одам эди. (М.Исмоилий) Самарқанд – шоирлар, олимлар шаҳри. Оталар сўзи – ақлнинг кўзи. (Мақол.)*

4. Сифатловчи вазифасида келади: *Гулчехра атлас кўйлагини оловдай ёндириб, дарахтлар орасида енгил, нозик йўргалар эди. (Ойбек);*

5. Изоҳловчи вазифасида келади: *Содик темирчи Раззоқнинг ҳоргин кўзларига боқиб сўради. (Ҳ.Олимжон) Аскар ота тўсатдан отнинг бошини тортди. (А.Қаҳҳор);*

Шундай бирикмалар ҳам борки, биринчи компоненти бош келишикдаги от билан, иккинчи компоненти эгалик аффиксими олган от билан ифодаланади: *Фаргона водийси, Зарафшон воҳаси, галаба байрами, институт ректори, бригада бошлиги, шанба оқшоми каби. Бу каби бирикувлар қаратувчили бирикмага кирмайди, унинг биринчи компоненти белгисиз қаратқич келишиги шаклида эмас, балки бош келишик шаклида бўлади, иккинчи компонент билан изоҳловчилик муносабатига киради: Мехрининг кўзларида қувонч, миннатдорлик туйгуси порлади. (А.Қаҳҳор) Ер юзига донги кетган Ўзбекистон ўзингсан. (П.Мўмин);*

6. Бош келишикдаги от гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўз – ундалма вазифасида келади:

*Умрим, эй сен билан қилиб ифтихор, Бўлайин ўлгунча мен
ҳам миннатдор. Сизга йўлдош бўлсам, азиз дўстларим,
Сизга хизмат қилса, шеърим, сўзларим. (Ҳ.Олимжон).*

Қаратқич келишиги

Бу келишиқдаги от ёки отлашган сўз **кимнинг?** **ниманинг?** **қаернинг?** саволларига жавоб бўлиб, одатда бошқа сўзни ўзига қаратиб келади.

Қаратқич келишиги бирор предметнинг шу келишиқдаги отдан англашилган предметта қарашли эканини ифодалайди.

Қаратқич келишигидаги сўз эгалик аффиксини олган от билан мослашув орқали синтактик алоқага киришади. Бунда қаратқич келишигидаги келган сўз қаратувчи (қаратқич), эгалик аффиксини олган сўз эса қаралмиш деб юритилади. **Китобнинг бети, хўжаликнинг даласи, мактабнинг боғи.**

Қаратқич келишигининг аффикси баъзан (шеърий асарларда) III шахс эгалик аффиксидан кейин -н шаклида ҳам қўшилади.

Масалан: *Ҳар оила ўчогин ўз қуттулуг тарихи бор.*
Ёки: *Тоғ сувларин тошқинидай янграпар ҳамон овозинг.*

Мен, сен олмошлари қаратқич келишиги шаклида келганда, бу келишикнинг қўшимчаси -инг шаклида бўлади.
Менинг, сенинг.

Масалан: *Сенинг билан яшасин баҳор,*
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар. (Ҳ.Олимжон).
Ёки: *Сендан бўлак менинг юрагимга яқин киши йўқ.*
(Мирмуҳсин)

Қаратқич келишиги икки шакlda: белгили ёки белгисиз шакlda қўлланади.

Қаратқич келишиги белгили бўлганида -ning аффикси қатнашади, белгисиз бўлганида эса -ning аффикси қатнашмайди: *Бу гўзанинг чаноқларида астойдил меҳнатнинг саломоги, кучи, самараси кўриниб турибди.* (И.Раҳим) *Дарё сувини баҳор тоширад, Одам қадрини меҳнат оширад.* (Мақол.)

Белгили қаратқич кўплиқдаги биринчи ва иккинчи шахс кишилик олмошларидан бўлса, баъзан қаралмишдаги аффикси тушиб қолади:

*Шуларнинг ҳаммаси бизнинг қўл билан,
Бизнинг билак билан юзага келган. (Х.Олимжон).*

Белгили қаратқичдаги отлар гаңда бирдан ортиқ бўлиб уюшиб келганида, -нинг аффикси фақат энг кейинги оттагина қўшилиб, барча уюшувчилар учун умумий бўлади: *У ерда отлар, аравалар, тяяларнинг шовқини ... доимий говур-гувур ясайди.* (Ойбек).

Қаратқич келишигининг (шунингдек, аффиксли бошқа келишикларнинг ҳам) белгисиз қўлланишини бош келишик билан тенглаштириб бўлмайди. Келишикнинг аффиксга умуман эга эмаслиги бошқа-ю, аффикс бўла туриб белгисиз ишлатилиши бошқа ҳодисадир. Қаратқич келишигининг белгисиз қўлланишини белгили қўллаш мумкин: *китоб вараги – китобнинг вараги* каби. Бош келишикда, умуман, аффикс йўқ, бу келишикни қаратқич келишигининг белгисиз ишлатилиши билан тенглаштириб бўлмайди.

Агар ташки үхшашлик асосида ҳукм чиқарсак, юқоридаги мисолда *отлар, аравалар* бош келишикда, *тяяларнинг* сўзигина қаратқич келишигида деган нотўғри хулоса чиқарилади. Ваҳоланки, уюшиб келган сўзлар грамматик жиҳатдан бир хил шаклланади. Юқоридаги сўзларнинг грамматик мавқеи ўзаро бир хил, фақат грамматик шаклда умумлашиш мавжуд, холос. Яна чоришистилинг. Акаси ва дугоналарининг «Энди нима қиласиз» деганига Онахон ўйлаб туриб жавоб қилди. (Мирмуҳсин).

*Ўзбек, тожик, туркманнинг, қирғизу қозоқларнинг
Шұхратини күтарған голиб паҳлавонлари. (Ғ.Гулом).*

Белгили қаратқич англантан маъно белгисиз қаратқич англантан маънодан фарқ қиласи. Белгили қаратқичда хусусий хослик, аниқ қарашиблилик бўлса, белгисиз қаратқичда умумий хослик бўлади. Белгисиз қаратқичда келган сўз атоқли отлардан бўлганда, хусусий хослик ифодаланиши ҳам мумкин: *Йитит ҳусни меҳнатда; Эр давлати элида.* (Мақол.) салқин саҳарларда бодом гулида, *Бинафша лабида, ерларда баҳор.* (Зулфия)

Белгили қаратқычда асосан қуийдаги маъно муносабатлари ифодаланади:

1) қаралмишда ифодаланган предметнинг маълум шахсга, нарсага тегишли экани аниқлиги таъкидланади: *У билан машинасозлик заводининг катта цехида учрашдим. Қизнинг қўнгироқдай ёқимли овози ҳамманинг диққатини ўзига тортиди.* (И.Раҳим).

*Яна қутлуғ шу минбардан азиз дўстларнинг
Жон қадрдан чеҳраларин кўриб турибман.*

(F.Гулом)

2) қаралмишда ифодаланган отнинг бирор жамоа ёки илмий, сиёсий ташкилотга тегишли, қарашли эканини билдиради: *Масалан, Анварни «Комолот» ёшлар уюшмасининг бошлиғи Раҳимжон чақиртириди.*

3) қаратувчи бўлиб келган от қаралмишда ифодаланган белги ё хусусиятнинг ташувчиси, эгаси эканлигини билдиради. Масалан: *Оила ҳаётининг ҳарорати, роҳати ва тозалиги уни қувонтиради.* (Ш.Рашидов) *Олтин-кумушнинг эскиси бўлмас, Ота-онанинг баҳоси бўлмас.* (Мақол.)

4) қаратувчи бўлиб келган от қаралмишда ифодаланган ҳаракат-ҳолатнинг бажарувчи эканини билдиради: *Бу кишининг кетмон уриши қорни тўқ кишининг ҳашак титишига ўҳшайди.* (А.Қаҳҳор) *Паст-баланд, ёш ва қари дараҳтларнинг турли шаклда кўриниб туриши Шералини ажаблантириди.* Биринчи кўрган одамнинг ҳам бир неча кунда шунчак яқин бўлиб қолиши мумкин экан.

(А.Мухтор). Белгили қаратқыч юқоридагилардан ташқари, бутун билан бўлак алоқаси, нарса билан ўрин, пайт муносабати сингари қатор маъно муносабатларини ҳам кўрсатиши мумкин: *Баҳорнинг илк шаббодаси дараҳт япроқларини эркалаб ўйнарди.* (О.Ёқубов) *Ўзбекистоннинг табиатини, пахтасини, меваларини шавқ билан таъриф этар эди.* (Ойбек) Аммо булар юқоридаги пункtlарни аниқлаштириш бўлади. Бундай ички гуруҳлашни чексиз давом эттириш мумкин, лекин улар борган сари грамматик маънодан узоқлашиб, лексик маънога яқинлашиши мумкин.

Қаратқыч келишиги қуийдаги ҳолатларда белгили ишлатилади:

1) олмошлар қаратқич келишигида келганда: *Унинг юзига қон югурди.* (А.Мұхтор) *Унинг лаблари худди баҳор қүёшини эмған лолани эслатарди.* (О.Ёқубов) *Бизнинг хотинларда ҳаё фазилат.* (Ғ.Гулом);

2) отлашған сұздар (сифат, сифатдош кабилар) қаратқич келишигида келганда: *Ишлаб тоғаннинг нони лаззатли бұлур.* (Мақол.) *Элга құшилғаннинг күңгли түқ,* элдан ажралғаннинг бети йүқ. (Мақол);

3) қаралмиш отлаштан сұздардан бұлғанда: *Ҳар бир нарсаның янгиси, дүстнинг эскиси яхши.* Үқишининг эртакеци бұлмас. Болаларимизнинг каттаси үн олтига қадам құйди. (А.Қаҳжор);

4) қаратқич келишигидеги сұз келишиккача әтап көрді: *Шеъримнинг мазмұнлари, фикрим, ижодимдасыз.* (Ғ.Гулом);

5) қаратувчи билан қаралмиш орасида бошқа бирор сұз келса: *Қызниң қоп-қора күзлари шодлик билан чақнаб кетди.* (М.Исмоилий) *Күёшнинг илк нұрлари ҳовлидаги икки түп мірзатеракнинг учида жиілваланар зди.* (О.Ёқубов);

6) қаратувчи маҳсус аниқловчыға зға бұлса: *Сайлоғын тұлдира бошлаган одамларнинг ғовур-гууридан ўзимга келдім.* (О.Ёқубов).

Қаратқич келишигида келған отлар гапда асосан қаратувчи қаратқичли аниқловчы вазифасида келади: *Мен сизнинг күзингиздә диёримни күраман.* (Х.Гулом).

Қаратқич келишигидеги сұз (күпинча кишилик олмошлари) күмакчи билан ишлатилиб, аналитик шакл ҳосил қиласы, гапда воситали тұлдирувчи вазифасида келади: *Күкән ўзи мениң билан хұп оғайни.* (Ғ.Гулом) *Сениңт үчүн бутун бир түй тузатдым.* (Х.Олимжон).

Тушум келишиги

Бу келишиккада от кимни? нимани? қаерни? саволларына жаоб бўлиб, ҳамма вақт ўтимли феълга болғанади. У шу феълдан англацилган иш-ҳаракатнинг таъсирини ўз устига олган ҳаракатни бевосита ўзига қабул қиласы нарсани ифодалайди, гапда воситасиз тұлдирувчи вазифасида келади. Масалан, *Онангни кафтинде тутсанг,*

синглингни бошингда тут. (А.Қаҳҳор) Подшоҳ ҳамма күёвидан кенжә ботирни яхши кўрар экан.(Эртак).

Эски ўзбек тилида тушум келишиги қўшимчаси -и, -ин шаклида бўлган. Ҳозир ҳам шеъриятда бундай шакл учраб туради.

Масалан: *Олмазорлар гулин тўкади, мева боғлаб шоҳин буқади. Чиройлидир гўё ёш келин, икки дарё ювар кокилин.* (Ҳ.Олимжон).

Қаратқич келишиги каби тушум келишиги ҳам белгили ва белгисиз шаклда қўлланиши мумкин: Бундай қўлланиш маъно талабларига ва грамматик ҳолатга кўра содир бўлади. Масалан, тушум келишигидаги сўз сўзловчи ва тингловчи учун маълум предметни англатса, бунда келишик белгили шаклда бўлади, акс ҳолда белгисиз шаклда келади. *Китобни ўқиб бўлдингми?* (маълум – китоб), *Китоб ўқиб бўлдингми?* (умуман китоб) кўзда тутилади.

Қуйидаги ҳолатларда тушум келишиги белгили шаклда келади:

1. Тушум келишигидаги сўз атоқли от билан ифодаланганда: *Носиров Сайдани узоқдан кўриши билан ўрнидан турди.* (А.Қаҳҳор);

2. Тушум келишигидаги сўз кишилик, ўзлик ёки кўрсатиш олмоши билан ифодалантанда: *Қаландаров Сайданинг гапини эшишмади ё ўзини эшишмаганга солди.* (А.Қаҳҳор);

3. Тушум келишигидаги сўз отлашган сўз бўлганда: *Яхшини мақтаган ярашур, ёмонни мақтаган адашур, Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар.* (Мақол.) *Кўрганни эшиштан енгиби.* (Мирмуҳсин);

4. Тушум келишигидаги сўз эгалик аффиксини олганда: *Онангни кафтингда тутсанг, синглингни бошингда тут.* (Мақол);

5. Тушум келишигидаги сўз ҳаракат номи билан ифодаланганда: *У ўз китобхонлари билан бўладиган биринчи учрашувни ўйлаб кетди.* (А.Мухтор);

6. Тушум келишигидаги сўз билан кесим дистант ҳолатда бўлса, яъни улар орасида бошқа гап бўлаклари келса: *Қолган гапларни йўлда гаплашамиз.* (Ҳ.Гулом);

7. Кесим ўз лексик-семантик хусусиятига кўра тушум келишигининг белгили шаклини талаб қилганда: *Ўрик*

даражининг қуюқдан-қуюқ гули оптоқ булуларни эслатарди. (Ш.Рашидов).

Күйидаги ҳолатларда тушум келишиги белгисиз шаклда келади:

1. Тушум келишигидаги сўз, асосан, бир турдаги предметни ифода қилиб, уни таъкидлаш лозим бўлмаганда, белгисиз қўлланади. *Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади. (Мақол.)*

2. Тушум келишигидаги сўз асосан бир турдаги предметни ифода қилиб, уни таъкидлаш лозим топилмаганда белгисиз қўлланади: *Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади. (Мақол.)*

Тушум келишигидаги сўз ҳаракатнинг объектини кўрсатади. Бу келишикдаги отни бошқариб келган феълнинг лексик-семантик хусусиятига қараб объектлик муносабати ҳам турли оттенкаларга эга бўлади:

а) аниқ ҳаракатни билдирган феълларга боғланса, тушум келишигидаги от ҳаракатнинг таъсири ўтган объектни англатади: *Шоир газални китоб орасига солди. (Ойбек). Хатони тузатиш учун ҳаётни қайтадан бошлиш керак эди (О.Ёқубов);*

б) феъл англатган ҳаракатнинг бажарилиши натижасида юзага келган объектни, унда қандайдир ўзгариш бўлганилигини билдиради: *Янги терим машиналарини яраттан олимларимизга раҳматлар айтамиз. (Газетадан)* Бугун бўйруқ бўлди: деворни бузиб, Тез ўрнатиш керак янгисин. (А.Мухтор);

в) тушум келишигидаги от жой маъносини билдиrsa, бундай тўлдирувчи ўрин оттенкасига эга бўлади: *Улар энг один боғни айландилар, узумзор, олмазор, ўрикзорни, олчазорни бирма-бир айланиб кўрдилар. Меҳмонлар тарихий ёдгорликларни, шаҳарнинг диққатта лойик жойларини бориб кўрдилар. (Газетадан);*

г) тушум келишигидаги сўз аниқ ҳаракатни билдиrmай, тасаввур этиш, ҳис этиш, кузатиш, ўрганиш қаби ҳолат англатган феълларга боғланганда, шу ҳолатнинг объектини билдиради: *Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббат, меҳнат орқали кўрар эди. (А.Қаҳҳор). Сиз у кишининг муҳаббатларини қозонгансиз. (А.Мухтор).*

Күринаиди, тушум келишигидаги сўзнинг белгили ва белгисиз келишида шу келишиқда шакланган сўзнинг атоқли ёки турдош от бўлиши, эгалик аффиксини олиш-олмаслиги, сифатловчисиз қўлланиши, бошқарувчи бўлак билан дистант ёки контакт ҳолатда бўлиши, бошқарувчини талаб қилиши ёки талаб қилмаслиги билан bogлиқdir.

Шуни таъкидлаш лозимки, тушум келишигидаги сўз билан уни бошқарувчи феъл нутқда узвий bogланган бўлиб, баъзан у шу феъл таркибига кириб, икки элемент бир бутунни - қўшма феълни ҳам ташкил этади ва бир ҳаракат тушунчасини англатади: *бош қотирмоқ, қўл кўймоқ, кўз тикмоқ, қадам ташламоқ, кўнгил қўймоқ*. (фарқланг: *китоб ўқимоқ, пахта термоқ, кўчат ўтказмоқ, сув ичмоқ*).

Жўналиш келишиги

Жўналиш келишигидаги сўзлар феълга bogланиб, ҳаракат йўналган предметни кўрсатади. Жўналиш келишиги аффикси -га, -ка, -қа шакларида келади: *шаҳарга, далага, эшикка, парка, ётоққа* каби.

Жўналиш келишигидаги сўз асос билдирган маънога қараб турлича сўроққа жавоб бўлади, гапдаги вазифаси ҳам шу асосда белгиланади: *Мен... масалага (нимага?) бошқача қарайдиган бўлдим. (F.Гулом) Кечқурун Тансиқ уйга (қаерга?) қайтди. Хуллас, ер арzonга (канчага?) кетди* каби.

Бу келишик аффиксининг асосий формаси -га бўлиб, у к, қ товушлари билан тугаган асослардан ташқари, барча ҳолларда ишлатилади: *Гуломжон отасининг сўзи билан ҳушига келди. (M.Иsm)*.

Агар асос к жарангсиз товуши билан тугаса, аффикс бошидаги г товуши жарангсизлашади ва -ка шаклида қўшилади: *Улар қўчада чанг кўтармасликка ҳаракат қилишиб, отни секинроқ ҳайдашди. (A.Қаҳҳор)* Бу ёшликка онг - билимдан қанот bogланган. У юксакка учмоқ учун дадил чоғланган. (F.Гулом).

Агар асос қ жарангсиз товуши билан тугаса, аффикс бошидаги г товуши жарангсизлашади ва айни вақтда тил орқа товушига айланади. Натижада ққ шаклига эга бўлади ва шундай ёзилади: *Қишлоққа шаҳар туташ, икков бирга*

ҳамнафас. (Г.Гулом) Тушдим ёшлигим ўтган дарёлардан йироққа. (Х.Олимжон).

Жўналиш келишигида келган сўз қуийдаги маъноларни билдиради:

1. Ҳаракат ва ҳолат йўналган шахс ёки предметни. Комила хурсанд бўлиб қалам-қоғозни ўртоғига тутқазди. (Ойбек) Саҳна орқали кишиларнинг қалбига йўл топсан. (А.Қаҳҳор);

2. Бир предметнинг иккинчи предметта аталганлигини: Бизнинг замонда ҳамма олий мактабларнинг ҳамма санъат ва ҳунарларнинг дарвозалари бизга очилиб турибди. (Ойбек);

3. Шахс, предметларнинг бирор ҳолатга ўтиши, эски ҳолатдан ўзгариши каби маъноларни англатади: Ҳозир бизнинг қуртларимиз иккинчи уйқуга кирди. (Газетадан);

4. Ҳаракатнинг қандай мақсад билан бажарилганлигини билдиради: Она ўз ўғли учун миннатдорчилик билдиришга келибди. (А.Мухтор) Мана шу қизларнинг кийимидан эртага синглимга сотиб оламан. (Ойбек). Мен Фарғонадан атайлаб сиз билан кўришишга, рози бўлсангиз, отпуска ичида тўй қилишга келган эдим. (Ойдин);

5. Ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради: Мен кўсақларнинг кўпли беш хонали бўлганига қувонаман (Ойбек) Ўқимаганимга жуда армон қиласман. (М.Исмоилий);

6. Жўналиш келишигида келган сўз пайт, ўрин билдирувчи сўз бўлганда ҳаракат қаратилган вақт, ўрин маъноларини билдиради: Бу орада электростанция битиб, унинг очилиш маросими иккинчи февралга белгиланди. (А.Қаҳҳор) Жамоа аъзоларининг кеч соат 8 га белгиланган мажлиси ўз вақтида бошланди.

Жўналиш келишигидағи сўз ҳаракат йўналган шахсни, предметни англатса ёки бир предметнинг иккинчи бир предметга аталганлигини билирса, бундай сўз воситали тўлдирувчи вазифасида келади ва кимга?, нимага? сўроқларидан бирига жавоб бўлади: Иброҳимов ҳамманинг сўзига диққат билан қулоқ солди. (А.Қаҳҳор) Кўпчиликка ишонгган мақсадига етади. (Мақол).

Бошқа маънолар ифодаланганида эса ҳол вазифасида келади. Бу вақтда қаерга?, нима учун?, нима мақсадда?,

нима сабабли?, нимага?, қачон?, қанча? каби сўроқларга жавоб бўлади:

а) ўрин ҳоли вазифасида келади: *Мен сафарга кетишими ҳали онамга айтмаган эдим* (*Г. Гулом*);

б) сабаб ва мақсад ҳоли вазифасида келади: *Мен ҳам шу ерга келганимга хурсандман.* (*Ў. Умарбеков*) *Уртогинг келганига суюндингми?*

в) пайт ва миқдор-даражада ҳоли вазифасида келади: *Учтўрт кунга водийга бораман.* (*Ойбек*) *Кунига юз элликка етказаётган экансиз, табриклайман!* (*Мирмуҳсин*).

Ўрин-пайт келишиги

Ўрин-пайт келишигининг шакли –да аффикси бўлиб, бу келишиқдаги сўз кимда?, нимада?, қаерда? (қаёқда?), қачон? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Ўрин-пайт келишигидағи сўзлар қуидаги маъноларни англатади:

1. Шахс ва нарсанинг ўрнини билдиради: *Ҳали туннинг барқут этаги ерда.* (*Уйғун*) *Меҳнат ҳар манглайды қуёш нақшидир.* (*Г. Гулом*);

2. Ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрнини билдиради: *Томирларда кезган қайноқ қон.* (*Бобоҷон*) *Меҳнатда яралган саодат кўркин Юракда жаранглар куий, оҳанти.* (*Ҳ. Олимжон*);

3. Ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш пайтини билдиради. Бу вақтда ўрин-пайт келишигидағи сўз пайт маъносига эга бўлиши лозим. *Ҳар якшанбада далага – тажриба участкасига борадилар.* (*Ў. Усмонов*). «*Тонгда чиқиб, кечаси қайтасан, на овқатингда маза бор, на уйқунгда ҳаловат*» – деди онаси. (*Ойбек*) Баъзан –да аффикси қатнашмаслиги ҳам мумкин: *Меҳнат завқи тутар ўлкани, Саҳар кетар чўпон тогига.* (*Ҳ. Олимжон*);

4. Ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини ёки ҳаракат ва ҳолатнинг обьекти бўлган предметни билдиради: *Улар мусиқани чуқур сукутда тинглар эди.* (*Ойбек*) *Она оқ кўйлақда, оқ дока рўмолда чексиз азиз, шафқатли, беҳад гўзал туюлди Ўқтамга.* (*Ойбек*);

5. Ҳаракатнинг бажарилишида сабаб, восита бўлган нарсани билдиради: *Биз пахтакормиз, сиягимиз меҳнатда*

қоттан. (Ойбек) Улар ҳалиги чол билан хайр-хўшлашиб, машиналарда кетишидди. (А.Мухтор);

6. Шахс, предметларнинг бир иш билан шугулланишини, ҳаракат ва ҳолатнинг нима тўғрисида, нима жиҳатдан бўлиши каби маъноларни англатади: ... *Иигитлар ҳунар ўрганишда, пўлат қуийишда Мариядек уста кишиларга яқинлашмоқда.* (А. Мухтор) Ҳали туннинг барқут этаги ерда, Ҳали бутун қишлоқ вазмин уйқуда. (Уйгун).

Ўрин-пайт келишигидаги сўз кимда?, нимада? сўроқларига жавоб бўлиб, предмет маъносига эга бўлса, гапда тўлдирувчи вазифасида келади: *Куз келди, бизларга кумуш косада Шарбат ола келди, бол ола келди.* (Уйгун) Бўй ўстган ҳар ўсмирнинг қаддида, қоматида Туққан ота-онасин қатра умри яширин. (Ғ.Гулом).

Бу келишиқдаги сўз ҳолат, пайт, сабаб, восита маъноларини англашиб, қандай? қаерда? қачон? каби сўроқларга жавоб бўлса, гапда ўрин, пайт, равиш, сабаб ҳоли вазифасида келади: *Биз уларни ўзимиз яратган шаҳарда кутиб оламиз.* (А.Мухтор) Ёзда қилинган меҳнат, кузда кўрсатар ҳиммат. (Рамз Бобоҷон.) Майнинг тўққизида гилос пишиди. (Ғ.Гулом).

Ўрин-пайт келишида келган сўз содда гапнинг кесими вазифасида ҳам келади: *Бирлашма уч қаватли янги бинода эди.* (А.Мухтор).

Ўрин-пайт келишигидаги сўзлар гапда уюшиб келса, келишик аффикси ҳар бир бўлакка алоҳида ёки энг кейинги бўлаккагина қўшилиб келади. Кейинги ҳолатда -да аффикси ҳамма бўлаклар учун умумий бўлади: *Шаҳарларда, боғлар, тогларда Элни қучган мангу бир баҳор.* (Ҳ.Олимжон).

Чиқиши келишиги

Чиқиши келишигидаги сўз шахс ва предметнинг чиқиши ўрни, ҳаракат ва ҳолатнинг бошланиш нуқтаси каби маъноларни ифодалайди. Ҳозирги адабий тилимизда бу келишикнинг аффикси -дан бўлиб, кимдан?, нимадан?, қаердан?, қачондан?, қанчадан? сингари сўроқлардан бирига жавоб бўлади: *У дўстидан худди шу далдани кутиб турган эди.* (М.Исмоилий).

Чиқиш келишигида келган сўз жуда кўп маъноларни, ҳатто чиқиш оттенкасига тўгри келмаган маъноларни ҳам билдиради. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Ҳаракатнинг бошланиш ўрнини, нима бўйлаб содир бўлишини кўрсатади: *Гуломжон шаҳардан жуда кеч қайтди.* (*М.Исмоилий*). Улар асфальт кўччанинг бу бетидан у бетига чиқишиди. (*О. Ёқубов*);

2. Шахс ва нарсанинг чиқиш ўрнини, манбайнин билдиради: *Бу қадимий улугтвор чинор, эҳтимол, қачонлардир битта уругдан униб чиққандир.* (*А.Мухтор*) *Қиз деган кўнгилнинг қонидан бўлур.* (*Ғ.Гулом*);

3. Нарсанинг нимадан ишланганини билдиради: *Арча япрогида муздан пардалар, Қирда лолалардан баҳмал тўшалди.* (*Ғ.Гулом*) *Менга бутун яқиндир осмон, Булултардан тепамда пода.* (*Ҳ.Олимжон*);

4. Бир нарсани бошқа бир нарса билан чоғишириш, қиёслаш маъносини билдиради. Чоғиширилган нарса чиқиш келишигида келади ва белги англатувчи сўзга боғланади: *Ҳали сиз мендан бақувват.* (*С.Аҳмад*) *Виждан етакласа, буйруқдан ҳам, заруратдан ҳам кучли бўлар экан.* (*А. Мух.*) *Тўгри сўз қиличдан ўткир.* *Бол ширин, болдан бола ширин.* (*Мақол.*) *Хаёл тездир ҳар бир қанотдан,* *Орзу эса учқур ҳар қандай отдан.* (*Ҳ.Олимжон*);

5. Ҳаракатнинг бажарилишида сабаб, восита бўлган шахс ва нарсани билдиради: *Усмонов шундай одамнинг қўлида ишлаёттанидан хурсанд эди.* (*Ў. Умарбеков*) *Ердаги барака қадамингиздан.* (*Ғ.Гулом*);

6. Ҳаракат қаратилган нарсани кўрсатади: *Сўзни сиздан эшитамиз...* *янги ердан гапиринг.* (*Р.Файзи*);

7. Чиқиш келишигидаги сўз пайт билдирувчи сўзлардан бўлса, ҳаракатнинг бажарилишидаги дастлабки вақтни, муддатни билдиради: *У ёшлиқдан газеталарни кўп ўқирди.* (*Ойбек*) *Жўра темирчининг оғир босқони Тонгдан ўт пуркайди, нафаси «виш-виш».* (*Ойбек*);

8. Чиқиш келишидаги сўз ҳаракат қисман ўттан нарса ёки нарсанинг бир қисми маъносини билдиради: *Баҳри сўйлар қилган ишидан, Ниятидан, истиқболидан, Сўзлаб берар тўқ турмушидан...* (*Ҳ.Олимжон*) *Завод ишчиларидан Жумабой ва Эргаш чархчи олдида ўтирадар эдилар.* (*Ойбек*).

Феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг белгисини, бажарилиш ҳолатини билдиради: *Дўстлари уни чин кўнгилдан табриклилашди.* (*Ойбек*) Умаралининг юрақдан ёзган илиқ сўзлари унинг кўнглини шодликка тўлдириб юборди. (*Ойбек*).

Чиқиш келишигидаги сўзлар яна кўп маъноларни билдиради. Бу маънолар ўзаро боғланган сўзларнинг синтактик муносабатлари орқали аниқланади.

Чиқиш келишигидаги сўз баъзан тушум, қаратқич келишиклари билан маъно муносабати ҳосил этади: *Раъно гуллардан (гулларни) бир-бир узиб, ўртоқларига узатди.* (*Ойбек*).

Қариндошлардан (қариндошларнинг) кетадигани кетди, қоладигани қолди. (*А.Қаҳҳор*) Тол шохидаги болалардан (болаларнинг) бири шопшилиб туша бошлиди (*М.Исмоилий*) каби.

Чиқиш келишигидаги сўз кўмакчи билан биргаликда аналитик шакл ҳосил қиласи ва кўмакчининг маъносига қараб ҳаракатнинг бажарилиши пайти, давом, такрор, сабаб, ўхшатиш каби маъноларни билдиради: *Бу тўқнашувдан кейин улар расмийроқ гаплашадиган бўлиб қолишиди.* (*Мирмуҳсин*) Талабалагимдан бери ўз қўлим билан, ўз меҳнатим билан янги ер очишни, бօғ қилишни орзу қиласдим. (*Ў.Умарбеков*) Энди пахталар унга аввалгидан кўра окроқ, яна ҳам юмшоқроқ кўринар эди. (*Ойбек*).

Чиқиш келишигидаги сўз предмет маъносига эга бўлиб, *кимдан? нимадан?* сўроқларига жавоб бўлса, воситали тўлдирувчи вазифасида келади: *Сиз муҳаббат завқидан ҳам, меҳнат қувончидан ҳам, дўстлик шавқидан ҳам баҳрамандсиз.* (*А. Мухтор*).

Чиқиш келишигидаги сўз ўрин, пайт, ҳолат, сабаб маъноларига эга бўлиб, қаердан?, қачон?, қачондан?, *нимадан?* каби сўроқларга жавоб бўлса, ҳол вазифасида келади:

а) ўрин ҳоли: *Гуломжон ўша куни уста Баҳромнинг уйидан тонг ёришмай хайрлашиб чиқди.* (*М.Исмоилий*) Заргаров аэропортдан соат ўн бирларда етиб келди (*А. Мухтор*);

б) пайт ҳоли: *У болалиқдан отларни севар, яхши отларни томоша қилишдан ҳар вақт завқланар эди.* (*Ойбек*);

в) сабаб ҳоли: *Севинчидан юраги гурс-турс уриб кетди.* (Ойбек) Зумраднинг чеҳраси қувончдан ёришиб кетган эди (Ойбек);

г) равиш ҳоли: *У Султоновнинг галини чин юрақдан севиниб қаршилади* (Ў.Умарбеков) каби.

Бу келишикдаги сўз кесим вазифасида ҳам келади: *Мен Самарқанднинг бир қишлоғиданман.* (Ойбек) Бола – ёшдан, одоб – бошдан. (Мақол.)

Отларда шакл ясалиши

От туркумига кирган сўзлар, категориал шакл билан бир қаторда, кўпгина нокатегориал шаклларга ҳам эга. Бу шакллар турлича грамматик маъноларни ифодалашга хизмат қиласди.

Отнинг нокатегориал шакллари тузилиш жиҳатидан уч турга бўлинади: 1) синтетик шакл; 2) аналитик шакл; 3) жуфт ва тақрорий шакл.

Синтетик шакл

Отнинг синтетик шакллари ўз маъно хусусиятига кўра қўйидаги турларга бўлинади: 1) кичрайтиш шакли; 2) эркалаш шакли; 3) қарашлилик шакли; 4) ўрин белгиси шакли; 5) чегара шакли; 6) ҳурмат шакли; 7) ўхшатиш шакли.

Кичрайтиш шакли

Кичрайтиш шакли қўйидаги аффикслар орқали ясалади:

1) –ча қўшимчаси билан. Бу аффикс шахс ва предметларнинг кичик эканлигини билдиради: *йигитча, дафтарча, қушча, китобча, уйга каби. Шоир дафтарчасини тиззасига қўйиб тез-тез ёзар эди.* (А.Қаҳҳор) Ярим соат ўтар-ўтмас улар Студентлар шаҳарчасига кириб боришиди.

(Ў.Умарбеков).
Бу аффикс шахс билдирган отларга қўшилганда, кичрайтиш маъносидан ташқари, эркалаш ёки камситиши маъносини ҳам ифодалайди: «*Қани бўлмаса, тинглар, ўғилча*», - дейди чол ва *йуталиб тарихини бошлиди.* (Ойбек) Луқмончанинг атрофида суҳбат, баҳс давом этарди. (А.Мўхтор) «*Бо, мунча ноз қилмасанг, отинча?!*» (Ҳ.Гулом)

Ичкарига киринг, анави етимча қизимизни ўлдириб қўяй деяпти. (Мирмуҳсин).

- ча қўшимчаси олган сўзлар баъзан кичрайтиш маъносини йўқотиб, семантик ўзгариш натижасида янги лексик маъно билдириши ҳам мумкин: қаламча (пайванд ва экиш учун ўсимлиқдан кесиб олинган новда), *найча* (пахта эгатига сув қўйиши учун ишлатиладиган асбоб ёки тўқимачилик асбоби), қизилча, қўкча каби. Бундай ҳолларда сўз ўзининг дастлабки маъносини йўқотади, аффикс сўзнинг асосидан ажралмас ҳолатта келади: *Нафиса опа илгари болалар боғчасида мураббия бўлиб ишларди.* (Мирмуҳсин) *Абдулла муздек беқасам кўрпача устига чўзилади.* (Ў.Умарбеков);

2) -чоқ, -чақ, -чиқ қўшимчалари билан. Бу аффикс ҳар турли сўзларга қўшилиб кичрайтириш, шунингдек, эркалаш маъноларини ифодалайди: *тойчоқ, қўзичоқ, қулуңчоқ, келинчак, тутунчак, қопчиқ, тўйчиқ* каби. Масалан: *Кулоқларнинг оқи ва оёқчаларининг оласи ўзларига жуда ярашган қўзичоқлар чакмон устида жимгина ётишар эди.* (П.Қодиров) *Келинчак висолин кутган йигитдай, Шарафли аёмга халқим мунтазир.* (Г.Гулом).

Эркалаш шакли

Эркалаш маъносини ифодаловчи шакллар қуйидагича ясалади:

1) -жон, -хон аффиксоидлари билан. Булар мустақил сўзлар сифатида қўлланишдан ташқари, шахс билдирувчи атоқли ва турдош отларга қўшилиб, эркалаш, суйиш қаби маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади: *акажон, укажон, холажон, Ҳакимжон, Олимжон, Зоҳиджон, Асалхон, Зулфияхон, Лолаҳон, Аноҳрон* каби. *Аҳмаджон* бутун умрида биринчи мартаба шундай саросималикка тушган эди. (А.Қаҳҳор) *Раҳбархон* бу хонадондан ўз баҳтини топганига энди уч ойча бўлди. (Ҳ.Назир).

-жон, -хон аффиксоидлари баъзан сўзнинг асосига мансуб бўлади. Бу вақтда эркалаш маъноси ифодаланмайди, балки асос ва аффиксоид биргалиқда битта атоқли отта тенг бўлади: *Кулжон, Шерхон, Ойхон, Ўғилхон* каби.

2) *-ой, -нисо* аффиксoidлари билан. Бу аффиксoidлар атоқли отта қүшилиб, эркалаш, суйиш маъносини билдиради: *Турсуной, Нигораой, Ёкутой, Зебинисо, Мехринисо, Хайринисо* каби.

3) *-тина (-кина, -қина)* қўшимча билан. Бу аффикс кўпинча шахс билдирган отларга қўшилиб, эркалаш, суйиш каби маъноларни билдиради: *қизгинам, болагинанг, отагинаси* каби. *Жаннат опа қизни қучоқлаб бағрига босди: - Қизгинам... Эндиғи қолган умримни фақат сени излаш учун сарфлайман деб аҳд қилиб қўйган эдим, болагинам.* (*A.Мухтор*) «*Ёдгор қани, ойи?*» - «*Вой, дарвоқе, ҳозир олиб чиқаман болагинангни.*» (*F.Гулом*);

4) – (a) лоқ аффикси ҳам айрим отларга қўшилиб, эркалаш, ҳурмат маъноларини билдиради: *бўталоқ, қизалоқ, тойлоқ* каби. «*Баракалла, қизалоқларим!*» - *Қари пахтакор бир онда яшнаб кетди.* (*Ойбек*) «*Баракалла, бўталогим,* – *мақтайди мени бобом.* (*Ойбек*)

Баъзан бир от асосига кичрайтириш ва эркалаш шаклини ясовчи бирдан ортиқ аффикс қўшилиб келиши мумкин. Бу вақтда кичрайтириш, суйиш оттенкалари яна кучайтирилади, таъкидланади: *бўталоқча, қизалоқча, қўзичоққинам* каби.

Қарашлилик шакли

От ва отлашган сўзларда қарашлилик шакли *–ники* аффикси орқали ясалади. Бу вақтда бир нарсанинг *–ники* аффиксини олган сўз англатган шахс ёки нарсага қарашли эканлиги ифодаланади: *Бу бино мактабники. Бу китоб кутубхонники, китоб Аҳмадники* каби.

Кишилик олмошлари қарашлилик шаклида келса, нарсанинг бирор шахсга тегишли эканлиги аниқ ифодаланади: – *Ҳаракат қилаверсаларингиз, юқори ҳосил сизларники.* (*Ойбек*) *Бу водийнинг қуёши ҳам бизники.* (*Т.Фаттоҳ*)

*Ўлка ишқи билан тўлгандир юрак,
Уникидир шараф, уники ҳаёт.* (*Ҳ.Олимжон*)

Тарихий жиҳатдан *–ники* мураккаб қўшимча бўлиб, қаратқич келишиги белгиси *–нинг* ҳамда *–ки*

қўшимчаларининг қўшилишидан ҳосил бўлган ва соддаланиш асосида бир аффикс ҳолига келиб қолган.

Қарашлилик маъносининг эгалик аффикси ва қарашлилик шакли орқали ифодаланиши бир-биридан кескин фарқ қиласди. Эгалик аффикси категориал шакл ясади, шахс ва сон бўйича шакллар системасини – парадигмани ҳосил қиласди. Эгалик шакли ҳам қаратилган нарсани, ҳам унинг қайси шахс эканлигини ифодалайди, қаратувчили бирикмани ташкил қилишда қатнашади: *китобим* – менинг *китобим*, *китобимиз* – бизнинг *китобимиз* каби.

–ники қўшимча эса нокатегориал шакл ясади, сўзларнинг бошқача синтактик муносабатида қатнашади: *Эришилган* бу ютуқларнинг ҳаммаси ўзимизники, ҳалқимизники. (*Ойбек*). Демак, кесим вазифасида келган –ники аффиксли шакл қаратувчи шахс ёки нарсани билдиради, бошқа от эса (*китоб, ютуқлар*) қаратилган нарсани билдириб, эга вазифасида келади.

Қарашлилик шаклидаги сўз кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларини олиб, гапнинг бошқа бўлаклари вазифасида ҳам келади: *Турсунойни қўшнисиникида қолдириб, Башоратни эргаштирганча кўчага чиқди.* (*А.Мухтор*) Бундай қўлланишда қарашлилик шаклидаги сўзни қаратувчили бирикма билан алмаштириш мумкин: *Онамни тогамникида (тогамнинг уйида) қолдириб, шу атрофдан бирон иш топишга ҳаракат қилдим.* (*А.Қаҳҳор*) *Йўқ, бизниклар (бизнинг ишчилар) сизниклардан (сизнинг ишчилардан) ҳали кўп нарса ўрганиши керак, Комилахон* (*Ойбек*) каби.

Ўрин белгиси шакли

Ўрин белгиси шакли –даги қўшимчаси билан ясалади, воқеа-ҳодисаларнинг ўрин ва пайтга кўра белгиси ифодаланади: *даладаги колхозчилар, осмондаги юлдузлар, уйидаги китоб* каби.

–даги мураккаб қўшимча бўлиб, ўрин-пайт келишиги белгиси –да ва сифат ясовчи –ти аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Одатда, ўрин-пайт келишигидаги сўз шахс ёки нарсанинг турган ўрнини, ҳаракатнинг бажарилиши ўрнини, пайтини билдиради. –ти

аффикси ҳам ўрин ва пайтга муносабатни, унга хослик маъносини англатган сифат ясади. Аммо бу иккала аффикс қўшилиб, уларнинг якка ҳолатда англатган маъноларидан фарқ қилган бошқа маъно юзага келган: бу мураккаб қўшимча шахс, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўрин ва пайтта кўра белгисини ифодалайди, сифатловчи вазифасида келади: *Онахон меҳмонларни хирмон ёнидаги палосга таклиф қилди.* (Миртемир) Кўкламдаги тойчоқни от десам арзигулик, Баҳордаги умиднинг мевасини келиб кўр. (F.Гулом.)

*Тоғлардаги қип-қизил лола,
Бўлиб гўё ёқут пиёла,
Булоқлардан узатади сув. (Ҳ.Олимжон.)*

Бу шаклдаги сўз отлашса, эга, тўлдирувчи, қаратувчи вазифаларида келади: *Булар гузардагилардан сўрашга ултурмай, гузардагилар булардан карнай сабабини сўраб қолдилар.* (М.Исмоилий).

Чегара шакли

Чегара маъносини ифодаловчи шакл *-тacha* (-кача, -қача) қўшимча билан ясалади. Бу аслида қўшма аффикс бўлиб, жўналиш келишиги белгиси (*-ta*) ва чегара маъносини англатувчи (*-cha*) аффиксидан иборат: *уйтacha, кўчагача, ёзгача, туштacha каби.* Зуҳра опаси билан *Самижонни автобус бекатигача кузатиб чиқди.* (А.Қаҳҳор.) *Қиз мармардай билакларигача шимариб қўйилган кўйлак енглари орасидан кичик рўмолчасини олиб, терларини арта бошлади.* (F.Гулом.)

Бу шакл кўпинча ўрин, пайт маъноларини билдирган отларга қўшилиб, чегара маъносини ифодалайди: *Луқмончани бир ҳафтагача вибраторга қўйишмади.* (А.Мухтор.)

Бу форма баъзан аниқ шахс, нарсаларни чегаралаш маъносини ҳам англатади: ... алифбедан тортиб Навоий, Фузулий газаллари, Бедилнинг форсий байтларигача эшитилиб туради. (Ойбек.)

Чегара шаклини ясовчи *-тacha* аффикси, отлардан ташқари, сифат, равиш, сон, олмош ва феъл шаклларига ҳам

құшилиб келади: *Ана, қип-қизил лабларида мени ҳалитача мафтун қылган биринчи ярим табассумнинг ёвойи излари.* (F.Гулом.) Кечгача биз қишлоқни у ёқ – бу ёгини күриб танишиб чиқамиз. (A.Қодирий.)

Ҳурмат шакли

Бу шакл *-лар* аффикси ёрдамида ясалади: *акамлар, тогамлар* каби: *Oга, сог борсангиз, аввал бошдан дадамларга салом айтинг.* (Хамза.)

-лар ҳурмат ифодаловчи аффикс сифатида функционал шаклни ҳосил қиласы.

Үзиге мустақил шакл сифатида *-лар* аффикси ёрдамида ясалувчи ҳурмат шакли күплик шаклидан фарқлы хусусиятларга зерттеуде. Булар қуйидагилар:

1. Юқорида күриб ўтдикки, от түркүміга оид сүз нутқда ҳамма вақт сон ва келишик шаклида бұлади: *Талабаларни кутиб олдик гапида талаба сүзи күплик ва тушум келишиги шаклида.* Лекин у әғалик шаклига зерттеуде эмес. Демек, әғалик шаклига зерттеуде бұлмаган от күплик шаклига зерттеуде бұлаверади. Ҳурмат шаклидаги от заса ҳамма вақт әғалик шаклида ҳам бұлади, яғни әғалик шаклесиз ҳурмат шаклинин тасаввур этиши мүмкін зерттеуде. Қиёсланг: *оналар* – күплик маъносыда (бунда ҳурмат ифодаланмайды), *онамлар* – ҳурмат:

2. Ҳурмат билдирувчи *-лар* сүзге әғалик аффиксидан сүнг, күплик күрсаткычи *-лар* заса ундан олдин құшилади: *акамлар* (ҳурмат) – *акаларим* (күплик). Фақат учинчи шахсда әғалик аффикси ҳурмат билдирувчи *-лар* аффиксидан сүнг құшилиши мүмкін: *Бу итни мен биламан – Қосым бойваччанинг итлари, ... Қосым бойваччанинг уйларига күп келаман-да, биламан.* (A.Қодирий.) *-лар* аффиксининг ҳурмат маъносига зерттеуде экани қуйидаги мисолларда ҳам жуда аниқ құринади: *Күёв бола йүқларми дейман, тақ-туқлари эшитилмайды.* (Р.Файзи.)

Үхшатиш шакли

Үхшатиш шакли *-дек (-дай)* аффикси ёрдамида ясалади ва нарса ёки шахсни белгі, ҳаракат ва бошқа жиһатдан *-дек* аффиксли сүз билдирган нарсага, шахсга үхшатади, үхшашлигини билдиради: *шердек кучли, кафтдек текис, кийикдай учқур* каби: *Сал титраган илик гавдасини юмшоқ*

тивит рўмолнча ўраб қучганча, ёш боладек елкасини силар эди. (А. Мухтор.) ... қиллардан шундай дилрабо куй таралар эдики, гўё қизнинг ўзи ҳам бунга маҳлиёдек, гижжак устига бош этиб, қулоқ солаёттанга ўхшарди. (С.Абдуқаҳдор.)

—дек (—дай) аффикси кўпчилик илмий ишларда сифат ва равиш ясовчилар қаторига киритилади. Лекин у сўз ясовчи аффикс эмас. —дек аффиксининг *каби* кўмакчисига синонимлиги ҳам унинг сўз ясовчи эмаслигини кўрсатади: қуёшдек — қуёш *каби*, Эркиндек — Эркин *каби*, денгиздек — денгиз *каби*, сизлардек — сизлар *каби*.

Ўхшатишни билдирувчи —дек аффикси асосан отларга, бундан ташқари, олмош, сифат ва феълнинг сифатдош, ҳаракат номи ва —моқчи аффиксли шаклларига ҳам қўшилади. Бу ҳодиса ҳам унинг сўз ясовчи эмаслигини кўрсатади: тогдек, мендек, дурустдек, билмагандек, билмоқчилик қаби: *Овоз бергани кетаёттандардан кўра қайтаёттандар кўпроқдек кўринди кўзимга.* (С.Зуннунова). Шамолдан эгилган дарахт зўрга бошини кўтаргандек бу ҳам секингина ердан бошини кўтарди ва атрофга қаради. (Ойдин.) У шундай семиз эдики, лўппи юзларидан қон тарс отилиб чиқмоқчилик тарам-тарам бўлиб кетган. (С.Абдуқаҳдор.)

Ўхшатиш шаклини ясовчи —дек (—дай) аффикси сўзга ҳар қандай шакл ясовчилардан сўнг қўшилади. Бу ҳодиса ҳам унинг сўз ясовчи эмаслигини кўрсатади: акалардек, акаларимдек, акаларимницидек, акаларимницидагидек қаби: *Хайрият, ўша-ўша Акбарали, онасига меҳрли, овози отасиницидек ширали, беозор.* (А. Мухтор.) Хотиржам бўлинг. Кўнглингиздагидек бокаман. (Н.Фозилов.)

—дек аффикси баъзи олмошларга қўшилганда —нақа, —доқ қаби вариантда қўлланади. Бу ҳол айниқса оғзаки нутқ, учун характерли: *унақа, шундоқ, ўшанақа* қаби.

Аналитик шакл

Отнинг аналитик шакли кўмакчилар ёрдамида ясалади. Бу шакл турлича грамматик маъноларни англатиб, гапда маълум вазифада келишига қарамай, улар отнинг алоҳида грамматик категориясини ҳосил қилмайди. Кўмакчи билан ясалган аналитик шакллар турлича маъноларни ифодалайди, гапда тўлдирувчи ва ҳол вазифасида келади: *Деҳқон билан*

Деҳқон бўлиб гаплашмоқ... керак. (С.Аҳмад.) Умарали мамнуният билан уйига жўнади. (Ойбек.) Бир нарсани қадрлаш учун уни аввал яхши билиш керак. (А.Қаҳҳор.)

Бундай аналитик шакллар маъно жиҳатидан келишик шаклларининг маъносига анча яқин туради, лекин у келишик шаклига кирмайди. Бу шакллар сўзлар орасидаги грамматик муносабатни ифодалашнинг алоҳида усули ҳисобланади, феълга, баъзан бошқа сўзларга бошқарув йўли билан боғланади: *Саиданинг келганидан* (*келгани учун*) жуда *хурсанд бўлди*. (А.Қаҳҳор). Бир дараҳт билан (*бир дараҳтдан*) бօғ бўлмас (*Мақол*). Мен отам бўлгани учун (*отам бўлганидан*) эмас, яхши одам бўлганидан (*яхши одам бўлгани учун*) куюнаман. (П.Қодиров). (Бу ҳақда яна «Кўмакчилар» бобига қаранг).

Жуфт ва такрорий шакллар

Отнинг жуфт шакли умумлаштириш, жамлик маъноларини ифодалайди: қовун-тарвуз (*қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари*), қозон-товоқ (*қозон, товоқ ва уларга алоқадор бўлган бошқа асблоблар*) каби. Жуфт отларнинг баъзилари маънони кучли отгенка билан ифодалайди. Буларда жамлик, умумлаштириш маъноси сезилмаслиги мумкин: *Хонпошаойимникидан* *киши келиб, тез юрасиз, деб ҳоли-жонимга қўймай олиб кетди*. (Ҳамза.) Құдрат электрни дадасига гапиравериб, колхоз монтёри Айварга зир югуравериб, уларнинг қулоқ-миясини еди. (Ҳ.Назир.)

Отнинг такрорий шакли кўплик маъносини ифодалайди, шунингдек, маънони кучайтириш учун қўлланади: *Колхозимда омбор-омбор галласи, ..* (Ҳабибий.) Унинг кўзларидан оппоқ соқолига қатра-қатра ёш томар эди. (А.Қаҳҳор.) *Ўғит гўзанинг томир-томирларига сингсин.* (Ойбек.) ...ҳоргинликдан ич-ичига кириб кетган маъюс кўзлари шуълада чўғдай йилтимлади. (Ҳ.Гулом).

СИФАТ

Сифатнинг маъноси ва грамматик белгилари

Предметнинг белгисини билдирувчи мустақил сўзлар сифат дейилади: яхши (*китоб*), камтар (*йигит*), чиройли (*шаҳар*), кенг (*йўл*), катта (*бино*), ширин (*олма*), қадимги (*тарих*), деворий (*газета*) каби.

Сифатлар белгини ўзича, айрим олинган ҳолда билдиrmайди, балки борлиқдаги у ёки бу нарса ва ҳодисаларга тегишли ҳолда англатади. Шунинг учун сифат, одатда, нарса ва ҳодисаларнинг номи бўлмиш отларни аниқлаб келади: *кузги шамол, ақали бола, қизил қалам, малла соч, тор кўча, қизиқарли томоша* каби.

Ўзбек тилида сифат бошқа сўз туркумларидан ўзига хос маъноси, махсус сифат ясовчи аффиксларга ва шакл ясовчи аффиксларга эга эканлиги билан фарқланиб туради. Грамматик жиҳатдан нарса белгисини бошқа нарса белгиси билан қиёслаб, даражалаб кўрсатиш ёки предмет белгисини кучайтириб ва камайтириб кўрсатиш хусусиятига эга: *катта – каттароқ, энг катта, кўк-кўкроқ, энг кўк, кўм-кўк, кўкимтирип, янги – янгироқ, энг янги – я-янги, қора-қорароқ, энг қора, қоп-қора – қорамтири* каби.

Сифат одатда отта боғланиб келади, унинг бирор белгисини аниқлашга хизмат қиласди. Баъзан от сўз ҳам ҳеч қандай морфологик белгисиз сифатловчи бўлиб келади. Лекин белги маъносини англатиб келган бундай от тамоман сифат туркумига ўтиб кетмайди, балки от туркуми доирасида қолади: *тош йўл, тахта кўприк, олтин соат, атлас кўйлак, кумуш қошиқ* каби.

Сифатлар гапда кўпинча сифатловчи вазифасида келади: *Очил бува ўтқир, қора кўзли, серқош, чиройли йигит бўлган.* (А.Мухтор.)

Бундан ташқари, кесим ва ҳол вазифасида ҳам келади: *Хўжалик маданиятнинг, маданият хўжаликнинг яна чиройлироқ, кучлироқ гуллашига сабабчи бўлади.* (Ойбек). *Самарқанд тонглари шавқли, фараҳли.* (З.Обидов).

*Оппоқ қордир тогларнинг боши,
Дарё тиниқ, осмон бегубор. (Ҳ.Олимжон).*

Сифатлар отлашиб келганды, гапда эга, тұлдирувчи ва қаратувчи вазифаларида келади: *Ёмоннинг яхшиси бұлғунча, яхшининг ёмона бұл.* (*Мақол*). Яхши тошиб гапирап, ёмон қолиб гапирап (*Мақол*). *Ёмондан қоровул құйсанг ёв етти бұлур.* (*Мақол*).

Сифатлар англатган маңноларға күра бир хил эмас. Баъзи сифатлар бевосита, тұғридан-тұгри нарса белгисини күрсатса, баъзилари эса белги маңносини бир нарсанинг бошқа предметта бұлған муносабатига күра англатади.

Белгини бевосита англатадиган сифатларға аслий сифат дейилади: *ок, қизил, сарық, пушти, яхши, кент, ёмон, катта, баланд, паст, семиз, қотма, шүх, ёш, новча, ширин, чучук, аччиқ, шүр, оғир, енгил, нордон* каби.

Белгини бир нарсанинг бошқа нарсага бұлған муносабатига күра англатадиган сифатларға нисбий сифат дейилади. Нисбий сифат махсус сөз ясовчи аффикс воситасыда бошқа сөз туркумларидан ясалади: *билимли киши, ийлілк режа, тонгти шабада, әрталабки машгулот, сұксız ер* каби.

Нисбий сифатда ясаш асосыдан англашилған нарсага хосланғанлық, қиёслаш, үхшатиш, үрин ёки пайтта нисбатлаш каби маңнолар ифодаланади, сифат ясовчи аффикс гүё икки нарса орасындағы муносабатларнинг күрсаткичи бұлғын хизмат қиласы: *кейинги дарс, мевали даражат, ойлик режа, ойлавиі муносабат, қадимғи тарих, ҳарбий унвон* каби.

Нисбий сифатлар маңно жиҳатдан белгини:

1) нарсага нисбат бериш билан ифодалайды: *гайратли киши, болали аёл, ақлли йигит, илмий иш, шахсий масала, деворий газета* каби;

2) вақтта нисбат бериш билан ифодалайды: *кузги шамол, ҳозирғи замон* каби;

3) үринге нисбат бериш билан ифодалайды: *тошкентлик йигит, шағарлық талаба* каби.

Аслий ва нисбий сифатлар белги англатыш хусусияты жиҳатиданғина эмас, балки бир қанча морфологик белгилари билан ҳам бир-биридан фарқ қиласы. Аслий сифатларға белгининг ортиқ ёки камлигини ифодловчи шакл ясалыши, даража категорияси мансуб, нисбий сифатларнинг күпчилиги эса бундай хусусиятта эга эмас.

Сифатлар нарсанинг белги-хусусиятини турли нуқтаи назардан англатиши мумкин. Бу белгилар бевосита инсонга ёки борлиқдаги жонли ва жонсиз нарсаларга тегишли бўлиши мумкин.

Сифатлар шу хусусиятига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

а) нарсанинг рангини, тусини билдирувчи сифатлар: *қизил, кўк, оқ, яшил, сариқ, пушти, қора, сапсар* каби. У гузардаги катта оқ тош супада тика турибди. (*А.Мухтор*);

б) нарсанинг хусусиятини билдирувчи сифатлар: *камтар, шўх, тетик, чаққон, абжир, яхши, хасис, қўрс, инжиқ, дадил, меҳрибон, моҳир* каби. *Феъли кенг, саҳоватли, меҳмондўст* халқимизнинг донги оламга кеттан. (*Мирмуҳсин*) Муҳайё бу содда, чаққон, бегубор болага ҳавасланиб қаради. (*А.Қаҳҳор*);

в) нарсанинг шакл кўринишини, ҳажм-ўлчовини билдирувчи сифатлар: *новча, калта, ориқ, эгри, қийшиқ, ясси, катта, кичик, кенг, тор, оғир, узун* каби. Улар Фаргонанинг катта кўчаларидан бирида уч хонали уйда туришади. (*Мирмуҳсин*) Улкан шаҳарнинг энг гўзал, энг сердараҳт жойларидан бири шу (*П.Қодиров*).

г) нарсанинг ҳолатини билдирувчи сифатлар: *шод, хурсанд, гўзал, хафа, маъюс, иссиқ, тинч, қуруқ, ёш, эски* каби: *Иккови нарироқдаги ёргу чироқ шуъласида узоқ гаплашди*. (*А.Қаҳҳор*.) Абдуллани янти ҳаёт, янги орзулар қувончи қамраб олган эди (*Ў.Умарбеков*).

д) нарсанинг таъмини, мазасини билдирувчи сифатлар: *ширин, нордон, аччиқ, шўр, bemaza, лаззатли* каби. *Хушхўр паловдан сўнг катта ширин тарвуз сўйилди*. (*Ойбек*). Зира билан арчанинг ҳидига тўйинган хушбўй, лаззатли кабоб қорни тўқ кишининг ҳам иштаҳасидан карнай ясар эди (*П.Қодиров*).

е) нарсанинг вақт ва ўрин белгисини билдирувчи сифатлар: *қадимти, бугунги, кечки, тонгти, ёзги, кузги, деворий, ҳозирги, аввалги, қишки* каби: *Эндиғи ишларимизнинг режасини каттароқ, пухтароқ тузишимиз зарур*. (*Ойбек*). Бутунги ишни эртага қўйма (*Мақол*).

ж) нарсанинг ҳидини билдирувчи сифатлар: *хушбўй, сассиқ, қўланса* каби.

з) нарсанинг вазнини билдирувчи сифатлар: *оғир, енгил, зилдек, вазмин*; Сифатлар асосан отта боғланиб, нарсага хос

белгини билдиради. Улар баъзан феълга боғланиб, ҳаракатнинг белгисини билдиради: *Бир нарсани қадрлаш учун уни аввал яхши билиш керак.* (А.Қаҳҳор).

ДАРАЖА КАТЕГОРИЯСИ

Сифатларга хос муҳим хусусиятлардан бири унинг даражага категориясига эга эканлигидир. Сифат даражалари белгининг ортиқ ёки камлигини фарқлашта хизмат қилади. Сифатларда даражага шакллари уч турга бўлинади:

1) оддий даражага; 2) озайтирма даражага; 3) ортирма даражага.

Сифатнинг озайтирма ва ортирма даражага ясовчиларини олмаган формаси **оддий даражага** деб юритилади. Оддий даражада нарса белгиси ортиқ-камлиги жиҳатидан қиёс қилинмай, балки тўғридан-тўғри, бевосита англашилади. Озайтирма ва ортирма даражаларда эса белги маъноси оддий даражада ифодаланган белгига қиёслаш асосида ифодаланаади.

Озайтирма даражага. Озайтирма даражага нарса белгининг оддий даражага ҳолатидан камлигини, кучсизлигини билдиради. Озайтирма даражанинг морфологик кўрсаткичи *-роқ* аффиксиидир: *Мени пахтаси қалинроқ жойта қўй, Йишим унсин, яна ҳамкасблар олдида қизармай...* (Ойбек). *Дилимда орзу баландроқ эди, лекин кўклам ноқулай келди. Баъзи жойларга қайта-қайта экдик, ўгит ҳам танқисроқ.* (Ойбек).

-роқ баъзан предмет белгисининг нисбий ортиқлигини кўрсатади. Бунда чоғиштирилувчи нарсанинг номи чиқиши ё жўналиш келишигига бўлиб, кўра, қараганда, нисбатан сўзлари билан бирга келади: *Пўлат темирдан қаттиқроқ. Карим курсимиизда ҳамма студентларга қараганда каттароқ* каби. Бундай конструкцияларда белгининг ортиқлиги чоғиштирилган икки предметдаги белгининг ўзаро муносабати асосида ифодаланаади. Аммо *-роқ* аффикси шунда ҳам белгининг умуман оддий даражага етмаганлигини, ундан бир оз камлигини билдиради: *Кунлар ўтади секин, йигит кетади узоқ, ... Лекин ёрга туюлар аввалгидан яқинроқ.* (Ҳ.Олимжон.)

Предмет белгисининг ортиқлигини кўрсатиш, кучайтириш учун баъзан -роқ аффикси билан келган сифат олдидан яна, тагин сўзлари келтирилади: *Дадамат уни пешинда бедана паловига таклиф этди ва «Фаргона ялласи»ни яна шўхроқ оҳангда айтиб, қушларга берилди.* (Ойбек).

-роқ аффикси баъзан сифат бўлмаган сўзларга (равиш, сифатдош, равищдошларга) қўшилиб, улар англатган белгини қиёслаб кўрсатиши ҳам мумкин. Бу вақтда ҳам белгининг кучсизлиги англашилади: *эртароқ, кечроқ, тезроқ, озроқ, кўпроқ, қариганроқ, кулиброқ, қизариброқ:* *Бир неча вақтдан буён менга бошқачароқ қараайдиган бўлиб қолдинг.* Улар бу совғаларни ҳар кунги конфетлардан ҳам севиброқ, шодланиброқ қарши олдилар. (М.Исмоилий). У нимаданadir тўчиган, ҳовлиқсанроқ кўринарди. (А.Мухтор).

Қиёслаш маъноси кўра, нисбатан, қараганда (ҳам) ёрдамчилари олган отнинг оддий даражадаги сифатта бирикиши билан ифодаланади: *Қўллар темирга қараганда мустаҳкам бўлиши керак.* Бугун кечагига нисбатан кўл ва яхши, эртага бутунгига қараганда яна ҳам кўпроқ ва яхшироқ ишлаш керак. *Пахтамиз олтиндан ҳам қиммат.* (Ойбек).

Рангтус билдирувчи сифатларда предметнинг белгиси камлиги, кучсизлигини кўрсатувчи шакл ҳам ишлатилади. Бундан шакллар қуйидагича ясалади:

а) оддий даражадаги сифатта -иш аффиксини қўшиш билан; *оқиши, кўкиш, қизгиш, сарғиши.* *Раис қорнини силкиб кулди, оқиши тишлиари кўриниб кетди.* (Ойбек).

б) сифат асосига -(и)мтирип аффиксини қўшиш билан; *корамтирип, кўкимтирип.* *Кўкимтирип қора осмондаги беҳисоб юлдузлар чақнаб туради.* (А.Қаҳҳор.) каби.

Орттирма даражаси. Бу даражаси предмет белгисининг оддий даражаси ҳолатидан ортиқ эканлигини, кучлилигини кўрсатади. Орттирма даражаси қуйидагича ифодаланади:

1. Лексик йўл билан, яъни сифат олдидан энг, жуда, гоят, ниҳоятда, беҳад каби сўзларни келтириш билан ҳосил қилинади: энг яхши, энг йирик каби: У қорли кун Йўлчи учун умрининг энг мазмунли, энг рангли, энг гўзал куни эди. (Ойбек). Амаким билан жуда қадрдан бўлиб қолди. (Ойбек).

Бир сифатнинг такроридан ҳосил бўлган аналитик шаклларда ҳам белгининг ортиқлиги ифодаланади. Бу хил аналитик шаклларнинг биринчи компоненти чиқиш келишиги шаклида келади: *кўлдан-кўш*, *узундан-узоқ* каби.

2. Фонетик йўл билан. Сифатнинг бош қисми олиб, шу сифатнинг олдидан қўшиб такрорлаш йўли билан ясалади. Бунда:

а) сифатнинг ёпиқ бўгинга тенг бош қисми олиниб, шу сифат сўзнинг олдидан қўшиб такрорланади: *юм-юмалоқ*, *пак-пакана*, *бут-бутун* каби;

б) сифатнинг унли билан тугаган бош қисми олинади, охирига *п*, *м* товушларидан бири ортирилади ва ҳосил бўлган ёпиқ бўгин шу сифатнинг олдидан қўшиб такрорланади: *қип-қизил*, *кўм-кўк*, *қоп-қора*, *ям-яшил*, *яп-янги* каби.

в) сифатнинг очиқ, унли билан тугаган бош қисми олиниб, унга *пп* товушлари қўшилади ва ҳосил бўлган қисм шу сифат олдидан қўшиб такрорланади: *соппа-сог*, *қушпа-қуруқ*, *типпа-тик*, *тўппа-тўтри* каби.

Оқ сўзи бир бўгинли ва унли билан бошлангани учун *пп* товушлари эмас, балки *лл* товушлари ортирилади ва ҳосил қилинган қисм шу сифат олдидан қўшиб ёзилади: *Оппоқ қордир тогларнинг боши*. (*Ҳ. Олимжон*).

3. Баъзан белгининг ортиқлик даражаси сифат олдидан маҳсус сўзлар келтириш билан ҳам ифодаланади: *Тим қора*, *гирт ёлғон*, *жиққа ҳўл*, *жиққа мой* каби.

4. Икки предмет белгиси ўзаро чоғиширилганда ҳам белгининг ортиқлиги маъноси англашилади. Бу вақтда сифат олдидан ҳамма, бари, барча каби олмошлар чиқиш келишиги шаклида келади: *ҳаммасидан яхши*, *барчасидан катта*, *баридан чиройли* каби.

СИФАТЛАРДА МОДАЛ ШАКЛЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Эркалаш шакли

Эркалаш шакли, асосан, сифат асосига *-тина* (*-кина*, *-қина*) аффиксини қўшиш билан ясалади: *яхшигина*, *ширингина*, *юмшоққина*, *нозиккина*, *каттагина*, *оддийгина*, *ентилгина* каби. Эркалаш шаклида келган сифатлар сўзловчининг белги орқали нарсага ижобий муносабатда бўлишини, эркалаш, суйиш маъноларини англатади: *Истараси иссиққина* *бу одамнинг ўзбекчалаб салоилашганини кўргач*, *Онахон ҳайрон қолди*. (A.Мухтор). *Мирҳайдар* энкайиб қизрасини кўтарди, унинг оппоққина, *юмшоққина*, *лўппигина* юзидан ўпди. (Ойбек).

Шахс, предметга ижобий муносабат сифатларга той аффиксини қўшиш билан ҳам ифодаланади: ёқимтой, эркатой, шириントй каби. *Шундан кейин Қаландаров... биринчи навбатда Қодировнинг эркатой арзандаси бўлиб қолди*. (A.Қаҳҳор) Ўқтам ҳайрлашар экан, ... ҳовлидан булбулницидай янгроқ, ёқимтой, тоза овоз юксалди. (Ойбек).

Жуфт ва такрорий шакл

Бу шакллар икки сифатнинг жуфт ҳолда ёки бир сифатнинг такрорий ҳолда қўлланишидан ҳосил бўлиб, лексик-грамматик жиҳатдан бир бутунликни ташкил қиласиди: *яхши-ёмон*, *паст-баланд*, *оқ-қора*, *уйдим-чуқур*, *катта-катта*, *яхши-яхши* каби.

Сифатнинг жуфт шакли кўплик, умумлаштириш, жамлаш маъноларини билдиради. Сифатлардаги жуфт шакл компонентлари маъно жиҳатидан: а) антонимлик муносабатида бўлади: *ёш-қари*, *иссиқ-совуқ*, *аҷчиқ-чучук*, *катта-кичик* каби. Гавжум кўча, *катта-кичик* ҳар хил ёшдаги болалар жуда кўп. (Ойбек).

б) бир-бирига яқин, синонимлик муносабатида бўлади: *якка-ягона*, *оч-ялонгоч*, *қингир-қийшиқ*, *эсли-ҳушли* каби. Зумрадхон сумкачаси билан эрининг елкасини аста туртиб, «Эсон-омон бориб келинг», – деди. (Ойбек). Туялар кўп, *қингир-қийшиқ* кўчада тиқилиб қолишиган. (Ойбек).

в) биринчи компонентнинг фонетик ўзгариши асосида ҳосил бўлади: *эгри-буғри, ола-була, чала-чулла, ола-кула* каби: *Айвон устунига сұяниб турган ола-була ямоқ чопонли бир бола келиб унинг олдига тушди.* (П.Турсун).

Сифатнинг такрорий шакли бир сўз (асос) нинг такроридан ҳосил бўлади ва кўплик, умумлаштириш маъноларини ифодалайди. Бу вақтда сифатланмиш кўплик аффиксини олади: *Кичик-кичик дўкончалар олдидан ўтиб бораётib, ... бир тўда усталарни кўраман.* (Ойбек). *Юксак-юксакларга тикка учишни Ҳар кун боласига ўргатар бургут.* (Ҳ.Раҳмат.)

Сифатнинг отта кўчиши ва отлашуви

Сифатнинг отта кўчиши ва отлашуви бошқа-бошқа ҳодисаларdir. Бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга кўчиши деганда тил тараққиёти натижасида бир туркумдан иккинчи туркумга ўтган сўз назарда тутилади. Бунда мазкур сўзнинг грамматик моҳияти, қисман маъноси ўзгарамади. Сифатларнинг отта кўчиши ҳам шундай ҳодисадир. Масалан, *қиз, ўтил, эркак, аёл, чол* каби сўзлар асли сифат бўлиб, кейинчалик отта айланган. Бундай сўзларнинг отта кўчганини ёки кўчаётганини кўрсатувчи белги уларнинг сифат билан ифодаланган аниқловчи олишида кўринади: *Ёш йигит, қари чол, чиройли аёл* каби.

Сифатнинг (ёки бошқа бирор туркум сўзининг) отлашуви эса унинг гапда от бажарадиган синтактик вазифада келишидир. Сифатланмиш тупшириб қолдирилса, сифат ўша отнинг шаклий белгиларини қабул қиласи ҳамда унинг синтактик вазифасини бажаради. *Яхши, қизил, ёмон, иссиқ, эски, янги* каби сифатлардан белги маъноси англашилади, *яхшига, каттада, ёмондан, қизилини* дейилганда эса шу белгига эга бўлган шахс ёки нарса маъноси англашилади: *У гўё мағрур келгиндиларга кўрик ясаёттандек эди* (С.Бобоев). Эскиларини ямагунча, янгиларини тезроқ ясаймиз. (С.Бобоев).

Сифатлар баъзан ҳиёсий даража шаклида ҳам отлашиб келади: *Аскарлар* эса уларнинг орасидан чаққонроқларини кўз остига олиб қўйгандай бўлар эди. (С.Бобоев). Сендан

кўра муносиброқни топаман деса, Комиланинг ақлига мен ҳайрон қолмаганим бўлсин. (Ойбек).

Отлашган сифатлар гашда эга, тўлдирувчи ва қаратувчи вазифаларини бажаради: *Янгисини яратмасдан*, эскисини *бузмаслик* керак. Каттага ҳурматда бўл, *кичикка иззатда*. (*Мақол.*) *Кўча бўм-бўш, болалар тутул, катталар ҳам йўқ эди.* (*М.Исмоилий.*) *Ёмонни танқид қиласди, яхшига тақлид қиласди. Дили тўгрининг тили тўғри* (*Мақол.*) *Голиблар мажлис тўридан жой олишди.* (*А.Қаҳҳор.*)

СОН

Соннинг маъноси ва грамматик белгилари

Сонлар мустақил маъноли тобе сўзлардан иборат бўлиб, предметнинг миқдорини ва тартибини кўрсатади, *қанча?*, *неча?*, *нечанчи?* каби сўроқларга жавоб бўлади. Сон отта боғланиб, унинг саногини миқдорини (*икки талаба, беш бола, ўнта дафттар* каби), миқдорга боғлиқ тартибини, даражасини (*иккинчи курс, бешинчи уй* каби) ва отта боғланмаган ҳолда мавҳум миқдор тушунчасининг номини (*уч билан тўрт етти бўлади, беш кара беш йигирма беш каби*) билдиради.

Сонлар ҳарфлар билан ёзилади (*беш, ўн, ўн тўққиз, иккинчи, еттинчи*) ёки араб рақами билан (*5, 10, 14, 19, 2, 7-*), рим рақами билан (*V, X, XIV, XIX*) кўрсатилади.

Миқдор тушунчаси жуда мавҳум бўлгани сабабли, уни ифодаловчи сўз ҳам мавҳум хусусиятга эга. Сон шу хусусияти билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қиласди. Масалан, *беш, ўн икки, йигирма уч, бир юз ўн тўққиз* каби сонлар алоҳида олинганда, фақат мавҳум миқдор тушунчасинигина ифодалайди. Соннинг маъноси у бирор нарса номини билдирган сўз билан боғлангандағина аниқланади: *бешта дафттар, ўн икки киши, йигирма уч ўқувчи* каби.

Бир сонидан катта барча сонлар отнинг кўплик шаклига хос бирдан ортиқлик, кўплик тушунчасини аниқлаб ифодалашга хизмат қиласди. Бундай сонлар билан бириккан от ўзбек тилида кўплик ясовчи *-лар* аффиксини олмайди. Чоғиштиринг: *Талабалар келди* – *тўрт талаба келди, китоблар олдим* – *ўн иккита китоб олдим* каби. Сон ҳар вақт

саналиши мумкин бўлган предметларни англатган отлар билан қўлланади, уларни миқдор жиҳатидан аниқлаб келади.

Ўзбек тилида сонлар қўйидаги хусусиятларга эга:

1. Сон бошқа сўз туркумидан ясалмайди, унинг сон ясовчи аффикслари ҳам йўқ. Бинобарин, сон туркуми сўз ясалиши системасига эга эмас.

2. Соннинг маъно турлари ва модал шакллари унинг ўзига маҳсус аффикслар қўшиш билан ясалади: *битта, ўнтача, учов, иккитадан, еттинчи*.

3. Сон ўзича турловчи аффиксларни қабул қилмайди, сифатловчи олмайди, аксинча, ўзи отнинг сифатловчиси бўлиб келади: *Учинчи талаба икки йил бурун Шаҳрисабздан таҳсил учун келган ўн саккиз яшар Султонмурод эди. (Ойбек)*.

4. Сон миқдор тушунчасининг номини англатганда ва отлашганда келишик, эгалик аффиксларини қабул қиласди, от бажарган вазифаларда келади: *Ўн беш учга касрсиз бўлинади.*

5. Сон нарса миқдорини турли томондан аниқлаш учун саноқ билдирувчи сўзлар – нумеративлар билан ҳам қўлланади: *Полвон битта тухум, икки дона хурмо, яrim мисқол седана, беш дона бўтакўз, бир қошиқ асални бир пиёла сув билан мис идишда қайнатишга буорди. (А.Қаҳҳор.)*

Ўзбек тилида сонлар бирлик, ўнлик, юзлик, минглик системасида қўлланади, яъни аввал бирдан ўнгача сонлар (бирликлар) айрим сўзлар билан ифода қилинади. Кейин ҳар қайси ўнликнинг ўзига хос номи бор. Юз, минг шу сўзлар билан ифодаланади. Ўнликлар орасидаги миқдор ўнлик номига бирлик сони қўшиб тузилади. Ундан кейин минггача юз ичидағи сонлар қайтарилади. Соннинг шу тариқа ифодаланиши бирлик, ўнлик, юзлик, минглик системасини ташкил қиласди. Бу системанинг қисмлари қатъий тартибга бўйсунади. Бу системада жами сон билдирувчи 20 та сўз (*миллион, миллиард сўзларидан ташқари*) бўлиб, улар жуда катта миқдорларни кўрсатишга хизмат қиласди.

Сонлар тузилиш жиҳатидан қўйидаги турларга бўлинади:

1. Содда сон бир ўзакдан иборат бўлади. Ўзбек тилида содда сонлар қўйидагилар: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик,*

олтмиш, етмиш, саксон, түқсон, юз, минг, миллион, миллиард. Эски ўзбек тилида сон, миқдор билдирувчи туман (ўн минг), лак (юз минг) сўзлари ҳам ишлатилган.

Булардан *саксон, түқсон, олтмиш, етмиш* сонлари тарихан ясама (*саккиз + ўн, түққиз + ўн, олти + миш, етти + миш*)¹ бўлса ҳам, ҳозир улар бирикиб, ажралмас содда ҳолга келган. Содда сонлар бошқа хил сонларни ҳосил қилиш учун асос бўлади.

2. Қўшма сон бир миқдор тушунчасини англатувчи икки ва ундан ортиқ сонлардан иборат бўлади: ўн икки, ўн тўрт, ўттиз олти, бир юз йигирма бешинчи каби. Қўшма сонларда аввал катта соннинг миқдори ва унинг ўзи, ундан сўнг кичикроқ сон ўз миқдори билан, ундан кейин яна кичикроқ сон ўз миқдори билан келади: уч минг икки юз түқсон беш (3295), бир минг түққиз юз етмиш беш (1975) каби.

3. Жуфт сонлар икки соннинг ўзаро тенглашиш йўли билан боғланишидан ясалади ва тахминий миқдор маъносини англатади: тўрт-беш, беш – олти, ўн-ўн беш, қирқ-эллик, икки юз-уч юз каби.

Икки соннинг ўзаро тенг боғланишида кичикдан каттага томон биттадан (*бир-икки, икки-уч, етти-саккиз* каби), бештадан (*беш-ўн, ўн-ўн беш, йигирма-йигирма* беш каби), ўнтадан (*йигирма-уттиз, қирқ-эллик, саксон-түқсон* каби), юзтадан (*уч юз-тўрт юз, беш юз – олти юз* каби), мингтадан (*минг-икки минг, уч-тўрт минг, беш-олти минг* каби) ошириб борилади: *Суюнбой* ака меҳмонлар билан кўришиб чиққач, хуржунидан тўртта тандир нон, беш-олтита сомса олиб қўйди. (*П.Қодирий*). Ўн-ўн беш минг эмас, йигирма-йигирма беш минг гектарни чўлдан узиб оладиган бўлдик. (*Ойбек*).

4. Такрорий сонлар бир хил ўзакларнинг такрорланишидан ҳосил қилинади: *тўртта-тўртта, иккита-иккита*. Сон гапда асосан сифатловчи вазифасида келади: *Тўй икки ёшнинг икки хонадоннингтина эмас, икки маҳалла, бутун ёр-дўстларнинг тўйи бўлди.* (*А.Қодирий*). *Хулкар ўрголик дастурхонни бир қўлига, каструлкадаги қўйнинг қатигини иккинчи қўлига олди-ю, чодирдан чиқди.* (*П.Қодирий*).

¹ Проф. Н.К.Дмитриевнинг фикрича, *минг* эски бошқирд ва уйгур тилида «ўн»ни билдирган.

Сонлар отлашганда ва абстракт сон тушунчасини ифодалаганда, гапда эга, тўлдирувчи, кесим ва қаратувчи вазифаларини бажаради: *Олимларнинг иккиси ҳам тупроқшунос эдилар.* (*Ойбек*). Чўлпоной ўн биринччини битирган, ўзи қобилиятли, билими ҳам анча яхши. (*П.Қодирий*). Бирининг қўлида чўлларга ҳаёт, Бирининг қўлида дарё товланар. (*Ҳ.Олимжон*).

СОННИНГ МАЊНО ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРИ

Сонлар мањно хусусияти ва грамматик белгилари жиҳатидан дастлаб иккига бўлинади: 1. Миқдор сон. 2. Тартиб сон. Миқдор сон нарсанинг миқдорини, саногини ва умуман миқдор тушунчасини билдириса, тартиб сон нарсанинг тартибини, даражасини англатади.

Миқдор сон

Миқдор сонлар нарса миқдорини санаш йўли билан аниқлайди. Миқдор сонлар саналиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсанинг миқдорини кўрсатади: *Биз келгуси эллик, юз йилларга мўлжаллаб ишонч билан иш олиб боришимиз керак.* (*А.Мухтор*). Сиддиқжоннинг номига бирдан учта табрик хати келди. Эшик олдида бешта от қатор турар эди (*А.Қаҳҳор*).

Миқдор сонлар ўзи кўплик мањносини англатгани учун кўплик аффиксини қабул қилмайди. Бу вақтда миқдори аниқланган нарсани билдирувчи от ҳам -лар аффиксини олмайди: *Девор соат жимликни бузиб эринмай ўн икки марта жом урди.* (*С.Аҳмад*). Беш юз йил яшади тогдай Ватанда Буюк Алишернинг асрий нидоси (*Ғ.Гулом*).

Миқдор сонлар мањно жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади: 1) саноқ сон; 2) жамловчи сон; 3) чама сон.

Саноқ сон

Саноқ сонлар нарсанинг миқдорини санаб, доналаб ёки тақсимлаб кўрсатишга хизмат қиласади: *Энди гап бундай: иш шу бир-икки кун ичида пишади. Божхонадан битта одам топдим.* (*Т.Малик*) ...бешта бола ва мол-ҳолнинг бутун

огирлиги Суюманинг бўйнига тушар эди. (П.Қодиров). Сурат тагига «Аваз Қамбаров ҳар юз совлиқдан бир юз ўттизтадан қўзи олган...» -, деб ёзиб қўйилган. (П.Қодиров).

Саноқ сонлар предметнинг миқдор белгисини билдиргани учун отга сифатловчи бўлади ва шаклий жиҳатдан ўзгармайди (отга битишув йўли билан боғланади): *Офтоб гарбга ёнбошлигандан, икки йўловчи пастдан чиқиб, тепаликка йўл оди. (А.Қаҳҳор). Отанинг бешта ўтиллари бор эди, шу теракларни уларнинг хотираларига эккан эдилар. (Ў.Умарбеков).*

Бир саноқ сони айрим хусусиятлари билан бошқа сонлардан ажralиб туради. *Икки, беш, ўн, саккиз* каби сонлар от билан боғланиб, унинг миқдорини аниқлайди. Бир сўзида эса конкрет миқдор билдириш хусусияти анча кучсизлашган, чунки предметнинг бирлик шакли орқали ҳам ифодаланади: *Қассоб думбаси селкиллаган қўйни... томорқага етаклаб ўттанидан сўнг Насимжоннинг қўнгли тинчиди. (Ойбек).* Бунда бир сўзи қўлланмаса ҳам, қассоб, думба, қўй, томорқа кабиларнинг битта эканлиги англашилиб туради. Бир сўзида миқдор маъносининг кучсизлашганлиги унинг асосий маъносидан ташқари, жуда кўп бошқа маъноларни ифодалавшида ҳам кўринади. Бу маънолар эса фақат матнда аниқланади: *Магазиннинг бир деразаси чойхона томонга, бир деразаси мактаб қурилиши томонга очиларди. (А.Мухтор).*

Бир сўзи ҳақида

Бир сўзи қўйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Предметни аниқлаб, унинг сонини қўрсатади. Бу вақтда у миқдор билдирувчи ҳисоб сўzlари (нумеративлар) билан ишлатилади: *бир сўм, бир гектар, бир қадам, бир жуфт, бир туп (гул), бир дона (китоб), бир қоп (ун), бир коса (овқат)* каби.

2. Предметни аниқлаб, «ноаниқ»лик маъносини билдиради (бунда у қандайдир олмошига синоним бўлади): *Қиз Тошкентдан вакил бўлиб келган бир киши билан гаплашмоқда эди. (Ойбек). Водийларни яёв кезгандга, Бир ажаб ҳис бор эди менда (Ҳ.Олимжон).*

3. *Ҳар, вақт, кун, фасл, қадар, йил, маҳал* каби сўзлар билан бирга келиб, таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, гумон каби маъноларни билдиради: *У бир куни тушки дам олиш вақтида... дарёдан сув келтиргани борди.* (А.Қаҳҳор).

4. Чегаралов маъносини билдиради (бунда у *фақат юкламасига синоним бўлади*): *Ҳаммамиз имтиҳонлардан яхши ўтдик, бир Аҳмаднинг мазаси бўлмади.*

5. Феълга боғланиб, унинг маъносини кучайтиради (бунда у *жуда сўзига синоним бўлади*): *бирам согиндим, бир чарчадим. Омадимиз келган эканми, ё қурт тутишни согиниб қолган эканмизми – бир бўлиб берди, қани энди териб тамом қилолсак?* (А.Қаҳҳор).

6. Такрорий шаклда феълга боғланиб, ҳаракатнинг белгисини, унинг қай тарзда бажарилганигини билдиради (бунда у ҳолат равишларига синоним бўлади): *Ўқтам кабинетда ўтирганларга бир-бир қараб чиқди.* (Ойбек). Умид мамнун ҳолда зинапоялардан битта-битта босиб пастга тушди. (Мирмуҳсин).

7. Такрорланиб, айирув боғловчиси вазифасини бажаради, ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал бўлганигини билдиради (бунда у *дам, тоҳ боғловчиларига синоним бўлади*): *Чой маҳалида бир кулиб, бир йигламсираб, ўзи, болалари, невараси Үрмонжон тўгрисида гапирди.* (А.Қаҳҳор). – *Вой тавба, бир ундоқ дейсиз, бир мундоқ дейсиз!* (О.Ёқубов).

5) тенглик маъносини билдиради (бунда у *төнг сўзига синоним бўлади*): *Қонун олдида ҳамма бир*. Саноқ сонлар нарсанинг миқдорини доналаб санаш йўли билан ҳам кўрсатади. Бу вақтда саноқ сонларга –та аффикси қўшилиб келади: учта бола, олтига дафттар, бешта уй каби. Мирзаев шошиб қолиб бир куннинг ўзида Латофатхонга иккита хат ёзди. (А.Қаҳҳор).

Эгалик аффиксини (кўпинча учинчи шахс) олиб келган саноқ сонлар отлашади. Бу вақтда улар келишик аффиксини ҳам қабул қилиши мумкин, лекин кўплик аффиксини олмайди: *Сурувдан етмиш саккиз қўй ошиқ чиқди. Булардан ўн саккизтаси Ортиқники, ўн учтаси Турди билан Эшмурод аканинг ўзиники, иккитаси қайси бир туман хизматчисиники эди.* (П.Қодиров). Сангинов кечагина вилоятда яна биттасидан шу гапни эшилди. (А.Қаҳҳор). «У

куни келган синтетик ўтовлардан биттасини Авазларга берсангиз, аломат иш бўлар эди-да», - деди Замонали. (П.Қодиров).

Нарсанинг миқдорини доналаб санаща саноқ сон маъно жиҳатдан бўлак, дона, нафар, бош, туп каби предметларнинг миқдорини билдирувчи ҳисоб сўзлар – нумеративлар билан ёнма-ён ҳолда қўлланиши мумкин: *Шарофатбиби узиб келтирган гуллар ичидан бир парча оловдай ёнган иккита (икки дона) кўркам қизил гулни танлаб, Комиланинг чеккасига қистириб қўйди. (Ойбек). Иккинчи синфда ўттиз бешта (ўттиз беш нафар) ўқувчи таълим олади.*

Саноқ сонларга –гина аффикси қўшилса, предмет миқдорини чегаралаб, айириб кўрсатиш маъноси англашилади: ... доимий токни узоқча олиб бориш арzon тушади – унга иккитагина сим, оддий устунлар керак. (А.Мухтор). Сизнинг болаларингиздай иккитагина қора кўз ўглим бор (П.Турсун).

Саноқ сонлар нарсаларнинг тақсимини, уларнинг миқдор жиҳатидан тенг бўлганилигини ҳам билдиради. Бу вақтда саноқ сонлар –дан аффиксини олиб тақсим маъносини ифодалайди: *иккитадан, саккизтадан, йигирма бештадан* каби; ... яна ҳар гектаридан *саккизтадан* (саккиз центнердан) пахта беришта сўз бердик. (Ойбек). Звено аъзолари уч кунда тўрттадан, бештадан меҳнат куни ишлади. (Газетадан).

Баъзан чиқиши келишиги аффикси тўғридан-тўғри саноқ соннинг ўзига қўшилиб келиши ҳам мумкин: *Биз сидқидилдан ишлаб, ҳар юз совлиқнинг юз йигирмадан қўзисини шунчалик семиртириб берганимиз ҳам осон иш змас. (П.Қодиров).* Саноқ сон нумератив билан келганда, чиқиши келишиги аффикси нумеративга қўшилади: *Пахта ақчасидан жамгармага ажратилгач, меҳнат кунига уч сўм йигирма тийиндан тўғри келади. (А.Қодирий).* Жамоа режадаги *йигирма саккиз центнер ўрнига ҳар гектаридан ўттиз олти центнердан пахта тошириди. (Газетадан).*

Бундан ташқари, тақсим маъноси, нарсаларнинг тенг бўлинган миқдори соннинг бошқа турларини такрорлаш йўли билан ҳам ифодаланади. Жумладан, жамловчи, дона сонлар такрорланганда, тақсим маъноси англашилади: *Ҳаммалари икков-икков замбил кўтириб, гишт ташишга киришдилар. (А.Қаҳҳор).* Ясанган-тусанган тўда-тўда қизлар,

йигитлар иккита-иккита, учта-учта бўлиб, истироҳат боғининг яшил қучогига ёйилмоқда. (О.Ёқубов).

Ҳисоб сўзлари

Нарсаларнинг сонини кўрсатиш, уларнинг миқдор белгисини аниқлашда саноқ сонлар билан бирга ҳисоб сўзлари (нумеративлар) ҳам ишлатилади. Предметларнинг сонини, ҳажмини, ўлчовини билдирувчи дона, нафар, бош, гектар, тонна каби сўзлар ҳисоб сўзлар деб аталади. Ҳисоб сўзлари билан саноқ сонлар биргаликда бошқа отга боғланиб, ҳар иккала сўз бир гап бўлаги вазифасини бажаради: *Ўттан йили саккиз тоннадан ортиқроқ пахта тердим. (А.Қаҳҳор). Бир туп гул юз гунча очади. (Ойбек). Оламда инсон учун ўз устозидан бир оғиз мақтов, севганидан эса бир оғиз ширин калом эшлишидан ҳам каттароқ баҳт бормикан?! (М.Қориев.)*

Нарсанинг миқдорини аниқлаш жиҳатидан нумеративлар қўйидаги турларга бўланади:

1. Нарсанинг миқдорини доналаб ҳисоблаш ўлчовини билдирувчи ҳисоб сўзлар: *бўлак, парча, дона, туш, нафар, нусха, бирда, бош, бօғ, тўда, даста; Қоғозга Самарқанд кошинларидан икки донаси ўралган эди. (П.Қодиров). Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади. (Ҳ.Олимжон).*

2. Нарсанинг узунлигини, масофани билдирувчи ҳисоб сўзлар: метр, километр, сантиметр, миллиметр, тош, чақирим, газ, қадам, қарич; *Соатига саксон километр тезлиқда келаётган Қаландаровнинг машинаси ўтиб кетди. (А.Қаҳҳор). Бошқарма бу ерга олтмиш чақирим келади. (П.Қодиров). Қурилаётган шифохона гузардан атиги юз эллик қадам нарида эди. (О.Ёқубов).*

3. Нарсанинг оғирлигини билдирувчи ҳисоб сўзлар: қадоқ, пуд; ботмон, килограмм, центнер, тонна: *Ойниса жонжашди билан уриниб, чорак соатда сал кам ўн олти килограмм пахта терибди. (А.Қаҳҳор). Пахтакорлар мажбуриятидагида ташқарига ваъда беришди ва яна минг тонна пахта тайёрлашга аҳд қилишганини айтди. (Ў.Умарбеков).*

4. Нарсанинг сатҳини билдирувчи ҳисоб сўзлари: таноб, гектар, квадрат метр, квадрат километр, сотих; *Йигимтеримдан кейин баҳоргача икки юз йигирма гектар янги ер очишимиз керак.* (А.Қаҳҳор). *Боғ ҳали ёш, саҳни ўттиз беш гектар, унда-мундагина нишона мевалар кўзга чалинади.* (Ойбек).

5. Суюқлик ўлчовини билдирувчи ҳисоб сўзлар: литр, ҳовуч, челак, қошиқ, пиёла, коса; *Овқатдан кейин Ўрмонжон устма-уст икки пиёла чой ичди-ю, тушиб кетди.* (А.Қаҳҳор.) *Ошхонадан икки коса овқат кўтариб чиққан Гулжаҳон севинганидан овқатни қаёққа қўйишини билмай қолди.* (О.Ёқубов.)

6. Қаттиқ жисм ҳажм ўлчовини билдирувчи ҳисоб сўзлар: куб метр, куб сантиметр, лагаң, қоп, сиқим, тўрва, арава, машина, замбил; *Ўқтам ишонч билан бошини қимирлатиб қўйди.* Шу вақтда Дадамат бир лаган палов келтирди. (Ойбек). *Мираҳмад уйдан бир қоп олмани олиб чиқди.* (Ойбек)

7. Қийматни билдирувчи ҳисоб сўзлар: сўм, тийин, танга, червон; *Сиз менга эллик минг сўм пул ажратиб, икки-уч йил вақт беринг, мана шу боғларни ўн марта яхши қилиб бераман.* (П.Қодиров)

8. Вақтни билдирувчи ҳисоб сўзлар: минут, соат, кун, ой, йил, аср, дақиқа; *Бу ўн кун муҳлат Сайданинг ўзига керак, бу ўн кунда шахтакорларнинг умумий мажлисини жуда яхши тайёрлашни кўзламоқда эди.* (А.Қаҳҳор) *Эртаги минг йилнинг одамлари ҳам Табаррук умримни қилурлар ҳавас.* (Ғ.Гулом)

Саноқ сонлар гапда асосан аниқловчи, отлашганда ва абстракт миқдор тушунчасини билдирганда эса тўлдирувчи, қаратувчи ва кесим вазифаларида келади: *Собиржоннинг девордаги саккиз йил бурун олдирган суратига эрталабки қўёш нури тушган эди.* (А.Мухтор) «Энди менинг ҳам «беш» олишимни тилаб туринг», - деди у ҳаяжонли овоз билан. (О.Ёқубов). *Тантанали мажлис соат еттида очилади.* (А.Қаҳҳор)

Жамловчи сон

Жамловчи сон миқдорни жамлаб, тўдалаб кўрсатади, кўпинча эгалик аффикси билан келади. Жамловчи сонларда миқдор орқали шахс ва нарсаларни умумлаштириб кўрсатиш хусусияти кучли. Бу ҳодиса жамловчи сонларнинг шахс билдирувчи отлардан кейин келиб, уларни жамлаб кўрсатишида ҳам, шунингдек, кўплик, эгалик ва келишик аффиксларини олиб келишида ҳам очиқ кўринади: *Анорхон, чойни дўндирма қилиб дамлайсиз, иковимиз шу ерда ичамиз, дурустми? (Ойбек)* Мен яна бир нарсанни ўйлаб қолдим: беш киши эканмиз, бешовимиз бир қути уруг олсак, наинки эшлаб боқолмасак. (А.Қаҳҳор)

Жамловчи сонлар қўйидаги аффикслар орқали саноқ сонлардан ясалади:

1. Саноқ сонга -ов аффиксини қўшиш билан ясалади: *икков, учов, тўртлов, бешов, олтов, еттov* каби. Бу хил жамловчи сонлар иккidan еттигача саноқ сонлардан (баъзан ўн сонидан ҳам) ясалади: *Деҳқонбой акам билан Ҳафиза опам икковлари кетадиган бўлишиди.* (А.Қаҳҳор) *Дилафрўз билан Дилсўз икков олдин, Рашид кейин машинадан тушди.* (М.Қориев.)

2. Саноқ сонга -ала аффиксини қўшиш билан ясалади: *иккала, учала, тўргала, бешала* каби. Жамловчи сонларнинг бу тури иккidan бешгача саноқ сонлардан ясалади. Бу шакл кўпинча эгалик аффикси билан қўлланади: *Иккаланг ҳам қойил қилдинг. Иккаланг ҳам қаҳрамон.* У юзини ўтириб қаради, кейин иккаласи беихтиёр хандон ташлаб кулиб юборишиди. (М.Қориев.)

Сифатловчи вазифасида келган жамловчи сон эгалик аффикси олмайди: *Саида иккала қўли билан бошини ушлаб ўтирган* эди. (А.Қаҳҳор). *Иккала меҳмон ишком тагидаги кўрпача тўшалган сўрига ўтиришиди.*

Жамловчи сон гапда эга, тўлдирувчи вазифаларида ҳам келади: *Икковимиз дўстлашиб қолдик.* (С.Аҳмад) *Мусобақада голиб чиққан спортчиларнинг иккаласиги* ҳам мукофотланди.

Чама сон

Чама сон нарсанинг миқдорини аниқ эмас, тахминлаб, чамалаб кўрсатади.

Чама сон саноқ сонлардан қуидаги йўллар билан ясалади:

1. -та аффикси билан ясалган саноқ сонга -ча аффиксини қўшиш билан ясалади. Бу аффикс «битта»дан бошқа барча саноқ сонларга қўшилади: бештacha, ўntacha, ўn иккитacha, йигирма олтиtacha каби: *Бу - пaxса деворлик қўргончалар билан соj бўйлаб тизилишган ўттизтacha қингир-қийшиқ уйли бир қишлоқ эди.* (П.Турсун) *Фирқалилар билан қишлоқ камбагалларининг бирлашган мажлисига қирқ бештacha киши иштирок қиласди.* (А.Қодирий)

-ча аффикси саноқ сон билан қўлланган ҳисоб сўзларга ҳам қўшилиб келади. Бу вақтда ҳам ўлчов, оғирлик, узунлик, пайт, масофа кабилар жиҳатидан тахминий миқдор маъноси англашилади: *Бу кўприкнинг қурилганига ўн беш йилча бўлди. Раҳбархон бу хонадондан ўз баҳтини топганига энди уч ойча бўлди.* (Ҳ.Назир) *Улар икки километрча юриб, канал бўйига чиқишли.* (Ў.Умарбеков)

2. Саноқ сонга -лаб аффиксини қўшиш билан ясалади: ўнлаб, ўттизлаб, юзлаб, минглаб каби. Азаматлар ўнлаб араваларга ва икки машинага... ҳар нав юкларни илдамлик билан ортмоқда эди. (Ойбек) «Сирдошим қайди?» - деб дарё сўрабди минглаб наслардан, кўп асрлардан. (Ўйгун)

Чама сон ясовчи -лаб аффикси ҳам баъзан саноқ сон билан келган нумеративларга қўшилиши мумкин: *Ўн беш йиллаб эркалаган тилагим...* Билан келиб тушдим сизнинг қишлоққа. Ҳозир бу ерда баъзи кунлар юз минг сўмлаб маблаг ўзлаштирилаётганини гапириб, бутун улутвор манзарани ҳамманинг кўз олдида намоён қилди-қўйди.

(А.Мухтор)

3. Саноқ сонлар кўплик аффикси -лар билан келганда, чама маъноси ифодаланади: *Мажлис кеч соат олтиларда канал бўйига қурилган чойхонанинг қишилик биносида очилди.* (А.Қаҳҳор)

Кўплик аффикси баъзан ҳисоб сўзларга қўшилиб келиши ҳам мумкин: *Салимхон оёқ учида юриб дераза ёнига*

борди-да, ундан ўн қадамлар наридаги ёзги супага чиқди. (А.Қаҳжор.) *У қирқ беш ёшларга борган, урушга солдат бўлиб бориб, капитан бўлиб қайттан... барваста киши эди.* (П.Қодиров)

4. Кўплик аффикси билан келган саноқ сонларга --ча аффикси қўшилади ва бу формада (-ларча) нарсаларниг тахминий миқдори тўдалаб кўрсатилади: *Минут сайин юзларча кабутарлар ҳавода енгил уча бошлиди. Рақсдан сўнг юзларча ёшлар, аёллар ёр-ёр айтишиди.* (Ойбек)

5. Икки саноқ сони жуфтлаб келтириш орқали ҳам чама сон маъноси ифодаланади: *Йигит дала томондан ёлғизоёқ йўл билан эшак миниб келаётган ўн уч-ўн тўрт ёшли болани кўриб тўхтади.* (Ойбек) *Етиб келиб булат чолнинг тепасига, Уч-тўрт совуқ томчи ташлади.* (Уйгун)

Булардан ташқари, нарсанинг тахминий миқдорини ифодалашда тахмин билдирувчи сўзлар ҳам ишлатилади.

Яқин. Бу сўз жўналиш келишигидаги саноқ билан боғланиб келади: *Йигирмага яқин йигитлар ва қизлар гайрат билан ишлаб, тўқайни тозаламоқда эди.* (Ойбек)

Чоғли. Саноқ сонлар билан бирикиб келади: *Аваз серкани шамолга қараб согланда, Хулкар унинг кетидан ўн чоғли қўй-қўзини «чу-чу»лаб ҳайдаб чиқди.* (П.Қодиров)

Қарийб. Саноқ сонлар олдидан бирикиб келади: *Турди билан Эшмурод ака қарийб олтмишта қўйни яшириб олгунча роса қийналишди.* (П.Қодиров)

Чамаси. Саноқ сонлар ёки у билан қўлланган нумеративлар билан бирикиб келади: *Чамаси икки соат юриб, тақир қирга кўтарилгач, олисдан қўзларига ялпи кўм-кўк дала очилди.* (Ойбек)

Тартиб сон

Тартиб сон бир турдаги нарсаларниг даража-миқдор жиҳатидан тартибини кўрсатиш учун хизмат қиласи.

Тартиб сон нарсанинг кетма-кетлик жиҳатидан тартибини англатади. Жумладан, *бешинчи уй* деганда, «тўрт уйдан кейин турган уй» маъноси англашилади; ёки *қирқинчи йил* мисолида шу сонгача «ўттиз тўққиз йил» бор эканлиги маъноси англашилади.

Тартиб сон саноқ сонларга -нчи (-инчи) аффиксимиң күшиш билан ясалади. Сонлар ҳарф билан ёзилгандагина бу аффикс қўшиб ёзилади: *иккинчи, тўртингчи, ўн бешинчи, йигирма учинчи* каби. Бошқа ҳолатларда эса бу аффикс тартиб сонлар билан қўлланмайди.

Тартиб сон бир нечта сондан тузилганда, аффикс энг кейинги сўзга қўшилади, лекин қўшма сонга яхлитлигича тааллуқли бўлади: *икки юз саксон бешинчи ўқчи дивизия, «Бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йил олмалари* каби.

Тартиб сон араб рақамлари билан ёзилганда, -(и)нчи аффикси ўрнига чизиқча (-) қўйилади: *25-мактаб, 7-синф, 14-уй, 252-саҳифа* каби; Рим рақамларидан, шунингдек йил, ой, кунларни ифодаловчи араб рақамларидан кейин дефис қўйилмайди: *VII синф, XX аср, III боб, 8 Март, 9 Май, 1991 йил* каби.

Тартиб сонлар ўзлари боғланган сўзнинг хусусиятига қараб икки хил маъно англатади:

а) асосан нарсаларнинг миқдорий тартибини билдиради: *Умида президиумнинг иккинчи қаторига, ҳар кунги жойига бориб ўтирди. (А.Мухтор) Тўртингчи курсга ўтганда, унга бешинчи қаватдан алоҳида хона ажратиб берилди* (*Ў.Умарбеков*);

б) баъзан мазмунан сифатта яқин турган белги маъносини билдиради. Бунда нарсанинг тартиби эмас, аксинча, унинг хусусияти, белгиси эътиборга олинади: *Еттинчи синф, ўнинчи* (ёки *қирқинчи*) ип, иккинчи қават. Шунингдек, *биринчи* тартиб сонининг ўрнида *илк, дастлабки, асосий, бош, аввалги, энг яхши* деган сифатларни синоним тарзида қўллаш мумкин. *Қишининг биринчи (илк) совуғи*.

Тартиб сон гапда асосан сифатловчи вазифасида келади: *Тургуной биринчи товушни эшигтанда сесканди, иккинчи, учинчи, тўртингчи товушлар эса уни ваҳимага солди.* (*А.Қаҳҳор*) Катта акам институтта кирганда бешинчими, олтинчими синфда ўқир эдим. (*Ў.Хошимов*)

Тартиб сон баъзан отлашганда, от шаклларини қабул қилиб, гапда эга, тўлдирувчи, кесим ва қаратувчи вазифасида келади: *Унсин бир дўппини акасининг бошига кийгизиб, иккинчисини Ўрозга тутди.* (*Ойбек*) Шу паллада кечакундуз тинмасдан гамани ташиш керак, ахир биз

туманды галла режасининг бажарища биринчимиз-а! (Ойбек)

Чиқиш келишигида тартиб сонлар эса гапда кириш сўз вазифасида келади: *Бунда, биринчидан, ҳосил яхши, иккинчидан, қимматли сув жарга оқиб кетмайди, учинчидан, киши кучи ҳам ортиқча сарф бўлмайди.* (А. Қодирий)

Сонлар, одатда, отга боғланиб, сифатловчи вазифасида келади. Сонлар боғланиб келган от тушиб қолганда, отлашади (субстантивлашади). Бундан ташқари, сон мавҳум миқдор тушунчасининг номини ҳам англатади. Соннинг отлашиши билан миқдор тушунчасини ифодалashi бирбиридан фарқ қиласди. Сон отлашганда, миқдор орқали гапда тушиб қолган от англатган шахс ва предметни кўрсатади, шу отнинг грамматик шаклларида – кўплик, эгалик ва келишик формаларида келади, гапда улар бажарган синтактик вазифаларни бажаради: *Ўн тўққиздан ошмай тур, гўзал, Йигит сендан шуни сўрайди.* (Ҳ. Олимжон) *Бирининг тилида эллининг қаломи, Бирининг оғзида юртнинг саломи.* (Уйгун)

Сон мавҳум миқдор тушунчасининг номи бўлиб келса, от каби эгалик, келишик аффиксларини олади, от бажарадиган вазифаларда келади: *Бешни бешга кўпайтирсақ, йигирма беш бўлади. Йигирма бешга қолдиқсиз бўлинади. Саккизга олтини қўшса, ўн тўрт бўлади* каби.

Соннинг миқдор тушунчасини англатиб келиши айниқса қўшиш, айриш, кўпайтириш сингари математик тушунчаларни ифодалашда кўп учрайди: *Ноль бутун юздан бешнинг ўнга кўпайтмаси ноль бутун ўндан бешга тенг бўлади* ($0,05 \times 10 = 0,5$) каби.

Бутун сон ва каср сон

Бутунни ёки унинг қисмини ифодалashi жиҳатидан сонлар иккига ажратилади: а) бутун сон; б) каср сон.

Миқдорни бутунлигича ифодаловчи сонлар бутун сон дейилади: *бир, икки, беш, етти* каби.

Миқдорни бутуннинг қисмига кўра ифодаловчи сонлар каср сон дейилади. Каср сонлар бир бутунга етмаган миқдорни билдиради: *учдан икки, тўртдан бир, юздан саккиз* каби. Каср сонлар тузилиш жиҳатидан қўйидагича: бутуннинг бўлинишини билдирувчи сон чиқиш келишигида,

бұлак, улушни ифодаловчи сон эса шаклан бош келишик шаклида бұлади, синтактик вазифасига қараб бундай сонга әтаптың әтаптың құшымчаси құшилади. Бу вақтда миқдорий белгиси аниқданған от ҳам, асосан, қаратқич келишиги шаклида келади: *Хөвлиниң ҳам түртдән бирини айвон әтаппаган зди.*

Булардан ташқари, каср сонлар ярим, чорак, нимчорак каби сұзлар билан ҳам ифодаланади. Бу сұзларнинг ўзи бутуннинг бир қисмими – ярмини, түртдән бир қисмими ва саккиздан бир қисмими билдиради: *Орадан ярим соат үттандан кейин Ахмадали оёгининг учыда юриб чиқиб кетди. (А.Қаҳжор). Лойиха мендан, улушимни құшаман, сувим ҳам муддатидан аввал йұлнинг чорагига келади. (А.Мухтор)*

Бутун сон билан каср сон аралаш ҳолда ҳам ишлатилади. Бу вақтда каср сондан олдин бутун сұзи келтирилади: *түрт бутун үңдан беш, етти бутун үңдан бир* каби. Булар *касрлы сон* дейилади: *Үйлаш ҳозир қимматта тушади. Мардонқұл ака, үйлашингизнинг ҳар бир куни ноль бутун юздан олти тоணнага тушади.* – «*Ниманиң юздан олти тоணнасига?*» – «*Олтиннинг*». (А.Мухтор) Касрлы сон бутун сондан кейин ярим сұзини келтириш билан ҳам тузилади: *Бу одам устидан туштан аризани Қалаңдаров бир ярим йиңден бері мұхокама қылғани құймас экан.* (А.Қаҳжор)

ОЛМОШ

Гап ичида от, сифат, сон, равищ, баъзан сұз бирикмаси ва гап ўрнида құлланған оладиган, аниқ лугавий маънога эга бұлмаган сұз туркуми олмош деб аталади: 1) от ўрнида: *Карим жуда құвоңди, чунки у ўз орзусига эриштан зди.* 2) сифат ўрнида: *Кечаги китобингни беріб тур, мен шу китобдан мисоллар олмоқчиман.* 3) сон ўрнида: *Менда иккита қалам бор, сенда нечта бор?* 4) рвиш ўрнида: *Мен бутун кетаман, сен қачон кетасан?* 5) сұз бирикмаси ўрнида: *Ёмон сұз бош қозигидир, шундай сұзни гапирмаган маъқул.* 6) гап ўрнида: *Сен меңнат қилишни ёқтирмайсан, бу эса инсондаги энг ёмон хислатдир.* Олмошлар турланади, гапда күпинча эга, тұлдырувчи, аниқловчи ва ундалма бўлиб келади: *Ҳамма келди. Бизни табрикланг. Шу китобни беринг. Ҳой сен, бері кел!*

Олмошлар айрим хусусиятларига кўра отларга, баъзи хусусиятларига кўра сифатларга ва айрим белгиларига кўра равишларга яқин туради.

Олмошлар қўйидаги грамматик хусусиятлари билан бошқа сўз туркumlаридан фарқ қиласди ва ўзи алоҳида мустақил сўз туркумини ташкил этади:

1. От, феъл, сифатларда сўз ясалиш ҳодисаси қучли бўлади, олмошларда эса жуда кучсиздир. Олмошларнинг ўзига хос сўз ясовчи қўшимчалари йўқ - бошқа сўз туркumlаридан ясовчи ёрдамида олмошлар ясалмайди. Лекин олмошлардан айрим ясовчи аффикслар ёрдамида бошқа сўз туркumlарига хос бўлган сўзлар ясалиши, шунингдек, таркибига олмошлар қўшилган ҳолда қўшма сўзлар ҳосил қилиниши мумкин: *сенсирамоқ*, *сизламоқ*, *менсимоқ*, *шунча*, *менимча*, *қачонки*, *сенбоп*, *унда-мунда* ва б.

2. Олмошлар отларга хос сўз ўзгарувчиларни қабул қиласди.

1) Келишик аффиксларини олади. Бунда олмошлар доим белгили қўлланиши билан бошқа сўз туркumlаридан фарқланади. Баъзи олмошларга келишик қўшимчалари қўшилганда, ўзақда айрим фонетик ўзгаришлар содир бўлади: *мен+ни* - *мени*, *сен+нинг* - *сенинг*, *у+га-унга*, *шу+да* - *шунда* каби.

2) Олмошларнинг эгалик аффиксларини олиб қўлланишида айрим хусусиятлар мавжуд: кўрсатиш олмошлари I ва II шахс бирлик ва кўплик, шунингдек, III шахс кўплик эгалик қўшимчаларини бир даражали қабул қиласди: *бун-им*, *шуним-из*, *унинг-из* каби. Кўрсатиш олмошларининг III шахс бирлик формасида эса эгалик қўшимчаси икки даражали бўлиб келади: *у* - *униси*, *шу* - *шуниси*, *бу* - *буниси*, каби. *Қайси*, *неча* сўроқ олмошлари отлашиб II ва III шахс бирлик I, II, III шахс кўплиқда эгалик қўшимчаларини олиб келса ҳам I шахс бирлиқда (гарчи улар отлашгандан бўлса ҳам) эгалик қўшимчаларини олмайди. *Қайси* олмошининг ўзаги, аслида *қай* бўлиб, унинг таркибида эгалик аффикси бордай кўринса ҳам (*қай-и-си*, *қай-у-си*) ҳозирги тилда яна бир эгалик қўшимчаси қўшиб ишлатилади: *қайсиси*.

3) Кўплик қўшичасини қабул қилишда ҳам олмошлар ўзига хос хусусиятта эга. I шахс бирлиқдаги кишилий

олмоши -лар шакл ясовчиси билан бирга қўлланмайди. II шахс бирлиқдаги кишилик олмоши -лар аффикси билан қўлланганда (*сенлар*) кўпинча тингловчига ҳурматсизлик билан менсимай қараш – фамилъяр муносабат ифодаланади. I ва II шахс кўплиқдаги кишилик олмошлари (*биз, сиз*) га -лар қўшилиб келганда эса, сўзловчи ва тингловчининг кўплигини эмас, бир сўзловчи ва бошқалар, бир тингловчи ва бошқаларни ифодалайди. III шахс кишилик олмошининг бирлик шакли битта ўзга (бошқа шахс) ни, кўплик формаси кўп ўзга (бошқа шахслар) ни ифодалайди. От характеристидаги сўроқ олмошларига -лар аффикси қўшилганда кўплик ва бир шахсга ҳурматни билдиради. Бундай олмошлар жуфтланиб ҳам кўпликни ифодалashi мумкин: *Ким-ким келди? Нима-нима одинг?* Баъзан такоррланган бундай олмошлардан кейин ҳам -лар аффикси қўшилиб кела олади: *Ким-кимлар келди? Нима-нималар одинг?* -лар аффикси айрим сўроқ олмошларига қўшилганда тахмин, чама каби маънолар англашилади: *Соат нечалар бўлди? Ёши нечаларда?*

Қачон сўроқ олмоши -лар аффиксини олиб «кўп вақт» деган маънони ҳам ифодалай олади (маънони кучайтиради). *Келганим қачонлар эди.*

3. Олмошларни гапда бажарган вазифасига кўра 4 гуруҳга ажратиш мумкин: а) от характеристидаги олмошлар; б) сифат характеристидаги олмошлар; в) равиш характеристидаги олмошлар; г) сон характеристидаги олмошлар.

Олмошининг синтактик хусусиятларига кўра бошқа сўз туркумларидан ажralиб турадиган асосий фарқларидан яна бири шуки, олмош ҳеч вақт ўзидан олдин аниқловчи олмайди. Масалан: *мен, сен, биз, шу, неча, ким, нима* каби олмошлар биронта аниқловчи билан бирга қўлланмайди. От ўрнида қўлланувчи олмошлар отларга ўхшаш сўз ўзгартирувчиларни қабул қиласи ва гапда от бажарган вазифани бажаради – эга, тўлдирувчи, қаратқичли аниқловчи, баъзан кесим бўлиб келади: *Биз шонли йўлни босиб ўтдик. (А.Мухтор)* Ҳамма ҳосилотнинг сўзларини диққат билан тингларди-ю, ҳамманинг кўнглида турли-туман фикр кетарди. (*Ш.Рашидов*).

Сифат характеристидаги олмошлар (*қандай, қайси, бу, шу, шундай...*) сифатлар каби от олдида келиб, гапда

сифатловчи, аниқловчи ва баъзан кесим, ҳол бўлиб келади. Бундай олмошлар сифатларга ўхшаш отлашиб гашнинг бошқа бўлаклари вазифасида келиши мумкин. У *Назокатнинг қайси даҳа, қайси маҳалалик эканини, Наманганинг қайси қиплогида қандай урутлари борлигини суриштириди* (A.Мухтор); *Умидимиз – шу* (A.Қаҳҳор).

Сон характеридаги олмошлар (*неча, неchanчи, қанча*) сонларга ўхшаш миқдорни ифодалаш учун қўлланади ва гапда сифатловчи – аниқловчи ёки кесим бўлиб келади: *Нечанчи уйда турасиз? Ёшингиз нечада?*

Равиш характеридаги олмошлар (*нега, қалай, қани*) равишга ўхшаш ҳаракат белгисини ифодалайди ва гапда ҳол, кесим вазифасини бажаради: *Нега куласиз? Аҳволлари қалай? Айттанинг қани?* Олмошлар эргашган қўшма гап таркибида нисбий сўз вазифасида келади. Нисбий сўз вазифасида сўроқ ва жавоб тарзида (*ким-у, қанча-шунча, қаерда – шу ерда каби*) ишлатилади: *Ким кўп ишласа, у кўп ҳақ олади; Ерга қанча кўп куч сарф қилсанг, ҳосил шунча мўл бўлади; қаерда уюшқоқлик бўлса, шу ерда унум кўп бўлади* (A.Қаҳҳор). Айрим олмошлар боғловчи сўзлар таркибида келади: *шунинг учун, унданай бўлса, унда, бунинг натижасида ва б.*

1) сўз ясалиш хусусияти йўқ (лекин олмошлар асосида от, феъл, равиш, сифат ясалиши мумкин: *ўзлик, сенсирама, ўзича, менбоп*); 2) жуфтланиб, бошқа сўз туркуми вазифасида келади: *ўша-ўша, шу-шу* (равиш); 3) олмошлар отларга хос сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни олиши мумкин: *унга, шуниси*; 4) олмош ҳеч вақт ўзидан олдин аниқловчи олмайди. Олмошларни гапда бажарган вазифасига кўра қўйидаги турларга бўлса бўлади²: 1) от тоифасидаги олмошлар. Булар отларнинг сўроқларига жавоб бўлади, отларга ўхшаб сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қиласди ва гапда от бажарган вазифаларни бажаради. 2) сифат тоифасидаги олмошлар. Булар сифатларига ўхшаб сифатловчи-аниқловчи, кесим ва ҳол вазифаларини бажаради, отлашиш хусусиятига эга. 3) сон тоифасидаги олмошлар. Булар миқдорни ифодалаш учун қўлланади ва

² Ш.Шоабдураҳмонов ва б. Ҳозирги узбек адабий тили. Т.1980-йил, 292-бет.

гаңда сифатловчи-аниқловчи, кесим, баъзан ҳол вазифаларини бажаради.

ОЛМОШЛАРНИНГ ТУРЛАРИ Кишилик олмошлари

Кишилик (шахс) олмошлари учта шахсни билдирадиган қуйидаги олмошлардир: *мен, сен, у, биз, сиз, улар*. Бу олмошлар қуйидаги лексик-грамматик хусусиятларга эга:

1) кишилик олмошлари отлар каби турланади. У кишилик олмошига жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги қўшимчалари қўшилганда, бир *и* ортирилади: *унга, унда, ундан*. Қаратқич, тушум келишиги ва қарашлилик шакли қўшимчаси *-ники* қўшилганида эса, *-и* туширилади: *мен+нинг=менинг, сен+ни=сени, сен+ники=сеники*.

2) айрим вақтларда *биз, сиз, улар* олмошлари бирлик маъносида ҳам ишлатилади, бунда *биз* олмоши камтарлик, бажирилган ишда ўзининг ролини оширмаслик каби маъноларни ифодалайди. *Сиз, улар* эса ҳурмат маъносини билдиради, бунда *сиз* олмошига кўпликни ифодалаш учун *-лар* қўшимчаси қўшилади.

3) бу олмошларга эгалик қўшимчалари деярли қўшилмайди.

4) кишилик олмошлари гаңда эга (*Мен келдим*), тўлдирувчи (*Сенга айтаман*), қаратқич аниқловчи (*Унинг укаси келибди*), от-кесим (*Менинг дўстим сенсан*) вазифаларини бажаради.

Кўрсатиш олмошлари

Бу олмошлар нарса-буюмни, кимсани кўрсатиш учун ишлатиладиган олмошлардир: *у, бу, шу, уша, ана, мана, ана у ёки анови, мана бу ёки манави, ушбу* (кўтарилик, тантанали маъно ифодалайди). Кўрсатиш олмошлари олдинги гац, гап ичидаги маълум бир сўз ёки сўз бирикмаси ўрнида қўлланади ва уларга ишора қиласи ёхуд бирор-бир сўзни аниқлаб келади.

Кўрсатиш олмошлари қўйидаги лексик-грамматик хусусиятларга эга:

1) *у, бу, шу, ўша* кўрсатиш олмошлари узоқ ёки яқин масофадаги нарса ва шахсларга ишора қилиши жиҳатидан фарқланади: *бу, шу, ушбу* олмошлари сўзловчига яқин масофадаги нарса ва шахсларга ишора қиласди: *Ёрмат, бу бола жиянум бўлади.* (О.) *У, ўша* олмошлари сўзловчидан узоқ масофадаги нарса ва шахсларга ишора қиласди: *Уларнинг иккиси кўчанинг у бошида, иккиси бу бошида сергак турарди.* (Т.Малик)

2) кўрсатиш олмошлари нарса ва шахсларига вақт жиҳатидан ишора қилишига кўра ҳам фарқланади. *Бу, шу, ушбу* олмошлари яқинда тилга олинган объектларга ишора қиласа, *у, ўша* олмошлари оддин тилга олинган объектларга ишора қиласди: *Чиндан ҳам уни кўрган киши ҳозир ишонгиси келмайди, шу И smoилов ўша Исмоиловми?* (Ў.Усмонов).

3) кўрсатиш олмошлари нарса ва шахсларига танишнотанишлик жиҳатдан ишора қилишига кўра ҳам фарқланади. *Шу, ўша* олмошлари сўзловчи ва тингловчига таниш бўлган объектларга ишора қиласди: *Ўша, мен айттан асалли одам Насридин Афаиди бўлади.* (З.Аълам) *Бу, у* олмошлари сўзловчи ва тингловчига нотаниш бўлган объектларга ишора қиласди: *Кейин бу бегона йигитта бошдан-оёқ кўз югуртириб, ҳаваси келиб галирди.* (О.)

Кишилик олмошлари гапда эга (*Мен келдим*), тўлдирувчи (*Сенга айтаман*), қаратқич аниқловчи (*Унинг укаси келибди*), от-кесим (*Менинг дўстим сенсан*) вазифаларини бажаради.

Сўроқ олмошлари

Сўроқ олмошлари бирор нарса-буюм, белги ёки миқдор ҳақидаги сўроқни билдирган олмошлардир. Сўроқ олмошларининг нимага нисбатан сўроқ билдиришини қўйидаги жадвалдан билса бўлади:

№	Сўроқ тури	Олмошлар
1.	Шахсга сўроқ	<i>Ким?</i>
2.	Нарсага сўроқ	<i>Нима?</i>
3.	Белги-хусусиятга	<i>Қандай? Қанақа? Қайси?</i>

	сўроқ	
4.	Миқдорга сўроқ	<i>Қанча? Неча? Нечта?</i>
5.	Тартибга сўроқ	<i>Нечанчи?</i>
6.	Сабаб-мақсадга сўроқ	<i>Нега? Нимага ?</i>
7.	Ўрин-жойга сўроқ	<i>Қаерда? Қайда? Қаёққа?</i>
8.	Пайтта сўроқ	<i>Қачон?</i>
9.	Мавжудликка сўроқ	<i>Қани?</i>

Ким бирлик ва кўплиқда қўлланади, эгалик ва келишик кўшимчаларини олади: *Ким сўзлади? Нималарни кўрдинг? Ниманг бор? Нима олмоши белгисиз келишик шаклида келиши мумкин: Нима(ни) олдинг?*

Қандай, қанақа, қайси олмошлари белгини аниқлаш учун ишлатилади: қанақа одам, қайси китоб. Қаерда, қайда, қани, қаёққа, қачон, нега олмошлари ўрин, пайт, мавжудлик, сабаб, мақсад кабиларни аниқлаш учун ишлатилади: Қачон келди? Қаерда юрибди? Уканг қани? Қаёққа кетди? Нега келди?

Ўзлик олмоши

Ўзлик олмоши таъкидлаш маъносини ифодалайдиган ўз сўзидан иборат. Бу олмош қуйидаги лексик-грамматик хусусиятларга эга:

1. Шахс, нарсани таъкидлаш, ажратиш маъноларига эга: *Бу вазифани ўзим бажардим.* Ўз олмоши кишилик олмошларидан кейин келганида таъкидлаш, ажратиш яна ҳам кучаяди: *Мен ўзим сизга қўнгироқ қиласман.*

2. Ўз олмоши эгалик кўшимчаларини олса, кишилик олмошларига синоним бўлиши мумкин: *ўзим – мен, ўзинг – сен, ўзи – у.*

3. Бу олмош модал маънони ҳам ифодалashi мумкин: *Нима қиляпсан? Ўзим, шундай...*

4. Кўплик ва З-шахс эгалик шаклидаги ўзлик олмоши қуйидаги маъноларни ифодалashi мумкин:

а) ўз маъносида кўпликни билдиради: *Болалар ўзлари келишди.*

б) ҳурмат маъносида келади: *Дадам ўзлари биладилар.*

в) киноя, кесатиқ маъноларини ифодалайди: *Ўзлари ҳам қадам ранжида қилибдилар*-да.

5. Бу олмош гап таркибида кишилик олмошига ўхшаган вазифаларни бажаради.

Белгилаш олмошлари

Белгилаш олмошлари предмет ва шахсларнинг йигиндисини билдиради ёки уларни айириб кўрсатади, шунинг учун уларни иккига бўлиш мумкин:

1. Жамловчи белгилаш олмошлари шахс ва нарсаларни жамлаб, йигиб ифодалайди. Буларга *ҳамма, барча, бари, жами, жамийки, бутун, ялпи* сўзлари киради.

Жамловчи белгилаш олмошлари қуйидаги грамматик хусусиятларга эга:

1. Бу олмошлар отта хос қўшимчаларни қабул қилиб, отта хос вазифаларни бажаради: *Ҳаммалари жим. Ҳар кимга айтаверма*. Бу олмошларга эгалик қўшимчаларининг 1-шахс бирлик шакли қўшилмайди. *Ҳамма, барча, бари* олмошлари кўпликни англатади. Белгилаш олмошлари эгалик, келишик, кўплик қўшимчалари билан қўлланади:

2) айирувчи белгилаш олмошлари шахс ва нарсаларни ажратиб, яккалаб ифодалайди. Буларга *ҳар* сўзининг ўзи (*Ҳар қовуналарки...*) ва *ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир, ҳар қайси* каби сўзлар киради ва бу олмошлар тўғдан ажратилган шахс, нарса, белгиларни билдиради. *Ҳар* сўзи айрим ёзилади.

Бўлишсизлик олмошлари

Шахс, нарса, ҳаракат, белги-хусусият, миқдор, ўрин-жой, пайтта нисбатан инкорни билдирадиган олмошлар бўлишсизлик олмошлари деб аталади: *Ҳеч ким келмади*.

Бўлишсизлик олмошлари айрим сўроқ олмошларидан ёки *бир, нарса* каби сўзлардан оддин *ҳеч* сўзини келтириш орқали ясалади. *Ҳеч* сўзининг ўзи ҳам якка қўлланганда феъл олдида келиб бўлишсизлик олмоши ҳисобланади.

Бўлишсизлик олмошларининг нимага нисбатан инкор ифодалашини қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин:

№	Инкор түри	Олмошлар
1.	Шахсга нисбатан инкор	ҳеч ким
2.	Нарсага нисбатан инкор	ҳеч нима, ҳеч нарса
3.	Белги-хусусиятта нисбатан инкор	ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч қайси
4.	Миқдорга нисбатан инкор	ҳеч қанча
7.	Үрин-жойга нисбатан инкор	ҳеч қаерда, ҳеч қайды, ҳеч қаёққа
8.	Пайтта нисбатан инкор	ҳеч қачон

Шахсга, нарса буюмга нисбатан инкорни билдирувчи бўлишсизлик олмошлари от ўрнида алмашиб қўлланганлиги учун келишик, эгалик қўшимчаларини олиб, отта хос синтактик вазифаларни бажариши мумкин: *Ҳеч нарсамизга тегманг!*

Ҳеч ким олмоши от вазифасида қўллангани учун ҳам эгалик, шунингдек, келишик қўшимчаларини олиб, гапда отлар каби вазифани бажариб келади: *Менинг ҳеч кимим йўқ.*

Ҳеч нима олмоши нарсага нисбатан инкорни ифодалайди: *Ҳеч нимани сезмади.* *Ҳеч нима* олмоши ҳам кўпинча от туркумига тегишли бўлган эгалик ва келишик қўшимчаларини қабул қиласи ва гап таркибида отларга хос бўлган синтактик вазифаларни бажаради: *Атрофда ҳеч нима йўқ эди.* *У ҳеч нимадан қўрқмайдиган одам.*

Ҳеч қандай олмоши нарсанинг белгисини инкор қиласи: *Уни ҳеч қандай гап билан билан кўндириб бўлмади.*

Ҳеч қаер сўзи ўринга нисбатан инкор маъносини билдиради ва гапда турли келишик шаклларида келиб, ўрин равиши ёки отта хос вазифаларни бажаради: *Ҳеч қаерда йўқ эди.* *Ҳеч қаер ҳам тутилиб ўстган жойга етмайди.*

Ҳеч сўзи *нарса* сўзи билан бирга келиб предметта нисбатан инкорни билдиради ва гапда отта хос синтактик вазифани бажаради: *Уни ҳеч нарса қизиқтирмас эди.*

Хеч сўзи якка ҳолда қўлланганда, кўпинча феъллар олдида келиб, равиш вазифасини бажаради (лекин бутунлай равиш туркумига ўтмайди): У хеч қийналмади.

Бўлишсизлик олмошлари иштирок этган гапларнинг кесими инкор шаклида бўлади: **Хеч қачон унутмайди**.

Кимса сўзи ҳам бўлишсизлик олмошлари ўрида қўлланиши мумкин: *Буни кимса (хеч ким) билмаслиги керак*.

Гумон олмошлари *Gumondar*.

Гумон олмошлари нарса, белги ёки воқеа ҳақидаги ноаниқ тасаввурни билдириб келадиган олмош туридир. Улар алла- ёрдамида ёки -дир қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *аллаким, алланима, алланарса (нарасадир эмас), аллақайси, аллақаер, аллақаёқ, алланечук, аллақанча, алланечанчи, кимдир, нимадир, қачондир, қандайдир, қаердадир, қаергадир, негадир*. Гумон олмошлари сўроқ олмошларига бир, ҳам сўзларини қўшиш орқали ясалиши ҳам мумкин: *Уни ким ҳам чақираёттан эди-я. Акаси унга бир нима дегандай бўлди.* (Баъзан бир нима биримаси бўлишсиз олмош ўрида келиши мумкин: *Буни кўриб бир нима демади*.) Бу олмошлар бирлик ва кўплиқда (*аллакимлар*) келади, келишпикларда турланади: (*кимнидир*), эгалик қўшимчасини олади (*аллакимим*). Бирор сўзи ҳам *кимдир, аллаким* сўзларига синоним бўлгани учун гумон олмоши ҳисобланади. *Бирор* сўзи, шунингдек, ҳар ким, ҳеч ким, битта деган сўзларга ҳам синоним бўлиши мумкин.

Бошқа туркумларга оид сўзларнинг олмошга кўчиши (прономинализация)

Қўйидаги туркумларга тегишли айрим сўзлар олмошга кўчади: 1) от: *одам, киши, инсон, нарса, иш: Шуларни кўриб ҳайрон қоласан киши*. Кеча ёмон бир иш бўлди. 2) сифат: баъзи, бошқа, айрим, тубандаги, қуйидаги: *Баъзилар бу қоидаларга риоя қилишмайди*. 3) сон: *бир: Сизни кабинетда бир одам кутяпти*. Умуман олганда, бир, ҳар, ҳеч сўзлари билан келадиган кўпгина сўзлар олмошга кўчиши мумкин: *ҳеч нарса, бир нарса, ҳар ерда*.

Бу ҳодиса тилшунослиқда прономинализация номи билан юритилади.

Эски ўзбек тилида *мен* олмоши ўрнида *камина* (ҳозир ҳам ишлатилади), *фақир*, *каминаи камтарин*, *кулингиз*, *баңдаи ожизингиз* каби сўзлар ҳам қўлланган.

ФЕЪЛ

Шахс ёки нарсанинг иш-ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи мустақил сўзларга феъл дейилади. Демак, феъллар ҳаракат маъносини билдирувчи сўзлардир. Грамматикада ҳаракат тушунчаси жуда кенг бўлиб, у *ухламоқ*, *турмоқ*, *ётмоқ* каби феъл ифодалайдиган ҳолатни, *кўрқмоқ*, *чўчимоқ*, *завқданмоқ* каби феъллар билдирган психик ўзгаришларни, *ўсмоқ* кўкармоқ гулламоқ каби феъллар билдирган биологик процессларни ва шу каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Булардан ҳар бирининг ўзига хос хусусий томонлари бўлиши билан бирга, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган томони ҳам бор, яъни буларнинг ҳаммаси билан боғлиқ ҳолда юз берувчи ҳодисаларни ифодалашдир. Шунинг учун бу воқеа-ҳодисаларни билдирувчи сўзларнинг ҳаммаси *нима қилмоқ?* – саволига жавоб бўлади.

Феъл қандай ҳаракат ва ҳолатни ифодалашига кўра бир қанча турларга бўлинади:

1. Юмуш феъллари: *меҳнат қилди*, *тер тўқди*, *териб олди*, *ўқиб чиқди*, *пардоз қилди*;
2. Тафаккур феъллари: *кашф қилди*, *ўйлади*, *фикр юритди*;
3. Сезги феъллари: *сезди*, *ҳис қилди*.
4. Руҳий ҳолат феъллари: *кулди*, *хурсанд бўлди*, *хафа бўлди*, *қайгурди*, *изтироб чекди*;
5. Нутқ феъллари: *гапирди*, *сўзлади*, *баён қилди*, *ҳикоя қилди*;
6. Ишора феъллари: *имо қилди*, *кўзини қисди*, *кўзини сузди*, *лабини бурди*;
7. Жисмоний ҳолат феъллари: *огриди*, *чарчади*, *ҳолсизланди*, *согайди*, *кучайди*.
8. Табиий ҳолат феъллари: *эриди*, *музлади*, *ётди*, *ухлади*, *уйғонди*;

9. Кўриш феъллари: қаради, кўрди, боқди, термулди;
10. Табиат ҳодисаларини ифодаловчи феъллар: тумламоқ, қовжирамоқ, яшнамоқ, қуримоқ, кўкармоқ, ўсмоқ.
Ўзбек тилидаги феъллар лексик-грамматик хусусиятларига кўра 2 асосий гуруҳга бўлинади.

1. Мустақил феъллар. 2. Ёрдамчи феъллар.

Мустақил феъллар қуйидаги хусусиятга эга: а) ҳаракат билдиради ва гапда унинг бирор бўлаги вазифасида кела олади (асосан кесим);
б) бирор сўзни бошқаривелади; в) мустақил феъллар феълга хос ғрамматик категорияларга, шунингдек, функционал шаклларга эга ва шу шаклларга хос вазифаларда қўлланади; *келдим* – бош даражаси, бўлиши, ижро майли, ўтган замон, I шахс, бирлик (ғрамматик категориялар); *келган* – сифатдош шакли, *келиб* – равишдош; *келиш*-ҳаракат номи (функционал шакллар); г) мустақил феъл обьектга муносабатда бўлади. Бу нуқтаи назардан улар 2 турга бўлинади:

а) ўтимли (объектли) феъллар; б) ўтимсиз (объектсиз) феъллар. Феъл ифодалаган ҳаракат ва ҳолатнинг обьектта муносабати ўтимли ва ўтимсизликни юзага келтиради

Ўтимли (объектли) феъллар тушум келишигидаги сўзни бошқаривелади, бирор предметга ўтган ҳаракатни билдиради. Агар феъл англаттан ҳаракат ва ҳолат предметнинг бир қисмига ўтганлиги таъкидланса, ўтимли феъл чиқиши келишигидаги сўзни бошқаривелади: *чойдан ичмоқ, ноңдан емоқ*.

Ўтимсиз обьектсиз феъллар тушум келишигидаги отни бошқаривелади олмайди, одатда бошқа предметга ўтмаган, бажарувчининг ўзида қолган ҳаракатни билдиради: *Қалам билан ёзмоқ, ўрнидан турмоқ, уйга кетмоқ*.

Шундай феъллар ҳам борки, улар контекстда қандай сўзлар билан боғланишига қараб ўтимли ва ўтимсиз бўлиб кела олади. Бундай феълларда ўтимли ва ўтимсизлик гап ичида шу феълнинг ўз ёки кўчма маънода қўлланишига қараб аниқланади. Феълдаги ўтимли ва ўтимсизлик даражаси категорияси билан узвий боғланган. Даражаси ясовчи аффикс олган феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлигига бир қатор ўзгариш юз беради: а) ўтимли феъл ўтимсиз феълга айланади, ўтимсизлашади (ўзлик ва мажхул даражаси

шаклларида): *ювиди-ювинди, очди-очилди; кийди – кийилди, таради – таранди.*

б) ўтимли феълдан яна ўтимли феъл ҳосил қилинади (орттирма даражада шаклида): *ёэди-ёэдирди, ўқиди-ўқитди; курди-күрсатди;* в) ўтимсиз феъл ўтимли феълга айланади (орттирма даражада шаклида): *келди-келтирди, кулди-кулдириди; юрди-юргизди.*

Одатда, ўтимли – ўтимсизлик қўшма феълларда етакчи қисмга қараб белгиланади. Етакчи қисм ўтимли феълдан бўлса, бутун қўшма феъл ўтимли, аксинча, етакчи қисм ўтимсиз феълдан бўлса, бутун қўшма феъл ўтимсиз бўлади. *ўқиб чиқди, билиб олди, ёза бошлади* (ўтимли); *қувониб кетди, етиб олди, кулиб қўйди* (ўтимсиз).

Ёрдамчи феъллар мустақил маънога эга эмас. Улар турли грамматик маънолар ифодалаш учун хизмат қиласиди. Ёрдамчи феъллар асосий хусусиятларига қараб З турга бўлинади:

1. Сўз ясаш учун хизмат қилувчи ёки боғлама вазифасини бажарувчи ёрдамчи феъллар: *қилмоқ, этмоқ, айламоқ, бўлмоқ; хабар қилмоқ, хурсанд бўлманг, тасдиқ этмай*

2. Феълларга қўшилиб турли қўшимча маъно ифодаловчи ёрдамчи феъллар. чиқмоқ, кетмоқ, бермоқ, бошлимоқ (*ўқиб чиқмоқ, чўчиб кетмоқ, айтиб бермоқ, ёза бошлимоқ*).

3. Феъл ва феъл бўлмаган сўзлар билан қўшилиб турли маъно ифодаловчи ва ёрдамчи вазифаларда қўлланувчи ёрдамчи феъллар. Бу феъл лингвистик адабиётларда “тўлиқиз феъл” деб аталади. Буларга *эди, экан, эмиш* феъллари киради. (*ўқиган эдим, ўқиган эдинг*).

Феълнинг тусланишили ва тусланишсиз шакллари

Феълларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири унинг шахс ва сонда ўзгариши-тусланишидир. Аммо ҳамма феъллар ҳам тусланиш хусусиятига эга эмас. Шунга кўра улар 2 гуруҳга бўлинади.

1. Тусланишили феъллар. 2. Тусланишсиз феъллар.

Тусланишили феъллар тусланиш системаси доирасида бўлади, яъни тусланишили феъл майл ёки замон категориясига мансуб шакли ҳисобланади; маълум бир феъл шакли бирор майл ёки замон маъносини ифодаласа,

тусланишили феъл саналади: *ўқи, ишласин* (буйруқ-истак майли), *бормоқчиман* (мақсад майли), *сұраяпти* (ижро майли, ҳозирги замон) каби.

Феълнинг майл ёки замон шаклинин ҳосил қилмайдиган шакллари ҳам бор. Улар тусланиш системасида бүлмайди ва шунга кўра тусланишсиз феъл (тусланишсиз шакли) дейилади. Булар сифатдош, равищдош ва ҳаракат номи шакллари бўлиб, сифатдош феълнинг сифатга хос вазифага мослашган шакли (*ўқиган бола, оқар сув*), равищдош равишга хос вазифага мослашган шакли (*кулиб гапирди, кулмай гапирди*), ҳаракат номи шакли феълнинг отта хос вазифага мослашган шаклидир (*ўқишини севади, ўқимоқ мақсадим*).

Сифатдош ва равищдош ясовчи қўшимчалар замон шаклининг ясалишида хизмат қиласиди: *Ўтган иили кўрганман. Ҳаммани хабарлабди* каби. Сифатдош ёки равищдош шахс-сон билан тусланиб, бирор замон шаклинин ҳосил қилганда, бу феъл тусланишили феъл ҳисобланади: *чақирилган талабаларнинг ҳаммаси* (чақирилган – сифатдош, тусланишсиз шакли) – *талабаларнинг ҳаммаси чақирилган* (чақирилган – ижро майли, ўтган замон феъли, тусланишили шакли), *рухсат сўраб кирди* (сўраб – равищдош, тусланишсиз шакли) – *рухсат сўрабди* (сўрабди – ижро майли, ўтган замон феъли, тусланишили шакли).

Феълнинг категориал ва функционал шакллари

Феъл шакллари феълнинг маълум бир грамматик категориясига хос шакллар системасини ҳосил қилиш хусусиятига эга ёки эга эмаслигига кўра икки турга бўлинади: 1. *Категориал шакллар.* 2. *Функционал (нокатегориал) шакллар.*

Категориал шакллар феълнинг маълум бир грамматик категориясига хос грамматик маъноларни ифодалайди. Масалан: даража, майл, замон ва шахс-сон *категориал шакллари*дир: *ишляпман, ишляпсан, ишляпти; ишлай, ишила, ишласин, ишласам, ишласанг, ишласа.*

Феълнинг бирон-бир грамматик категориясига мансуб бўлмай, турли маънолар ифодалаш ёки бошқа вазифаларни

бажариш учун қўлланувчи шакллари функционал шакллар ҳисобланади. Масалан: ҳаракатининг тақорорийлиги, кучсизлигини билдирувчи туртқила, қулимсира каби шакллари, шунингдек, сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи шакллари функционал шакллардир.

Феълнинг грамматик категориялари

Феъл туркуми бошқа сўз туркумларига нисбатан бой ва мураккаб грамматик категориялар системасига эга. Ҳозирги ўзбек тилида феълга хос грамматик категориялар қўйидагилар: 1) даражা, 2) бўлишли-бўлишсизлик; 3) майл; 4) замон; 5) шахс-сон.

Даража категорияси

Даража категорияси ҳаракатнинг субъект ва объектга бўлган муносабатини кўрсатади. Бу муносабат маҳсус феъл шакллари орқали ифодаланади. Мас., *талаба китобни ўқиди* – гапнинг эгаси ҳаракатни бевосита бажарувчисидир; *ўқитувчи китобни ўқитди* – китоб ўқишини бевосита бажарувчи бошқа бир шахс (*ўқитувчи китобни Акмалга ўқитди*); *китоб ўқилди* – ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ ва б. Демак, феълнинг даража шаклининг ўзгариши билан ҳаракатнинг субъекти ёки объектида ҳам ўзгариш бўлади. Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг беш хил даража шакли бор: *бош даража, ўзлик даража, орттирма даража, биргалик даража, мажхул даража*.

Бош даража

Феълнинг бош даража шакли ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки нарса томонидан бажарилишини билдиради: *кўрди, сўради, айтди, қайтди* каби. Бу шаклининг маҳсус кўрсаткичи йўқ. Унинг бош даража деб аталиши бошқа даража шаклларига нисбатандир. Бу даражадаги феъл (*ўтимли*) ёки (*ўтимсиз*) бўлиши мумкин: *олди* ((*ўтимли*)), *қолди* ((*ўтимсиз*)).

Ўзлик даражасы

Ўзлик даражасы шакли асосан – *(и) н*, баъзан – *(и) л* аффикси ёрдамида ўтимли феъллардан ясалади: *ташланмоқ, мақтанмоқ, қўшилмоқ* каби. – *(и) ш* аффикси ёрдамида биринкита феълдангина ўзлик даражасы шаклида ясалади: *жойлаш, жойлаш, кер* – *кериш* каби: *Ўзидан нарироқда тупроққа қоришган навкарларга томон эмаклади.* (*О.*) Яира, қичқир, ухла, бор каби ўтимсиз феъллардан ўзлик даражасы шакли ясалмайди.

Ўзлик даражасы шаклининг асосий хусусияти (ўтимли) феълни (ўтимсиз) феълга айлантиради.

Ўзлик даражасы ҳаракат объекти бўлмаслиги сабабли, баъзида шу ҳаракат обьектини ифодаламаслик учун маъсус ўзлик даражасы шакли қўлланади: *У худди олдида ҳеч ким йўқдай, уйнинг бурчагига қараб ўйланар эди.* (*А.Қаҳҳор*). «*Булбули гўё* юрган йўлида вайсаб, қарганиб юрадиган, ... кучи етса уриб, етмаса йиглайдиган бўлиб қолди. (*А.Қаҳҳор*) *Дадам чурқ этмади. Амаким сўкина-сўкина чиқиб кетди.*

Ўзлик даражасы шаклининг ўтимли феъллардан ясалашининг ўзи ҳам бу шаклнинг айтиб ўтилган хусусияти билан боғлиқ. Айрим ўтимсиз феъллар ўзлик даражасы шаклида қўлланади: *шош-ил-моқ, тарқа-л-моқ, юмала-н-моқ* каби. Лекин булардаги – *(и) н*, – *(и) л* қўшимчалари ўзлик даражага хос маънони ифодаламайди, шунинг учун уларни қўлламаса ҳам бўлади. Қўйидаги икки мисолни қиёсланг: *Кампир бурнини торта-торта, енгини кўзидан олиб, ўглидан ўпкаланди.* (*Ж.Абдумахонов*) Гапнинг давомини куттандай бир неча қадам индамай борди-да, ... бошини чайқаб қўйиб, ўпкалаган овозда сўради. (*П.Турсун*)

Ўзлик даражасы шакли обьектли феъллардан ҳосил қилинса-да, лекин орттирма даражасы орқали ҳосил қилинган ўтимли феъллардан ясалмайди. Чунки орттирма даражасы шаклида ўтимсиз феълни ўтимли феълга, ўзлик даражасы шаклида эса ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради. Бу ҳол орттирма даражасы шаклидан ўзлик даражасы ясалашига имкон бермайди.

Баъзи феълларда бош ва ўзлик даражасы шакларининг маъноси бир хилдек кўринади: *Элмурод бир оз ўйланниб туриб охири сўрашга жазм қилди.* (*П.Турсун*) Бу мисолдаги

үйланиб ва үйлаб шаклари алмаштириб құлланса ҳам, гап мазмунига штур өтмайды. Лекин үйланмоқ шакли құлланғанда, гап грамматик объектсиз шаклланади. Үйламоқ шакли құлланғанда эса гапда грамматик объектни күрсатувчи сұз иштирок этмаса-да, аслида бор бұлади. Шунинг учун уни сұроқ орқали тиклаш мүмкін.

Үзлик даража шаклидаги феълнинг тушум келишигидаги сұз билан құлланыш ҳоллари учрайди. Бунда икки хил ҳолат күзатиласы:

1) бундай феъл билан грамматик алоқага киришган сұз тушум келишиги шаклида нотүрги құлланған бұлади: *Она құзларини очтач, бир оз жон кирган* зди. У қуруқшаган лабларини яланди. (П.Турсун); *Тұлқин гоҳ-гоҳ қиргоққа сапчыйди, ости яланыб, илдизи очилиб қолған драхтарни құпориб юлиб-юлқиб кетади.* (Х.Нұттымон ва А.Шорақмедов).

2) бошқарылған сұз тушум келишига шаклида түрги құлланған бұлади, лекин үзлик даража шаклида бошқача, янги маңын касб эттан бұлади. Масалан: *чопонини ёпинмоқ бирикмасидаги ёпинмоқ* феълни тұла маңында ёпмоқ феълнинг үзлик даража шаклида деб бұлмайды. Чunksи бошига чопон ташлаб үзини пана қилмоқ маңынса «бошига чопон ёпинмоқ» бирикмаси құлланмайды. Демек, бу үринде ёпинмоқ феълининг ёпмоқ феълидан фарқи янги маңында құлланған ва шу маңында құлланғанда, тушум келишигидаги сұзни бошқаради.

Орттирма даража

Феълнинг орттирма даража шакли қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалады:

- *дир* (-тир): ёздир, кулдир, келтир, чолгир.
- *газ* (-тиз, -газ, -тиз, -каз, -киз, -қаз, -қиз): күргаз, киргиз, тургиз, юргаз, кетказ, кеткиз, үтказ, тутқиз.
- *т*: ўқит, чұқит, қурит, ишлат, сұрат.
- *из*: оқиз, томиз, эмиз.
- *ир*: ботир, учир, пишир, қочир, очир.
- *ар*: чиқар, қайтар.
- *сат*: аффикси фақат күр феълидан орттирма даража шаклини ясады; күрсат.

Орттирма даражада шакли объектли феъллардан ҳам, объектсиз феъллардан ҳам ясалади: *ухла* – *ухлат*, *ўқи* – *ўқит* каби.

Орттирма даражада шакли объектсиз феъллардан ясалганда, объектли феъл юзага келади: *кўкар* – *кўкартири*, *уч-учир*, *қичқир-қачқиртири*, *юр-юргиз*, *кури-қурит*, *ют-ютқиз*. Масалан: *Жаҳдни кечиктирган ютар*, ишни *кечиктирган ютқизар*. (*Мақол*). *Тўкилган шоналарни тўлғизиб олмасак ютқизиб қўямиз*. (*И. Раҳимов*).

Орттирма даражада шаклида феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи ва бажартирувчи шахс борлиги сезилиб туради.

Орттирма даражада шаклида ҳам ҳаракат бажарувчиси эга ёки жўналиш келишиигидан бошқа келишикдаги сўз орқали ифодаланган шахснинг ўзи бўлади. Бир мисол: *Тоғдаги чўпонларга озиқ-овқатни рўйхат билан жўнаттириди*. Бу гапдаги жўнаттироқ феъли англатган ҳаракатнинг аниқ бажарувчиси жўнатиши ҳаракатини бажарган шахс эмас, балки жўнаттириш ҳаракатини бажарган шахснинг ўзи. Қўйидаги мисолларда ҳам худди шундай: *У бармоқларини қўмирлатиб кўрсатди*, – доктор опамга кўп раҳмат. (*А. Убайдуллаев*) *Қариндошлирингизни ишлатиб, ўзингиз мўйловни бураб ётган экансиз-да*. (*А. Каҳҳор*) *Бир кампир Элмуродга ўтлининг дўпписи билан кўйлак ва камзулини кийгизди...* (*П. Турсун*).

Айрим феълларда орттирма даражада ясовчи қўшимча аниқ кўриниб турса-да, лекин ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан уларни морфемаларга ажратиб бўлмайди: *тузатмоқ*, *суриштироқ*, *узатмоқ*, *солиштироқ*, *яратмоқ* каби. Ҳатто, айрим феълларда орттирма даражада кўрсаткичини бошқа даражада кўрсаткичи билан алмаштириш мумкин: *уйгот-уйгон*, *юпат* – *юпан* каби. Лекин бу феъллар ҳам ҳозирги тил нуқтаи назаридан морфемаларга бўлинмайди. Масалан: [*Шарофат хола*] Ҳозир ҳам шу фикр билан *юпиниб ўз ишлари билан овора бўлди*. (*А. Мухтор*). «*Муз тогѓулардан чиқарди Бир алла сози* – Ёш гўдакни *юпаттан Она овози*. (*Ҳ. Олимжон*).»

Феълнинг ўзлик даражада шакли ҳам, орттирма даражада шакли ҳам ҳаракатнинг обьект нуқтаи назаридан характеристикасини кўрсатади. Фарқ шундаки, ўзлик

даражада шакли объектли феълни объектсиз феълга, орттирма даражада шакли эса объектсиз феълни объектли феълга айлантиради. Агар феъл объектли бўлса, орттирма даражада шакли қўшилиши билан яна бир (бошқа) объект юзага келади.

Биргалик даражада

Феълнинг биргалик даражаси икки ва ундан ортиқ субъект томонидан биргаликда бажариладиган ҳаракатни билдиради. Биргалик даражада ўтимли ва ўтимсиз феъл асосига – *(и)ш* аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади: *ёэ-иш-ди, бор-иш-ди, ўқ-ш-ди, ишла-ш-ди, ку-лиш-ди* каби. Масалан: *Болалардан кичикроқлари чопқомлашиб, Саодатдан ўзиб кетишиди.* (*С.Зуннунова*). Улар бир-бирлариги ёхуд ҳалойиққа қаращдан қўрққандай индамасдан келишарди. *Одамлар катта-кичик гуруҳларга бўлинниб, ҳар ёққа тарқалиб кетишиди.* (*Ойбек*).

Феъл ясовчи *-лаш* қўшимчаси ҳам биргалик маъносини ифодалайдиган феъл ҳосил қиласди: *ёрдамлашди, гаплашди, хайрлашди* каби. Масалан: *Иккинчи қайнұқ ҳам соҳилга етиб келиб, Саидусмон шериклари билан биргаликда олдинга кетишиди.* (*Назармат*).

Биргалик даражасидаги феъллар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. **Биргалик-қўшлик маъносини ифодалайди.** Бундай феъллар бир қанча бажарувчи шахсларнинг ҳаракатини англаатади. Бунда ҳар бир шахс ҳаракатнинг субъекти бўлади-ю, обьекти бўла олмайди: *Қоратоӣ билан Үроз йигитни авайлаб кўтариб, ушланиб қолмаслик учун жўрттага чугурлашиб, сув билан бирга пастта қараб боришиди.* (*Ойбек*).

2. **Биргалик-ўзлик маъносини ифодалайди.** Бундай феълларда бир неча шахснинг ҳаракати англашилиб, ҳар бир шахс ҳаракатининг субъекти бўлиш билан бирга, бири иккинчисига нисбатан шу ҳаракатнинг обьекти ҳам бўлиб келади, яъни ҳаракатнинг ҳам субъети, ҳам обьекти бўлган икки ва ундан ортиқ шахснинг ҳаракатини ифодалайди: *Азиза ва Комила чуқур самимият ва дўстлик ҳисси билан кўришишиди, сўрашишиди.*

3. Кўмаклашиш маъносини ифодалайди. Ҳаракат асосан бир субъект томонидан бажарилиб, бошқа субъект унга ёрдамчи сифатида қатнашади. Бу вақтда кўпинча асосий субъектни англатувчи сўз тўлдирувчи вазифасида, кўмаклашувчи субъектни англатувчи сўз эса эга вазифасида келади: *Уста томнинг тупрогини кўчиришга тушаркан, Ўқтам кетмон билан устага боқищди.* (Х.Назир) Араваларда, отларда, пиёда кетиб бораёттан ёшу яланг, қарию қартанглар суюнчлари ичларига сигмай, ялла айтишади, кулишади. (М.Исмоилий).

Биргалик нисбатдаги феълларнинг яна қуйидаги хусусиятлари бор:

Маъно тараққиёти натижасида баъзи феъллар айрим даража шакларида мустақил феълга айланиши мумкин. *Келишмоқ, киришмоқ* каби феъллар икки хил баҳоланади: биргалик даражада келганда, ўзаро биргалиқдаги ҳаракатни билдиради: мустақил феълга тенг бўлганида эса *шартлашмоқ*, бир фикрга келмоқ, ҳаракатни бажара бошламоқ каби янги лексик маъноларни англатади: *Уйма-уй юриб қилинган мажлисда кампирлар звеноси тўрта қути тутишга келишди.* (А.Қаҳҳор)

Биргалик даража ясовчи – (*и*) ш аффикси баъзан феъл асосига икки марта қўшилиб келиши мумкин: *кўришишди, ўшишишди, қучоқлашишди, хайрлашишди.* Масалан: *Оға-ини ўзбекчасига бир-бирларининг орқаларини силаб индамасдан узоқ қучоқлашишди.* (Ойбек).

Феълнинг аналитик шаклида биргалик даража аффикси кўпинча кўмакчи қисмга, баъзан етакчи қисмга қўшилиб келади: ўқиб чиқищди, бориб келишди, кўришиб чиқди, сўраб билишди.

Икки феълдан таркиб топган қўшма феълларда эса кейинги қисмга қўшилади: олиб келишди, кўриб қолиши, кулиб қўйиши, ўқиб чиқиши, ёзиб олиши каби.

Мажҳул даража

Мажҳул даража шаклида ҳаракатнинг субъектига эмас, балки ҳаракатнинг ўзига ва унинг обьектига кўпроқ эътибор берилади. Бунда ҳаракат обьекти (актив конструкциядаги воситасиз тўлдирувчи) бош келишик шаклида келиб, гапда

эга вазифасини бажаради. Ҳаракат субъекти (фаол конструкциядаги эга) эса воситали тұлдырувчи вазифасида келади (бундай тұлдырувчи күпинча құлланмайды). Гапда эга вазифасида келган сұз ҳаракатни бажармайды, балки тұлдырувчи вазифасидаги субъектнинг ҳаракатини үзиге қабул қилади. *Хат үқувчи томонидан ёзиңди гапида ҳаракатни хат әмас, балки үқувчи бажарған*, лекин гапда үқувчи эга әмас, балки тұлдырувчи; *хат* эса эга вазифасида келган. Актив ва пассив конструкция күпинча *китоб үқидим* – *китоб үқилди* тарзда түзилади. Чунки кесими мажхұл нисбатдаги феъл билан ифодаланған гапда асосий дікқат субъектте әмас, балки объектте қаратылған бўлади. *Бинонинг кенг ва оғир эшиги очилди.* (А.Қаҳжор) *Саҳнада ҳеч ким йўқ, фақат айвон яқинидаги ўчоққа ўт қаланганди.* (М.Исмоилий).

Мажхұл даража үтимли феъл асосига – *(и)л*, баъзан – *(и)* н құшымча аффиксини құшиш билан ҳосил қилинади. Бунда үтимли феъл үтимсизлашади: *жамлади*– жамланды, *йигди-йигилди* каби. *Юз-құл шошиб-пишиб ювилади-да, худди дошқозондаги ош у боргунича тутаб қоладигандай йұла тушилади.* (Т.Малик.) Баъзан үтимсиз феъллардан ҳам мажхұл нисбат шакли ясалади: *бориљди, юриљди, ўтириљди, турилсинг* каби. *Иброҳимовнинг қисқа муқаддимасидан кейин байрамга багишиланған мажлис очилди.*

Мажхұл нисбат шаклида ҳаракатнинг субъекти номағым бўлади. Шунинг утун баъзан ҳар учала шахс ҳам субъект ўрнида кела олади: *китоб үқилди* [мен (инг) томонимдан, сен(инг) томонингдан, у(нинг) томонидан бола томонидан]. Бунда ҳаракатнинг субъекти шахс бўлади.

Мажхұл нисбатдаги феъл буйруқ-истак майлиниң учинчи шахс шаклида келса, расмий иш услубида, шунингдек, иккинчи шахс ўрнида кенг ишлатилади: *Юклар ташлансан*, *фақат қуроллар олиниб, катта шаҳарга қараб пиёда йўл олинсин!* Ҳамма ёқдан баравар: «*Жавоб берилсан!*» – деган товушлар эшитилди. (А.Қаҳжор).

Феълларнинг аналитик шаклида мажхұл нисбат аффикси күпинча ёрдамчи феълга құшилади: *үқиб чиқилди, олиб бориљди, очиб ташланди* каби.

Ўзлик ва мажхұл нисбатдаги феъллар бир хил аффикс – – *(и)л*, *(и)н* билан ясалади. Феълнинг ўзлик нисбатида ёки мажхұл нисбатда экани күпинча аниқ бўлади. Булардан

ташқари, қатор феъларнинг ўзлик ё мажҳул нисбатда эканлиги контекстда аниқланади. Масалан: а) ўзлик. *Навоий сехрли садоларга беихтиёр берилди.* (*Ойбек*). Талабалар кечани қундузга улаб йиллик имтиҳонга тайёрланмоқда.

б) м а ж ҳ у л: *Маъруза учун Зиёдахонга сўз берилди.* (*А.Қ.*) Тажриба учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар тайёрланди.

Ўтимли ва ўтимсиз феъллар

Феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг объектта муносабати турлича. Бир хил феъллар ҳаракатнинг бирор нарсага ўтганлигини билдиради; предмет – объект эса тушум келишигидаги от билан ифодаланади: *Газетани ўқидим, Китобни олдинг* каби. Баъзи феъллар эса ҳаракатнинг предмет – объектта ўтмаганлигини билдиради, улар тушум келишигидаги сўзни бошқариб келмайди: *У келди, Бола ухлади, Аҳмад завқланиб кулди* каби. Феъллар ҳаракат ва ҳолатнинг предмет – объектга муносабатига қараб икки турга бўлинади: 1) ўтимли феъллар; 2) ўтимсиз феъллар (булар объектли феъллар, объектсиз феъллар деб ҳам юритилади).

1. Ўтимли феъл тушум келишигидаги сўзни бошқариб келади, бирор предметга ўтган ҳаракатни, предметга қаратилган ва унда бирор ўзгариш юзага келтирадиган ҳаракат ва ҳолатни билдиради: *У кийиниб ҳовлига чиқиши билан тог томддан эсаёттан тонг шабадаси, юзини, соchlарини силаб, киприкларини ялади.* (*И.Раҳим*).

Феъл англатган ҳаракат ва ҳолат нарсанинг бир қисмига ўтганлиги тасдиқланса, ўтимли феъл чиқиши келишигидаги отни бошқариб келади: *нонни (нондан) енг, узумни (узумдан) олинг. Меҳмонлар мева-чевадан тотиниб, қизгин сухбатта берилиб кетди.* (*Ойбек*).

2. Ўтимсиз феъллар тушум келишидаги сўзни бошқариб кела олмайди, одатда, бошқа нарсага ўтмаган, бажарувчининг ўзида қолган ҳаракатни билдиради: *Собир ҳаяжонланиб ўрнидан турди.* (*Ойбек*.) Унинг гулгун сиймосидан узоқ вақттacha нур аrimади.

Шундай феъллар ҳам борки, улар контекстда қандай сўзлар билан bogланиб келишига қараб ўтимли ҳам, ўтимсиз

ҳам бўлиб кела олади. Бу феълларда ўтимли-ўтимсизлик гап ичида шу феълнинг ўз ёки кўчма маънода қўлланишига қараб аниқланади:

а) ў т и м л и: *Шоир ёзган шеърни баралла ўқир.* (Р.Бобоҷон.) *Бу китобни қара.* Ўқувчи масалани ишлади.

б) ў т и м с и з: *Улар бир-бирларига меҳрибонлик билан қарадилар.* (М.Исмоилий) *Кўнглингни қистаса олов-иштиёқ.* *Келиб Мирзачўлнинг жамолига боқ* (Ғ.Гулом) *Карима университетда ўқиди.*

Феълдаги ўтимли-ўтимсизлик даража категорияси билан узвий болгандан. Чунки даража ясовчи аффиксни олган феълнинг ўтимли-ўтимсизлигида қуйидагича ўзгаришлар юз беради:

а) ўтимли феъл ўтимсиз феълга айланади, ўтимсизлашади (ўзлик ва мажхул нисбат шаклларида): *ювди* – *ювинди*, *ёзди* – *ёзилди*, *кийди* – *кийинди*, *очди* – *очилди*, *ўқиди* – *ўқилди* каби;

б) ўтимсиз феъл ўтимли феълга айланади, ўтимлилашади (орттирма нисбат шаклида): *келди*-*келтирди*, *кулди*-*култирди*, *юрди*-*юргизди*, *семирди*-*семиртирди*, *ухлади* – *ухлатди* каби.

Ўтимли-ўтимсизлик анализатор шаклларда етакчи қисмга қараб белгиланади; ўқиб чиқди, билиб олди, ёза бошлиди, кўриб қўйди – ўтимли; кулиб қўйди, қувониб кетди, семира бошлиди, етиб олди – ўтимсиз.

Бўлишли ва бўлишсизлик категорияси

Феъллар бўлишли ва бўлишсиз шаклда бўлади. Бўлишли шакл ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида тасдиқни ифодаласа, бўлишсиз шакл эса ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида инкорни билдиради: *ёзаман* - *ёзмайман*, *бораман*-*бормайман*, *ўқидим*-*ўқимадим* каби.

Феълнинг бўлишли шакли маҳсус аффиксга эга эмас. Бўлишсиз шакл эса қуйидаги маҳсус грамматик воситалар орқали ҳосил қилинади.

1. Феъл асосга -ма қўшимчасини қўшиш билан: *ўқимади*, *бормади*, *ёзмади*, *келмади*. -ма аффикси билан ясалган бўлишсиз шаклда ҳаракатнинг бажарилмаслиги, бажарилмаётганлиги ифодаланади.

-ма қўшимчаси икки феълдан ясалган аналитик шаклларга қўйидагича қўшилади: а) асосий қисмга - мустақил феълга қўшилади: ёзмай қўйди, ухламай чиқди, танимай қолди, б) ёрдамчи феълга қўшилади: ўқиб чиқмади, ёзиб олмади; в) аналитик шаклнинг ҳар икки қисмига қўшилади: бормай қолмади, айтмай қўймади.

2. Эмас ёрдамчиси билан. Бу ёрдамчи, асосан, -тан аффиксли сифатдош ва -моқчи аффиксли келаси замон феълининг бўлишсиз шаклини ясади: ўқиган эмас, айттан эмас, ўқимокчи эмас, ёзмоқчи эмас.

3. Йўқ ёрдамчиси билан. Бу ёрдамчи асосан -ган, -ёттан аффиксли сифатдошга қўшилиб, бўлишсизлик шакли ҳосил қиласи: ўқигани йўқ, айттаним йўқ, ёзаёттани йўқ, олаёттани йўқ.

4. На, ... на инкор юкламаси. Бу феъл бўлишли феъл билан ишлатилса, бўлишсизлик маъноси ифодаланади: на ўқиди, на ёзди. На ўзи фойдаланади, на бирорга беради. На, ... на юкламаси инкор гаплар таркибида келса, бўлишсизлик маъносини янада кучайтиради: На зулмат, на бурон, на оғат, на ўт, Тўсолмас ҳақиқат, ҳурлик йўлини (Үйғун).

МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ

Ҳаракатнинг воқеликка муносабатини кўрсатувчи грамматик категория **майл категорияси** дейилади. Майл категорияси замон ва шахс-сон категорияси билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳаммаси биргаликда феълнинг тусланиш тизимини ташкил қиласи. Шунга кўра майл категорияси ҳаракатнинг воқеликка муносабатинигина эмас, балки бажарувчи билан ҳаракат орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини ҳам ифодалайди. Масалан, кел, ўқи, ишла ёки келса, ўқиса, ишласа каби шаклларда ҳали бажарилмаган ҳаракат, унинг бажарилиши ҳақида буйруқ, шарт маънолари ифодаланса, келди, ўқиган, ишлаёттир, келаман, ўқиган эдинг, ишлаёттан эди каби шаклларда реал равишда бажарилган ёки бажарилаётган ва бажариладиган ҳаракат ҳақида хабар берилади. Демак, майл категориясида буйруқ, истак, маслаҳат, шарт, ижро этилиш ҳақида хабар каби турлича

маънолар ифодаланади. Шунга кўра майл категорияси англатган маънолар модал маънолар ҳисобланади.

Ўзбек тилида феълнинг майл шаклари қуйидаги кўринишларга эга бўлиб, булар маъно ва морфологик ифодаланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласади. Шунга кўра ҳозирги ўзбек тилида майл категорияси қуйидаги турларга бўлинади: 1) буйруқ-истак майли; 2) шарт майли; 3) мақсад майли; 4) ижро майли.

Буйруқ-истак майли

Феълнинг буйруқ-истак майли сўзловчининг ҳаракатни бажаришга буюришини, қисташини, ундашини англатади ва ҳар бир маъно оттенкаси ўзига хос оҳанг билан характерланади. Масалан: Қандингизни уринг. Яшанг. Кулинг. Давримизнинг шод наслари. (У.) Боргил тезроқ, халоскор дўстим. Кун чиқишдан кун ботишга бор, Қардошлиарни зулматдан қутқор. (Ҳ. Олимжон).

Буйруқ-истак майлидаги феълнинг тусланиши шундай:

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-ай(ин), ишла-й(ин)	кел-айлик, ишла-йлик
II ш. кел(гин), ишла(гин)	кел-инг, ишла-нг(из)
III ш. кел-син, ишла-син	кел-син(лар), ишла-син(лар)

Сўзловчининг ҳаракатни бажаришга ундаши бевосита иккинчи шахс қаратилган бўлади. Шунинг учун буйруқ-истак майлиниң асосий шакли иккинчи шахс (бирлик ва кўплик) ҳисобланади: Насибаҳон, боринг, қозонга қараб туриңг (А. Қаҳҳор) Муҳит узра қанотингни ёз, Оқ қушларнинг ўлкасида юр. (Ҳ. Олимжон).

I. Буйруқ – истак майлиниң иккинчи шахс бирлиги уч шаклга эга:

1. Қатъий буйруқ, қисташ англашиладиган асосий шакл. Бунинг аффикси йўқ: Илтимосим шуки, ерга эҳтиёт бўлинглар. Олтин еримизни кўз қорачигидай сақланглар. Ҳашарга айт; болам зинҳор қолдирма. (А. Мухтор). Бу шаклда баъзан илтимос, сўраш, маслаҳат маънолари ҳам ифодаланади: «Қани», юр, - деб шипшиди Давлатбеков

Авазга, - нутқингни сал пишитиб ол. (П.Қодиров) Туманга тушманг деди... Сен тушунтир. (Уйгун).

2. Феъл асосига *-гин* (*-тил*) құшымчасини қүшиш билан ҳосил қилинади. Бу шакл буйруқ маңносини сұраш, илтимос, маслағат тарзида ифодалайды. Масалан, *Үфқларда сайр эттін мудом, Қуёш келиб сувга үйкканаңда.* (Х.Олимжон) *Мени күттіл ва мен қайтарман.* Фақат күттіл жуда интизор.

3. Феъл асосига *-(и)нг* құшымчасини қүшиш билан ҳосил қилинади. Бунда бир шахсга нисбатан ҳурмат, баъзан иккінчи шахснинг күпчилги маңноси ифодаланади: *Оддини күзлайверинг.* *Үктамжон,* электрлаштириңг, телефонлаштириңг... (Ойбек) *Йигитлар, мәхмөнларни ўлка бүйлаб кездиринг.* *Боримизни күрсатынг ипидан игнасигача...* *Халқлар биродарлығын нұқта-нұқта сездиринг.* (Ғ.Гулом).

II. Иккінчи шахснинг күплик шакли асосан икки йүл билан ҳосил қилинади:

1. Феъл асосига *-(и)нглар* құшымчасини қүшиш билән: *Қани, үғилларим, бир оз дам олинглар.* (Р.Файзи) *Анор қичқириди:* «*Хой қызлар, келинглар, этакларингни тутинглар.*» (Ойбек)

2. Феъл асосига *- (и)нгиз* құшымчасини қүшиш билан: *Дүстлар, ишонч билан кутингиз бизни...* *Хеч қачон бизлардан умид узмангиз.* (Уйгун).

Буйруқ-истак майлиниң учинчи шахс шаклида буюриш, илтимос, ундаш маңнолари восита билан билдирилади, яъни тұғридан-тұғри учинчи шахсга қаратылмасдан, иккінчи шахс орқали суҳбатта қатнашмаган шахс ва нарсаларга қаратылади, Масалан: *Уйига жавоб бериш керак, үн беш-ийгириң күнга бориб келсин.* (А.Мұхтор). *Даста-даста гуллар келтириң*, *Шұх ва құвноқ дүстларға буюр.* (Х.Олимжон).

Буйруқ-истак майлиниң учинчи шахс бирлиги феъл үзагига *-син* құшымчасини қүшиш билан, күплиги эса бирлик шаклига *-лар* құшымчасини қүшиш билан ҳосил қилинади: *келсин-келсінлар, ишласин-ишласынлар, ёзсин-ёзсінлар* каби. Масалан: «*Чақырайлық, кирсін*», *- деди Зайнаб.* (Ойбек) ... *Сиз айтинг, мажлиста солмасынлар, майли, мәжнатимдан қирқсінлар.* (А.Қаҳжор).

III шахс шакли деб ёрдамчиси билан бирикиб, ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдиради: *Сирдаре сувларининг қатраларидан Ташналар қонсін деб каналлар*

оңдик. (Г.Гулом) Ақл бердим, ёв босғанда, Енгишга йүл топсин деб, От ҳам боқдим, маврид келса, Жантта миниб чопсин деб. (Ҳ.Олимжон) Учинчи шахс тантанали қақириқ, қатъий буйруқ каби маъноларни ҳам англатади: Тұплардан үқ узиб, салют берилсин! («Газетадан»).

Сұзловчи тұғридан – тұгри үзига буйруқ бера олмайды. Шунинг учун буйруқ-истак майлиниң биринчи шахсида истак, ҳаракатни бажаришга хоҳиши, ахд маънолари ёки сұзловчининг үзи ҳам қатнашган ҳолда ҳаракатни биргалиқда бажаришга үндаш кабилар ифодаланади. Буйруқ-истак майлиниң биринчи шахс бирлиги феъл асосиға -й(-ай) құшымчасини құшиш билан ҳосил қилинади: үқий, ёзай, ишлай каби. Таъқидлаш, маънони кучайтириш учун -ин құшилади ва кенгайған шакли ҳосил бўлади: үқи-ин, ишлайин, бора-ин каби. Масалан: Чевар қиз деб мақтайин қатқат. (Уйғун) Мен шифолар берай сафдошларимга. (А.Мухтор) Қулоқ сол, чироқ ота-боболиқдая қолган бир илм бор, айтай. (С.Анорбоев).

Биринчи шахснинг күплиги эса шу шахснинг бирлик шаклига -лик құшымчасини құшиш билан ҳосил бўлади: үқийлик, ишлайлик, ёзайлик, борайлик каби. Күплик шаклда сұзловчи ҳам қатнашган бир қанча шахслар томонидан ҳаракатни бажаришга үндаш, шу билан бирга, биринчи шахснинг истаги, хоҳиши кабилар ҳам билдирилади: Үртоқжонлар, қани тезлатаильик, шу бутундан қолмасин. (Р.Файзи) ... Ҳали далада бошланған гапни давом эттирайлик. (Ойбек) Мустамлакачи золимларга қарши яна ҳалқни күтарайлик. Қудратнинг ишини охирига етказайлик!

Шарт майли

Феълнинг шарт майли бошқа бирор ҳаракат, воқеа-ҳодисаниң бажарилиши учун шарт, восита бўладиган, исталган, фараз, мўлжал қилинган ҳаракатни билдиради. Шарт майли шакли феъл үзагига -са майл ясовчисини құшиш ва туслаш билан ҳосил қилинади:

Бирлик
I ш. кел-са-м
II ш. кел-са-нг
III ш. кел-са

Күплик
кел-са-к
кел-са-нгиз
кел-са-лар

Шарт майлидаги феъл шакли қуидаги маъноларни ифодалайди:

1. Бошқа бир ҳаракат ва ҳолатнинг юзага чиқиши учун восита, шарт бўлган ҳаракатни билдиради. Бу вақтда шарт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Агар одам бўлай десанг, ишда оқла ўзингни* (Уйгун) *Ҳозир ёзинг қозониний ҳосил билан тўлдирсак, кузда роҳатини кўрамиз.*

Шарт майлидаги феъллар эга тўлдирувчи, аниқловчи, пайт ва ўрин эргаш гапларининг кесими вазифасида келади.

Масалан: *Қаерда кураш бўлмаса, у ерда ўсиш ҳам бўлмайди. Ким бировга чуқур қазиса, бунга ўзи йиқиласди, Ҳасанхон қайдা бўлса, қий-чув ҳам шунда бўлур* (Ўзб. халқ достонидан). Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри бўлади. (Мақол.) Пахта очилса, теримни ҳам бошлаб юборамиз.

2. Ҳам ёрдамчиси билан келиб, воқеа-ҳодисанинг бажарилишига тўсиқ бўла олмаган ҳаракат-ҳолатни билдиради. Бунда тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими бўлиб келади, ҳар икки гап бир-бирига қарама-қарши ҳаракатни англатади. *Тилим келишмаса ҳам, дилим келишади. Сенинг тилинг келишса ҳам, дилинг келишмайди.* (А.Қаҳҳор).

3. Орзу-истакни билдиради. Бунда содда гапнинг кесими вазифасида келади: *Қани энди бу қуртлар тез-тез ўрай қолса...* (А.Қаҳҳор) *Қани энди шу топда отасини қучоқлаб, соқолларидан ўпса.* (Ойбек) *Ёринг бўлса хуш бўлса, Юрса, кўчалар тўлса.* (Уйгун) *Хўш, энди сизларга нима совга берсан экан?* (Ойбек).

4. Илтимос, маслаҳат маъноларини билдиради: *Онажон, шу суратни менга берсангиз.* (А.Қаҳҳор.) *Шошмант, кўргазмани шу ерда ташкил қилсак...* Нима дейсиз? (Ойбек.)

5. *Наҳотки* сўзи билан келганда, тўсатдан ҳукм чиқариш, воқеа-ҳодисадан ҳайратланиш, гумон каби маънолар ифодаланади: *Наҳотки Муқаддас ҳам шу ётоқхонада турса?* (О.Ёқубов) *Наҳотки* бу хушхабарни эшиитмаган бўлсантиз? *Наҳотки* ўтлимга ўшандоқ қаттиқликни раво кўрсам. (А.Қаҳҳор)

6. *Керак* сўзи билан келганда, фараз, гумон, тахмин, ноаниқлик маънолари ифодаланади: *Одам ҳамма нарсага чидаса ҳам, ёлғизликка чидамаса керак.* (А.Мухтор) Бу ерда шур иморатнинг офати бўлса керак. (А.Қаҳҳор) *Назаримда,*

эгаси бор бўлса керак бу гулнинг. (Уйғун) У, Чароснинг онаси жаҳа устида шу ишни қилган бўлса керак, деб уйлаганди. (Ў.Ҳошимов).

7. Бўлади ёрдамчи феъли билан келганда мумкинлик, имконият, зарурият маънолари ифодаланади: *Имтиҳонни топшириб бўлгач, курортга борса бўлади. Энди пахтадан хавфсирамасак бўлади. (Ойбек) Бугун университетта бормасам бўлмайди.*

Мақсад майли

Мақсад майли шакли – *моқчи қўшимча ёрдамида ясалади ва субъектнинг ҳаракатни бажариш мақсадини, ниятини, мўлжалини билдиради: бормоқчиман, бормоқчисан, бормоқчи.*

Шуни таъкидлаш керакки, феълнинг бу шакли фақат мақсад, мўлжал маъносини билдириб, замон маъносига даҳлдор эмас.

–*моқчи қўшимчаси билан ясалган феъл шакли замон маъносига эга бўлган бирор восита билан қўлланса замонни билдиради, акс ҳолда ҳозирги замонга оид мақсадни ифодалайди.*

–*моқчи қўшимчаси ясалувчи шакл эди ёрдамчи феъли билан қўлланганда, ёрдамчи феълнинг қандай замон шаклида қўлланишига қараб мақсад маъносига замон маъноси қўшилади. Масалан: Энди сизларникига меҳмонга бормоқчи бўлиб турган эдик. Домланинг ер олгани рост, буни Саидийга билдиromoқчи ҳам эмас эди. (А.Қаҳҳор).*

Солиширинг:

1. *У ўзини бу воқеаларга ҳеч қандай даҳли йўқдай кўрсатмоқчи (Мирмуҳсин).*

2. *Уялиш у ёқда турсин, ўзи ўйинини кўрсатмоқчи эди.*

–*моқчи қўшимчаси билан ясалган шакл бўл феълининг ўтган ва ҳозирги замон шакллари билан қўлланганда ҳам ҳаракатнинг эмас, балки мақсаднинг (ниятнинг) ҳозирги замон ёки ўтган замонга оидлигини ифодалайди. Масалан: Бормоқчи бўляпман эмас, боряпман деявер (А.Убайдуллаев).*

Хабар майли

Хабар (ижро) майли феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг маълум замонда бажарилиши, ижро этилиши ҳақида хабар беради. Бу майл шакли иш-ҳаракат уч замоннинг бирида ижро этилганлигини, унинг мавжудлигини ёки ҳаракат шу замонларнинг бирида бажарилма-ганлигини, инкор этилганлигини англатади. Масалан: *У Онахоннинг ёнига ҳеч кимни яқин йўлатмади.* (А.Мухтор) *У бугун хурсанд, баҳор унинг нашъасига нашъя, гўзалигига гўзалик қўшган.* (А.Қаҳҳор).

Бу майл шаклидаги феъл иш-ҳаракатнинг маълум замонда бирор шахс томонидан ижро этилганлиги ёки ижро этилмаганлиги ҳақида хабар беради. Масалан: *Мана тез орада пахта теримига жўнаймиз.* (Ойбек) *Қараб турдим: Сиз юрган чоға, Турфа гуллар эгди бошини.*

Хабар (ижро) майлиниңг маҳсус аффикси йўқ. У феълнинг замон ва шахс-сон аффикслари орқали ифодаланади.

ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ

Замон категорияси феъл ифодалаган ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини ифодалайди. Ҳаракатнинг бажарилиши вақти билан нутқ пайти орасидаги муносабатга қараб феълнинг уч замони фарқланади.

Ўтган замон нутқ пайтидан илгари бажарилган ҳаракатни, ҳозирги замон нутқ пайти билан бир вақтда бажарилётган (тутамаган) ҳаракатни, келаси замон нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни англатади.

Феълнинг ўтган, ҳозирги ва келаси замон шаклларининг ҳар қайсиси, ўз павбатида, яна бир неча турларга бўлиниади. Чунки бу замон шакллари, вақтнинг алоҳида катта қисмларини кўрсатиш билан бирга, бу қисмлар ичидаги кичик пайтларни ҳам акс эттиради. Масалан, ҳозирги замон феълнинг бир шакли нутқ пайтига тўғри келган, у билан бир вақтда бўлаётган ҳаракатни англатса, унинг бошқа бир шакли нутқ пайтида бажарилётсиб, ундан кейин ҳам давом қиласидиган ҳаракатни билдиради: *бораётирман, бориб турибман, боряпман, бормоқдаман* каби.

Ҳар бир замон шакли маълум грамматик кўрсаткичига эга. Замон шаклини ясовчи вазифасида асосан сифатдош ва равишдош шакллари хизмат қиласи.

Феълнинг замон шакллари тузилиш жиҳатидан икки турга бўлинади:

а) **синтетик шакл**. Бунда замон шакл ясовчи аффикс билан ифодаланади: *ёз-ди-м*, *ёз-а-ман*, *ёз-ган-ман* қаби;

б) **аналитик шакл**. Бунда замон феълнинг турлича функционал шакллари билан тўлиқсиз феълнинг бирекиши орқали ифодаланади: *ёзган эдим*, *ёзган экансан*, *ёзиб эдинг*, *ёзар эдинг*, *ёзаётган эди* қаби.

Феълнинг ўтган замон шакллари

Феълнинг ўтган замон шакллари нутқ пайтидан илгари бажарилган ҳаракатни билдиради. Ҳозирги ва келаси замонга қараганда ўтган замон феъллари ўз шакларининг кўплиги ва жуда хилма-хил маъно бўёқларини ифодалаши билан ажralиб туради. Ўтган замон шакллари синтетик ва аналитик усуллар билан ясалиши жиҳатидан ҳам, бу шаклларда ўтмишдаги ҳаракатнинг ҳамда нутқ жараёнидан олдинги пайтнинг турли баҳоланиши томонидан ҳам фарқланиб туради.

Феълнинг ўтган замон шакллари асосан *-ди* (*ўқидим*, *ўқидинг*, *ўқиди*), *-ган* (*ўқиганман*, *ўқигансан*, *ўқиган*) – *(и)б* (*ўқибман*, *ўқибсан*, *ўқибди*) аффикслари, эди тўлиқсиз феъли (*ўқиб эдим*, *ўқиб эдинг*, *ўқиб эди*, *ўқиган эдим*, *ўқиган эдинг*, *ўқиган эди*) орқали ҳосил қилинади.

Ўтган замон феълининг синтактик шакли билдирган ҳаракат нутқ жараёнидан узоқ бўлмаган даврда бажарилган ҳаракатни *эди* тўлиқсиз феъли орқали ясалган аналитик шакллар эса нисбатан узоқ даврда бажарилган ҳаракатни ифодалайди.

Солиштириинг:

ўқиганман – *ўқиган эдим*,

ўқидим – *ўқиган эдим*.

ўқибман – *ўқиб эдим* қаби.

Ўтган замон феъллари қўйидаги турларга бўлинади:

1) аниқ ўтган замон шакли; 2) узоқ ўтган замон шакли; 3) ўтган замон ҳимоя шакли; 4) ўтган замон давом шакли; 5) ўтган замон әшитилганик шакли.

Аниқ ўтган замон шакли. Бу шакл феъл асосига -ди замон ясовчисини ва тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-ди-м	кел-ди-к
II ш. кел-ди-нг	кел-ди-нгиз
III ш. кел-ди	кел-ди-лар

Бу шакл маъно томонидан ўтмишда аниқ бажарилган ҳаракатни кўрсатиб, сўзловчи уни ўзи кўргандек, ўзи шу ҳаракатнинг гувоҳи сифатида хабар беради: *Ёзувчилар билан учрашув жуда дўстона ва самимий шароитда ўтди. (Ғ.Гулом). Гаш ёш мутахассислар ҳақида борди. Самандаров хатни ўқиб бўлди, унинг устига кафтини қўйиб, Тўлаган акага қаради. (А.Қаҳҳор.)*

Узоқ ўтган замон шакли. Бу шаклнинг турлари икки йўл билан ҳосил қилинади:

1. -тан аффиксли орқали ясалган сифатдошларга тегишли шахс-сон аффиксларини қўшиш билан ясалади:

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-тан-ман	кел-тан-миз
II ш. кел-тан-сан	кел-тан-сиз
III ш. кел-тан	кел-тан-лар

Бу шакл ҳаракатнинг нутқ пайтидан анча илгари аниқ бажарилганигини билдиради. *Йигит-қизларнинг қўшиғи, машиналарнинг садоси ҳамма ёқни тўлдирган. Йўлнинг икки томонига чўзилган қир ёнбагирларини эндиғина ёриб чиқаётган ўтлар қоплаган. (П.Турсун).*

Бу феълнинг учинчи шахси баъзан -дир аффиксини олиб келади. Бу вақтда икки хил маъно ифодаланади:

а) ҳаракатнинг нутқ пайтидан анча илгари бажарилганиги таъкидланади, сўзловчининг қатъий ишончи ифодаланади: *Киндик қони шунда тўкилгандир; бизнинг суюгимиз қотган шу ерда. (Ҳ.Олимжон).*

б) гумон, ноаниқлик маъноси ифодаланади. Бу вақтда гумон билдирувчи эҳтимол, балки каби сўз ҳам келиши мумкин: *Балки у ерларда кўп дилбар Манзаралар жила қылгандир. Овламоқчи бўлиб кўнглини, балки қушлар қанот қоқкандир...* (Уйғун) *Сизнинг фикрингизни, эҳтимол, ходимларингиз сўзсиз тушунишга ўрганиб қолгандир, лекин мен тушунмадим.* *Давомдаётган*

Эски ўзбек тилида, баъзан ҳозирги бадиий асрларда бу шакли билан параллел равишда -миш аффиксли сифатдошдан ясалган феъл шакли ҳам ишлатилади: *Қуёш ва юлдуздан яралган олам Зеҳним, хаёлимни этмишdir мафтун.* (Х.Олимжон).

2. **-ган**. шаклидаги сифатдош ва тўлиқсиз феълдан тузилган аналитик шаклни шахс-сон аффикси билан туслаш орқали ҳосил қилинади. Бунда тусловчи тўлиқсиз феълнинг шаклига қараб қўшилади:

Бирлик	Кўплик
I ш. <i>кел-ган эди-м</i>	<i>кел-ган эди-к</i>
II ш. <i>кел-ган эди-нг</i>	<i>кел-ган эди-нгиз</i>
III ш. <i>кел-ган эди</i>	<i>кел-ган эди-лар</i>

Бирлик	Кўплик
I ш. <i>кел-ган экан-ман</i>	<i>кел-ган экан-миз</i>
II ш. <i>кел-ган экан-сан</i>	<i>кел-ган экан-сиз</i>
III ш. <i>кел-ган экан</i>	<i>кел-ган экан-лар</i>

Бу шакл нутқ пайтига нисбатан анча илгари бажарилган ҳаракатни билдиради. Ҳаракат бажарилган пайт билан нутқ пайти чегарадош бўлмайди, бу иккала пайт ўртасида иккинчи бир ҳаракат бажарилган бўлиши ҳам мумкин (бу ҳол қўшма ғапларда учрайди). *Тоғадан, ўртоқларидан яширин бир-икки марта у билан кинога ҳам борган эди.* Ўша вақтларда яхшигини рўзгор тузиб, қўр-қут ортирган эканмиз, барис ҳалқнинг корига яради. (Ойбек).

Узоқ ўтган замон шакли тўлиқсиз феълнинг қайси кўринишни билан келишига қараб хилма-хил маъноларни билдиради. Тўлиқсиз феъл сифатида эди қатнашса, ўтмишда ҳаракатнинг аниқ бўлганлиги қайд қилинади: *Халқ*

қурилишларида ўн мингларча халқнинг баланд руҳини, фидокорлигини... Сайрамов кўп марта кўрган эди. (Ойбек).

Тўлиқсиз феъл сифатида экан қатнашса, ҳаракатнинг ўтмишда воқе бўлганлиги сўзловчига кейинчалик маълум бўлгани ифодаланади. Масалан: *Хуринисо опа ўқитган, кўп вақтлар тўппа тузук ўқитувчилик ҳам қилган эканлар.* (А.Қаҳҳор) Ҳеч ким эшишмаган экан. *Кўришмоқчи экан, нега келмади?*

Тўлиқсиз феъл сифатида эмиш келса, эшиштилганлик маъноси, ҳаракатнинг ўтмишда бўлган-бўлмаганлиги ноаниқ, гумон эканлиги ифодаланади. Масалан: *Бурун замон бир тул кампир бўлган эмиш. Қалби буткул газаб билан тўлган эмиш.* (Эртақдан). Султон Ҳазратларининг ўзлари ҳам оташ нафас шоир эшишлар. (Ойбек).

Ўтган замон ҳикоя шакли. Ўттан замоннинг бу тури -б (-иб) қўшимчаси орқали ясалган равишдош ва тўлиқсиз феълдан тузилган аналитик шаклни туслаш билан ҳосил қилинади:

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-иб эди-м	кел-иб эди-к
II ш. кел-иб эди-нг	кел-иб-эди-нгиз
III ш. кел-иб эди	кел-иб эди-лар

Бу шакллар нутқ пайтидан анча илгари бажарилган ҳаракатни ҳикоя қилиш йўли билан билдиради. *Шогирдимни Бешсеркага юбориб эдим.* (А.Қаҳҳор) *Биласизми, Комила ва Зайнаб опалар келиб эди.* (Ойбек) *Кўзим изингга, қулогим товушингга зор бўлиб ўтириб эдим, хайрият, келиб қолдинг.* (Ойбек).

Ўтган замон давом шакли. Бу шакл -р (-ар) (-мас) -ётган, -ётиб, -моқда қўшимчали феъл билан эмоқ тўлиқсиз феълдан тузилган аналитик шаклни туслаш билан ҳосил қилинади. Бунда ҳам тусловчи аффикслар, одатда, тўлиқсиз феълга қўшилади:

Бирлик	Кўплик
I ш. кела-ётган эдим	I ш. кела-ётган эдик
II ш. кела-ёттан эдинг	II ш. кела-ёттан эдингиз
III ш. кела-ёттан эди	III ш. кела-ёттан эди(лар)

Бирлик	Кўплик
I ш. кела-ётиб эдим	I ш. кела-ётиб эдик
II ш. кела-ётиб эдинг	II ш. кела-ётиб эдингиз
III ш. кела-ётиб эди	III ш. кела-ётиб эди(лар)
Бирлик	Кўплик
I ш. кел-моқда эдим	I ш. кел-моқда эдик
II ш. кел-моқда эдинг	II ш. кел-моқда эдингиз
III ш. кел-моқда эди	III ш. кела-моқда эди(лар)

Бу шакл нутқ пайтидан илгари маълум бир давр ичида давом қилиб турган ёки тақрорланиб турган ҳаракатни билдиради. Масалан: *Таёгини судраб, кўнгилсиз, Подагайдаб қирга кетарди, Майса гиламларга етарди.* (Уйғун) *Деворлар тагида адашиб бош кўтарган мунис майсалар эртага ҳор остида қолишидан бехабар яшнаб турарди.* (У.Хошимов).

Ўтган замон давом феъли қўйидаги маъно оттенкаларини билдиради:

а) ўтмишда маълум бир вақт узлуксиз давом қилиб турган ҳаракатни билдиради. *Ҳовуз бўйида, салқинда...* катта ёғоч каравотда бир неча киши дам олиб ўтиришар эди.

б) ўтмишда галма-гал тақрорланиб турган ҳаракатни билдиради. Эртакларга қулоқ тутардим. *Ҳаммасини тинглардим, аммо Ўхшашини топмасдим асло.* (Х.Олимжон).

Ўтган замон давом феъли шакли тўлиқсиз феълнинг қайси кўрининиши билан тузилишига қараб турлича модал маъноларни ифодалайди. Тўлиқсиз феъл сифатида эди қатнашса, ҳаракатнинг нутқ пайтидан илгари аниқ бажарилганлиги англашилади. *Саиданинг қаршисида истараси иссиқ, очиқ, хушчақчақ бир йигит ўтирас эди...* Унга қандай ва қайси тил билан миннатдорчилик билдиришни билмас эди. (А.Қаҳҳор)

Тўлиқсиз феъл сифатида экан қатнашса, ўтган замонда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг, ҳаракатнинг сўзловчига кейинчалик маълум бўлганлиги англашилади: *Мен у вақтларда юрагимдаги газаб ўтини қаерга сочишни билмас эканман.* (А.Қаҳҳор) Тўлиқсиз феълнинг эмиш шакли қатнашса, ҳаракатнинг ўтмишда бўлган-бўлмаганлиги

қурилишларида ўн мингларча ҳалқининг баланд руҳини, фидокорлигини... Сайрамов кўп марта кўрган эди. (Ойбек).

Тўлиқсиз феъл сифатида экан қатнашса, ҳаракатнинг ўтмишда воқе бўлганлиги сўзловчига кейинчалик маълум бўлгани ифодаланади. Масалан: *Хуринисо опа ўқитган, кўп вақтлар тўпта-тузук ўқитувчилик ҳам қилган эканлар.* (А.Қаҳҳор) Ҳеч ким эшишмаган экан. *Кўришмоқчи* экан, нега келмади?

Тўлиқсиз феъл сифатида эмиш келса, эшиштилганлик маъноси, ҳаракатнинг ўтмишда бўлган-бўлмаганлиги ноаниқ, гумон эканлиги ифодаланади. Масалан: *Бурун замон бир тул кампир бўлган эмиш. Қалби буткул газаб билан тўлган эмиш.* (Эртакдан). Султон Ҳазратларининг ўзлари ҳам оташ нафас шоир эмишлар. (Ойбек).

Ўтган замон ҳикоя шакли. Ўтган замоннинг бу тури –б (-иб) қўшимчаси орқали ясалган равишдош ва тўлиқсиз феълдан тузилган аналитик шаклни туслаш билан ҳосил қилинади:

Бирлик	Кўплик
I ш. <i>кел-иб эди-м</i>	<i>кел-иб эди-к</i>
II ш. <i>кел-иб эди-нг</i>	<i>кел-иб-эди-нгиз</i>
III ш. <i>кел-иб эди</i>	<i>кел-иб эди-лар</i>

Бу шакллар нутқ пайтидан анча илгари бажарилган ҳаракатни ҳикоя қилиш йўли билан билдиради. *Шогирдимни Бешсеркага юбориб эдим.* (А.Қаҳҳор) *Биласизми, Комила ва Зайнаб ошалар келиб эди.* (Ойбек) *Кўзим изингта, қулогим товушингга зор бўлиб ўтириб эдим, хайрият, келиб қолдинг.* (Ойбек).

Ўтган замон давом шакли. Бу шакл –р (-ар) (-ас) –ёттан, –ётиб, –моқда қўшимчали феъл билан эмоқ тўлиқсиз феълдан тузилган аналитик шаклни туслаш билан ҳосил қилинади. Бунда ҳам тусловчи аффикслар, одатда, тўлиқсиз феълга қўшилади:

Бирлик	Кўплик
I ш. <i>кела-ёттан эдим</i>	I ш. <i>кела-ёттан эдик</i>
II ш. <i>кела-ёттан эдинг</i>	II ш. <i>кела-ёттан эдингиз</i>
III ш. <i>кела-ёттан эди</i>	III ш. <i>кела-ёттан эди(лар)</i>

Бирлик
I ш. кела-ётиб эдим
II ш. кела-ётиб эдинг
III ш. кела-ётиб эди

Кўплик
I ш. кела-ётиб эдик
II ш. кела-ётиб эдингиз
III ш. кела-ётиб эди(лар)

Бирлик
I ш. кел-моқда эдим
II ш. кел-моқда эдинг
III ш. кел-моқда эди

Кўплик
I ш. кел-моқда эдик
II ш. кел-моқда эдингиз
III ш. кела-моқда эди(лар)

Бу шакл нутқ пайтидан илгари маълум бир давр ичида давом қилиб турган ёки такрорланиб турган ҳаракатни билдиради. Масалан: *Таёгини судраб, кўнгилсиз, Подагайдаб қирга кетарди, Майса гиламларга етарди.* (Уйтун) *Деворлар тагида адашиб бош кўтарган мунис майсалар эртага қор остида қолишидан бехабар яшнаб турарди.* (У.Хошимов).

Ўтган замон давом феъли қўйидаги маъно оттенкаларини билдиради:

а) ўтмишда маълум бир вақт узлуксиз давом қилиб турган ҳаракатни билдиради. *Ҳовуз бўйида, салқинда.. катта ёғоч каравотда бир неча киши дам олиб ўтиришар эди.*

б) ўтмишда галма-гал такрорланиб турган ҳаракатни билдиради. *Эртакларга қулоқ тутардим. Ҳаммасини тинглардим, аммо Ўхшашини топмасдим асло.* (Ҳ.Олимжон).

Ўтган замон давом феъли шакли тўлиқсиз феълнинг қайси кўриниши билан тузилишига қараб турлича модал маъноларни ифодалайди. Тўлиқсиз феъл сифатида эди қатнашса, ҳаракатнинг нутқ пайтидан илгари аниқ бажарилганлиги англашилади. *Сайданинг қаршисида истараси иссиқ, очиқ, хушчақчақ бир йигит ўтирас эди...* Унга қандай ва қайси тил билан миннатдорчилик билдиришни билмас эди. (А.Қаҳҳор)

Тўлиқсиз феъл сифатида экан қатнашса, ўтган замонда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг, ҳаракатнинг сўзловчига кейинчалик маълум бўлганлиги англашилади: *Мен у вақтларда юрагимдаги газаб ўтини қаерга сочишни билмас эканман.* (А.Қаҳҳор) Тўлиқсиз феълнинг эмиш шакли қатнашса, ҳаракатнинг ўтмишда бўлган-бўлмаганлиги

ноаниқ, гумон экани ифодаланади: *Битта ўзингиз ўттиз иккита машинага қарар эмишсиз.* (А. Қаҳдор).

Ўтган замон эшитилганлик шакли. Бу шакл -б (-иб) аффикси билан ясалган равишдошларга тегишли шахс-сон аффиксларини қўшиш билан тузилади:

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-иб-ман, ўқи-б-ман	кел-иб-миз, ўқи-б-миз
II ш. кел-иб-сан, ўқи-б-сан	кел-иб-сиз, ўқи-б-сиз
III ш. кел-иб-ди, ўқи-б-ди	кел-иб-ди-лар, ўқи-б-дилар

Ўтган замон эшитилганлик феъли сўзловчининг кўз олдида юз берган ҳаракатни эмас, балки ўтмишда бажарилиб, бошқалардан эшитилган ёки бошқа манбалар воситасида маълум бўлган ҳаракатни ифодалайди, Масалан: «*Буни омад дейдилар, ҳам иш ундирибсан, ҳам томоша қилибсан*», - деди Мирҳайдар. Бултур кузда тўй-томуша билан ўглингни уйлантирибсан, келин кўрибсан. (Ойбек).

Феълнинг ҳозирги замон шакллари

Феълнинг ҳозирги шакли ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда бажариладиганни билдиради. Бу феълларда ҳаракатнинг бажарилиши билан нутқ сўзланиши бир вақтда бўлади. Бу – унинг асосий хусусияти. Аммо ҳозирги замон шаклининг маъноси нутқ бошланиши ва тамом бўлиши билан чекланмайди, балки бошқа замон чегарасига ҳам ўтади. Жумладан, ҳозирги-келаси замон шакли, ҳозирги замон маъносидан ташқари, ҳаракатнинг нутқ пайтидан анча илгари бошланиб, нутқ сўзланиб бўлгандан кейин ҳам бир оз давом қилишини англатади, яъни уч замон доирасидаги ҳаракатни билдиради. Ҳозирги замон шакли, умуман, бир замон билан чегараланмайдиган, нутқ пайтидан олдин ҳам, кейин ҳам бўлиб турадиган ҳаракатни ифодалайди.

Ўз хусусиятига қараб феълнинг ҳозирги замон шакллари иккига бўлинади: а) аниқ ҳозирги замон шакллари; б) ҳозирги-келаси замон шакллари.

Аниқ ҳозирги замон шакллари. Булар тўрт йўл билан ясалади:

1. -а, -й аффикслари билан ясалган равищдошларга -ётир шакли ва тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан

Бирлик

I ш. кел-а-ётири-ман, ўқи-(й)-ётири-ман

II ш. кела-ё-тири-сан, ўқи-(й)-ётири-сан

III ш. кел-а-ётири, ўқи-(й)-ётири

Кўплик

I ш. кел-а-ётири-миз, ўқи-й-ётири-миз

II ш. кела-ё-тири-сиз, ўқи-й-ётири-сиз

III ш. кел-а-ётири-лар, ўқи-й-ётири-лар

Аниқ ҳозирги замоннинг бу шакли ҳаракатнинг нутқ пайтида бажарилаёттанигини билдириш билан бирга, унинг нутқ сўзланишидан олдинроқ бошланиб, нутқ пайтидан кейин ҳам озми-кўпми давом қилишини англатади. Кўм-кўк водийларда пўлат излардан Кечётир қора поезд учид, қарсилаб (Ҳ. Олимжон).

Равищдошга -ётиб аффиксини ва шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳам аниқ ҳозирги замон маъносига ифодаланади:

Бирлик

I ш. ёз-а-ётиби-ман

II ш. ёз-а-ётиби-сан

III ш. ёз-а-ётиби-ди

Кўплик

ёз-а-ётиби-миз

ёз-а-ётиби-сиз

ёз-а-ётиби(лар)

Бу шакл ҳозирги замон давом маъносини ҳам ифодалайди: Саида бир нима ёзаётibi, ёзган нарсани қизиқ бўлса керак, дамда-дам илжайиб қўяётibi. (А. Қаҳҳор) Вагонларни тўлдириб жўнаёттан одамлар орасида Розия гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай бораётibi. (П. Қодиров).

2. -а, -й аффикси билан ясалган равищдошга -яп аффиксини ҳамда тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ясалади:

Бирлик

I ш. кел-а-яп-ман - келяпман

II ш. кел-а-яп-сан - келяпсан

III ш. кел-а-яп-ти - келяпти

Кўплик

кел-а-яп-миз, келяпмиз

кел-а-яп-сиз, келяпмиз

кел-а-яп-тилар, келяптилар

Бирлик	Күплик
I ш. ўқи-й-яп-ман -ўқияпман	ўқи-й-япмиз - ўқияпмиз
II ш. ўқи-й-яп-сан - ўқияпсан	ўқи-й-яп-сиз - ўқияпсиз
III ш. ўқи-й-яп-ти - ўқияпти	ўқи-й-яп-ти-лар - ўқияптилар

Бораяпман, келаяпман шаклидаги феълларни адабиётларда равишдош ясовчи аффикссиз ёзиш учраяпти: *боряпти, келяпти, куляпти, куляпсиз, кетяпмиз* каби.

Бу шакл нутқ пайтидаги ҳаракатни таъкидаш, шу пайтда бўлаётган ҳаракатни билдиришга хизмат қилади: *Саксон отанинг кўзлари алланечук шириллаб кетяпти.* (Ойбек) *Манзурахон балерина бўлгани ўқияпти.* (А.Қаҳҳор)

Бу шакл ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин давом қилишини ҳам билдиради: *Инженерлар мукаммал терим машинаси яратиш учун қаттиқ ишлайти.* «Мана, ёз ҳам ўтяпти», - деди Сайрамов. (Ойбек).

3. Феъл асосига *-моқда* ва тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ясалади.

Бирлик	Күплик
I ш. кел-моқда-ман	кел-моқда-миз
II ш. кел-моқда—сан	кел-моқда-сиз
III ш. кел-моқда	кел-моқда(лар)

Бу шакл нутқ пайтида бажарилаётиб, ундан кейин ҳам бирмунча давом қиласидиган ҳаракатни билдиради. Бунда ҳам ҳаракатнинг бошланиши нутқ шатидан олдин бўлади.

Ҳозирги-келаси замон шакли. Бу шакл *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган равишдошларга тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади:

Бирлик	Күплик
I ш. кел-а-ман, ўқи-й-ман	кел-а-миз, ўқи-й-миз
II ш. кел-а-сан, ўқи-й-сан	кел-а-сиз, ўқи-й-сиз
III ш. кел-а-ди, ўқи-й-ди	кел-а-ди-лар, ўқи-й-дилар

Ҳозирги-келаси замон шакли бир неча маънода қўлланилади:

1. Нутқ пайтида бажарилаётган ва нутқ пайтидан кейин ҳам давом қилинадиган ҳаракатни билдиради. *Дарахтларнинг*

қубба-қубба меваларига... қизиқиб қарайди, ҳаяжон-ла хурсанд кишиларга тикилади, таниш-билишларни бирма-бир суриштиради. Ўқтамнинг елкасини саратон қиздиради. Томоги қақрайди. Ўқтин-ўқтин пишқириб бош силкиб ўргалаган от кўпикка беланади. (Ойбек).

2. Нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни – келаси замонни билдиради: У келади албат қошимга, Элга шодлик олиб келади. (Ҳ.Олимжон) – Дам олинглар, эртага кечқурун қирга бутдой ўрогига борасизлар. (Ойбек).

3. Замонда умумийлик маъносини билдиради: Бир парча ўт бўлиб бунда кун Пахтасига ишлайди ҳар кун (Ҳ.Олимжон) Самимий айтилган сўз содда бўлади. Чунки дилнинг ҳукмронлиги тиидан устун бўлади.

4. Нутқ пайтидан илгари бажарилган ҳаракатни – ўтган замонни билдиради. Бу вақтда ўтмишдаги воқеалар ҳозир рўй берадиганда ҳикоя қилинади: Пахта терими бошланади: юракларда меҳнат шавқи қайнайди, пахтазор узра қий-чув, кулги, қўшиқ янграйди. (Ойбек).

Феълнинг келаси замон шакллари

Феълнинг келаси замон шакллари нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни билдиради.

Келаси замон шакллари кўпинча ҳозирги замон шакллари билан боғланган бўлади Чунки ҳозирги замон феъл шакллари орқали ифодаланган ҳаракат асосан нутқ пайтида тутгалланиб қолмай, ундан кейин, яъни келаси замонда давом қилиши мумкин бўлган ҳаракатни билдиради.

Келаси замон шакллари иккига бўлинади: а) аниқ келаси замон шакли; б) келаси замон гумон шакли.

Аниқ келаси замон шакли. Келаси замоннинг бу шакли қўйидагича ясалади:

1. Феъл ўзагига -ажак (-яжак) аффиксини ҳамда тегишли шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади:

Бирлик

- I ш. кел-ажак-ман, ўқи-яжак-ман
II ш. кел-ажак-сан, ўқи-яжак-сан
III ш. кел-ажак, ўқи-яжак

Кўплик

- кел-ажак-миз, ўқи-яжак-миз
кел-ажак-сиз, ўқи-яжак-сиз
кел-ажак-лар, ўқи-яжак-лар

Бу шакл ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин аниқ бажарилишини билдиради. Ҳаракат ҳозирги замон билан боғлиқ бўлмай, нутқ пайтидан сўнг амалга ошади: *Ботирлар халқнинг хотирасида ҳамиша яшаяжаклар*. (*Ойбек*) *Барча халқ ҳам ўз она-юрг боғида дилшод Хирмон-хирмон кўтаражак умид донасин.* (*Г.Гулом*).

Аниқ келаси замон феъли ҳаракатнинг бажарилиш пайти нуқтаи назаридан қўйидаги отгенкаларни билдиради: а) замонда давомлиликни, яъни нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатнинг бирмунча давом қиласланигини билдиради: *Кураш давом этмоқда ва давом этажак* (*Ойбек*); б) қатъийлик маъносини, яъни ҳаракатнинг нутқ пайтидан кейин қатъий бажарилишини таъкидлайди: «*Уруш бўлмаяжак*», - деркан оналар, *Бу овоз кўрсатар ҳаётий кучин.* (*Зулфия*).

2. Феъль асосига *-гу* (-гу, -ку, -қу) ва тегишли шахс-сон аффиксларини қўшиш билан ясалади; нутқ пайтидан кейин бажариладиган ҳаракатни таъкидлаш учун *-дир* аффикси ҳам қўшилади.

Бирлик	Кўплик
I ш. <i>кел-гу-м(дир)</i>	<i>кел-гу-миз(дир)</i>
II ш. <i>кел-гу-нг(дир)</i>	<i>кел-гу-нгиз(дир)</i>
III ш. <i>кел-гу-си(дир)</i>	<i>кел-гу-си(дир)</i>

Бу шакл кўпроқ эски ўзбек тилида ишлатилган. Шунинг учун *тарихий* келаси замон шакли ҳам дейилади. Ҳозирги адабий тилда эса оз учрайди: *Бўйлари барваста, қошлиари қундуз, Нима қилсан сени айлагумдир* шод. (*Уйгун*).

3. Феъль асосига *-тай* ва тегишли шахс аффиксларини қўшиш орқали ясалган шакл ҳам нутқ пайтидан кейин аниқ бажариладиган ҳаракатни билдиради. Бунда қатъийлик, ишонч, орзу маънолари таъкидланади. Бу ҳам тарихий шаклга айланади: *Бир халқнинг азиз умрин, авлодин, истиқболин Ҳечга чиқаролмагай ҳеч қандай қонли шамшир.* (*Г.Гулом*). Қонга тўлгай, жангта ботир кирса, сўлу-соглар. (*Х.Олимжон*).

Келаси замон гумон феъли. Бу шакл *-(а)р* аффиксини қўшиш ва тегишли шахс-сон аффикси билан туслаш орқали ҳосил бўлади:



Бўлишлни шакл

Бирлик	Кўплик
I ш. ўқи-р-ман, кел-ар-ман	ўқи-р-миз, кел-ар-миз
II ш. ўқи-р-сан, кел-ар-сан	ўқи-р-сиз, кел-ар-сиз
III ш. ўқи-р, кел-ар	ўқи-р-(лар) кел-ар-(лар)

Бўлишсиз шакл

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-мас-ман	кел-мас-миз
II ш. кел-мас—сан	кел-мас-сиз
III ш. кел-мас	кел-мас(лар)

Q S -

Бу шаклнинг асосий хусусияти ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида гумон, тахмин билдиришдан иборат: *Минг машаққат билан тўпланган қоғозларингизни сақлаб қолай, эсдалик бўлиб қолар. Мана энди у намунали ферма тузиш тилагига ҳам эришар.* (*Ойбек*).

Баъзан бу шакл замон билан чегараланмаган, доим бўлиб турадиган ҳаракатни англатади: *Қорли тоглар турар бошида, Гул водийлар яшнар қошида. (Х.Олимжон) Дарё сувни баҳор тоширад, Одам қадрин меҳнат оширад. (Мақол).*

Эски ўзбек тилида, баъзан ҳозирги бадиий адабиётда ҳам —ар аффикси —ур тарзида қўллади: *Уйимизни ёритур ҳар кимнинг ўз меҳнати. (Г.Гулом) Қиз деган кўнгилнинг қонидан бўлур, Бўй етиб, бошқа уй эгаси – бека. (Г.Гулом).*

ФЕЪЛНИНГ ШАХС – СОН КАТЕГОРИЯСИ

Маълумки, ҳар бир майл турида ҳаракатнинг бажарувчиси ҳам кўрсатилади. Унинг бажарувчиси сўзловчи, тингловчи ёки ўзга (суҳбат чоғида қатнашмаган шахс) бўлиши мумкин. Бу маънолар махсус формант ёрдамида ифодаланади. Шахс билдирувчи формантлар айни вақтда бажарувчининг сон-миқдорини ҳам ифодалайди.

Демак, ҳаракатнинг бажарувчиси шахсга ва бу шахснинг сон миқдорига муносабати шахс-сон категорияси ҳисобланади. Бу маъноларни ифодаловчи шахслар шахс-сон шакллари дейилади.

Маълумки, феъл шахс-сонда ўзгаради, яъни тусланади. Феъл туслангандаги ҳаракатнинг қайси шахс томонидан

бажарилганини ёки инкор этилишини кўрсатади. Бундай пайтда айни бир аффикс бажарувчининг миқдорини ҳам билдиради. Шунинг учун бундай аффикс шахс-сон аффикси дейилади.

Феълнинг шахс-сонда ўзгариши тусланиш дейилади. Узбек тилида тусланишнинг 3 тизими бор.

I тусланиш тизими

Бирлик

I ш. - *ман* (*бор-ган-ман*, *бор-иб-ман*)

II ш. - *сан* (*бор-гансан*, *бор-иб-сан*)

III ш. - *ди* (*ноль*) (*бор-ган*) (*бор-иб-ди*)

Кўплик

I ш. - *миз* (*бор-ган-миз*, *бор-иб-миз*)

II ш. - *сиз* (*бор-ган-сиз*, *бор-иб-сиз*)

III ш. - *ди(лар)* ёки *ноль* (*лар*) *бор-ган-лар*, *бор-иб-ди* (*лар*).

Демак, бу тусловчи аффикслар равишдош, сифатдош шаклларини туслашда ишлатилади.

II тусланиш тизими

Бирлик

I ш. - *м* (*олди-м*)

II ш. - *м* (*олди-нг*)

III ш. - *ноль* (*олди*)

Кўплик

-*к* (*олди-к*)

-*нгиз* (*олди-нгиз*)

-*ноль* (*лар*) (*олди*) (*лар*)

Иккинчи тусланиш аффикслари шаклан эгалик аффиксларига ўхшайди: *олди-м*, *олди-нг*, *бала-м*, *бала-нг*. Лекин буларнинг бири феълга қўшилиб, ҳаракатнинг қайси шахс томонидан бажарилганини билдиради, иккинчиси эса отта қўшилиб, предметнинг қайси шахсга қарашиб эканини билдиради. Феълда 3 та шахс ва 2 та (бирлик-кўплик) сон бор.

I шахс. тусловчиси ҳаракатнинг бажарувчиси - сўзловчининг ўзи эканлигини билдиради. Масалан: *келдим-келдик*, *ўқидим*, *ўқидинг*.

II шахс тусловчиси сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни билдиради. (тингловчи). Масалан: *келди-нг*, *келди-нгиз*, *ўқидинг*, *ўқидингиз*.

III шахс тусловчиси ўзга, сұхбатда бевосита иштирок этмайдыган шахсни билдиради. Масалан: *келди-келди-лар, ўқиди-ўқидилар*. Феълнинг I ва II шахс шакли кишиларга нисбатан, III шахс шакли эса киши ва предметларга нисбатан құлланади. (*гуллади, очиди каби*).

III тусланиш тизими

Бирлик

I шахс -ай (ин) (бор-ай-ин), ишла-й-ин.

II шахс -гин ёки ноль (бор)-гин (ишла)-гин

III шахс -син бор-син, ишла-син.

Күплик

I шахс - айлик, -йлик (бор-айлик, ишла-йлик).

II шахс -ингиз, нгиз (лар) (бор-ингиз) лар - ишла-нгиз (лар).

III шахс - син (лар). бор-син(лар), ишла-син(лар).

Учинчи тусланиш аффикслари асосан буйруқ-истак майдидаги феълларни туслайди. Феълнинг шахс-сон шакллари фақат ўз маъноларидағина эмас, балки бири иккинчиси ўрнида ҳам құлланади. Масалан, шахснинг күплик шакли I шахснинг бирлиги ўрнида құлланади. Бу вақтда сўзловчининг камтарлиги ёки магурланиши ҳолати англашилади. Масалан: *Ўзларидан сўрасак. Табриклийиз.*

II шахснинг күплик шакли II шахснинг бирлиги ўрнида құлланыб, бирор шахсга нисбатан ҳурмат ёки пиchinг маъносини англатади. Масалан: *Кечирасиз, бу ерларга биринchi келишингизми?*

Айрим ҳолларда II шахснинг бирлик шакли III шахснинг бирлиги ўрнида құлланышы ҳам мумкин. Масалан: *Пахтакорларимизнинг меҳнат самараларини күриб қойил қоласан киши.*

Учинчи шахснинг күплик шакли ё ҳурмат, ё кесатиш маъносида шу шахснинг бирлиги ўрнида құлланышы мумкин. Масалан: *Дадам келдилар. Ўзлари гапирсынлар.*

III шахснинг күплик шакли II шахснинг бирлик ўрнида құлланыб, күпинча ҳурмат, баъзан кесатиш маъносини ифодалайди. Масалан: *Қани, тўрга ўтсинлар. Хўп орзулар*

ушалди – ўқидинглар, битирдинглар, ишга ҳам кирдинглар, ишлаб анча ойлик олдинглар. (А.Қаҳҳор).

Феълинг функционал шаклари

Феъл туркуми бир қанча нокатегориал шакларга эга бўлиб, улар ҳаракат ва ҳолатнинг турлича белги-хусусиятларини билдиради. Бу нокотегориал шаклларнинг бир гуруҳи маълум вазифани бажаришга мослашган бўлса, иккинчи бир тури турли хил модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қиласи. Феълинг нутқда маълум бир вазифани бажаришга мослашган шакллари функционал шаклар ҳисобланади. Феъллар тўрт хил функционал шаклга эга: *соғ феъл, ҳаракат номи, сифатдош, равищдош.*

Феълинг функционал шакллари асосий хусусиятларига кўра икки турли бўлади.

1. Феълинг маълум бир вазифа учун хосланган шакллари.
2. Ҳаракатнинг турли ҳаракетистикасини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи шакллар.

Соғ феъл (кесимлик шакли). Бу шакл гап ичида феъл-кесим вазифасини бажарадиган феъл шаклидир. Соғ феъл бошқа шакллардан шуниси билан фарқланадики, у феълга хос бўлган барча грамматик хусусиятларни (бўлиши-бўлишсизлик, ўтимли-ўтимсизлик, замон, шахс-сон, майл, нисбат ва х.) ўзида акс эттира олади: *У ёзди* (бўлиши, ўтимли, яқин ўтган замон шакли, З-шахс бирлик шакли, аниқлик майли, аниқ нисбат, кесим вазифасида).

Ҳаракат номи. Ҳаракат номи феълинг функционал шакларидан бири бўлиб, ҳаракат ва ҳолатнинг номини билдиради, гапда отта хос вазифаларда келади. Ҳаракат номи феъл ва отга хос грамматик белгиларга эга, яъни бир томондан феъл каби: а) мазмунан ҳаракат билдиради; б) ўтимли-ўтимсиз хусусиятини кўрсатишга эга; в) дараҷа (нисбат) категориясига эга; г) бошқа феъл шакллари каби келишикларни бошқариб келади ва равищдошлар орқали аниқланади: *Тинчлиқда яшамоқ чинакам ҳаёт.* (Г.Гулом). *Машинага ўтириш олдидан дўстилар яна ҳаяжон билан кўришдилар.* (Ойбек) *Олимжон ҳовлидан чиқиши билан қаттиқ изгиринга дуч келди.*

Иккинчи томондан эса от каби: а) келишик ва эгалик аффиксини олиб турланади; б) гапда от бажарган вазифада – эга, тўлдирувчи, қаратувчи ва кесим вазифасида келади: *Ўқтам икки қўли билан илдам ва саралаб теришга тиришар эди. (Ойбек). Гапни ўйлаб гапир, катталарнинг насиҳатини сабр-тоқат билан тинглашта одатлан. (Мирмуҳсин).*

Ҳаракат номи қўйидагича ясалади:

1. Феъл асосига –(и) ш қўшимчасини қўшиш билан *келиш, ёзиш, бориш, чиқиш, ишлаш* каби. Ҳозирги ўзбек тилида – (и) ш аффикси билан ясалган ҳаракат номи жуда кўп ишлатилади. Қадимги ўзбек тилида эса анча кам қўлланган. Масалан: *Кузда тонналаб олинадиган ҳосилни граммлаб-граммлаб ундириш палласи ҳозир. (Ойбек)* *Қутидор меҳмонларни жўнатиб, ётиш учун ечинар экая, Офтобойим сўради... (А.Қодирий)* 2. Феъл асосига – (у) в қўшимчасини қўшиш билан: *борув, келув, чиқув, ишлов* каби. – (у) в билан ясалган ҳаракат номи ҳозирги ўзбек тилида жуда кам ишлатилади: *Нури ўз режасининг бундай қулай амалга ошувидан ҳадсиз севинди. (Ойбек)* *Сайёра кечада болалар билан бўлган учрашувини гапириб берди. (О.Ёқубов).*

3. Феъл асосига –моқ аффиксини қўшиш билан: *келмоқ, бормоқ, ишламоқ, айтмоқ* каби. Бу ҳаракат номи бўлишсиз шакла эга эмас: *Дамлар мазмунини қамраб олмоққа Дунёдай каттакон китоб керақдир. (Ғ.Гулом)* –моқ аффикси билан ясалган номи эски ўзбек тилида фаол қўлланган. Ҳозирги ўзбек тилида эса нисбатан камроқ ишлатилади. –моқ қўшимчasi қадимги ёдгорликларда ва эски ўзбек тилида –мак шаклида ҳам ишлатилган. Бу шакл баъзан ҳозирги адабий асарларда ҳам учрайди: *Минг йил нари-бери ўттан ақллар яшамак сирини билдирав, холос. (Ғ.Гулом).*

– (и) ш, – (у) в аффикслари билан ясалган ҳаракат номлари отта жуда яқин туради. Шунинг учун булар орқали ясалган сўзларнинг баъзилари ҳам ҳаракат номига, ҳам отга тенг келади: *уйланиш* (*уйланмоқ ва женинъя маъносида*), *учрашув* (*учрашмоқ ва встреча маъносида*), ёзув (*ёзмоқ ва письмо*), *сайлов* (*сайламоқ ва выборы маъносида*) каби. –моқ аффикси билан ясалган ҳаракат номи эса кўпроқ феълга

яқин туради. Шунга кўра у шартли равишда феълнинг ноаниқ шакли, инфинитив деб ҳам юритилади.

Ҳаракат номининг эгалик билан турланиши отлардан фарқ қиласди. Жумладан, ҳаракат номи эгалик аффиксини олганда, кўпинча ҳаракатнинг бажарувчисини билдиради: *Сайд кабинетдан чиқиши билан бу гапларни унуди. (А.Қажхор) Хизматдан қайтишида Шукур Каримович таклифи билан Умид унинг машинасига чиқди. (Мирмуҳсин)*.

Ҳаракат номи шаклидаги феъл гапда эга, тўлдирувчи, қаратувчи, кесим вазифасида келади: *Эшикнинг қўққисдан очилиши хотинларни чўччишиб юборди. (А.Қодирий)*. У меҳрибон она билан ҳазиллашишни, унинг жигига тегишини яхши кўради. (Ойбек) Ҳар бир ота-она ўз фарзандини жондили билан севади ва унинг жамиятга фойдали киши бўлиб етишувини истайди. (Газетадан.)

Сифатдош. Сифатдош феълнинг функционал шаклларидан бири бўлиб, нарсанинг ҳаракат ва ҳолат белгисини кўрсатади, одатда, сифатловчи вазифасида келади.

Сифатдошнинг белгилари:

а) ҳаракат тушунчасини англатади. Масалан: *У доимо изланадиган, доимо ҳаракатда бўлган, парвозга чоғланган илгор кишиларимиздан бири. (И.Раҳим) Ҳаётда туттан нарсани қўймайдиган нозик, аммо забардаст қўллар ҳам бўлади (С.Зуннунова);*

б) нисбат, ўтимили-ўтимсизлик, бўлишли-бўлишсизлик маъноларини ифодалайди. Масалан: *Тирқишдан қараб турган Ҳаёт ўзини четта олди. (М.Исмоилий) Сиз жуда ҳадиксирайдиган одам экансиз-ку! Кийинган бола (ўзлик), ўқилган китоб, чақирилган меҳмон (мажхул) каби;*

в) бошқа сўзларни бошқариб келади: *Анорхон ўз Ватанини чин юрақдан севган, ўз ишига кўнгил қўйган қиз. (И.Раҳим);*

г) шахс ва нарсанинг ҳаракат билан боғлиқ белгисини билдириб, гапда сифатловчи вазифасида келади, шаклан ўзгармайди: *Дўстлик бўлмаган жойда ишнинг ривожи ҳам бўлмайди. (С.Зуннунова)*

д) отлашиб кела олади. Бу вақтда от сингари келишик, эгалик аффиксларини қабул қиласди ва шунга мос вазифада келади: *Мақтанганинг уйини, керилганинг тўйини кўр.*

(Мақол) Вижданим буюрганин Шу шеърда ёза олсам,
Виждандек дуруст бўлур. (Ғ.Ғулом);

е) шахс-сон аффикси билан тусланиб, феълнинг аниқлик майлига хос замон шакларини ҳосил қиласди: *Тогни тоҳ-тоҳ мана шундай узоқдан томоша қиласман, яқиндан сира кўрмаганман.* (Ойбек) Нариги ёқдаги гўзал фавворалар қурилиши энди бошланган. (П.Қодиров).

Сифатдош, асосан, куйидаги қўшимчалар билан ясалади:

1. *-тан* (-кан, -қан). Бу қўшимча нутқда энг фаол қўмланади: *келган, ўқиган, кулган, ёзилган, эккан, чиққан* каби;

2. *-диган, -ёттан*. Бу аффикслар *-тан* аффикси билан боғланган: *келадиган, келаёттан, ўқийдиган, ўқиёттан, ёзиладиган, ёзаёттан* каби.

3. *-р (ар); оқар (сув), кўрар (кўз), учар (қуш), еяр (огиз)* каби. Бўлишсиз шаклда аффиксдаги *r* товуши с та айланади: *келар-келмас, билар-бilmас* каби. *Она севмас фарзанд топилмас, Фарзанд йўқдир онани севмас.* (Ҳ.Олимжон) Бу шаклдаги сифатдошнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари биргаликда феълга, баъзан отга боғланиб, ҳаракат қилаётган нарсанинг белгисини билдиради ва ҳол, сифатловчи бўлиб келади: *У истар-истамас сўз бошлади. уни кўрар-кўрмас гапириб кетди. Арслонбек ака, бўлар-бўлмас гапларга қулоқ солмай, маслаҳатлашиб ишласак бўлмайдими?* (А.Қаҳҳор).

4. *-ажак*: *боражак (ер), бўлажак (ҳосил), келажак (замон), ёзилажак (шеър)* каби.

5. *-туси, - гуси, келгуси (авлод), бўлгуси (иш)* каби. *- (а)жак, -туси, -гуси* билан ясалган сифатдошлар ҳозирги ўзбек тилида архаик ҳисобланади.

6. *-(у)вчи*: *келувчи, кутувчи, бошловчи* каби. Бу сифатдош нарсанинг доимий ҳаракат белгисини билдиради: *Пишқирувчи ваҳший дарёга кўрсатилар тамом янги йўл* (Ҳ.Олимжон) *-(у)вчи* аффикси билан ясалган сифатдошларнинг бир қисми отга кўчган: *ўқувчи, ўқитувчи, ёзувчи, қурувчи, кузатувчи* каби.

Сифатдош отлашади. Бу вақтда сифатдош келишик, эталик ва грамматик сон аффиксини олиб, эга, тўлдирувчи ва қаратувчи вазифасида келади: *Ҳаётни севганлар, баҳти севганлар Дўстлик қўшигия куйлаши керак.* (Ўйгун) *Кўпчиликнинг юзига оёқ босганинг жазоси шу.* (Ўйгун).

Равищдош. Равищдош, асосан, бошқа бир феъл англаттан ҳаракатдан олдин бўлган ёки у билан бир вақтда бажариладиган ҳаракатни кўрсатади, асосий ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдиради, эргаш гапнинг кесими вазифасида ва ҳол вазифасида келади.

Равищдошнинг белгилари:

а) ҳаракат тушунчасини англатади: *Гуломжон таниш товушни эшишиб ҳушига келди* (*М.Исмоилий*);

б) ўтимли-ўтимсизлик, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик маъноларини ифодалайди: *Мастура лабинни буриб, ниманидир пичирлаб тескари қаради*. (*Ойбек*) *Гуломжон отаси ёнида туриб атрофга қаради* (*М.Исмоилий*);

в) бошқа сўзларни бошқариб келадиб Богдаги мевалар қуёш меҳрига тўйиб, серэт, серсув ва ширин бўлди. (*И.Раҳим*) Ўқтам маънодор илжайиб, унинг ҳаракат ва қилиқларини кузатиб турди (*Ойбек*);

г) баъзан қиёсий даражага аффикси (-роқ) ни қабул қиласи: Унинг баъзи қилиқлари сеникига ўхшаброқ кетади. (*Ойбек*) Мулла Обид иккиланиброқ яна бояги жойига борди. (*А.Қодирий*)

д) феълга боғланиб, ҳаракатни иккинчи бир ҳаракат белгиси сифатида англатади ва гаща ҳол бўлиб келади, бу вақтда шахс-сон билан тусланмайди: *Кўм-кўк водийларда пўлат излардан Кетаётир қора поезд учиб, қарсиллаб* (*Ҳ.Олимжон*);

е) қўшма феъл, аналитик шакл таркибида биринчи компонент бўлиб келади: *Тилини тишлаб олган одам тишини сугуриб ташламайди*. (*А.Қаҳҳор*) Агар бир-бири мизни ҳурмат қила билсак, қадрдан ҳам бўлиб қоламиз. (*Ойбек*) Мулла Обид парвосизгини илжайиб қўйди. (*А.Қодирий*);

ж) қўшма гап таркибидаги гапнинг шахс кўрсатмайдиган кесими бўлиб келади: *Шамол қўзгалиб, дарахтларнинг учи силкина бошлади*.

Равищдошлар қуйидаги қўшимчалар билан ясалади:

1. Феъл асосига -б (-иб) қўшимчасини қўшиш билан.

Бу шакл бошқа бир ҳаракатдан олдин ёки у билан бир вақтда бажариладиган ҳаракатни англатади. Бунда у ҳол вазифасида келади: *Саида Қалаңдаровнинг кабинетидан вақти чоғ бўлиб чиқди, шошилмай мажлисни ўтказиш*

режасини тузди. (A.Қаҳҳор) Зайнаб ювошгина кулиб, қизариб чамадончасини күча ўртасига қўйди.

Равишдош такрорланган ҳолда ишлатилиб, ҳаракатнинг давомли эканлиги, такрорланиб турганлигини билдиради: Илк қор ўйнаб-ўйнаб ёғар эди. (A.Мухтор) Қизгиз тутун буралиб-буралиб осмонга кўтарила бошлиди. (A.Қаҳҳор)

Аналитик феъл шаклларининг етакчи қисми кўпинча – (и)б равишдоши шаклида келади: Гуломжон отасининг овозини эшитиб бир сесканиб тушди. (M.Исмоилий).

2. Феъл асосига –а, –й қўшимчасини қўшиш билан. Бу шакл кўпинча ҳозирги ўзбек тилида якка ҳолда қўлланмайди, такрорланиб келиб, асосий ҳаракатнинг қайтарилиб, давом қилиб туришини билдиради: Бугун журналдаги расмининг тикила-тикила беихтиёр хўрсиниб қўйди. (Ойбек) Натижа, сабаб маъноларини ҳам билдириб келади: Гулнорнинг эгнида калтагина лапис камзул ювилавишилә юпқаланган. (Ойбек).

Бу равишдошнинг бўлишсиз шакли –ма аффикси билан ясалади (келмай, олмай, ўқимай) ва –б (–иб) равишдошининг бўлишсиз шаклига мос келади: Бизга меҳмон бўлмай жўнаб қолсангиз, қаттиқ хафа бўламан. (Ойбек).

«Феъл-феъл» тузилишига эга баъзи аналитик шаклларда биринчи компонент шу равишдоши шаклида келади: айта қол, ўқий бошлиди каби.

3. Феъл асосига – гани (-кани, -қани) аффиксини қўшиш билан. Бу равишдошлар ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдиради: Улуг мукофот олганингизни эшитиб, сизни табриклагани келдик. (Ойбек) Мен бугун юрагимни очиб гапиргани келдим. (Уйғун)

4. Феъл асосига –тач (-кач, -қач) аффиксини қўшиш билан. Бу равишдош асосий ҳаракатнинг равишдош ифодаланган ҳаракат тугаши билан бошланишини билдиради: Раъно кўчага чиққач, қадамини тезлатди. (O.Ёқубов) Саида ҳужрасига киргач, ўзини каравотта ташлаганича, икки соатча ухлади. (A.Қаҳҳор)

5. Феъл асосига –тунча (-кунча, -қунча) аффиксини қўшиш билан. Бу равишдош ҳаракатнинг қай вақттacha давом этишини билдиради: Орадаги сўзсизлик бир пиёладан чой ичтунча бузилмайди. (A.Қаҳҳор) Комила келгунча токчадаги китоблардан бирини олиб ўқишига киришди.

II. Ҳаракатнинг ҳаракетистикасини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи шакллар

Феълнинг бу шакллари ҳаракатнинг миқдорий белгиси, унинг бажарилиш тусини, ҳаракатнинг бажарувчи томонидан турлича баҳоланиши сингари модал маъноларни англатади. Феълнинг модал шакллари тузилиш жиҳатидан синтетик шакл ва аналитик шаклга бўлинади.

Синтетик шакллар

Синтетик шакллар ҳаракатнинг миқдорий тавсифини билдиради, унинг давомлилиги, такрорийлиги ва кучсизлиги каби модал маъноларни ифодалайди. Бу шакллар қўйидаги аффикслар билан ясалади:

1) -ла. Бу аффикс феъл асосига қўшилиб, такрор маъносини билдиради: *ишқа* – *ишқа-ла*; *қув-қув-ла*; *сава* – *сава-ла*; *чўқи-чўқи-ла* каби. Яна ёнма-ёп кета бошлидик. Қисқарип қолган *кўланкаларимизни* *қувлаймиз*. (*С.Анорбоев*);

2) -гила (-кила, -қила) аффикси ҳам ҳаракатнинг давомлилиги, такрор маъноларини билдиради: *эз-эзгила*; *турт-турт-кила*; *теп-теп-кила*, *торт-торт-қила* каби. *Сочларимдан тортқилар шамол*. (*Қўшиқдан*);

3) -(и)мсира, -(и)нқира аффикслари ҳаракатнинг кучсизлигини, унинг одатдаги ҳолатта етмаганлигини билдиради: *йигла* – *йигла-мсира*; *кул-имсира*, *оқар-инқира* каби: *Мулла Обид илжайинқираб бош иргади*. (*А.Қодирий*) Давлетбеков ўзини камтар тутиб бир четда *кулимсираб турар эди*. (*П.Қодиров*);

4) -(и) ш аффикси ҳам одатда ҳаракатнинг кучсиз даражада эканини билдиради: *оқар* – *оқар-иш*; *тўл* – *тўл-иш* каби: *Дарёларнинг ул юзида уйларингиз*, *оқаришиб кўринади бўйларингиз*. (*Қўшиқдан*) *Машраб қандайdir ўзгарган, тулишган, вазминлашган, чеҳрасида маъюс бир ўйчанлик пайдо бўлганди*. (*О. Ёқубов*).

Аналитик шакллар

Аналитик шакллар ҳам ҳаракатнинг *бажарилиш, тақориийлик, давомлилик, бошланиш* каби турлича маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Бу хил модал маънолар асосий (етакчи) феълга бирикиб келган ёрдамчи феъл билан ифодаланади. Бундай анализик шакллар ўз хусусиятига кўра икки турга бўлинади:

- 1) кўмакчи феълли анализик шакл;
- 2) тўлиқиз феълли анализик шакл.

Кўмакчи феъл

Кўмакчи феъллар ҳаракатнинг турлича характеристикасини кўрсатувчи, шунингдек, турли модал маъноларни ифодаловчи шаклларини ясаш учун хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек тилида бутунлай кўмакчи феълга айланган (мустақил маъносини йўқотиб, фақат кўмакчи феъл сифатида қўлланадиган) феъл йўқ. Айрим мустақил феъллар кўмакчи феъл вазифасида ҳам қўлланади ва турли-туман маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Кўмакчи феъл боғланиб келган мустақил феъл *етакчи феъл* деб аталади: *айтиб берди* (*айтиб* – етакчи, *берди* – кўмакчи), *сездириб қўйди* (*сездириб* – етакчи, *қўйди* – кўмакчи) ва б.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўйидаги феъллар кўмакчи феъл вазифасида ҳам қўлланади: *бошла, ёт, тур, юр, ўтири, бўл, бит (битир), ол, бер, қол, қуй, чиқ, бор, кел, кет, юбор, ташла, сол, туш, ўл, ўт, ет, кўр, қара, боқ, ёз*.

Кўмакчи феълларнинг ҳар бири ўзига хос маъно ва бошқа хусусиятларга эга. Лекин улар учун умумий ҳолатлар ҳам бор.

Кўмакчи феъллар етакчи феъл билан асосан – *(и)* б ёки –*a*, –*й* равишдош ясовчилари ёрдамида бирикади. Баъзи кўмакчи феълларгина етакчи билан грамматик шакл ёрдамида бирикади. Кўмакчи феъл етакчи феъл билан равишдош шакли орқали бирикканда, тусловчи формантлар кўмакчи феълга қўшилади. Етакчи феълга грамматик шакл ёрдамисиз бирикканда эса етакчи ва кўмакчи феъл бир хил шаклда бўлади: *ёзиб олдим, ёзиб олдинг, ёзиб олди; ёза*

олдим, ёза олдинг, ёза олди; ёздим-олдим, ёздинг-олдинг, ёзи-олди каби.

Баъзи кўмакчи феъллар, келтирилган мисоллар каби, етакчи феълга ҳар уч шаклда бирикади, баъзилари эса фақат равишдош шакли ёрдамида бирикади: *ўқиб чиқди, ёза бошлади*. Булардаги чиқ, бошла кўмакчи феъллари етакчи феъл билан *ўқиди-чиқди, ёзди-бошлади* шаклида бирикмайди.

Айрим кўмакчи феъллар етакчи феъл билан -(и) б, -а (й) равишдош ясовчилари ёрдамида, баъзилари эса фақат - (и) б ёки -а, -й шакллари ёрдамида бирикади. Масалан, бер кўмакчи феъли равишдошнинг ҳар икки шаклига бирика олгани ҳолда, қара кўмакчи феъли фақат - (и) б қўшимчали равишдош шаклига, ёз кўмакчиси эса фақат -а қўшимча равишдошга бирикади: *ўзиб бер - ёза бер, ўқиб қара, йиқила ёзди*.

Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг асосий қисми етакчи феъл билан - (и) б равишдош ясовчиси орқали бирикади. Етакчи феълга -а, -й равишдош ясовчиси ёрдамида бирикувчи кўмакчи феъл учтагина: *бошла, бил, ёз (айта бошлади, ёза билди, тўкила ёзди)*.

Етакчи феъл билан равишдошнинг ҳар икки тури ёрдамида бирика оладиган кўмакчи феъллар - (и) б қўшимча ёрдамида бирикканда бошқа маънино, -а, -й аффикси ёрдамида бирикканда бошқа маънино ифодалайди. Қиёсланг: *ўзиб олди - ёза олди, келиб қолди - кела қолди, айтиб кўр - айта кўрма*.

Кўмакчи феълларнинг баъзилари бир маъноли, асосий қисми эса бирдан ортиқ маънолидир. Бирдан ортиқ маъноли кўмакчи феълларнинг қайси маънода қўллангани гапда, контекстда реаллашади. Қиёсланг: *Сабр қил, хотин, еб турган гўштимиз бор. Ўғлинг келган куни сўяман, деб кўнглимдан ўтказиб қўйибман. (Ш.) Гўзал қўлидаги гулдастани, адашиб қолдими, она тили ўқитувчисига бериб қўйди. (Р.Файзи)*.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган аналитик шаклларда кўмакчи феъл бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳам ҳар бир кўмакчи феъл ўзидан олдинги феъл билан равишдош шакли ёрдамида бирикади: *айтиб бериб тура қол*.

Кўмакчи феъл ёрдамида ясалувчи аналитик шаклнинг бир етакчи ва бир кўмакчи феълдан ҳосил бўлган тури жуда кўп қўлланади. Икки ва ундан ортиқ кўмакчили шакли кам учрайди.

Бирдан ортиқ кўмакчи феъл қатнашган шаклда ҳар бир кўмакчи феъл ўз маъноси билан қатнашади. Аналитик шакл таркибидан бирор кўмакчи феъл туширилса, унга хос маъно ҳам йўқолади. Қиёсланг: *айтиб берид тура қол – айтиб берид тур – айтиб бер*.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълли аналитик шаклда равишдошнинг – *(и)* б ва –*а*, –*й* аффикси ёрдамида бирикувчи кўмакчи феъл иштирок этса, етакчи феълга олдин – *(и)* б аффикси ёрдамида бирикувчи кўмакчи феъл, кейин –*а*, –*й* аффикси ёрдамида бирикувчи кўмакчи феъл қўшилади: *ёзид берид бера қол, ёзид кўра бошлидид, ишлаб тура бер* каби.

Айнан бир кўмакчи билан ясалган аналитик шаклдаги феъллар уюшиқ бўлак вазифасида келганда, кўмакчи феълнинг бир марта – уюшиқ бўлакларнинг сўнгиси билан қўлланиш ҳоллари ҳам учрайди: *Бу қадар балиқни сақлашнинг сира иложи йўқ эди. ... Хонадонлар қуритиб ҳам, музлатиб ҳам, тузлаб ҳам, туийид ҳам олдилар* (Ас.М.)

Кўмакчи феълларнинг аналитик шакл ҳосил қилишда қўлланиш имкони бир хил эмас. Уларнинг айримлари деярли барча феъллар билан бирика олгани ҳолда, батъзилари эса саноқли феъллар билангиба бирика олади. Масалан, *бошли* кўмакчи феъли деярли барча феъллар билан қуллана олади, ёз кўмакчи феъли *қувонмоқ, ўсмоқ* каби жуда кўп феъллар билан қуллана олмайди. (Бунинг сабаблари ҳақида ҳар бир кўмакчи феълнинг таҳлилида гапирилади).

Аналитик шаклнинг кўмакчи қисми бўлиб келадиган феъллар ва улар англатган маънолар қўйидагича:

Бўл. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан бирикиб қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) –*(а)r, -а(диган), -(й)диган; моқчи қўшимчали* феъллар билан бирикиб, истак, майл маъноларини билдиради. Масалан: *Шундан кейин четдан келган одамларга хушёр кўзим билан қарайдиган бўлдим.* («Муштум»). Гулсумбиби қизи дам олгандан кейин, кечаси ё зартага астагина билдиримоқчи бўлди. (Ойбек).

2) -дай, -дек қўшимчали феъллар билан қўшилиб, иш-ҳаракатнинг жараёни, ҳолатини билдиради: Масалан: *Ҳамроқул сувни ичиб, бир оз ўзига келгандай бўлди.* (А.Қаҳҳор). Ногоҳ Бектемир даҳшатли тушдан уйгонгандек бўлди. (Ойбек).

3) -(и)б қўшимчали равишдошдан кейин кўмакчи феъл вазифасида келиб, иш-ҳаракатнинг туталланганлигини билдиради. Масалан: *Самандаров хатни ўқиб бўлди, унинг устига кафтини қўйиб, Тұлаган акага қаради.* (А.Қаҳҳор). Аёл пахтасини тўкиб бўлгунча, Гуломжон унга ер остидан разм солиб турди. (М.Исмоилий).

4) бўлмоқ тўлиқсиз феъли бўлишсиз шаклларда келиб, иш-ҳаракатнинг амалга оширилиши қийинлигини ёки мумкин эмаслигини билдиради. Масалан: *Сўз чумчуқ эмас, оғиздан чиқса тутиб бўлмас.* (Мақол). У йиглаб юбормасликка ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, бўлмади. (Ў.Ҳошимов).

5) От кесим таркибида боғлама вазифасида келади. Масалан: *Ўқтам Абдуллаев мактабга директор бўлди. Бу киши бизнинг тогамиз бўладилар.* Эркак одам бир сўзли бўлади.

6) бўлмоқ феъли сифат туркумидаги сўзлар билан бирикиб, қўшма феъл ҳам ҳосил қилади: ҳайрон бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ, гўзал бўлмоқ, ширин бўлмоқ каби. Оз бўлсин, оз бўлса ҳам соз бўлсин. (Мақол). Шов-шув кўтарма! Даданг хабардор бўлиб қолса, яхши бўлмайди. (Ойбек).

Бошли: Бу кўмакчи феъл -а,-й қўшимчали равишдошлар билан ифодаланган иш-ҳаракатнинг бошланганлигини ёки унга киришилганлигини билдиради. Масалан: *Тавҳидий дафтарчани очди ва қадамини секинлатиб, ўқий бошлади.* (А.Қаҳҳор). Ойбодоқ кета бошлаган эди, Отабек уни тўхтатди. (Ойбек).

Бошли кўмакчи феъл -и(б) қўшимчали равишдош шаклида қўшма феъллар таркибига киради: *бошлаб бормоқ, бошлаб келмоқ.* Масалан: *Говвос меъморни ўша шинам хона сари бошлаб борди.* (Миртемир).

Бор. Бу кўмакчи феъл қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) етакчи феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг даражама-даража ривожланишини, кучайиб ортиб боришини;

Масалан: *Газал интиҳосига еттан сари Авазнинг чеҳраси ёришиб борарди (С.Сиёев).*

2) ҳаракатнинг давомийлигини; Масалан: *Матқовул ака одамлар орасидан аста ўтиб борди (М.Исмоилов).*

3) иш-ҳаракатнинг туталланганлигини; Масалан: *Уч кун деганда шаҳарга кириб борди. Зайнаб жуда ишонган ҳолда ўз уйига етиб борди (А.Қодирий).*

Бит (битир). Кўмакчи феъл вазифасида келиб, -и(б) қўшимчали равишдошлар билан биргалиқда иш-ҳаракатнинг тўла бажарилиши, туталланишини билдиради. Масалан: *Кичикроқ водийнинг ҳар ер - ҳар еридан қуюқ тутун кўтарилимоқда - қишлоқ батамом ёниб биттан эди. (А.Қаҳҳор) Пахтакорлар шартномада кўрсатилган миқдор ерга апрель ойининг охирида юз фойиз чигит экиб битирди.*

Бер. Бу кўмакчи феълнинг етакчи феъл билан бирикиш қўйидаги кўринишларга эга:

1. Кўмакчи феъл вазифасида -и(б) қўшимчали равишдош шаклидаги етакчи феъл билан бирикади ва:

а) иш-ҳаракатнинг бирор, ўзга учун бажарилганлигини ифодалайди; Масалан: *У бўлган воқеани айтиб берди. Энди ишинингта қара, болам, эртага кўйлак тикиб бераман (С.Сиёев).*

б) етакчи феълдан англашилган маънони кучайтириб ифодалайди; Масалан: *Аяжон, сиз аниқроқ билиб беринг ... Иложи бўлса, шу бугун билиб беринг (С.Зуннунова). Зулайхо опамлар айтиб берадилар.*

2. кўмакчи феъл вазифасида -а, -й қўшимчали равишдош шакларидағи етакчи феъллар билан бирикиб кўпинча вер шаклида талаффуз қилинади ва қўйидаги маъноларни ифодалайди:

а) етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши учун қаршилик, монелик йўқлигини, у бемалол бажарилиши мумкинлигини англатади; Масалан: *Баҳузур ўтира бер, чарчагандирсан? (У.Исмоилов);*

б) етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, такрорийлигини билдиради. Масалан: *Ҳадеб катта шаҳарда яшай бериш ҳам одами диққи нафас қилиб юборади. (Т.Ашурев). Ўлимдан бошқа ҳамма яхшиликнинг барвақт келгани маъқул, деб она-бола изгий берди. (Мирмуҳсин).*

Бер феъли айрим отлар билан қўшма феъл ясайди: *аҳамият бермоқ, бардош бермоқ, жавоб бермоқ, бой бермоқ, жой бермоқ, зарба бермоқ*. Масалан: *Қуруқ одамлар кийимга зўр беради, дегани бежиз эмас экан.* (Ф.Мусажонов). Ҳаё қайси нарсада бўлса, унга зийнат беради. («Фан ва турмуш»).

Бер сўзи етакчи феъл сифатида қўшма феъллар таркибига киради: *бериб тур, бера қол, бериб юборди* каби.

Ёт. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан *-и(б)* равишдош шакли орқали бирикиб, иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг доимий, давомий эканлигини билдиради. Масалан: *Уч хонали уй бўмбуш, ҳувиллаб ётарди.* (А.Убайдуллаев). *Бу эълонлар олдида турли касбдаги одамлар уймаланиб ётади.* (А.Мухтор).

Юр. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан равишдош ясовчи *-и(б)* қўшимчаси ёрдамида бирикади ва ҳаракатнинг узоқ давом давом эттанини билдиради: Масалан: *Низомиддиннинг қўлидаги папиросидан сизиб чиқаёттан тутун уй ичида ҳалқа-ҳалқа бўлиб сузиб юрибди.* (С.Аҳмад).

Ўтир. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан равишдош ясовчи *-и(б)* қўшимчаси ёрдамида бирикиб, етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, маъқул кўрилмаслиги каби маъноларни билдиради. Масалан: *Қассоб лабини бурди: - Бе! Биз нимани тушунамиз.* Тушунсан, сиздан сўраб ўтирамидик. (П.Турсун). *- Бу киши ҳидлаб ўтирмайди, тўгри ейди - қўяли, - деди.* (А.Қаҳҳор).

Кел. 1. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан равишдош ясовчи *-а-й, -(и) б* қўшимчалари ёрдамида бирикиб, иш-ҳаракатининг йўл-йўлакай, давомли бажарилиши каби маъноларни билдиради. Масалан: *Келишингда хабар ола кел. Хотираларни ёзib келяпман.* Юнусали ота шу кунгача уларнинг борди-кељи гапларига аралашмай чидағ келди. (С.Аҳмад). Неча йиллардан бери қалбида сақланиб келаётган эзгу-армонлар унинг бутун асабларини *уйготиб юборган* эди. (С.Зуннунова).

2. *-ти* қўшимчали феълнинг шахс-сон шакли (*-гим, -гинг, -гиси*) билан қўлланиб, истак-хоҳиш ифодалайди. Масалан: *Ёдгор ундан кўз узмай ўтиракан, негадир гаплашгиси келди шу тоғда.* (Ў.Хошимов).

3. Шунингдек, *-ган* қўшимчали шаклда чиқиши келишигидаги сўз билан қўлланиб, шу сўз билдирган белги,

холатга мойиллик, ўхшашлик маъносини билдиради. Масалан: *Содик аканинг ёши қирқлардан ошган, ўзи қотмадан келган бўлиб, атрофдагилар билан тез тил топишиб кетар экан.* (О.Мўминов).

Кел кўмакчи феъли турли хил келишикларда шаклланган сўзлар билан ҳам келиб хилма-хил маъноларни ифодалаш учун хизмат қиласди.

1. Жўналиш келишигидаги айрим сўзлар билан қўлланганда, шахснинг шу келишиқдаги сўз билдирган иш, нарса ҳодисада тўхтациини, шундай нарса ҳодиса юз беришини билдиради. Масалан: У ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келди шекилли, анча енгил тортиб: «Ҳаҳ, шунчалик осон гап экан-а»...деб илжайиб қўйди. (К.Яшин). Муқаддам анжомларини йигиштириб бўлгунча, бир қарорга келди-ю, чақириди. (Ў.Хошимов).

2. Чиқиши келишигидаги айрим сўзлар билан қўлланганда, иш, нарса-ҳодисасининг шу келишик шаклидаги сўз билдирган шахс ёки нарса томонидан бўлишини (амалга ошишини) билдиради. Масалан: *Менимча, Қаратой ака, Шокир ота, бутун кулфатлар турмушнинг ёмон тузилганидан келади.* (Ойбек). Сидикжоннинг ранги бўзариб кетди... - Бунаقا инсофисзлик сизлардан келади. (А.Қаҳҳор).

Чиқ. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан равишдош ясовчи -и(б) қўшимчаси ёрдамида бирикади ва иш-харакатининг тўлиқ бажарилганлиги ва тугалланганлигини билдиради. Масалан: Эрталабгача мижжа қоқмай ўйлаб чиқди. У хонанинг у ёқ - бу ёғига кўз ташлаб чиқиб, каравот устида ёттан китобни кўриб қолди. (К.Яшин).

Чиқ кўмакчи феъли қўшма феъл ҳосил қилишда ҳам қўлланади: сўзга чиқди, қарши чиқди, издан чиқди, авжига чиқди каби. Масалан: Қий-чув қилишиб, кулгилар авжга чиқди. («Шарқ юлдузи»). Меҳнат интизоми издан чиқмасин.

Ет. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан рвишдош ясовчи -и(б) қўшимчаси ёрдамида бирикиб, етакчи феълдаги харакатнинг охиригача тутал бажарилиши маъносини билдиради: Масалан: Йўқ, ҳали, англаб етканимизча йўқ. (Н.Сафаров). Ота-онасига ўз сўзини ўтказишига Саидий ишониб етмади. (А.Қаҳҳор).

Үт. Бу күмакчи феъл етакчи феъл билан равищдош ясовчи *-и/б)* қўшимчаси ёрдамида бирикади ва қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) туталлик маъносини англатади ва бу маъносида бўл феъли билан бирика олади. Бу ҳолда бўл феъли «содир бўлмоқ», «юз бермоқ» маъносини, ўт кўмакчи феъли эса шу воқеа ҳодисанинг тугаши маъносини ифодалайди. Масалан: *Енгил саноат ходимларининг яқинда бўлиб ўтган республика кенгашида бу масалага алоҳида эътибор берилди.* (*Газетадан*);

2) етакчи феълдаги иш-ҳаракатнинг давомлилиги, йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги каби грамматик ва модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қиласи. Масалан: *Сен ҳовлига бор, жой тайёрла. Бир йула магазинга ҳам кириб ўт.* (*Н.Сафаров*).

Ол. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан бирикади ва қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) *-и/б)* қўшимчали равищдошлар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қиласи ва иш-ҳаракатнинг ўзи учун бажарилганлигини билдиради: *билиб олмоқ, тортиб олмоқ, етиб олмоқ, йигиб олмоқ, сугуриб олмоқ.* Масалан: *Қоронги тушмасданоқ қишлоғига етиб олди. Саломат билан Султонали саводини чиқариб олди.* (*Ғ.Ғулом*).

2) *-а -й* қўшимчали равищдошлар билан бирикиб, ҳаракатни бажариш қобилиятига, имкониятига эталик маъносини билдиради: *ўқий олмоқ, ёза олмоқ, кўра олмоқ, ўйнай олмоқ* каби. Масалан: *Орадан олти ойларча вақт ўтандан кейингнина у ўз фаолиятини бошлий олди.* (*С.Аҳмад*);

3) етакчи феъл билан ҳеч қандай воситаларсиз бирикади ва *-и/б)* қўшимчаси билан ясалган равищдошга бирикканда билдирадиган маъноларни ифодалайди. Қиёсланг: *ёзиб олди – ёзи-олди, ўқиб олди, – ўқиди-олди, кийиб олди – кийди – олди.*

Ол кўмакчи феъли етакчи феъл сифатида от туркумидага сўзлар билан бирикиб қўшма феъл ясайди: *амал қилмоқ, авж олмоқ, аланга олмоқ, амал олмоқ, ёнини олмоқ, ёш олмоқ* каби. Масалан: *Дараҳтлар деярли ҳаммаси амал олиб, анча юксалиб қолган эди.* (*М.М.Дўст*). Бу шеърни ўқиган баъзи

таниш-билишларим, қариликни бўйнига олиб қолибди-да, деб уйлашлари мумкин. (*Шукрумло*).

Қол. Бу кўмакчи феъл етакчи феълга қуйидагича бирикади: Равишдош ясовчи -(и)б қўшимчаси орқали бирикиб, қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) ҳаракат ва ҳолатнинг давомлилиги маъносини: Масалан: *Сидикжон ичкарига киришни ҳам, кўчага чиқиб кетишни ҳам билмай остонада туриб қолди.* (*А.Қаҳҳор*);

б) ҳаракатнинг кутилмаган, тасодифий ҳаракат эканлиги маъносини: Масалан: *Нима бўлди-ю, Комилжон билан Жамила бир-бирларига дуч келиб қолишидди.* (*Ж.Абдуллахонов*);

в) ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари ёки унга зид ҳолда юзага келиши маъносини: Масалан: *Онани жигибийрон қилган нарса гўдаклигига «бешик кертди» қилиб қўйилган Нодиранинг айниб қолиш хавфи эди.* (*Шукрумло*) ва бошқалар.

2. Етакчи феъл билан -а,-й қўшимчаси ёрдамида бирикканда турли хил модал маъноларни ифодалайди. Масалан: *Жуда соз, миниб бора қолинг.* (*М.Исмоилий*). *Майли, майли, холажон, мен ўзимизнинг эшиқдан чиқа қолай.* (*А.Қаҳҳор*).

3. Бу кўмакчи феъл ҳеч қандай грамматик воситасиз ҳам етакчи феълга бирикади. Бундай пайтда равишдошнинг -(и)б қўшимчаси билан ясалган шаклига бирикканда ифодалайдиган ҳолатнинг юзага келиши, давомлилик, кутилмаганлик, ҳаракатнинг тезлик билан бажарилиши каби маъноларни ифодалайди. Масалан: *Ҳалиги ерда бир мўйсафид келиб, ҳассасига суюниб тикилди - қолди.* (*Ойбек*). *Уни кўрди, шекилли, бирпасда йўқ бўлди - қолди.* (*С.Анорбоев*).

Қўй. Бу кўмакчи феъл -(и)б қўшимчаси билан ясалган равишдошга бирикиб, ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ турли хил маъноларни ифодалайди:

1) иш-ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг натижаси сифатида юзага келувчи ҳолатни; Масалан: *Қандайдир бир куч уни ўтирган жойига михлаб қўйгаңдек қимиirlатмади.* (*С.Аҳмад*);

2) баъзи феъллар билан бирикканда давомлилик маъносини; Масалан: *Ниҳоят, бутунги сўроқ Зиёдиллани*

анча ўйлантириб қўйди. (К.Яшин). Ҳали у ерда, ҳали бу ерда янги тугилаётган қўзилар чўпонларни шошириб қўйган, уларда тиним йўқ. (Газетадан);

3) иш-ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъносини; Масалан: *Йўлакда турган Ўзбек ойим дарвозадан мўралаб қўйди.* (А.Қодирий). Уста Баҳром томогини қириб, секин йўталиб қўйди. (М.Исмоилий).

Бу кўмакчи феъл ҳеч қандай грамматик воситаларсиз бирикканда ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг натижаси сифатидаги ҳолатнинг юзага келиши маъносини, ҳаракатни бир марталилк маъносини, ҳаракатнинг қаршиликсиз, осонгина бажарилиши маъносини, ҳаракатни бажаришга даъват, маслаҳат каби маъноларни ифодалайди. Масалан: *Ойнага урилиб оқаётган ёмғир қалин кўкимтири пардадай Кўксой водийсини кўзлардан тўсди-қўйди* (С.Аҳмад). *Ёпирај, бормисиз!... Эшикка қарайман-қўяман, қарайман-қўяман.* (Ш.Тошматов). Арслонбекнинг шунчага мол-дунёни давлатта ихтиёрий топширишига ишондингиз-қўйдингизми. (Ҳ.Гулом). *Ўзингизни койитиб овора бўлманг, тайёр бизнинг қўщда ҳайданг қўйинг-да.* (М.Исмоилий).

Қўй кўмакчи феъли бўлишсиз феълдан кейин бўлишсиз шаклда келиб, биринчи феълдан англашидган ҳаракатнинг бажарилмай қолганлигини билдиради. Масалан: *Бу чечак қирлари ўз бағрида сузиб бизнинг Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайди.* (А.Қодирий). Мажлисларда, хусусий сұхбатларда қоридан сўз очган ҳар бир киши. *Канизак билан Сидиқжон можаросини айтмасдан қўймас эди.* (А.Қаҳҳор).

Кет. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан: 1) -(и)б равищдош ясовчи орқали бирикади: *ийқилиб кетмоқ, излаб кетмоқ;* 2) равищдош ясовчи -а, -й қўшимчалари орқали бирикади: *суриштира кетмоқ, йўргалай кетмоқ;* 3) ҳеч қандай грамматик воситаларсиз бирикади: *ўтди—кетди, ёзди—кетди.*

1. Етакчи феъл билан -(и)б равищдош ясовчиси ёрдамида бирикканда иш-ҳаракатнинг тўла бажарилиши кучли даражада юз бериши (тарқаб кетмоқ, улгайиб кетмоқ), етакчи феълдаги ҳаракатнинг бошланиши ва давом этиши каби маъноларни ифодалайди. Масалан: *Узоқларга чўзилиб кетган дарё лабидаги майсалар устига палос, кўрпачалар солинди.* (Ҳ.Зиёҳонова). ... *Иброҳим ота ўтар бувани мақтаб*

кетди. (М.Исмоилий). У бирор киши билан учрашди дегунча, икки лунжини тұлдиріб, гапта тушиб кетди. («Муштум»).

2. Етакчи феъл билан -а, -й равищдош ясовчи құшимчалари орқали бирикканда ҳаракатнинг бошланиши вә шу хилда давом этиши маъносини билдиради. Масалан: *Ана шунда Арслонбек жаноблари токчадан бир тахта қозоз олиб үқий кетди. (Ҳ.Гулом). Үйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсинбibi йүргалай кетди. (А.Мухтор).*

3. Етакчи феъл билан ҳеч қандай воситаларсиз бирикканда, иш-ҳаракатнинг тұла даражада осонлик билан бажарилиши маъносини англатади. Масалан: *Мажлисдан құрқиши керак эмас, ҳаммамиз ҳам мажлисдан үттанмиз. Сени ҳамма билади, бирласда үтасан-кетасан. (А.Қаҳжор).*

Бу күмакчи феъл етакчи феъл билан равищдош ясовчи -(и)б құшимчаси ёрдамида бирикіб ҳаракатнинг тұла кучли (ортиқ) даражада бажарилиши маъносини билдиради: *Қисқарыб юборди. Ұнутиб юборди. Құрқитиб юборди. Ҳадича аяңг яхши аёл-ку, ... лекин үглини талтайтириб юборибди-да. (Ҳ.Назир).*

Ташла. Бу күмачи феъл -(и)б құшимчали равищдош шаклига құшилиб ҳаракатнинг кескин, кучли тарзда юз беришini билдиради: *Бузиб ташлади. Ағдариб ташлади. Гижимлаб ташлади. Шу ернинг үзида подшоқ кишилари уни тутиб олиб, тилка-пора қилиб ташлаган зди. (Мирмухсин).*

Сол. Бу күмакчи феъл етакчи феъл билан равищдош ясовчи -(и)б ва -а құшимчалари ёрдамида бирикади.

1. Етакчи феъл билан равищдошнинг -(и)б құшимчаси ёрдамида бирикканда, шу равищдош орқали ифодаланған иш-ҳаракатнинг батамом ёки рүйрост бажарилғанligини билдиради. Масалан: *Яхшибоев индамай турди. Сездики, Құзебойнинг дардлари чұнг, дардларини тамом түкиб солмоқчи - тасалли кор қымайды. (М.М.Дұст). Низомжон чидамади. Юрагида тұлиб-тошган гапларни узил-кесил түкиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб, яна далага қараб кетди. (С.Аҳмад).*

2. -а құшимчали равищдош таркибида күмакчи феъл вазифасида келиб, шу равищдош орқали ифодаланған иш-ҳаракатнинг дардхол бажарилғанligини билдиради. Масалан: *Бола тұра солиб, үйига қочди (М.Исмоилий). Замон кела солиб, у одамдан сүради. (М.Исмоилий).*

Сол феъли қўшма феъллар таркибига ҳам киради. Масалан: *асос солмоқ, гапга солмоқ, қулоқ солмоқ, эслага солмоқ. Гулнорлари ўтқаздида, канизини гапга содди.* («Гулнорлари»). Нормат қўшиққа қулоқ солиб, ичкаридаги одамнинг чиқишини кута бошлиди. (С.Аҳмад).

Туш. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан асосан равищдош ясовчи -(и)б қўшимчаси билан бирикиб, ишҳаракатининг қўққисидан, кутилмаганда бажарилиши маъносини билдиради; маънони кучайтиради. Масалан: - Аҳмаджон ога, - деб чақирганини эшилди. Юраги бирсанчиб тушди. (С.Сиёев). Унинг калтагина мўйлови, қол-қора қоши ўзига ярашиб тушган. (Ҳ.Шамс).

Ўл. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан равищдош ясовчи -(и)б қўшимчаси ёрдамида бирикиб, етакчи феъл билдирган ҳаракатни кучайтириб ифодалайди, ортиқ даражасини қайд этади. Масалан: Қимматхон ҳар келганда, укаларини ялаб-юлқаб үлади. (Шуҳрат).

Қара. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан равищдош ясовчи -(и)б қўшимчаси билан бирикиб, етакчи феълдаги ҳаракатнинг синаб кўриш, билиш, тажриба, синовдан ўtkазиш ҳаракати эканини билдиради. Масалан: Ҳушёр пайтларида у ўзининг аҳволини ўйлаб қарар, назарида даҳшатли туш кўраёттанга ўхшаб кетар эди. (Ў.Хошимов). Ўрмонжон бу йиларни суриштириб қараса, тошқин тахминан ҳар ўн-ўн икки йилда бир мартаба бўлар экан. (А.Қаҳҳор).

Кўр. Бу кўмакчи феъл етакчи феъл билан равищдош ясовчи -(и)б ва -а, -й қўшимчалари ёрдамида бирикиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1) -(и)б қўшимчаси ёрдамида бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракат синаш, билиш учун бажариладиган ҳаракат эканлигини: *синаб кўрмоқ, ўйлаб кўрмоқ, сўраб кўрмоқ. Майли, толеи йўқ дўстингни бутун бўлмаса, эртага ёқлаш тўғрисида ўйлаб кўраман.* (Ш.Рашидов);

2) -а, -й равищдош ясовчи қўшимчалар ёрдамида бирикканда фақат буйруқ-истак майлининг бўлишсиз шаклида қўлланади. Бунда ҳаракатни бажармасликни қатъий таъкидлаш, қатъий огоҳлантириш маъноси ифодаланади: *бера кўрма, ола кўрмасин, ўйлай кўрмасин, сўрай кўрмасин.*

Бу сирни ҳеч кимга айта кўрма. Бу ҳақда ҳеч кимдан сўрай кўрма.

Ёз. Бу кўмакчи феъл -а қўшимчали радиош билан келиб, етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг тўла рўёбга чиқмаганигини, бажарилишига сал қолганлигини билдиради. Масалан: Эҳтимол, (*Олимжон*) ана шу меҳнат шавқига кўмилиб, Ойқизни ҳам унута ёзгандир. (*Ш.Рашидов*). Ҳикоя биттач, (*имом*) заҳарханда билан Самад буқоққа қаради, дами кесила ёзган буқоқ бундан руҳланди. (*А.Қодирий*).

Тўлиқсиз феъл. Тўлиқсиз феъл ўзича (*э*) якка ҳолда қўлланмайди, мустақил лексик маънога эга эмас, *эди(ди)*, *экан(кан)*, *эмис(миш)*, *еса*, *эмас* ва архаиклашган эрур (бўлишсиз шакли- эрмас) каби шаклларда келади. Газал эрмас, бу бир меҳри гиёдур, *Мунаввар айлаган дилни зиёдур*. (*Ўйғун, И.Султон*).

Тўлиқсиз феъл сифатдош, радиош ва ҳаракат номларига бирикиб, феъл замонларининг аналитик усул билан ясалган шаклларини ҳосил қиласди. Шунингдек, бошқа сўз туркумлари билан келиб, боғлама вазифасини бажаради. Бунда тўлиқсиз феълнинг шаклларига қараб турлича маънолар ифодаланади. Жумладан, *эди ёрдамчиси - (а) р (- мас), -тан, -ётган* аффиксли сифатдош билан бирикиб, ўтмишда маълум бир вақт ичидаги туталланмасдан, давом этиб турган ёки нутқ пайтидан жуда илгари бажарилган ҳаракатни билдиради: *Каналда бояги олтига машъаладан бошқа яна сон-саноқсиз кичик машъалалар, чироқлар оқиб келар эди* (*А.Қаҳҳор*) Ҳовлида ток ҳам, дараҳтлар ҳам, гуллар ҳам дид ва уқув билан ўтқазилиб, гўзал буқет - даста ясаган эди. (*Ойбек*).

Эди тўлиқсиз феъли -(и)б, -моқда шакллари билан бирикиб, ўтмишдаги ҳаракат, воқеа-ҳодисаларни эслатиш, ҳикоя қилиш йўли билан ёки унинг давомли эканлигини англатади: *Орзиқул амаки эшагидан иргиб тушди, икки тавақали эшикни секин тақиллатиб эди, «ҳозир» деган овоз эшитилди*. (*Н.Сафаров*)

Эди шакли феълдан бошқа туркум сўzlари билан келса, тусловчи қўшимча олиб, от кесимнинг боғлама қисми вазифасида келади: *Комила ва Ўқтамнинг юраклари баҳор ва умрбод севгининг бахти ва нашъаси билан тўлиқ эди*.

(Ойбек). Ортиқ эзмаланиб ўтиришга Эҳсоннинг фурсати йўқ эди. (А.Қаҳҳор).

Экан шакли сифатдош билан бирикиб, воқеа-ҳодисанинг кейинчи маълум бўлганлиги, ҳолат, пайт, сабаб маъноларини ифодалайди: «Товуқдай қийқиллатиб олиб кираман», - деб сен хато қилган экансан. (А.Қаҳҳор).

Экан тўлиқсиз феъли -(и)б, -моқда шакллари билан бирикиб, эслатиш, давомлилик, такрорийлик, мақсад маъноларини билдиради: *Раис отхонага кирди. Отлар пишқириб хуштаъм ҳўл бедани иштаҳа билан чайнамоқда экан.* (Ойбек) Оиласида саккиз жон бўлганмиш... битта ўзи қолибди экан. (А.Мухтор). Йўлда давом этар экан, турли хаёлларга борди.

Экан шакли боғлама вазифасида келса ҳам, юқорида кўрсатилган маъноларни ифодалайди: Ўзи доктор экан. Доктор бўлганда ҳам чаққонгина доктор экан. (А.Қаҳҳор). Ўйлаб қараса, Эртоев унга қаттиқ гапирадиган ҳолатда эмас, тили қисиқ экан. (О.Ёқубов).

Эмиш тўлиқсиз феъли кўпинча сифатдош билан бирикиб, эштилганлик, гумон, ноаниқлик маъноларини билдиради: *Бу киши синфга кирганда, бир муаллим ҳисоб дарси ўрнига ўз таржимаи ҳолини эртақдай сўзлаб берадиган эмиш.* (Ойбек) Иродаси қаттиқ одамлар севигига қаршилик кўрсатишга уринар эмиш-у, лекин бу уларнинг севгисини яна мустаҳкамлар экан. (А.Мухтор).

Эмиш шакли боғлама вазифасида келганда ҳам шундай маъноларни ифодалайди: *Гап кўп, дўстим, ... у Қамбар билан иноқ* эмиш. (Уйғун). Шу ерда бир муддат дам олишимиз керак, борадиган қишлоғимиз ҳали анча олис эмиш. (А.Мухтор). Султон ҳазратларининг ўzlари ҳам оташнафас шоир эмишлар.

Эмас ёрдамчиси ҳам аслида тўлиқсиз феълнинг булишсиз шакли бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида, асосан, булишсизлик, инкор маъноларини ифодалашга хизмат қиласиди: *Яхшиликни унугиши одамга муносаб иш* эмас. Деконбой мени эмас, мен Деконбойни хафа қилган эканман. (А.Қаҳҳор) Тўсатдан ҳаво айниди-ю, ... катталиги ёнгоқдай, тухумдай дўл ёға кетди. Бундай даҳшатли манзарани ҳеч ким кўрган эмас. (Ойбек).

Жуфт ва такорий шаклар. Феълнинг жуфт шакларида биринчи компонент лексик маъно англатади, иккинчи компонент эса шу маънога туталланганлик, тез бажарилганлик, жадаллик, кутимаганлик каби маъноларни билдиради: *Қанотли, қуйруқли махлук, учади-кетади.* (Ойбек). *Юмшоқ гапирсанг, хамирдек бўшашади-кетади.* (А.Қаҳҳор). *Шунча уриниб унугомаганим энди бирданига ўзидан-ўзи кўнгилдан чиқди-кетди.* (А.Мухтор).

Жуфт шаклар таркибидағи ҳар икки компонентнинг бир хил морфологик кўрсаткичга эга бўлиши билан характерланади.

Такорий шаклар эса айни бир феълнинг такоридан ҳосил бўлади. Бу вақтда биринчи компонент шарт майли шаклида, иккинчи қисм эса буйруқ майли шаклида келади: *айтсам-айтай, ёзсанг-ёз, келса-келсин* каби. Бу шакл сўзловчининг ҳаракатни бажаришга бўлган турлича муносабатини билдиради: *борсам-борай, ишласа-ишласин, келсанг-кел* каби.

Сифатдош ҳам такорий шакл ҳосил қиласи. Бундай шакл давомлилик, такорийлик маъноларини билдиради. *Ҳар вақт ютургани-ютурган.* (Ойбек) «Хозирги ёшлар қарияларни куйтургани-куйдирган», - деб оҳ чекди. (А.Қаҳҳор).

Равишдошнинг такорий шаклари орқали такорийлик, давомлилик, кучайтириш, таъкид маънолари ифодаланади: *Қиз нозиккина бурилиб, қўлмари билан гулмарни сийшаб-сийпаб, айвонга томон кетди.* (Ойбек) Бир оз тинчиганимдан кейин дадам: «темирчи деган куйиб-куйиб темирчи буладида!» – деди. (А.Қаҳҳор).

РАВИШ

Равишининг маъноси ва грамматик белгилари

Равиши мустақил сўзлардан бўлиб, ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, шунингдек, белгининг белгисини билдиради. Равиши морфологик жиҳатдан ўзгармас бўлиб, кўпинча феълларга боғланиб келади. Масалан, *Кундузи ёнингда туриб, шакаргуфторлик қилувчи, кечаси муюлишдан чиқиб, елкангдан пичоқ урувчи маккор душманни Эргаш ҳали*

етарли билмас эди. (А.Мухтор) Кароматхон югурганича ичкари кириб кетди. Мирзаев шу куни жуда зериқди.

Равишт айрим ҳолларда сифат ва отга, шунингдек, равишининг ўзига ҳам боғланиб келиши мумкин: *Кўп бойлиқдан оз ақл яхши. (Мақол.) Эрта кузакда тог чўққиларига биринчи қор тушди. (П.Қодиров) Саида бу суҳбатни жуда диққат билан эшитди. (А.Қаҳҳор) Ўша куни Усмонов уйига жуда кеч қайтди. (Ў.Умарбеков).*

Равишининг турланиш ва тусланиш хусусиятига эга эмаслиги, кўпинча феълга боғланиб, ҳол вазифасида келиши унинг асосий грамматик белгилари ҳисобланади: *Гуломжон бу кекса дунёда жуда кам яшаган бўлса ҳам, бошидан жуда кўп уқубатлар кечирди. (М.Исмоилий) Саида орқасига қайтди, жўрттага сада остидан юрди. (А.Қаҳҳор).*

Махсус сўз ясовчи аффиксларга эга бўлиши (-ча, -она, -ларча, -лаб каби) ва шакл ясовчи аффиксларни олиб келини ҳам равишиларнинг грамматик белгиларига киради.

Белги билдирувчи сўз бўлганлигидан равишилар сифатга яқин туради. Равишилар ҳаракат ва белгининг белгисини сифат каби даражалаб, бошқаларига чоғиштириб кўрсатиш хусусиятига эга: *Зайнаб илгарироқ, Кумуш кейинроқ ичкарига киришди. (А.Қодиров) Аваз сурувнинг кетини тезроқ бехатар жойга чиқаришга шошилар эди. (П.Қодиров).*

Айрим равишилар отта боғланиб, предметнинг белгисини билдириши мумкин: *Оз сўз – соз сўз. (Мақол.) Аширмат меҳрибон, жонкуяр қариндошнинг уйида узоқ вақт меҳмон бўлиб қолди. (Ойбек)* Аммо белги маъносини англатиш хусусияти, вазифаси ва бошқа-бошқа сўзларга боғланиши жиҳатидан равишилар сифатдан фарқ қиласди. Сифат, асосан, отта боғланиб, предметта хос тургун белгини билдиради ва сифатловчи вазифасида келади: *Она қозини тим қора соchlарини узун, нозик бармоқлари билан силади. Равишилар эса асосан феълга боғланиб, ҳаракатнинг жараён билан боғлиқ бўлган белгисини англатади ва ҳол вазифасида кетади: Муҳиддин билан Салимжон руҳсат сўраб, ичкари киришди. (А.Мухтор) Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгудек чарчагани учун отларга Йўлчи қаради. (Ойбек).*

Ўзбек тилида бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумдаги сўз ўрнида қўлланиши кенг тарқалган ҳодисадир. Бундай ҳолат сифат билан равишининг ишлатилишига ҳам хосdir.

Баъзи сифатлар феълга боғланиб, иш-ҳаракатнинг белгисини билдиради, равиш ўрнида келиб, ҳол вазифасини бажаради: *Аҳмаджон жуда қаттиқ сўкинди.* (А.Қаҳҳор) *Одамни яхшироқ билиб, ўрганмай туриб, унинг тўгрисида ёмон гапириш мумкин эмас.*

Отта боғланиб келган равишлар гапда сифатловчи вазифасини бажаради: *У анча жўякларни оралади, анча қовунларни ушлаб, қай бирини узишни билмади.* (Ойбек) Аммо феълга боғланиб, ҳаракатнинг белгисини билдирган сифатлар бутунлай равиш туркумига ўтиб кетмагани каби, отта боғланиб келган равишлар ҳам сифат туркумига ўтмайди. Масалан: *Ёши эллиқдан ўттан бўлса-да, Бўри аканинг сочига оқ ораламаган.* (С.Нуров.) *Самарасиз ўтмас шоирнинг умри, Тоза юракларда сўз кони қолар.* (С.Акбарий.)

Отта боғланиб, предметнинг белгисини билдирган равишлар баъзан отлашиб келиши ҳам мумкин. Бундай вақтда равишлар отта хос келишик, эгалик ва кўплик аффиксларини қабул қилиб, гапда эга, тўлдирувчи, қаратувчи вазифаларида кетади: *Ҳар бир ишимииздан эртанинг шабадаси келиб турибди, ўтлим.* (Ойбек) *Кўпни кўрган қари дунёда баҳт ахтариб кўплар ўтдилар.* (Ҳ.Олимжон) *Ҳозирнинг ўзида шугулланмасак ҳам, келажак режаларига киргизиб қўйиш мумкин.* (П.Қодиров).

Равишларнинг маъно турлари

Равишлар маъно жиҳатидан беш групга бўлинади: 1) ҳолат равиши, 2) миқдор-даражатравиши, 3) ўрин равиши, 4) пайт равиши, 5) мақсад.

Ҳолат равиши. Ҳолат (тарз) равишлари иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, юз бериш ҳолатини билдиради, қандай? қандай қилиб? қай тарзда? каби сўроқларга жавоб бўлади: *тез, секин, лиёда, яёв, бекорга, тўсатдан, қўйқисдан, астойдил, дўстона, қаҳрамонларча, очиқдан-очик, юзма-юз, зўрга, жим, очин-тўқин, хомлигича, даров, дарҳол, бирдан, мажбуран, тасодифан, яққол, оталарча, кўпинча, эскича, янгича, қаторасига, бирма-бир, ёнма-ён, битталаб, нечоглиқ, озиб-ёзив, олдинма-кейин, олға, орқама-орқа, очиқ-ойдин, очиқ-ошкор* кабилар: *Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб*

ҳис бор эди менда... (Х.Олимжон) Комила полизда астасекин юриб ... қай бирини узишни билмади. (Ойбек) Раъно секин бошини кўтариб кулимсади ва юзини четта ўтиради. (А.Қодирий).

Ҳолат равиши гапда:

1. Равиш ҳоли вазифасида келади: Адҳам мудроқдан зўрга қўзини очар экан, секин товуш чиқариб боладан сўради.

2. Отта боғланиб, сифатловчи вазифасида келади: Йигитнинг кўнгли тинчилини ва айборларча табассум билан қизга қаради. (Ойбек) Бу вақт эпик очилиб, ўрга бўйли, ҳарбийча кўйлак гимнастёрка кийган, гавдаси ихчамгина бир қиз кириб келди. (А.Мухтор)

3. Кесим вазфасида келади: Далада чопиқ ҳам, ўгитлаш ҳам, сугориш ҳам жадал.

Миқдор-даражা равиши. Миқдор-даража равиши ҳаракат ва ҳолатнинг миқдори белгисини ёки белгининг ортиқлигини билдиради ва қанча? қандай? каби сўроқларга жавоб бўлади: Мирҳайдар отанинг яхшилигини, фойдасини кўп кўрганмиз. (Ойбек) Ўқтамнинг қовуни қизга жуда ёқди, икки тилимни мақтай-мақтай еди. (Ойбек).

Миқдор-даража равишилари англатган маъносига қараб ҳаракатнинг миқдор жиҳатидан белгисини кўрсатувчи ва ҳаракат ёки белгининг ортиқлигини кўрсатувчи равишиларга бўлинади.

1. Ҳаракат ва ҳолатнинг миқдор белгисини билдирувчи равишилар: кўп, мўл, қиттак, хаёл, ортиқ, анча, кам, бир оз, оз-моз, қайта-қайта пича, хийла, сал, сал-пал, нуқул ойлаб кабилар. Қурбон ота... ўзи кўрган томошаларни негадур, ўрмонжон кўрмаган гумон қилиб, нуқул унга таърифлар, қайта-қайта мақтар эди. (А.Қаҳҳор). Тепалик нуқул қайнинлар билан қоплаган. (Ойбек). Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилас, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас. (Ойбек) Хоразмшоҳ чўққи соқолини қашлаб сал-пал илжайган бўлди. (Мирмуҳсин).

2. Ҳаракат ва белгининг ортиқлигини кўрсатувчи равишилар: жуда, энг, гоят, ниҳоят, ўта, обдон, озмунча, сира, ҳеч, ортиқ, ниҳоятда кабилар. Масалан: Аваз изтироб билан олдинга қаради, ёмғир бениҳоя кучайган эди. (П.Қодиров) Овқатни хўп чайнаган яхши, гапни обдон ўйлаган яхши.

(Мақол) Ўтган йилги қиши озмунча боғларни қуритдими?
(С.Зуннунова).

Миқдор-даражасиравиши гапда:

а) асосан равиши ҳоли вазифасида келади: *Отда күп юриб ўрганганди Ортиқ энди мотоцикл эгаридан тушмайди.* (П.Қодиров) Қизлиқ пайтида Нури уларнинг кулбасига жуда оз чиқар эди. (Ойбек)

б) кесим вазифасида келади: «*Қари күнгилда ёш орзуладар күп, Ўкташон*», - деди мамнун илжайиб Мирҳайдар. (Ойбек) Орқасига қараса, икки отлиқ етиб олишга сал қолибди. (Н.Фозилов.) Бир жиҳатдан келганинг ҳам маъқул бўлган: машинанинг хушторлари беҳад күп. (Ойбек).

в) батъзан отларга боғланиб, сифатловчи вазифасида ҳам келади: *Улар анча ергача аста бориб, гаплашиб кетдилар.* (Ойбек)

Үрин равиши. Үрин равиши ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиши ўрнини ва ҳаракат йўналган томонини билдиради. Үрин равишлиари қаерга? қаердан?, қаерда? каби сўроқларга жавоб бўлади: узоқда, пастда, тубандада, олдинда, унда-бунда, нари, бери, нари-бери, шу ерда, алла қаерда, қўйида, орт, олис, юқоридан, қўйидан, яқиндан, орқадан, тўтрига, тўтридан, юқорига, илгарига, олга кабилар. Масалан, Олисдан тунги сменадаги экскаватор ва ўзга машиналарнинг қудратли наъраси баралма эши билар эди. (Ойбек) Гуломжон орқадан қараб қолди, аммо қиз узоққа кетмади. (М.Исмоилий) Қанча кунлар орқада қолди, Кетда қолди қанча манзиллар. (Х.Олимжон) Кимдир сабрсизланиб соатта қараса, кимдир асабий ҳолатда у ёқдан бу ёққа юриб турибди. (Газетадан).

Үрин равишлиари, асосан үрин ҳоли вазифасида келади: *Ҳар ёндан ариқларнинг жонли найи оқар, нозик ниҳол дараҳтларнинг кўк қаторлари узоқлардан теваракни қуршаган эди.* (Ойбек) Мингбоши... олдинга юрди, қўлидаги қамчисини ўқталаб, хунук овоз билан ўқирди (С.Зуннунова.)

Баъзан кесим ва аниқловчи вазифада келади: *Ободончилик соҳасидаги катта ишлар ҳали олдинда.* (Ойбек) Ойкўлда дам олиш уйин қуриб бўлмайди, чунки у орчазорлардан анча узоқда. (П.Қодиров) От олд оёқларини иргитиб, сапчиди ва шамолдек учиб кетди (С.Аҳмад).

Пайт равиши. Пайт равиши ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш пайтини билдиради ва қачон? қачондан бери? каби сўроқларга жавоб бўлади: ҳозир, боя, бутун, кеча, аввал, олдин, эпди, эрта, онда-сонда, индин, саҳарлаб, эрталаб, доим, ҳали-бери, тунов куни, илгари, сўнгра, кейин, ҳануз, ҳали, ҳамиша, аллақачон, бултур, қадим, ҳамон, кечаси, тез, яқин, узоқ, ҳеч қачон, ҳеч вақт, дастлаб, кундузи, ҳар куни, куни билан, йилдан-йилга, эрта-индин, қишин-ёзин, ҳозир(да), кундан-кунга, ойдан-ойга, нуқул, орасира, охирида кабилар: У эрта – кеч ўзини ўзи койиди, ўзининг соддалиги, ишонувчанлигидан аччиқланди. (Ойбек) Ёшлар унинг юзида оналарча меҳрибонлик, нуроний жилмайишни энди кўришди. (А.Мухтор) Сўраб кўринг аввал сиз, мен ҳозирча панада тура-турай. (Үйгун) Сўзимиз тамом бўлсин, сўнг боражакман. (С.Зиёев.) Фотима олдин бир нарсага тушуниб олинг, сўнгра аччиқ қилсангиз мумкин. (Ҳамза). Ҳамма ёқ жимжит, фақат онда-сонда булбуллар ноласи эштилади. (И.Раҳим).

Пайт равишлиари гацда кўпинча ҳол, баъзан қесим вазифасида келади: Бутун сенинг туғилган кунинг, Бутун уйинг тўлади гулга. (Ҳ.Олимжон) Пахта далаларида меҳнатни, мусобақани қизитиш шалласи – ҳозир. (Ойбек) Аширбек илгари, Вафобек кейин, Оқлабди қирқ йигит берган тузимни. (Юсуф ва Аҳмад)

Мақсад равиши. Бу турдаги равишлиар саноқли даражада бўлиб, улар ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини, нима учун бажарилишини билдиради ва гапида мақсад ҳам вазифасида келади. Мақсад равишига атай(ин), атайлаб, жўрттага, қасдан, била-кўра сўзлар киради.

Масалан: Илгар усталар пичоқقا сон излаб, атай сайгоқ овига чиқишаркан. (М.Мансуров). Оромбош, салқин боғда сайр этиб юрган икки ёш юрак бу сафар ҳам тунда уйларига атайин пиёда жўнашди. (Мирмуҳсин.) Аҳмад жўрттага сакраб ўрнидан турди (Ф.Мусажонов). Аслида у турли баҳоналар билан усталарни қасдан шошилтирмаётган эди. (С.Сиёев).

Ҳаракатнинг бажарилиш мақсади учун, деб ёрдамчи сўзлари ва гани қўшимчали равищдош ёрдамида яна ҳам аниқ ифодаланади. Масалан: Ҳар киши тер тўкиб қиласи меҳнат, халқимнинг турмуши обод бўлсин деб. (Ғ.Гулом.) Бу

ерга Мадали аканинг жигига тегиши, учун келганлигидан мулзам бўлди. (А.Мухтор.) Саида Соодатхоннинг мукофот олганини эшитиб, атайлаб табриклагани келди.

Равишларда шакл ясалishi

Бошқа сўз туркумларида бўлганидек, равишларда ҳам турли шакллар ясалади, бу шаклларда ҳаракат ва ҳолат белгиси турлича тавсифланади, сўзловчи томонидан турлича баҳоланади. Бу шакллар қўйидагилардан иборат:

1. Равиш қиёсий даражада шаклини ҳосил қиливчи *-роқ* аффиксини олиб ёки *энг, жуда, гоят, ниҳоят* каби сўзлар билан бириниб, белгининг даражасини ифодалайди. Равишга *-роқ* аффикси қўшилганда, асосан, ҳаракат ва белгига хос белгининг камлиги, кучсизлиги, баъзан эса қучайтириш, белгининг нисбий кўплиги маъноси, энг сўзи билан келганда эса белгининг ортиқлиги маъноси ифодаланади. Масалан: *Биз нарироқ боргач, Умид кўйлагини тўғрилаб, шимининг ичига тиқиб олди. (Мирмуҳсин) Баҳорда энг олдин бодом гуллайди. Ўзбек халқи қадим-қадимлардан буён ҳашар усулида жуда кўп иншоотлар барпо қилган. (С.Аҳмад)*.

Жуда, гоят, ниҳоят каби сўзлар равишларга бириниб, ҳаракат белгисининг қучайтирилганлигини кўрсатади: *Қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда эди. (Ойбек) Қамбар ота жуда секин тўпдан чиқиб кетди. (П.Қодиров).*

2. *-гина (-кина, -қина)* аффикси орқали ясалган равиш шакллари ҳаракат ва ҳолат белгисининг кучсизланганлигини ёки таъкидланганлигини англатади, асосий диққат шу белгининг ўзига қаратилади: *Комила қошлигини чимириб, ўргогининг билагини секингина чимчилади. (Ойбек) У гўё кечагина отасининг доно, ақми сўзларини эшитгандаи бўлди. (Ойбек)*

3. Равишларда жуфт ва тақорорий шакллар ҳам кенг ишлатилади. Жуфт шакллар икки равишнинг жуфт ҳолда келишидан ҳосил бўлади: *олдин-кейин (олдин-кетин), астасекин, нари-бери, бутун-эрта, эрта-кеч, эрта-индин* каби. Жуфт шаклларда икки равишнинг маъноси умумлаштирилади: *Хужжатларни бутун-эрта расмийлаштириб, душанбаданоқ ишга киришинг. (А.Обиджон) Комилахон, халқ ичида мени изза*

қиласкерманг, эрта-индин гумбурлама күпприк ясаймиз! (Ойбек) Хотиржам ишлайверинглар, мен ўзим аста-секин етиб бораман. (О.Ёқубов) Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди. (А.Қаҳхор).

Равишларнинг такрорий шакли эса битта равишининг такроридан ҳосил бўлади: аста-аста, секин-секин, зўрга-зўрга, тез-тез, кўп-кўп каби. Одатда, такрорий шакллар давомлилик, такрорийлик, таъкидлаш, кучайтириш каби маъноларни ифодалайди: Отлар пишқириб қаттиқ едилар, секин-секин пахта далалари орқада қолди. (Ойбек) Поччаев шартта бурилиб, тез-тез юриб кетди. (А.Мухтор) Қизлар бўлса, нималарни дир аста-аста сўзлашиб, пиқир-пиқир кулишарди. (Ойдин).

КЎМАКЧИ

Кўмакчилар мустақил сўзлар орасидаги турли-туман муносабатларни (восита, мақсад, сабаб, вақт, макон) ифодалаш учун хизмат қиласидиган сўз туркумидир.

Кўмакчилар тарихан мустақил сўзлар бўлган бўлса ҳам, улар ҳозирги замон ўзбек тилида лексик маъноларини йўқотган, фақат грамматик маъно ифодалайдиган сўзлардир.

Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларга мустақил маъносини тамоман йўқотган билан, учун, каби, сири, сайнин, қадар, шунингдек, кўмакчи вазифасида қўлланувчи томон, бошқа, сабабли, орқали, туфайли, қараб, қарамай, сўнг, ташқари, бери, кўра, чогли, узра каби сўзлар киради (бу сўзлар от, сифат, равиш ва феъллардан кўмакчига кўчган сўзлардир).

Кўмакчилар турланиш ва тусланиш хусусиятларига эга эмас. Аммо улар нутқда айрим келишикларни бошқариб келади. Қайси келишикларни бошқариб келишига кўра кўмакчилар:

1) бош келишиқдаги от ва қаратқич келишигидаги сўзларни бошқариб келадиган кўмакчилар; 2) жўналиш келишигидаги сўз билан қўлланадиган кўмакчилар; 3) чиқиш келишигидаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчиларга ажralади.

Бош келишиқдаги от (баъзан қаратқич келишигидаги олмош) билан келадиган кўмакчилар. Бундай кўмакчиларга

билан, учун, каби, сингари, сайин, сари, сабабли, орқали, туфайли, чоқли, оша, бўйлаб, бўйича (бўйинча), ичра, деган (лейдиган), бўйи, чамаси, ҳақда, тўгрида, ҳақида, тўгрисида, ҳолда, йўсинда каби сўзлар киради.

Бу кўмакчилар восита, сабаб, мақсад, қиёс-ўхшатиши муносабатларини ифодалаш учун қўлланади: Масалан: қалам билан ёзилган (восита), укаси билан бормоқда (биргалик), кечаси билан кутмоқ (вақт) ўқиш учун келмоқ (мақсад), укаси учун олмоқ (атаганлик), она каби меҳрибон (ўхшатиши), келажак сари интилмоқ (йўналиш), ўқиши сабабли келмоқ (сабаб).

2. Жўналиш келишигидаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар. Бундай кўмакчиларга томон, қадар, кўра, қарши, қараб, қараганды, қарамасдан, қарамай, яраша, асосан, биноан, мувофиқ, қарата каби сўзлар киради.

Бу кўмакчилар йўналиш, пайт, вақт жиҳатдан чегара, макон жиҳатдан чегара, сабаб, қиёслаш, зидлик, ҳаракат йўналган томон каби бир қатор маъноларни ифодалайди: уйга томон, кечга томон, пешинга қадар, супага қадар, шу сабабларга кўра, акасига кўра (гавдалироқ), одатига қарши (зидлик) шаҳарга қараб (йўналиш) ва б.к.

3. Чиқиши келишигидаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар.

Бундай кўмакчиларга сўнг, кейин, бошқа, ташқари, бўлак, ўзга, бери, буён, нари, бурун, илгари, бошлиб, тортиб каби сўзлар киради. Бу кўмакчилар ҳаракатнинг тугалланиши билан боялиқ бўлган вақт, мустаснолик, ҳаракатнинг бошланиши пайти, ҳаракатнинг ўтган замонда содир бўлганлиги каби маъноларни ифодалайди: Масалан: мажлисдан сўнг учрашмоқ, ишдан бошқа ҳеч нарсани ўйламаслик (мустасно), шу кундан бошлиб, тонг отмасдан бурун ва бошқалар.

Кўмакчилар маъно ҳамда вазифаси жиҳатидан келишик қўшимчаларига яқин туради. Шунинг учун баъзан келишик шакллари билан англатилган маъно кўмакчилар билан ифодаланаади; машинада келмоқ – машина билан келмоқ, қаламда ёзмоқ – қалам билан ёзмоқ, укамга олмоқ – укам учун олмоқ.

Кўмакчилар маъно жиҳатидан бир хил эмас. Уларнинг айримлари алоҳида олинганда бирор маъно ифодаламайди,

вазифа жиҳатидан келишик аффиксларига яқин туради; баъзи кўмакчилар эса ўз мустақил маъноларини сақлайди ва келишиклар билан турланади. Шунга кўра кўмакчилар дастлаб

2 га бўлинади.

I. Соф кўмакчилар.

II. Кўмакчи отлар.

Соф кўмакчилар

Соф кўмакчилар гапда бошқа сўзлар билан бирга келгандагина ўзларига хос қўшимча маъноларни англатади. Соф кўмакчилар морфологик хусусиятига кўра қайси сўз туркумидан келиб чиққанлигига қараб учга бўлинади.

1. Асл кўмакчилар. Бу кўмакчилар ўзларининг лексик маъноларини йўқотган бўлиб, бошқа-бошқа сўзларга бириккан ҳолда турли муносабатларни ифодалайдилар: *билин*, *учун*, *қадар*, *сари*, *сайин* ва б.к.

2. От кўмакчилар. Булар от, равиш каби сўз туркумларидан кўмакчига ўтган сўзлардир: *бурун*, *илгари*, *кейин*, *башқа*, *ташқари* ва б.к.

3. Феъл кўмакчилар. Бу кўмакчилар феълнинг равишдош ва сифатдош шаклларидан кўмакчига ўтган сўзлардир: *қараб*, *кўра*, *қараганда*, *яраша*, *бошлаб* ва б.к.

Соф кўмакчиларнинг бир қисми бош келишиқдаги сўз билан ишлатиласа, иккинчи қисми воситали келишиқдаги сўз билан ишлатилади.

Бош келишиқдаги сўз билан ишлатиладиган кўмакчилар қўйидагилардан иборат:

Билан.

1. Бош келишиқдаги турли сўзлар билан ишлатилиб: 1) иш-ҳаракатнинг амалга ошишидаги биргалик, ҳамкорликни ифодалайди. – *Кўчаларни*, *қишлоқни*, *айниқса Маҳваш* билан бирга дарс тайёрлаган жойларни.. жуда-жуда қўмсади. (*Т.Ашурев*); 2) иш-ҳаракат ёки ҳодисага восита бўлган нарсани билдиради. *Ошнинг таъми туз* билан, одам таъми сўз билан. (*Мақол*). Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади. (*Газетадан*); 3) иш-ҳаракатнинг тарзи, ҳолати ва ш.к. ни билдиради. *Хатда Санобар унинг...* қайтишини сабрсизлик билан кутаёттанини ёзар эди. (*С.Зуннонова*). Ойша холла бу овозни бутун қалби, борлиги билан

тингларди. (С.Зуннунова); 4) иш-ҳаракатнинг қачон содр бўлгани ва қанча вақт давом этганлигини билдиради. *Маҳваш ҳам куидузи билан шу ерда бўлади.* (Т.Ашурев); 5) иш-ҳаракатнинг бирор жой бўйлаб йўналишини билдиради. *Бу растада икки томонда беш-олтига катта дўкон бўлиб, тор, камтак йўл билан баззозликка, шоҳифуруушлик растасига туташар эди.* (Ойбек); 6) иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг рўй бериши, юзага чиқишига қайси нарса сабаб (асос) бўлганлигини билдиради. *Ҳар бир нарсага оддиндан ҳукм этиш тўғри эмас.. ҳар бир иш Аллоҳнинг буйрути билан бўлади.* (Ойбек).

Билан кўмакчиси бириктирувчи боғловчи вазифасида ҳам қўлланади ва қўйидаги вазифаларни бажаради: 1) гап бўлакларини, асосан, уюшиқ бўлакларни боғлайди ва вазифасига кўра «ва» боғловчисига тенг келади. У қалам *билан (ва)* қоғозни чўнтағига солиб, ўрнидан турганда, *Бўтабой келди.* (А.Қаҳҳор). Булар кўздан гойиб бўлгандан кейин, *Канизак билан (ва) Сидикжон бутанинг орқасидан чиқишиди.* (А.Қаҳҳор); 2) пайт ва тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда бош гап билан эргаш гапни боғлаш учун хизмат қилади. *Дераза очилиши билан, Йўлчи бошини кўтарди.* (Ойбек). *Ҳалво деган билан, оғиз чучимайди.* (Мақол). Ер бўлгани билан, ҳосил бўлмаса қийин. (А.Қаҳҳор).

Билан кўмакчиси бадиий адабиётда баъзан *бирлан, бирла, била, -ила, -ла шаклида қўлланади.* Масалан:

1. *Садоқат бирла ўзбек шуҳратини ёймоқда оламга («Гулдаста»).*
2. *Қўшинларинг бўлди ер бирла яксон.* (Ҳ.Олимжон).
3. *Халқинг бирлан баҳодирсан, яна сен бебаҳодирсан.* (С.Абдулла).
4. *Мушк бирланрайҳон файз бериб уйга, Аламнок кўнглини солар минг куйта* (Б.Бойқобилов).
5. *Лаби лаълинг била савру равонинг багишлар обу ҳайвону тириклик* (Атоий).
6. *Асл, улуг бир виқор била биз сари
Келасан туриллаган аланталар-ла!*
7. *[Кумуш], мактубни ўқиб тамом қилдида жонсиз бир товуш ила уятсиз деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди.* (А.Қодирий).
8. *Пишиб етилди, ҳаводин ранг олди истагича*

Зиҳи бу санъат ила келди ҳалқарвар куз. (Ҳабибий).

9. *Ой шуъласи-ла мунаввар манзил бир зумда чайқалди.* (М.Исмоилий).

Лекин билан кўмакчисининг бу шакллари ҳозирги замон ўзбек адабий тили учун норма ҳисобланмайди.

2. *Учун.* Бу кўмакчи, асосан, қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) мақсад маъносини. Бундай чоқда учун кўмакчиси от, олмоши, шунингдек, ҳаракат номи ва -син, -лик аффикслари билан тугаган сўзлардан кейин келади: *Буюк кишилар доим инсоният учун қайгуради.* (Шукрулло) Шоир Нодимнинг ҳашаматли бира мәҳмонхонаси азиз мәҳмонлар учун ажратилди. (С.Абдулла).

Дунёда тўгри яшаб юртта хизмат қилиб утишдан ортиқ баҳт борми инсон боласи учун?! (С.Ашурев).

2) сабаб маъносини. Бундай чоқда учун кўмакчиси, кўпинча, -тани (-тан + и), -лиги(-лик + и), -танлиги (-тан + лик + и) аффикслари билан тугаган сўзлардан сўнг келади: Янги чиққан ой ейилиб кетган ўроқдай ингичка бўлгани учун йўлни ёритмасди. (Ш.Рашидов) Кичик ариққа ҳали сув келмагани учун Гулнор челак кўтариб, катта ариққа жўнади. (Ойбек) Ота-онаси саводли кишилар бўлганлиги учун ёшлигидан савод чиқарди. («Фан ва турмуш»).

Бундай бирикувларда учун кўмакчиси сабабли сўзи вазифасини бажаради ва унга синоним бўлади. Қиёс қилинг: аъло ўқигани учун мукофотланди – аъло ўқигани сабабли мукофотланди.

3) аташ маъносини. Бундай чоқда учун кўмакчиси от ва олмошлардан сўнг келади: *Бу китобларни сен учун, қаламларни Салима учун олдим.*

4) эваз маъносини. Масалан: *Раҳмат, Сўнахон, йўқлаб тошиб келганингиз учун раҳмат.* (А.Мухтор) Кўнгли учун қаймогини тотиб ҳам кўрмадим. (А.Мухтор).

Учун кўмакчиси бадиий адабиётда -чун шаклида ҳам қўлланади: *Тинчтина яшаш-чун тугилмаганман.* («Тошкент оқшоми»).

учун кўмакчиси -гина, -дир қўшимчаларини олиши мумкин: Унинг бу гаплари менинг учунгина бутун даҳшати билан янги эди. (А.Мухтор). Лекин нима учундир унинг башорати ижобат топмасди. (Шукрулло).

Каби. Бу күмакчи үхшатиш, солишириш, қиёслаш маъносини ифодалайди: *У Йулчига яқин келиб, она каби бошини силади ва юпата бошлади. Баҳти оналар умр тунида юлдузлар каби чақнайди.* (Ойбек). У ҳам сен каби серзавқ. У шунча йиллардан бері гұдак каби аясининг паноқида ухлаёттан экан. (Ү.Хошимов). Энди дераза ортидаги тол новдалари назаридә құдратли чинор каби тебраниб турарди. (С.Кароматов).

Бу маънода каби күмакчисига мисол, мисоли сўзлари синоним бўлиши мумкин: *Юлдуз мисол қўй-қўзинг сулув.* (Р.Чинмирзаев). Кунларим ҳам энди тийиқсиз оқар кўзим ёшли мисол. (Ш.Раҳмон).

Бу күмакчи феъл шакллари модал сўзлар билан келганда, үхшатиш, қиёслаш билан бирга ишонмаслик, гумон маъноларини ҳам ифодалайди: *Гулнор уялган каби табассум билан бошини қуий солди.* (Ойбек) Чол қишлоқда бўлиб ўттан воқеаларни хотирадан бир-бир кечираёттан каби бир зум жим қолди. (А.Қаҳҳор) Уйда бирор бор каби туюлди унга.

Каби күмакчиси вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келганда эса доимий үхшашлик, мунтазамалик маъносини билдиради: *У атрофга назар солмай ҳар вақтдаги каби гуурр билан келар эди.* (Ойбек) Кечта яқин дадаси қайттач, қўргонга кирди, ҳар кунги каби қора шўрва учун олов ёқди. (Ойбек).

Сингари. Бу күмакчи *каби* күмакчисининг синонимии бўлиб, асосан, *каби* күмакчиси англатган маъноларни, яъни үхшатиш, солишириш, қиёслаш, үхшашлик, мунтазамалик маъноларини билдиради. Масалан: *Пўлатнинг кўзларида худди гўдакларники сингари севинч учқунлари чақнади, чопганича уйга кириб кетди.* (Ш.Рашидов) Атроф қум чўли сингари бепоён, шамол учирган қор оёқлар остида тижирларди. (Ш.Рашидов) ... қалбаки ҳужжатлар ясаш сингари ҳаром ишларнинг пири эди. (Ойбек) Бу ишлар ҳаммаси ҳамирдан қыл сутурган сингари ентилгина бўлмайди. (Шукрулло) У энди, дастлабки кунларидағи сингари бегонасирамас, рўпара келган тўшга қўшилиб хурсандчилик қиласар эди. (А.Қаҳҳор) Ҳадича хола болалик чогидаги сингари унинг белига нон тутиб берди. (А.Қаҳҳор).

Янглиг. Бу кўмакчи *каби*, *сингари* кўмакчиларининг синонимии бўлиб, асосан, улар англатган маъноларни ифодалайди. Янглиг кўмакчиси ҳозирги ўзбек адабий тили учун архаиклашган бўлишига қарамай, поэтик ва прозаик асарларда услубий талабга асосан қўлланади. Ўхшатиш, чогиштириш, қиёс маъносини билдиради: *Ярашмас сенга бу янглиг юриш, кайфу сафокорлик.* (К.Убайдуллаева). Рангим сомон, янглиг дард ила гамдан, Жудоликдан тушган ҳажру аламдан. (Хамза).

Сайин. Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни ифодалайди.

1) вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, иш-ҳаракат ёки ҳодисанинг муайян вақт ичida такрорланиши ёки мунтазам бўлиб туриши маъносини: *Қувноқ қизнинг юрагида севги кун сайин кучлироқ ёлқинланади.* (Ойбек) Республикаизда пахта ҳосили йил сайин ошиб бормоқда. (-ган қўшимчили сифатдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тобора кучая боришини билдиради). Эрта саҳарда ёга бошлигар қор борган сайин кучая бошлиди. Куёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари, юргинг келади. (А.Мухтор).

2) иш-ҳаракатни маълум вақт орасида содир бўлиши маъносини: *Бу ҳол кун сайин такрорланиб турарди.*

Сари. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг объектга қараб йўналиши маъносини ифодалайди (бундай кўмакчили бирикувда объектни кўмакчидан олдинги сўз кўрсатиб туради): Масалан: *Тирищдим тогдан ошдим, ёргуллик сари йўл очдим.* («Ўзбек халқ мақоллари»). Қизнинг қийналлаёттанини кўрган сари Басаранинг касали зўриқарди. (Р.Раҳмон). Қоронгилик қуюқлаша борар кўқдаги юлдузлар чамани ҳам борган сари ёрқинроқ чақнар, ҳаво баданга сезигирларли совир эди. (Ойбек).

Бу маънода *сари* кўмакчиси томон кўмакчисига синоним бўлиши мумкин. Қиёс қилинг: *кўча сари* – кўча томон, ёргуллик сари – ёргуллик томон. Масалан: *Елкасига ташланган пальтосининг ентига қўл сола туриб, индамай эшик томон (сари) юрди.* (С.Кароматов).

Сари кўмакчиси –ган қўшимчали сифатдош билан бирга келганда, икки иш-ҳаракатнинг бир йўла содир бўлиши ва бу ҳаракатдаги давом, изчиллик маъносини ифодалайди: *Йўлчи Шокир отага тикилган сари унинг ҳозирги пайтдаги*

тамли ўйларини равшан сеза бошлади. (Ойбек) Йил сайин. Кун сайин. Кун сайин озади юрагим. Кун сайин вужудим семирар. (Ш.Раҳмон). Ахир, балиқ ҳам сувга интилади, кўккат ёргулик сари бўй чўзади. (С.Сиёев). [Аваз] Қараса, беихтиёр Табибийнинг уйи сари йўл солибди. (С.Сиёев).

Бу маънода сари кўмакчиси сайин кўмакчисига синоним бўлади. Қиёс қилинг: борган сари – борган сайин. Шундай қилиб, иш борган сари катта бўлар ва катта бўлган сайин Сайд Жалолхоннинг калласи оғирлашар эди. (А.Қаҳҳор) Қуёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари, юргинг келади. (А.Мухтор): Лекин кўчада қатнов, қий-чув борган сари кучаймоқда. (Ойбек).

Сабабли. Бу кўмакчи содир бўлаёттан иш-ҳаракатнинг бошқа иш-ҳаракатта алоқадор экани сабабини билдиради. У шундай қадрли меҳмон келишини олдинроқ билмагани сабабли тайёргарлик кўра олмаганидан нақадар хижолатда эканини айтиб битиролмас эди.

Бу кўмакчи олдидан кўпинча –тан шаклли сифатдош (үқигани сабабли), -(у)в, -(и)ш шаклли ҳаракат номлари (ўқуви сабабли, ўқиши сабабли) ва белги отлари (ўқиганлиги сабабли) келади: Масалан: *Подшонинг хасталиги сабабли мамлакатда тўй марака, базмлар тұхтатилган. (Мирмуҳсин). Ҳароратнинг юқори бўлиши сабабли тутларда ён шаклларнинг жадал ўсиши ва барглар сонининг кўпайиши содир бўляпти. (Газетадан).*

Орқали Бу кўмакчи қуидаги маъноларни ифодалайди.

1) бирор нарсанинг ичидан, орасидан, ўртасидан ёки устидан, бирор нарса оралаб, бир томондан иккинчи томонга ҳаракатланиш маъносини ифодалайди. Масалан: *Боқقا ҳовли орқали кирилади. Халойиқ гуруллаб, уч эшик орқали залга кирди. (А.Қаҳҳор). Поезд Самарқанд орқали Бухорога етиб кеди.*

2) иш-ҳаракатнинг бирор кимса, ёки нарса воситаси ёрдамида содир бўлганлигини ифодалайди. Масалан: *Хиндлар ҳам бошқа мамлакатлар билан асосан инглиз тили орқали алоқа қилишади. (Газетадан). Элмурод шу куни бир бола орқали Давлатёрни ўз ҳузурига чақирди. (П.Турсун).*

3) орқали кўмакчиси туфайли, сабабли сўзлари билан синоним ҳолда қўлланади. Масалан: *Сен билан ифтихор қилсан-да, сен орқали (туфайли, сабабли) хижолат*

чекмасимизга ишондик. (А.Қодирий). Мен ҳали ёш боламан. Күп жойни кўрганим йўқ. Лекин китоб орқали (туфайли, сабабли), Билдим талай йўл-йўриқ. (К.Муҳаммадий).

Туфайли. Иш-ҳаракатнинг содир бўлишидаги сабабни ифодалайди. Масалан: *Турмушдаги жамики яхшиликлар, гўзаллик ва фаровонликлар инсон туфайлидир. (Газетадан).* Ён қадоқ жўхори туфайли шу кўйга тушаман, деб Аваз сира уйламаган эди. (С.Сиёев).

Бўйлаб. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг кўрсатилган маконда воқе бўлгани ёки маълум вақт давомида содир бўлганлик маъносини англатади: *Жаҳон бўйлаб янграр бир овоз. (Ислом шоир).* Ватанимизнинг бутун тарихи бўйлаб эришган галабалари унинг ҳаёлидан бирма-бир кечди.

Бўйича. 1) мувофиқлик, мослик, мутаносиблик маъноларини ифодалайди. Масалан: *У.. шарт бўйича Шоқосимга овқат, ётиш учун жувозхона олдидан бир ҳужра берди. (Ойбек).* Бир кун кечаси у [Отабек] янги одати бўйича аллақаёқка кеттан эди. (А.Қодирий). Бу Ўроз ҳар кунги ·одати бўйича, жийдага суюлиб, ўзи ясаган кичкина дўмбирасини чала кетди.

2) оидлик, тегишлилик, доирлик маъноларини ифодалайди. Масалан: *Чиннига тул солиш бўйича ишларни ишчи-рассом бажаради. (Газетадан).* Саводсизликни тутатиш бўйича ўқиши бир қадар йўлга тушиб қолди. (К.Яшин).

3) соҳага оидлик маъносини ифодалайди. Масалан: *Хотам ака жамоаси мева етиштириш бўйича биринчи ўринга чиқиб олди; (Назармат).*

4) ҳолатида, шаклида маъносини ифодалайди. Масалан: *Атроф тинч, саҳро яратилган бўйича гўё қотиб қолгандай; (К.Яшин).*

5) ҳудуд-жой номлари билан бирга келиб, ҳаракат, ҳодиса ёки воқеанинг шу жойга тааллуқли эканлигини билдиради. Масалан: *Бултур бутун Ўзбекистон бўйича пахтадан рекорд ҳосил олиди. (Газетадан).*

Узра. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг бирор нарса сатҳи (сирти) бўйлаб йўналиши маъносини ифодалайди:

*Қани шундай баҳор бўлса,
Оlam узра ёйса гул. (Э.Воҳидов).*

Бу борада қуёш ботиб, қоронгилик борлиқ узра ўз чодирини ёза бошлади. (М.Бобоев).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тили учун архаик бўлиб, фақат шеърий асарларда қўлланади.

Ичра. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг ичидаги содир бўлиши маъносини билдиради. Масалан:

*Синфингни булгатма,
Чанг-тўзон ичра ботма. (К.Муҳаммадий).*

*Ёвни кўрсанг, шер сингари юриш қил,
Ботирлардай майдон ичра уруш қил. (Ислом шоир).*

Бу кўмакчи мавҳум отлар билан бирга келганда билан кўмакчисига мос келади: Суҳбат қизимай ётибди-да, - деди Аҳмад Ҳусайн хўрсиниб ва кўзларини хаёл ичра сузиб. (Ойбек).

Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек тили учун архаик бўлиб, баъзан бадиий (кўпинча шеърий) асарларда қўлланади.

Деган. Бу кўмакчи аташ маъносини ифодалаш учун қўлланади:

1) номи билан юритилганлик, аталганлик маъносини англатади. Масалан: *Зарафшон деган дарё. Халқ ўқитувчиси деган улуг ном. Мана, банка деган сўз чиқди. Кўрдик, фойдаси, манфати жуда зўр; вексель деган сўз чиқди. Уни кўрдик, бениҳоят зарур нарса. (Ойбек).*

2) ...деб аталадиган нарса, ҳодиса ёки шахс. Масалан: *Аҳмад полвон дегани ким ўзи? Кетмон деганини бир қиёмда чопади-да! (А.Қаҳҳор). Бола-чақага совға-салом деган нарсалар ҳам бўлади. (Ойбек).*

3) кўчирма гапни муаллиф гапи билан боғлаш учун хизмат қилади. Масалан: *Қадимгилар: «Сабр қиссанг, гўрадан ҳалво битар», - деган. [Қурбон ота] «Бир сиқим тупрограм бегона юртда қолиб кетмаса экан», деган ўйга борди. (А.Қаҳҳор). «Илм – игна билан қудуқ қазиши», деган мақол бор.*

4) бу кўмакчи нарса билдирувчи сўзлар билан келиб, аталганлик, белгиланганлик маъносини билдиради. Масалан: ... кампир ўзи келтирган сарполарни уйнинг юзига ёзди. *Ичидан Сафаралига деган дўппи чиқди. (Ойдин).*

Чоғли. Миқдор жиҳатидан чама, тахмин каби маъноларни ифодалайди. Масалан: *Уни бирданига юз ҷоғли одам үраб олди. Биз қишлоқдан бир йўла қирқ ҷоғли йигит жўнамоқда эдик.* (*О.Ёқубов*).

Оша. 1) Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг бошқарилган сўздан англатилган вақт давомида, мабойнида содир бўлиши маъносини ифодалайди. Масалан: ... ер, сув деб ўтди дэхқонлар, йиллар оша, асрлар оша, ҳукм сурди шундай замонлар. (*Э.Раҳим*).

2) иш-ҳаракатнинг ўзи қўшилиб келган сўздан англатилган макон бўйлаб содир бўлиши маъносини ифодалайди. Масалан: *Алишер унга елкаси оша қаради.* (*Ў.Ҳошимов*). *Мен Раънога қарадиму ичимга сигмасдим, шамол бўлиб учдим, бутун юртлар, водийлар, далалар оша елгим келарди.* (*М.Бобоев*).

Жўналиш келишигидаги сўз билан келадиган кўмакчилар

Томон. Бу кўмакчи қўйидаги маъноларни ифодалайди.

1) ўналишни. *Елкасига ташланган пальтосининг чўнтағига қўл сола туриб, индамай эшик томон юрди.* (*С.Кароматов*).

2) найт маъносини: *Кечга томон Собирнинг хонасига Одил бува кириб келди.* (*Р.Файзиев*).

Қадар. Бу кўмакчи қўйидаги маъноларни ифодалайди.

1) иш-ҳаракатнинг сабабини, асос муносабатини билдиради. Масалан: *Тузилган битимга кўра Абдулатиф Самарқандга юбориљи.* (*Мирмуҳсин*). *Отам ўз касбининг тақозасига кўра умрининг кўп қисмини сафарларда ўтказган одам.* (*Шукрулло*).

2) иш-ҳаракатининг макон жиҳатидан чегара муносабатини билдиради. Масалан: *Дарвоза остини то ҳамсоялар эшигига қадар супуриб кириб ўтириб, оналари билан чой ичмоққа машгул бўлар эди.* (*Ҳамза*). *Шу йилнинг охирига қадар корхонада бешта ласттоҳ тайёрланади.* (*Газетадан*).

3) бу кўмакчи чиқиш келишигидаги сўzlар билан келганда қиёс, таққослаш муносабатини билдиради. Масалан: *Меъмор ҳатто ўз ўғли Низомиддиндан кўра ҳам завракнинг гапларига ишонар.* (*Мирмуҳсин*).

Қарши. Бу күмакчи қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) зидлик (зидлаш) муносабатини билдиради. Масалан: *Кутидор одатига қарши бозордан кундуз соат учларда қайтиб келди-да, Отабекни сўради (А.Қодирий).* Энди одатта қарши хиёнат қилиш ярамайди. (Ойбек);

2) ўзи бирикиб келган сўз англантан нарсани йўқ қилиш, олдини олиш маъноларини билдиради. Масалан: *Урушга қарши курашиш. Касалнинг олдини олиш чораларидан энг муҳими вақтида тепкига қарши эмлашдир. («Саодат»);*

3) юз берган, содир бўлган иш-ҳаракат, воқеа ҳодисанинг кўнгилдагидек эмаслигини ифодалайди. Масалан: *Мариямнинг баҳтига қарши, амаки оғир касалликка учраб, ишдан қолди. (О.)*

Қараб. Бу күмакчи қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) ҳаракат йўналган томон маъносини ифодалайди.

Масалан: *Бўта ўрнидан туриб, чигит экилган ерга қараб кетди. Султонали эрталаб уйқудан туриб, ... Солиҳ маҳдумнинг ҳовлисига қараб кетди. (А.Қодирий);*

2) асос, миқдор, ўлчов маъноларини ифодалайди. Масалан: *Кишига билимига қараб яхшилик қил. Даромад қилинган меҳнатта қараб тақсимланади.*

Бу күмакчи фразеологик бирликлар таркибида ҳам қўлланади. Масалан: *Кутидор билан Офтоб ойимнинг бу жавоблари ўзларига эмас, балки Кумушнинг кўнглига қараб берилар эди. (А.Қодирий).*

Қарамасдан – қарамай. Бу күмакчи тўсиқсизлик, зидлик, муносабатини билдиради. Масалан: *Гавҳарнинг қаршилигига қарамай, икки марта суратта одди-ю, раҳмат айтиб бурилиб кетди. (Ў.Ҳошимов).* Бундан унинг хабари бормиди, йўқми, лекин у бу томонга қарамасдан, отини эгарлаш билан машгул эди. (А.Қодирий).

Қаратса. Бу күмакчи қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) иш-ҳаракат йўналган жой, томон маъносини ифодалайди. Масалан: *Канал бўйлаб ўттан кўчанинг жануб томонига қаратса солинган тўйхонага одам лиқ тўлди. ... миномётчиларимиз ҳам душман мэрралари ва ўт очиш нуқталарига қаратса ўт очди. (Т.Рустамов).*

2) шахс ёки уларни назарда тутиб, унга атаб мурожаат қилиш маъносини ифодалайди. *Уларга қаратса айтилган гал. У ҳаммага қаратса нутқ сўзлади. Каримага қаратса гапирмоқ.*

Яраша. Бу күмакчи мослик, мувофиқлик, лойиқлик маъноларини ифодалайди. Масалан: *Аҳли растага ва бойваччаларга яраша дурусттина кийинади.* (Ойбек). Бизда илгорлар ишига яраша ҳурматдалигини яхши биласан, - деди Йўлдош Саидага (А.Мухтор).

Доир. Бу күмакчи алоқадорлик, боглиқлик, мансублик, даҳдорлик маъноларини ифодалайди. Масалан: *Хотира дафтарида ёзувчилик меҳнатига доир кўп фикрларни учратиш мумкин.* (К.Қаҳҳорова).

Асосан. Бу сўз күмакчи вазифасида келганда бирор иш-ҳаракатининг содир бўлишида сабаб, асос, таянч, манба бўлган объект маъносини ифодалайди. Масалан: *Буйруқقا асосан бажармоқ. Йигилиш қабул қилган қарорга асосан у жамоага раҳбар қилиб белгиланди.*

Биноан. Бу күмакчи ҳам иш-ҳаракатининг содир бўлишида асос, таянч манба бўлган объект маъносини билдиради. Масалан: *Куллуқ, чақирганингизга биноан хизматингизга келдик, нима дейсиз.* («Луқмони Ҳаким»). Эҳтиёт бўлинглар, ноҳақликка мутлақо йўл қўйилмасин. Ҳамма иш қонунга биноан олиб борилсин. (П.Қодиров).

Мувофиқ. Бу күмакчи ҳам иш-ҳаракатининг содир бўлишида асос бўлган объект маъносини билдиради. Масалан: *Байрам маросимига мувофиқ дабдаба билан Ҳусайн Бойқаро ҳозир бўлди.* (О.) Уларнинг ўзаро писандиларига мувофиқ янги ерлар, чиқариладиган сувлар Тешабойга текин ўтади. (М.Исмоилий).

Чиқиши келишигидаги сўзлар билан қўлланадиган күмакчилар

Сўнг. Бу күмакча иш-ҳаракатининг тугалланиши билан боғлиқ бўлган вақт (пайт) маъносини ифодалайди. Масалан: *Саломдан сўнг Аҳмад муддаога ўтди.* (Ф.Мусажонов). Устод бир неча сониялик мулоҳазалардан сўнг қатъият ила олдинга юриб, ипни ушлади. («Фан ва турмуш»).

Кейин. Күмакчи вазифасида келадиган бу сўз *сўнг* күмакчисининг синоними бўлиб, иш-ҳаракатининг тугалланиши билан боғлиқ бўлган вақт маъносини билдиради. Масалан: *Ҳаммага зеҳи солиб ўтирган Сафаров Бутабой акадан кейин сўз берди.* (А.Қаҳҳор). Сидикжон

овқатдан кейин құлиға газета олған зди, бир мақолани яримлатмасдан, күзи сузилди. (А.Қақхор).

Бошқа. Кұмакчи вазифасида келадиган бу сүз бұлак, ташқари, мустаснолик маңносини ифодалайды. Масалан: *Менға қолса, үргіда шундан бошқа ҳеч гап йүқ, үглім, - деди (жожи). (А.Қодирий).*

Ташқари. Кұмакчи вазифасида келадиган бу сүз бошқа кұмакчисининг синоними бұлиб, у кұмакчи каби мустаснолик маңносини ифодалайды. Масалан: *Бу йил ҳосил миқдоридан ташқари, тола сиғатига ҳам алоқида эзтибор берилади. (Газетадан). Унинг бу гапидан Башорат ишчиларнинг ишдан ташқари вақтда ҳам ишлашта ақд қилишганини англади. (А.Мұхтор).*

Бұлак. Бу кұмакчи ҳам бошқа, ташқари кұмакчиларининг синоними бұлиб, улар каби мустаснолик бошқалик каби маңноларни ифодалайды. Масалан: *Элмурод эрталабдан бери нон-чойдан бұлак ҳеч нарса емаганлиқдан, күнгли озганини сезди. Укасидан бұлак Ҳамиданнинг яқини қолмади. («Ёш күч»).*

Үзга. Бу кұмакчи бошқа кұмакчисининг синоними бұлиб, үзи boglaniб келган сүз билдириган шахс ёки нарсадан бошқасига ишора қиласы. Масалан: ... *Отабекдан үзга фарзандимиз бұлмай, орзу-хавасимиз, умид-ҳадафимиз фақат шу Отабекдир. Бандамиз-тақдирга тан берищдан үзга иложимиз йүқ. (Н.Сафаров).*

Бери. Бу кұмакчи пайт маңносини билдиради ва күпинча ҳаракатнинг бошланиш вақти билан bogliқ бұлган маълум пайт оралиғи маңносини ифодалайды. Масалан: *Сени Омон күргандан бери күзларига уйқу келмайди. Сенга майл қўйғандан бери ҳеч нарсага күнгли тұлмайди. (Х.Олимжон).*

Бүён. Бу кұмакчи бери кұмакчисининг синонимии бұлиб, вақт маңносини ифодалайды. Масалан: *Ўзбек халқи қадим-қадимлардан бүён ҳашар усулида жуда күп иншиотлар барпо қылған. (С.Ахмад). Нече йиллардан бүён хаёлини банд эттан фикр уни амалий ишта бошлади. (С.Кароматов).*

Нары-нариги. Кұмакчи вазифасида келадиган бу сүз иш-ҳаракатининг чегараси ёки даражасини ифодалайды. Масалан: *Мактабдан нари. Одамлардан нари. Айвоннинг нариги ёнидаги дарича орқали уйта кирилур зди. (А.Қодирий). Кейин чуқурнинг нариги бошида эски қол*

*тагида ёттан бир қанча темир понани олиб чиқиб күрсатди
Кудрат. (М.Исмоилий).*

Бурун. Муайян воқеа, ҳодиса ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бораётган пайтдан олдин бўлганлигини билдиради. Масалан: *Иш мўлжалдан ўн беш кун бурун бошланди. Эрта билан, офтоб чиқмасдан бурун бойнинг ҳовлисида аравар тайёр бўлди. (С.Айний).*

Илгари. Кўмакчи вазифасида келадиган бу сўз нарса, ҳодисанинг ўзи болнаниб келган сўз, сўз биримаси билдирган вақт, хатти-ҳаракатнинг воқе бўлишида ундан олдин бўлган ҳодисани билдириш учун қўлланади. Қуйидаги сўзлар билан муносабатта киришади:

1) от ва олмошлар билан бирга келади. Масалан: *Аммо ўз ризолитининг шарти қилиб тўйдан илгари Маргион бориб келишни аҳд қилди. (А.Қодирий);*

2) вақт билдирувчи сўзлар билан келади: Масалан: *Бундан бир неча соат илгари қайгудан бошқа овқатни танимаган бу икки ёр энди севиниб, иштаҳа билан ея бошладилар. (Ойбек);*

3) феъл шакллари билан келади: Масалан: *Амирга инқиёд этишдан илгари шу тўғрида жавоб берсангиз. (А.Қодирий);*

II. Кўмакчи отлар (функционал кўмакчилар) асосан мустақил маъноли сўзлар бўлиб, маълум ўринлардагина кўмакчи сифатида қўлланади. Кўмакчи отлар одатда жўналиш, чиқиши ва ўрин-пайт келишиги билан турланган бўлиб, ўзидан олдин келган сўзларга нисбатан қаралмиш ҳолатида бўлади: Масалан: *бинонинг олдида, дарёнинг ўртасига, деворнинг устидан.*

Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчи отларни на вертикал йўналиш билдирувчи (*ост, уст*), горизонтал йўналиш билдирувчи (*олд.орқа*) ва аралаш (*ҳам* вертикал, *ҳам* горизонтал) йўналиш билдирувчи (*ора, бош, ўрта*) кўмакчи отларга ажратиш мумкин.

Ост. 1. Жўналиш келишигида келиб иш-ҳаракатни бирор предметга ёки унинг остки қисмига, тагига йўналтирганлик маъносини ифодалайди. Масалан: *Оёқ остига поёндоz солмоқ. Анвар отин кулимсираб ёстиқ остига қўл югуртирар экан, дафтарни енг устидан икки қўллаб Муқимийга тутди. (С.Абдулла).*

2. Ўрин-пайт келишигидаги остида сўзи қуийдаги маъноларни ифодалайди.

а) бирор ҳаракат ёки ҳодисанинг бошқаси билан бирга ёки унга боғлиқ ҳолда содир бўлишини ифодалаш учун қўлланади. Масалан: *Хижолат остида қолмоқ. Раҳбарлиги остида ишламоқ. Куёв қаттиқ қарсаклар остида бориб, келиннинг ёнига ўтириди.* (A. Қаҳҳор);

б) бирор ҳаракат ёки ҳолатни юзага чиқарган бошқа бир ҳаракат, ҳолат ёки кечинмани ифодалашда ишлатилади. Масалан: *Карим ўзининг диққат бўлиб турганлигини сездирмаслик учун мажбурият остидагина бир илжайди.* (Ойдин);

в) иш-ҳаракатни бирор нарсанинг пастки қисмида (остида, тагида) ёки бевосита унинг тагида содир бўлганлигини билдиради. Масалан: *Сидиқжон катта йўлдан анча четда каттакон пахмоқ бир дараҳт остида милтилаб турган чироққа томон бурилди. Ер ёмгир намидан кўпчир, шамол булувларни тўзиттанда эса ёрқин қуёш остида яйрар, ундан мовий буг ўрлар эди;*

3. Чиқиш келишигидаги остидан сўзи иш-ҳаракатнинг бирор нарсадан ёки унинг остки қисмидан, тагидан, ичидан йўналганлигини шунингдек разм солиш, кўз қирини ташлаш маъноларини ҳам ифодалайди. Масалан: *Раъно кулимсираб ер остидан Анварга қаради.* (А. Қодирий). Яхшибоев ер остидан боқиб, ҳамма ёги жой-жойида, тиқмачоқдай, деб уйлади. (М.М.Дўст). Пальто остидан кастюм киймоқ.

Уст. Бу кўмакчи вазифасида келган уст сўзи паст сўзининг антоними бўлиб, қуийдаги маъноларни ифодалайди:

1) жўналиш келишигига келиб иш-ҳаракатининг бирор нарса устига йўналганлигини билдиради: Масалан: *Меъмор аравадан тушиб, бир муддат бўлса ҳам майса устига ёнбошлиди.* (Мирмуҳсин). Баҳор дадасига кўз қирини ташлади-ю, яна стол устига эгилди. (Ш.Рашидов);

2) бирор иш-ҳаракатни тўлдириш учун унга қўшимча равишда яна бопиқа бирининг содир бўлишини билдиради. Масалан: *Бу йил куз вақтили келди, унинг устига ёгингарчилик кўз очирмади.* («Шарқ юдзузи»);

3) ўрин-пайт келишигига келиб:

а) иш-ҳаракат бирор нарса устида содир бўлганлигини билдиради: Масалан: *Қўргонбеги от устида қўргоннинг у бошидан бу бошига чошарди.* (А.Қодирий).

б) иш-ҳаракатининг содир бўлишидаги вақт, давр, муддатни билдиради: Масалан: *Овқат устида Ҳадича хола қиплоқда бўлиб ўттан ҳамма катта-кичик ҳодисалар тутрисида гипириб берди.* (А.Қаҳҳор).

4) Чиқиш келишигида келиб қуидаги маъноларни ифодалайди:

а) иш-ҳаракатининг бирор нарса устидан йўналганлигини: Масалан: *Хайри хатни стол устидан олиб улгирмасданоқ, Ҳалил ота билан Баҳор кириб келди.* (Ойбек).

б) иш-ҳаракат бирор шахста қаратилганлигини, йўналтирилганлигини: Масалан: *Саида устидан ёзилган аризанинг биринчи нусхаси эди.* (А.Қаҳҳор).

2. Горизонтал йўналиш билдирувчи кўмакчи отларга олд, орқа, ён, ич томон каби сўзлар киради.

Олд кўмакчиси чиқиш, жўналиш ва ўрин келишикларида келиб ҳаракат предметнинг олд томонига йўналганлигини, ўша ерда бўлаётганини, ўша ерда бошланганлигини, пайтини билдиради: Масалан: *Низомжон унинг олдига жадал юриб кетди.* (С.Аҳмад). *Мансур хайрлашиш олдидан эшик ёнида туриб секингина:* - Бирор ёққа борсангиз Зулайҳо опангизга айтиб кетинг, - деди. (Ў.Хошимов).

Орқа кўмакчиси ҳаракат предметнинг орқа қисмига йўналганлигини ўша ерда бўлаётганини билдиради: Масалан: *Кимхоб тўн ичида йўғон гавдаси билан одамлар орқасида савлат тўкиб турибди.* (М.Исмоилий). У стол орқасига ёзилган харитани кўздан кечирди. (Ҳ.Гулом). Адир орқасидан баркащдек ой кўтарилиди. (С.Аҳмад).

3. Арадаш йўналиш билдирувчи кўмакчи отларга урта, ора, бош сўзлари киради.

Урта кўмакчиси жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларида келиб, ҳаракат предметнинг марказий қисмида бажарилганлигини билдиради: Масалан: *Тўхтахола ҳовли уртасидаги супага келиб, оппоқ ёстиққа энгашди.*

(И.Раҳим). Шарқу гарб ўртасида катта бир манзил, Чин Мочиндан толикиб келган карвоилар. (М.Шайхзода)

Ора кўмакчиси предмет ўрни, пайтини ифодалайди: Масалан: Супаларнинг ораларига, атрофига анвои гуллар экилган. (А.Қаҳҳор). Агар яқин орада ҳаво очилмай, сурункасига ёмгир ёғиб берса, нима қиласиз? (Н.Сафаров).

Бош кўмакчи оти қуйидаги маъноларни ифодалайди.

1) жўналиш келишигида келиб:

а) иш-ҳаракатнинг бирор нарсанинг бошланиши, тепаси, чўқисига йўналганини; Масалан: Асқар ота бориб, сагананинг бошига чўкка тушди ва баланд овоз билан қуръон ўқиди. (А.Қаҳҳор). ... ўрнидан дик этиб туриб, каравот бошига ташлаб қўйилган камарни қўлига олди. (М.М.Дўст). Битар ишнинг бошига яхши келар қошига. (Мақол).

б) ажратиб кўрсатиш керак бўлган обьект, шахс, нарсани: Масалан: Ҳосилни гектор бошига 40 центрга етказамиз. Дала меҳнаткашларининг даромади жон бошига йилдан-йилга ошиб бормоқда.

2) ўрин-пайт келишигида келиб, нарсанинг ўрнини ёки иш-ҳаракатнинг бирор нарса бошланишида, тепасида, содир бўлганини ифодалайди. Масалан: Гул очилгай қояларнинг бошида, Лолалар бор булоқларнинг тошида. (Ҳ.Олимжон). Юринг, холажон қизни ўзим топаман, тўйнинг бошида ўзим бўламан, ёр-ёрни ҳам ўзим айтаман. (О.Ёқубов).

3) Чиқиш келишигида келиб, ҳаракатнинг бирор нарсанинг бош қисмидан, бошланишидан, олдидан, қошидан йўналганлигини ифодалайди. Масалан: Ўчоқ бошидан овқатни олиб келмоқ. Хонанинг у бошидан бу бошига югурди. (Шуҳрат). Хат бошидан такрор ўқимоқ.

БОГЛОВЧИЛАР

Гапда мустақил сўзларни ёки қўшма гап компонентларини бириттириш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзларга боғловчилар дейилади. Богловчилар грамматик жиҳатдан ўзгармайди ва у лексик маъно ҳам ифодаламайди.

Ўзбек тилида боғловчилар якка ёки такрорий қўлманилади. Шунга кўра улар 2 турли бўлади.
А) Якка боғловчилар.

Б) Такрорий бөгловчилар.

Якка бөгловчилар уюшган бүлаклар ва айрим гаплар орасида якка ҳолда қўлланади: *ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, балки, ҳолбуки, ваҳоланки, ёки, гар, агар, агарда, башатри, чунки, гарчи, гўё, гўёки, -ки, -ким* каби. Масалан: *Дераза томон қўл узатди, лекин тақиллатмади.* (Т.Малик.) *Сиз мени биринчи марта кўриб турибсиз, бироқ мен сизнинг маҳоратингиз ҳақида эшигтганман.* (Т.Малик.) *Одам боласи дунёда ҳамма нарсани унитиши мумкин, аммо онасининг меҳрибонликларини унута олмайди.* (Т.Малик.)

Такрорий бөгловчилар бир гапда икки ёки ундан ортиқ ўринда такрорланиб келади: *дам..., дам, баъзан..., баъзан, ҳам..., ҳам, бир..., бир, ёки..., ёки, ё..., ё, гоҳ..., гоҳ, хоҳ..., хоҳ.* Масалан: *Жамиятда ҳам табиий, ҳам ҳаётий, ҳам сиёсий жумбоқлар фавқулодда кўп содир бўлади. Гоҳ кулиб, гоҳ кулдиради.* У ҳам кўп ўтмай ё инженер, ё ўқитувчи бўлади.

Бөгловчилар вазифасига кўра бөгловчилар икки турга бўлинади.

1. *Тенг бөгловчилар.*

2. *Эргаштирувчи бөгловчилар.*

Тенг бөгловчилар

Бундай бөгловчилар гап бўлаклари ва айрим содда гаплар орасидаги тенг муносабатларни ифодалайди. Бундай бөгловчилар, асосан, гапнинг уюшган бўлакларини ва қўшма гап таркибидағи гапларни бօглаш учун хизмат қиласи. Масалан: *Ҳаво сокин ва илиқ эди. Уцутилмас дамлар етиб келди ва биз ўз қаҳрамонларимиз бетига далил қарамоқдамиз.* Уй кичкина, лекин ёргу ва тоза эди. (Ойбек).

Тенг бөгловчилар қуйидаги гуруҳларга ажralади:

1) бириктирувчи бөгловчилар: *ва, ҳамда* (бөгловчи вазифасида келган билан кўмакчиси, ҳам юкламаси киради);

2) зидловчи бөгловчилар: *аммо, лекин, бироқ, балки, фақат, ҳолбуки;*

3) айирувчи бөгловчилар: *ё, ёки, ёхуд, ёинки, гоҳ..., гоҳ, гоҳо (гоҳи-гоҳи)* *дам..., дам, ир..., бир, баъзан..., баъзан, хоҳ..., хоҳ.*

Бириктирувчи боғловчилар

Бу боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлакларини, қўшма гап таркибидаги айрим гапларни бир-бирига боғлайди. Ўзбек тилида бундай боғловчиларнинг энг актив қўлланувчиси *ва боғловчисидир*.

Бу боғловчи уюшиқ бўлакларнинг охиргисидан один келиб, улар орасидаги тенг муносабатни кўрсатади ва охирги уюшган бўлакни ажратиб, таъкидлаб кўрсатади: *Уни ёш ва бўронли қалби олиб кетди, олис шаҳарга.* (*А. Орипов*). *Ва боғловчиси қўшма гап таркибида келганда:*

а) воқеа-ҳодисаларнинг бир вақтда бўлганини билдиради. Масалан: *Кўнгил хазинасининг тиљидир ва ул хазинанинг қалити сўздир.* (*А. Навоий*). *Новдаларни безаб гунчалар, тонгда айтди ҳаёт отини ва шаббода қургур илк саҳар, олиб кетди гулнинг тотини.* (*Ҳ. Олимжон*) *Хонанинг шифти ва деворлари кўҳсиз, лекин ялатироқ бўёқлар билан бўялган.* (*О. Ёқубов*).

б) иш-ҳаракатнинг кетма-кет бўлганини кўрсатади: *Сой гувимлаб оқар ва унинг муздек шамоли қиргоқда тартибсиз ўстган ўтларни силкитар эди.* *Баҳри хола одиндида Рисолат билан бирга борар ва отнинг қадам ташлаши мақомига ашула айтар эди.* (*А. Қаҳҳор*).

Баъзан ва боғловчиси ўрнида -у (*ю*) юкламаси ҳам уюшган бўлаклар, айрим гаплар орасида келиб, бирикувчи боғловчи вазифасида ишлатилади: Масалан: *Еру кўк. Ёшу қари. Кечаю кундуз. Қир-адирда ўтлар менинг қую-қўзим.* Ён бошланар далада, богда, *Еру кўкни қиздирар қуёш.* (*Ўйғун*). *Тулқин бу воқеани эсладиу томогига бир нима тиқилди.* (*Т. Малик*.)

Ҳамда боғловчиси ҳам гап бўлаклари ва қўшма гап компонентларини боғлайди: *Мен фарзандларим ҳамда шогирдларимдан ҳақиқий инсон бўлишни талаб қилиб келдим.* (*Газетадан*). *Мажлисда таълим-тарбия ишларини яхшилаш масаласи кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.*

Ҳам боғловчи вазифасида келганда, ва боғловчи сингари уюшиқ бўлакларни боғлайди ва бу бўлаклар орасидаги тенглик муносабатини ифодалайди. Масалан: *Бу гап, албатта Рустамжон ҳам Карималарнинг қулогига етиб бормасин.*

Бу бөгловчи қатор уюшган бүлакларнинг охиргисидан олдин келганда, уюшган бүлаклар орасидаги тезликни күрсатиш билан бирга охирги уюшган бүлакни ажратиб ҳам күрсатади. *Битибдур беш равот ҳам учта ҳаммом.* (Уйғун, И.Султон).

Ҳам уюшиқ бүлаклар кетидан такрорланиб келганда уюшиқ бүлакларни ажратиб күрсатиш учун құлланади. Масалан: *Гұзалхон гұзаллиқда ҳам, шұхлиқда ҳам, үйинга усталиқда ҳам дүтіналаридан қолишимайды*¹.

Бириктирувчи бөгловчи вазифасида күпинча билан күмакчиси ҳам қатнашади. Бундай пайтда бошқа бириктирувчи бөгловчилар каби бөгланған құшма гапнинг уюшган бүлакларини бөглейди ва вазифасига күра «ва» бөгловчисига тенг келади. Масалан: *Булар күздан гойиб бүлгандан кейин, канизак билан Сидиқжон бутанинг орқасидан чиқишиди.* (А.Қаңжор).

*Аму билан Сирдан сув ичган,
Зарафшонни лойлатиб кечган,
Чавандозлар бордир бу элда. (Х.О.)*

Шунингдек, билан сүзи пайт ва түсиқсиз әргаш гапли құшма гапларда бош гап билан әргаш гапни бөглаш учун ҳам хизмат қиласы: Масалан: *Ҳалво деган билан, оғиз чүчимайды.* (Мақол). *Дераза очилиши билан, Мұмин бошини күтарди.* (Ойбек).

Зидловчи бөгловчилар

Бундай бөгловчиларга *лекин, аммо, бироқ, балки, ұлбуки* каби сұзлар киради. Бу бөгловчилар содда гаплар ва бөгланған құшма гапларда құлланиб, ҳодиса, иш-харакат ёки бирор предметни бошқасига зид құяды ва улар орасидаги қарама-қарши мұносабатни билдиради. Масалан: *Ҳаво булат бұлды, лекин ёмғир ёғмади.* Шуни таъкидлаш лозимки, *лекин бөгловчисига аммо, бироқ* бөгловчилари

¹ Ҳам бөгловчиси құшма сұзларнинг таркибий қисми бұлыб, муайян иш фәолият ва ш.к.да «бирға бұлувчы», «бирға бажаруучы», тенг, «бир хил» деган мағыноларни билдиради: *ҳамдарада ҳамфикар, ҳамшаҳар, ҳаммавақт* каби.

сионим бўлиши мумкин. Ҳаво булат бўлди, лекин (аммо, бироқ) ёмғир ёғмади.

Лекин боғловчиси мазмунан бир-бирига зид бўлган содда гапларни, мазмунан зид бўлса-да, бири иккинчисини инкор этмайдиган гапларни боғлади. Масалан: *Уй кичкина, лекин ёрут. Сициқжон билан Канизак келганда, замга одам тўлган, лекин президиум атрофида ҳеч ким йўқ эди.* (А.Қаҳҳор).

Аммо боғловчиси тенг маъно ва вазифалари гап бўлаклари ёки гапларни зидлов йўли билан боғлади, ҳамда мазмунан аввалгисига зид фикрнинг бошланишини англатади. Масалан: *Бу икки аёлнинг кўнгли бир-бирига нақадар яқин, аммо ёш жиҳатдан буларнинг фарқи катта.* («Тұхфа»). *Бу қийин иш, аммо бажарамиз.* Чавандозлардан бири мэррага яқин қолганда йиқилиб тушди, бироқ унг ҳеч ким парво қилмади. (К.Яшин). Ҳаво булат бўлди, бироқ ёмғир ёғмади. *Онасининг бу қароридан кейин акаси ён бўйшига мажбур бўлди, бироқ шарт қўйди.* (Т.Малик).

Аммо, лекин боғловчилари ёнма-ён келиб, аммо, лекин тарзида ҳам қўлланади. Масалан: *Аммо, лекин ҳаётни ортиқча расмийлаштириб юборяпмиз.* (А.Мухтор) *Йўқотиш мумкин. Аммо лекин бутун водийга тарқаса ёмон бўлади.* (А.Мухтор) *Аммо лейн Эш қаттиқ ишлади.* (С.Аҳмад).

Зидловчи боғловчилар айрим гапларнинг бошида ҳам келади ва ўзидан олдин келган гапнинг мазмунан кейинги гапга зид, қарана-қарши эканини билдиради. Масалан: *Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган. Бироқ, ҳозир ер титрагандай туюлганида бунинг сабабини топгандай бўлди...* (Т.Малик). *Йигитали дўконга яқинлаша туриб ғамазонни кўрди!* Аммо унга таллинганига дафъатан рўпара бўла олмади. *Йигитали баъзан Назир ободга (Йигиталига) хат ёзмоқчи ҳам бўларди.* Лекин биродарим, тирикмисан? – деб сатр битишга қўли бормасди. Бир томондан у ҳақ ... Лекин бошқа томондан *Йигитали тонг юлдузига қараб ётгандаги хаёлини, қарорини хотинига айтсамми-айтмасамми.* деб қийналаёттанди. Тил забонинг бор, биламан. Аммо сен ўзингни кунда бир ўлиб, бир тирилгандар қаторига қўшма, бола. Бу онда Саттор ваҳимали туш таъсирида тўлғданаёттан эди. Бир қараса, девор битганмиш. Бироқ... девор остида дадаси билан ойиси ётганмиш. Масала Келдиёров фойдасига ҳал бўлмаёттанинга

ишионди. Бироқ Келдиёров пўписаси туфайли кўнглида уйғонган ташвиш олови пасаймади. (Т.Малик).

Балки боғловчиси зид маъноли гапларни, гап бўлакларини бир-бирига боғлаш, қиёслаш учун хизмат қиласи, маънони кучайтиради. Масалан: *Кучилик – курашда йиқитишида эмас, билки газаби келганда, ўзини босиб олишдадир.* («Фан ва турмуш»). Ёлгиз ўзи эмас, балки бутун косиб аҳлининг аҳволи пачава эканини очиб ташлади. (Ойбек).

Бу боғловчи бадиий адабиётларда *балким шаклида* ҳам қўлланади. Масалан: *Қалби пок ишқ аҳлининг виждони балким жонидир.* (Ҳабибий).

Шунингдек, *балки* сўзи гапда кириш сўз вазифасида келиб гумон тахмин маъноларини билдиради. Масалан: *Балки, куттар мени, бир қиз, кўз ёшлини оқизоқ.* («Шарқ юлдузи»). *Балки, бу қиз Она бўлур,* тутилажак ўтлимга. (Миртемир).

ং ৳

Айирувчи боғловчилар

Бу боғловчилар уюшган гап бўлакларини ёки қўшма гапларнинг қисмларини боғлаш учун хизмат қиласи. Айирувчи боғловчиларга ё, ёки, (ё инки), ёхуд, ё..., ё, гоҳ..., гоҳ, дам..., дам, бир..., бир, баъзан..., баъзан, хоҳ..., хоҳ каби боғловчилар киради. Ё, ёки, ёхуд, ёинки боғловчилари уюшган бўлакларнинг бирини иккинчисидан, бирор воқеа-ҳодиса ёки иш-ҳаракатини бошқасидан ажратиб кўрсатиш учун хизмат қиласи.

Гоҳ..., гоҳ, гоҳо-гоҳо, (гоҳи-гоҳи) дам..., дам, бир..., бир, баъзан..., баъзан боғловчилари эса гапда такрорланиб келиб, гап бўлакларини, қўшма гап компонентларини айирув йўли билан боғлайди ва галма-галлик, алмашиниб туриш маъноларини ифодалайди.

Мисоллар:

*Гоҳи боқсам тўлин ойдек юзига,
Гоҳи шўх ўйноқи шаҳло кўзига* (Ҳабибий).

Иллат ё ошда, ё мотда (Матал). У ё уялиб, ё қўрқиб останада турарди. (П.Турсун). Бирон одамнинг ўзидан паст ёки баландлигини ... унинг уйида нечта гилами борлиги ёки

Неча кишига сўзи ўтиши билан ўлчар экан. (*Ойбек*). Чамадонимни кўтариб, у ёққа чопаман, бу ёққа чопаман, қани энди, бўйрадаи соя ёинки бир пиёлагина яхна топилса. (*Ҳ.Гулом*). Бир икки шеър ёҳуд бир драма асар ёзиг адабиётнинг бутун, масаласини тушунаман, деб даъва қилувчи кишилар ҳам йўқ эмасди. (*Н.Сафаров*). Икки кундан бери гоҳ савалаб, гоҳ шиддат билан ёгаётган ёмғир ҳамма ёқни ивитиб юборди. (*А.Қаҳҳор*). Сув дам оқизиб кетади, дам четта отади. (*С.Аҳмад*). (*Йўлчи*) Баъзан Қоратойнинг ишхонасида, баъзан чойхонада тунаб юрди. (*Ойбек*). Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг. (*Мақол*).

Эргаштирувчи боғловчилар

Эргаштирувчи боғловчилар -ки (-ким), чунки, шунинг учун, гүё, гүёки, токи, агар, гарчи, (агарчи) башарти, яъни кабилар бўлиб, қўшма гап таркибидағи содда гапларни боғлаш учун хизмат қиласди.

Эргаштирувчи боғловчилар грамматик алоқаларни ифодалаши ва маъноларига қараб қўйидаги турларга бўлинади:

1) аниқлов боғловчилари; 2) сабаб боғловчилари; 3) чогиштирув боғловчилари; 4) мақсад боғловчиси; 5) шарт ва тўсиқсизлик боғловчилари.

Аниқлов боғловчилар (яъни, -ки, -ким) аниқлов боғловчилари эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун ишлатилиб, бош гапда ифодаланган фикрни аниқлаб, изоҳлаб кўрсатади. Масалан: *Тилагимиз шуки, яхши ишлаб обрў ортигисин, одамларнинг ҳурматига сазовор бўлсин*.

Аниқлов боғловчиси эргаш гапнинг деярли ҳамма турларида (эга, кесим, тўлдирувчи аниқловчи, сабаб, натижа, равиш ва ўхшатиш эргаш гапларни) иштирок этади: *Кимки бирорга чуқур қазиса, ўзи қулаиди*. (*Мақол*). Бу шаҳарнинг хусусиятларидан бири шуки, бу ерда бир кунда тўрт фаслнинг ҳавосини кўриш мумкин. *Билсинарки, йўлдошим бўлмас кўзда ёши билан кулганлар*. *Мирзо Улугбек жойига ўтириб ултурмаган ҳам эдики, саройбон кириб, иккинчи номани тутди*. *Ота—онам орзуси ушалиб, илгариги Назирқул энди Назир афанди, яъни ўқитувчи бўлиб қолган эдилар*. (*Н.Сафаров*).

Сабаб боғловчилари чунки, шунинг учун, негаки, зероки, наинки кабилардир. Бу боғловчилар, асосан, сабаб эргаш гашни бош гашга боғлаш учун хизмат қиласы: Самиимий айтилган сүз содда бұлади, чунки дилнинг ҳукмронлиги тиілден устун бұлади. Қақимчилик ёмон иллатдир, чунки у туфайли одамлар ўртаси бузилади. (Газетадан). Яхши ишиласам, албатта, чакки бұлмайди, негаки, булар қариндошларим, ҳамма даң юлсалар хам, мендан юлмаслар. (Ойбек) Зероки, Журжон шаҳридек ҳавоси мусаффо, суви тоза пойтахт тополмаймиз оламда. (М.Осим). Ҳеч ким ишқни бунчалик таъриф қила олмаган, зеро ҳеч ким ишқ жабрини менчалик тортмаган. (Уйгун, И.Султон).

Чоғишириувчи боғловчилари гүё, гүёки қабилардир. Бу боғловчилар воқеа-ходиса ва нарсаларни ұзаро ұхшатиши, тоғишириш йўли билан турли грамматик алоқаларни билдиради. Масалан: Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тұлдирған, гүёки кечанинг ўзи күйлайди. Беда ораси жуда иссиқ, гүё қуёшнинг бутун олови беда ичига яшириңгандек, қизгин бүгүвчи ҳаво юзга уради. (Ойбек).

Мақсад боғловчиси токи мақсад эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қиласы: Құшиқни баҳузур айтиб ишлай бер, токи ҳамма баҳраманд бұлсın. Бизнинг мақсадимиз кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқы қорани ўзи ажратадиган бұлсın. (П.Турсун) Пойдевор омондир. Демак, уй омон. У яна тикланар, Токи бор фироқ, токи бор бошимда, Бу қадим осмон, Токи бор боболар Қон тұккан тупроқ. (Х.Даврон).

Шарт ва тұсиқсизлик боғловчилари агар, агарда, модомики, мабодо, башарти, гарчи, агарчи, гарчанд қабилар. Бу боғловчилар шарт ва тұсиқсиз эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қиласы. Масалан: Агар кишининг ҳаёті бирор мақсад, бирор гоя учун кураш билан ўтса, бундай ҳаётта ҳеч афсус қымаслик керак. Аниқ тож, гарчи ёқут, гарчи зардир, халойиқ бошига биттан зарардир. (Уйгун). Қиз томон гарчанд түйни бир йил кейин қилиш шарти билан бұлса ҳам, розилик берибди. (О.Ёқубов). - Йүқ, - деди бек, - мен бу ишга башарти күнганимда ҳам қизингиздан яширмайман. (Ойбек). Арман юртинг күролмасам мабодо, Бу дунёдан арман билан ўтардим. (Э.Воҳидов).

Боғловчи вазифасида бошқарувчи сўзлар деб сўзи боғловчи вазифасида келганда, эргаш гапларнинг баъзиларини (шарт, мақсад, сабаб) бош гапга боғлади. Масалан: *Ҳар киши тер тўкиб қиласди меҳнат, халқимнинг турмуши обод булсин деб.* (F.Гулом). ,Мирзаев, унақа гаплар латофатнинг мижозига тўгри келмади шакли деб, қаттиқ ҳижолат тортиди. (A.Қаҳҳор).

ЮКЛАМА

Айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно бериш учун хизмат қиласдиган ёрдамчи сўзлар юкламалар дейилади. Юкламалар тузилишига кўра икки хил бўлади:

1) аффикс юклама (аффикс ҳолига келиб қолган юкламалар);

2) сўз юклама (сўз ҳолидаги юкламалар).

Хозирги ўзбек тилида гапга ёки айрим сўзларга берадиган қўшимча маъноларига кўра юкламаларни қуидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) сўроқ ва таажжуб юкламалари; 2) кучайтирув ва таъкид юкламалари; 3) айирув ва чегаралов юкламалари; 4) аниқдов юкламаси; 5) гумон юкламаси; 6) инкор юкламаси.

Сўроқ ва таажжуб юкламари (-ми, -чи, -а, -я) сўзларга ёки гапларга қўшилиб келиб, асосан гапни сўроқ гапга айлантиради ва эмоционал маъно оттенкалари қўшади:

-ми юкламаси:

1) сўроқни билдиради: *Бутун учрашув бўладими?* Ая, аяжон, шу ҳам гапми? Уялмайсизми? (A.Қаҳҳор).

2) таажжуб, ҳайрат билдиради. *Бутун учрашувга бормаймизми?*

-чи юкламаси: сўроқ, буйруқ, илтимос, истак, хоҳиш, дўйқ маъноларини ифодалайди: Энди орқага йўл йўқ. Олдинга-чи? Қани, айт-чи, қилмай кўр-чи, кўриб чиқай-чи (хоҳиш) каби.

-а, я юкламаси:

1) сўроқ билдиради: *Шаҳар жуда ўзгариб кетибди-а?*

2) ҳис ҳаяжон англатади: *Оҳ, қандай сўлим кеча-я!*

3) таажжуб, ажабланишни билдиради: *Мен-а? У-я..*

4) тасдиқ, ишонч ифодалайди: *Нуқул мой-а. Баҳаво-я, Үхшайди-я.* каби.

Кучайтирув ва таъкид юкламалари (*наҳотки, ниҳоят, -ку, ҳам, -у(ю), -да; оқ, -ёқ, -ки, -ким*). Сўз маъносини кучайтириш ва таъкидлаш учун хизмат қилади: *Баҳт сўзи шунчалик азизки, унга меҳнат аҳли инқилоб туфайли эришди. Наҳотки еримиз чаппа айланиб, наҳотки дарёлар оқар тескари.* (Г.Гулом) *Бу она-ку бу зўр инсон-ку!* *Хурмат муҳаббатнинг тимсоли.* (Уйгун). *Ниҳоят, улар ҳам чарчади шекилли, орага сукунагат чўқди.* (Газетадан). *Сен ҳам юрибсан-да, половон номини олиб.* (Газетадан).

Айирав ва чегаралов юкламалари *-тина, -қина, -қина, фақат* турли сўз туркумлари билан келиб, уларни чегаралаб кўрсатиш ва маъно жиҳатидан ажратиш учун хизмат қилади: *Ҳамма келди, фақат Одил келмади. Ёлгиз утина одамларга кўшилмас эди. Фақат ожиз қаламим маним, Ўзбекистон Ватаним маним.* (А.Орипов).

Аниқлов юкламалари *худди, нақ ўзи мансуб бўлган сўзнинг маъносини аниқлаб кўрсатиш* учун хизмат қилади. *Ўғли отасининг худди ўзи. Мажлисда нақ кўнгилдаги гаплар гапирилди. Иnobатнинг худи ўзига уҳшаган нозиккина қорақош, қоракўз бир синглиси бор эди.* (О.Ёқубов).

Гумон юкламаси *-дир* гумон, ноаниқлик маъносини ифодалайди: *Ҳозир у шаҳарга кириб боргандир. Омон кимдир борми Ватани, Ким ҳам қизга танитар уни.* (Ҳ.Олимжон).

Инкор юкламаси *на..., на уюшиқ бўлаклар ва қўшма гап таркиби*даги айрим гаплар олдидан келиб, уларнинг мазмунини инкор этади, бўлишсизга айлантиради. Инкор шаклли гап бўлаклари ва гаплар олдидан келганда, бўлишсизлик кучайтирилади, таъкидланади: *На муаттар чаманзор, на муҳташам кўшклар, на кумушланган ҳовузлар, на чиройли қафаслардаги қушлар - ҳеч нима уни қизиқтиrmайди.* (Ойбек) *На уфқ ўрамай ёқутзар, На булуғ силкитмай олтин пар, Тонг кулмасдан бурун Жонтемир, Куюқ бир завқ билан туради.* (Уйгун) *Сенга на буронлар кор қила олур, Сени на йўқотиб, бор қила олур.* (А.Орипов).

УНДОВ СҮЗЛАР

Ундов сүзлар кишиларнинг ҳис-ҳаяжонини, буйруқ-хитоб, ҳайдаш, чақириш маъноларини ифодалайди.

Ундов сўзлар лексик маъно ифодалай олмаслиги, келишик, эгалик, сон аффиксларини олмаслиги жиҳатидан мустакил сўзлардан фарқ қиласди.

Шунингдек, нутқда бошқа сўзлар билан грамматик алоқага кириша олмаслиги, гапнинг бирор бўлаги вазифасини бажара олмаслиги ҳам бу сўз туркумининг асосий хусусиятларидан биридир. Улар фақат отлашгандагина гапнинг бош ёки иккинчи даражали бўлаги вазифасини бажариши мумкин.

Масалан: *Оҳ ураман, оҳларим урсин сени.*

Ундовлар интонация жиҳатидан жуда ҳам рангбарандир. Бир ундовнинг турли хил интонация билан талаффуз этилиши уларнинг маъносига таъсир қиласди. Масалан: *Оҳ қандай гўзал манзара гапидаги оҳ ундови билан Оҳ, золим фалак, йиқил бошимга гапидаги оҳ ундовининг маъноси бир хил эмас.*

Шуни ҳам айтиш керакки, ундов кўпинча ўзига хос мимика билан айтилади. Мимика ундовнинг маъносини кучайтириб ёки сусайтирибгина қолмай, уларнинг маъносига таъсир ҳам этади: *Бай-бай-бай, бунақа сомсанни емаганимга неча йил бўлди экан.* (*A.Қаҳҳор*) гапидан кишининг роҳатланганлиги, лаззатланганлиги кўриниб турибди. Шу гапни гапира туриб, юзни буриштириш билан бошқа бир маъно ифодаланади. Демак, ундовлар нутқда ифодалиликни кучайтириш учун ҳам хизмат қиласди. Шу билан бирга улар кишининг ҳис-туйғусини, баҳолаш муносабатини ифодалайди. Ундовлар маъносига кўра икки хил бўлади.

1. Ҳис-ҳаяжон (эмоционал) ундовлари сўзловчининг туйгулари, кечинмалари, турли ҳис-ҳаяжонини билдиради. *Оҳ, эҳ, э,вой, уҳҳӯ, эҳҳе, оҳҳо, уҳ, ма, ҳи (ҳим), бе, ҳо, ҳе, эй, ҳа, уф, туф, дод, вой, войдод, оббо, урра, уҳӯ, э-ҳа, эҳе, и-и, ҳув, ҳай, ҳей, бас, раҳмат, қани, салом, хайр, оғарин, балли, баракамла, ана, мана, бе.*

Ҳис-ҳаяжон билдирувчи ундовлар қўйидаги маъноларни англатади.

- 1) севинч, шодлик, күтарикинди руҳий ҳолатни: *O, қандай гүзал манзара!*
- 2) хафаликни, оғир руҳий ҳолатни ифодалайди: *Э-воҳ, осмон йироқ, ер қаттиқ.*
- 3) таажжубланиш, кутилмаганлик, шубҳа, иккиланиш, эътироз қабиларни ифодалайди: *Бай-бай -бай. Менинг ҳасратим сизникига урвоқ ҳам бўлмас экан* (*П.Турсун*) *Оҳ - у дамлар!...* Эсласам, қалбим қувонч, руҳимни шодлик қучади. (*Ж.Жабборов*). *Танҳо ётар эдим бўм-бўш қиргоқда, Тепамда юлдузлар чекар эди оҳ.* (*А.Орипов*). [*Маҳкам Саломалайкум. Оҳо, янги меҳмонлар-ку* (*Т.Сафаров*)].

2) Буйруқ-хитоб (императив) ундовлар.

Буйруқ -хитоб ундовлари огоҳлантириш хитоб қилиш, таклиф, чақириқ, буйруқ ман қилиш, дўқ қилиш, ҳайдаш каби маъноларни билдиради. Буйруқ - хитоб ундовлари қуийдагилар: *тиҳ, чўк, куч-куч, ту-ту, беҳ-беҳ, пиш-пиш, мош-мош, ҳӯ-ҳӯ, га, кишт, кишт-кишт, чуҳ, ос, иши, хӯш* каби. Мисоллар: *Оҳ-оҳ-оҳ, шундай шоирларнинг садагаси бўлсанг арзийди,* (*Ойбек*) *Ўҳ, Бке, нега бундай қилдинг, жон ука?* (*А.Мухтор*). *Оббожиян-е, бизникини топиб келдингми?* (*Ойбек*) *Ҳа балли! Ана энди ўзингизга келдингиз* (*Уйгун*) *Хайр, хӯш бўлмаса, ёвонларни қидириб, бекни топар эканман-да.* (*С.Аҳмад*) *Ҳо-о, мунча сахийисиз, Дилнозахон* (*А.Қаҳҳор*). *О, қуёш жарчиси бериб хушхабар, ҳаёт рубобини сайраттувчисан!* (*А.Умарий*). *Беҳ-беҳ, деб товуқларни донга чақирап ва унинг олдида бир талай товуқ қут-қулташиб дон талашар эди.* (*П.Турсун*) *Ҳорманг энди, отам! – деди аёл, қотма узун қўллари билан Элмуроднинг елкаларидан силаб.* (*П.Турсун*) *Раҳмат!* – *Муқаддам унга меҳр билан тикилиб қолганини пайқаб, дарров кўзларини яширди.* (*Ў.Ҳошимов*). *Ё алҳазар!* *Нега ёмон гапирап эканман? – қария шундай деб Яна орқасига қараб қолди.* (*Т.Малик*) *Э, ҳа, сенлар ҳандалакнинг тилини тушунмайсанлар-ку мен эсам тушунаман.* (*Т.Малик*). *Саттор беихтиёр равишда «Астогфируллоҳ!» деб юборди.* (*Т.Малик*). *Ўзи ўтлим ишуд, хотинни гар деганда қўлга қўнадиган қилиб олмадими, бундай эркақдан оғилхонадаги бузоқ яхши, – деди кампир.* (*С.Аҳмад*). [*Юсуф*] *Отни “чуҳ” деб ҳайдаб ўтиб кетарди.* (*Юсуф ва Аҳмад*). *Яқинда институтни битириб*

келган зоотехникимиз жұжаларни "кишт" деб ҳайдаб юборди. (Муштум).

ТАҚЛИДИЙ СҮЗЛАР

Киши борлықдаги предметларнинг түрли товушлари, шарпалари, ҳаракат ва шуъла күринишларига үз товуши билан тақлид қиласы ёки уларнинг товуш деб тасаввур қилинадиган ҳолатини яратади.

Түрли шарпа-товушларнинг ёки шуъла-ҳаракатларнинг ҳолати бұлған сұздар тақлидий сұздар дейилади. Масалан: *Гурс, тарс, қарс, гумбур-гумбур, ялт-ялт, ярқ, лип-лип* ва бошқалар.

Тақлидий сұздар икки гурухга бүлинади: 1) товушга тақлид билдирувчи сұздар, 2) шуъла-ҳаракатта тақлид билдирувчи сұздар.

Товушга тақлид билдирувчи сұздар табиатдаги хилма-хил товушларни нутқ товушларига күчиришdir. Масалан: *тарс-тарс, қарс, шақ, тарақ-туруқ, виш-виш, гумбур-гумбур, пиқ-пиқ, шиддир-шиддир, пиш-пиш, гуп-туп, лип-лип, ялт-ялт, шарақ-шурұқ* кабилар.

Товушга тақлид билдирадиган сұздарда:

1. Одамға хос товушларға тақлид қилинади:

а) нутқ органларининг иштироки бұлған товушларға: *Тургуной охира босған оёгини күттаролмай, тұхтаб, Мастоннинг елкасига бошини қўйди ва «пиқ-пиқ» йиглади. (А.Қаҳжор) Қизлар нималарнидиr аста сұзлашиб, «пиқири-пиқири» кулишарди. (О.Ёқубов);*

б) нутқ органлари иштирок қилмаган товушларға тақлид қилинади. Бунда ташқи органларнинг товушларига ҳам, ички органларнинг товушларига ҳам тақлид қилиниши мүмкін. Масалан: *Ойша хола зарда билан «дук-дук», «дук-дук» юриб бораркан эшик олдида турған... хуржунга кўзи туғди. (Ш.Тошматов). Умиднинг юраги «дук-дук» уриб, беихтиёр унга яқинлашди. (Мирмухсин).*

2. Ҳайвон, парранда, ҳашоратларға хос товушларға тақлид қилинади. Масалан: ... бурчакда кулча бұлыб ёттан мушук шошиб ўрнидан турди ва Сидиқжонга қараб «миёв» деди. (А.Қаҳжор). Нам шабада ялпиз ҳидини, асаларининг

майин «гув-гув»ини олиб келди. (С.Зуннунова). Қорабоевнинг оёқлари остидан «пир» этиб бедана учди. (С.Анорбоев). Жуда яқин келиб қолган тапир-тупурдан бир-бирига асло ўхшамаган «ба-ба», «ма-ма»лардан бутун атроф ларзага келарди. (С.Анорбоев).

Турли жонсиз нарсаларнинг, қуролларнинг товушларига тақлид қилинади. Масалан: Ҳамма ёқни темирнинг «шақир-шукӯр» садоси қоплади. (Ойбек). Дутор қуруққина йигламасдан, балки бутун коинотни «зир» эттириб ва хаста юракларни «дир» силкитиб йиглар эди. (А.Қодирий). Эшик «тарақ-туруқ» очилиб күн этигини дўққиллатганича, акаси Мўмин кириб келди. (Ғ.Гулом).

Шуъла - ҳаракатта тақлид билдирадиган сўзлар табиатдаги хилма-хил шуъла, ҳаракат кўринишларини товуш орқали ифодалайди: **лип, лим-лим, биж-биж, лик-лик, ялт, ярқ, гир-гир, лапанг-лапанг, апил-тапил** кабилар.

Шуъла-ҳаракатга тақлид билдирадиган сўзларда:

1. Шуъла-ҳаракат товуш орқали тасвирланади: **пар-пар** (ёнмоқ), **пир-пир** (лаб, кўз учиши), **дир-дир** (титрамоқ), **қалт-қалт** (қалтирамоқ), **хиппа, гиппа** (бўғмоқ), **гуп-гуп, гушпа-гушпа** (қор ёғмоқ), **гуп** (ҳид урмоқ), **гир** (етиб бормоқ), **шарт** (қирқмоқ, ўриндан турмоқ), **чўрт** (кесмоқ), **дув-дув** (ёш тўкмоқ), **паққа** (қўлга тушмоқ), юракнинг **шиг, шув, жиз, жаз** этиши, кўзни чирт юммоқ, **қулт-қулт** (ютмоқ), **миқ** этмоқ, **тақа-тақ** (берк) ва бошқалар. Масалан: Аравалардан гумбурлаб тош-шагал ағдарилиши, янгроқ арра товуши, болга, босқонларнинг «гуп-гупи» қулоқларни битирарди. (А.Мухтор). Унинг (Бобурнинг) боши «гир-гир» айланар, ҳаво етмас, нафаси қисар эди. (П.Қодиров). У ўтлининг дўстларини кўриши билан кўзларидан «дув-дув» ёш тўкилди. (Ҳ.Гулом). Илҳомжоннинг қалин қовоқлари «пир-пир» учиб, кўзайнаги устидан отага қаради. (С.Нуров).

Булар аслида товушга тақлид билдирувчи сўзлар бўлиб, ҳозир уларда товуш маъноси йўқолган.

2. Предметнинг ҳаракати кўриш орқали тасвирланади: **лип-лип, лик-лик, гир-гир, ялт-ялт, йилт-йилт, лапанг-лапанг, апил-тапил, диканг-диканг** (ўйнамоқ, чопмоқ), **мұлт-мұлт** (қарамоқ) ва бошқалар. Мисоллар: 1. Лаганча «гир-гир» айланаб, ашула, дутор-танбур вангилмай беради. (О). 2. Санобар лип этиб кўздан гойиб бўлди. 3. Ўқтин-ўқтин шамол

қутуриб, дарахт шохларини симларга ураркан, япроқлар «лип-лип» ўчиб ёнарди. (Х.Назир).

3. Предмединг тургун ҳолати орқали тасвирланади: лўқ, ланг (очик), данг (қотмоқ), қулоги динг (бўлмоқ), пага-пага (булут) ва бошқалар. Мисоллар: 1. Киши отини гижинглатиб, дарвозалари «ланг» очилган саройга яна кириб кетди. (М.Осим.) Темур Малик бу гапларни эшилттач, «донг» қотиб қолди. (Мирмуҳсин).

4. Кишининг руҳий ҳолати кўриш орқали тасвирланади: онг-тонг (қолмоқ), ҳанг-манг (бўлмоқ) ва бошқалар: Кўзим энди илинган экан. Тошхон бориб уйғотди... «Акам келди, туринг... Тез боринг», - деди... «Ҳанг-манг» бўлиб қолдим. (Уйгун).

5. Предметнинг кўп ва зич экани кўриш орқали тасвирланади: виж-виж, вижир-вижир, биж-биж, бижир-бижир каби. Масалан: Юпқа тери остидан ялтираб турган сап-сариқ ёғ «виж-виж» қайнайди. (О.Ёқубов). Ариқдаги сув «виж-виж» қурт. Атлас кўйлак киймайман «бижир-бижир» гули бор. (Кўшиқдан).

Тақлидий сўзлар якка шаклда ва такрорланган ҳолда ишлатилади. Такрорланган шакллар давомлилик, такрорланиш маъноларини англатади. Масалан, У пиқ этиб кулди гапида бир марта бўлган ҳаракат ифодаланса, У пиқ-пиқ кулди гапида кулиш ҳаракатининг давомли бўлганлиги англашилади.

Солишлиринг: 1. Бир оздан кейин жуда кўп от тақаларининг тартибсиз «тапир»и эшитилди. - Ташқарида «тапир-тапир» оёқ товушлари эшитилиб, хонага икки навкар кириб келди. (О.Ёқубов). 2. Кишиларнинг оёқ босишлари зарбидан қорнинг «гарч-гарч» ноласи эшитилди. (Газетадан). - Кўча ва ҳовлиларда музлаб ётган қор «гарч» қиласади. (О.Ёқубов).

Такрорланган шаклдаги иккинчи компонент фонетик жиҳатдан ўзгарган бўлиши мумкин. Бундай чоқда товуш ёки ҳаракатнинг ҳар хил сифатда давом этганлиги англашилади: тақ-тақ, гарч-гарч, тап-тап, гаг-гаг - овозлар бир хил; тақ-туқ, гарч-гурч, тапир-тупур, гаг-гуғ - овозлар ҳар хил.

Баъзан тақлидий сўзларга, хусусан, товушга тақлид билдирадиган сўзларга -ир (-ур) қўшилади: тақ + ир-тақ + ир, дук + ур-дук + ур, дуп + ур-дуп + ур, ҳиқ + ир-ҳиқ + ир каби.

Тақлидий сўзлар товушнинг атамаси эмаслиги ва номинативлик хусусиятига эга эмаслиги билан ундовларга яқин турса ҳам, маъно ва грамматик хусусияти билан ундан фарқ қиласди. Ундовлар сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини, буйруқ-хитобини билдириса, тақлидий сўзлар ихтиёрий ва ихтиёрсиз юз берган ҳайқириқлар, жонли ва жонсиз нарсалар товушига, ҳар хил ҳаракат, шуъла, ҳолатга тақлидни билдиради.

Тақлидий сўзларнинг синтактик вазифаси ундовларга нисбатан анча кенгдир. Шунингдек, тақлидий сўзлардан от, феъл ва бошқа туркум сўзлари ясалиши ундовлардан ясалишга қарагандა анча маҳсулдор. Масалан, *хуштак*, *хуррак*, *гижжак*, *чапак*, *қарсак*, *қўнгироқ*, *бодроқ*, *ҳиқилдоқ*, *шақилдоқ*, *тақа*, *қаҳқаҳа*, *дагдага* каби отлар; *пичирла*, *шитирла*, *жарангла*, *чиқимла*, *гижирла*, *тиқирла*, *тақимла*, *туркира*, *ярқира*, *пишқир*, *бўкир*, *ўкир*, *ҳайқир*, *ҳурпай* каби феъллар тақлидий сўзлардан ясалган; *ярқирама*, *шалдирама*, *ялтироқ*, *йилтироқ*, *милтироқ* каби сифатлар эса тақлидий сўзлардан ҳосил қилинган феъллардан ясалган.

Шунингдек, кўпгина тақлидий сўзлар қўшма феълнинг асосий компоненти бўлиб кела олади: *жиз этмоқ*, *шип этмоқ*, *тиқ этмаслик*, *йилт этмоқ*, *ваг-ваг этмоқ* каби. Ҳарорат зарбидан ҳамма ёқ лип-лип этади. Чумчук пир этса, *юрагинг дир* этар. (*A.Қаҳҳор*) Трактор ҳам керосини тамом бўлиб қолса, *пақ-пуқ қиласди-ю*, тўхтайди. (*A.Қаҳҳор*)

Тақлидий сўзлар гапда қўйидаги вазифаларда келади:

1. Сифатловчи вазифасида: ... *дарвозахона йўлагида «дупур-дупур» оёқ саслари эшитиди*.

2. Ҳол вазифасида: *Собир*, яхна кўк чойни «қулт-қулт» ютиб, чопиққа киришди. (*Ойбек*) «*Виз-виз*» учиб арилар, Гул ўпар шарбат ялаб. (*Қ.Муҳаммадий*). [*Отабекнинг*] Ҳалиги босинқарашидан *юраги «гуп-гуп» ураг* ва вужудини тер босгтан эди. (*А.Қодирий*).

3. Кесим вазифасида: *Йўллар бўқди*, *Этиклар «шалп-шалп»..* (*Мирм.*) Шамол эсади «*гири-гири*», япроқлар «*шилдир-шилдир*». (*Қ.Муҳаммадий*). Чилдирмамизнинг овози «*гиж-банг*». (*A.Қаҳҳор*).

4. Тақлидий сўз айрим сўз-тап сифатида ҳам келади: «*Вов-вов!* Мен келдим!» – деди ит. (*Ш.Саъдилла*).

Тақдидий сўз отлашганда эга, тўлдирувчи, қаратқич вазифасида ҳам келиши мумкин. Мисоллар:

а) эга вазифасида: *Ногоралар «гумбур»и ва карнайлар садоси яна осмону фалакка чиқди.* (*О.Ёқубов*). Атрофдаги овозга гала-тала чутурчиқларнинг «вижир-вижир» и кўшилади. (*Х.Назир*);

б) қаратқич вазифасида: *Атрофдаги иссиқдан қуш қаноти куйгудай, бу ерда – «гир-гир» шамол!* (*Ойбек*) (*С.Нуров*). Ер тунда қатқалоқ бўлган, қуёшда эриб «пилч-пилч» лой бўлган эди. (*Ойбек*);

в) тўлдирувчи вазифасида: *Турсуной ҳеч нарсани кўрмас, юрагининг дукур-дукуридан бошқасини эшитмас эди.* (*А.Мухтор*). Комила уйда ёлгиз ўтириб, уй томини чертаётган ёмғирнинг «такир-тукури»ни тингларди. (*Ш.Тошматов*).

МОДАЛ СЎЗ

Модаллик ва модал сўз ҳақида тушунча

Гапда ифодаланган фикрнинг воқеликка муносабатини кўрсатувчи модаллик категорияси ҳар бир гапнинг муҳим конструктив белгиларидан бири ҳисобланади. Ўзбек тилида модал маънолар бир қанча йўллар билан - от, феъл ва равишларнинг айрим шакллари, шунингдек, юклама ва модал сўзлар билан ифодаланади. Айрим боғловчи ва боғловчилашган сўзлар ҳам гапнинг баъзи турларига модаллик тусини беради.

Феълнинг майл шакллари ифодалайдиган маслаҳат, сўраш, истак, огоҳлантириш, буйруқ, қисташ, таъқиқлаш, шарт каби маънолар модал маънолардир.

Айрим от ва равиш шакллари орқали хоҳиш, истак, зарурият, имконият, мумкинлик каби маънолар, юкламалар орқали эса гумон, тахмин каби модал маънолар ифодаланади ва бошқалар.

Ўзбек тилида фикрнинг воқеликка муносабатини ифодалаш учун хизмат қилувчи алоҳида сўзлар борки, улар модал сўзлар номи билан юритилади.

Модал сўзлар (лотинча modus – «усул», «ўлчов») сўзловчининг гапда англатилган фикрига, воқеа-ҳодисаларга муносабатини ифодалайди. Модал сўзлар гапда англатилган

фикрнинг сўзловчи учун қанчалик аниқлигини, бу хабарни сўзловчи ҳандай баҳолашини билдиради. Модал сўзлар, одатда, умуман гапга тегишли бўлиб, гап булаклари билан грамматик алоқага киришмайди. Шунинг учун улар гап бўлаги ҳам бўлиб келмайди. Масалан: *Меҳнат ҳамда турмуш тажрибаси, ҳунари бўлмаган одам ишдаги кишининг ўйини, туйғусини англамайди* гапига албатта, *шубҳасиз, эҳтимол* каби сўзлар киритилса, бу гапнинг мазмуни ўзгариб қолмайди; бу сўзлар фикр сўзловчи томонидан ҳандай баҳоланишини билдиради.

Модал сўзлар бир бутун лексик бирлик сифатида қаралади, уларнинг таркиби морфологик элементларга ажратилмайди. Масалан, *шубҳасиз, сўзсиз* сўзлари келиб чиқиш жиҳатидан сифат. Бу модал сўзлар аниқлик, қатъийлик, реаллик каби маъноларни ифодалайди. Аммо уларни айрим морфологик қисмларга ажратиб бўлмайди (уларда сифат ясовчи -сиз аффикси ажратилмайди).

Баъзан эса айрим мустақил сўзлар гапда модал сўз ўрнида қўлланиб, модаллик маъносини билдиришга хизмат қиласди. Бундай сўзлар ҳозирги тилимизда бутунлай модал сўзлар сирасига ўтмаган бўлиб, маълум ўринларда тасдиқ, таъкид, айриш каби бўёқларни ифодалашга хизмат қиласди: *Тўғри, энди ҳар ҳандай бўлганда ҳам, сабр, қаноат, жиҳдият, сабот керак эди.* (Г.Гулом)

Бошқа сўз гуруҳларга каби, модал сўзлар ҳам ўзларининг морфологик, синтактик ва семантик белгиларига эга. Модал сўзларнинг ўзгармаслиги унинг морфологик белгисига киради. Гапнинг бирор бўлагига ёки бутун гапга таалукли бўлиб, кириш сўз вазифасида келиши эса унинг синтактик белгисидир. Модал сўзларнинг аниқлик ёки тахмин каби модал маъноларни англатиши, мустақил сўзларга нисбатан камроқ номинативликка, ёрдамчи сўзларга қараганда кўпроқ мустақилликка эга бўлиши унинг семантик белгисидир.

Демак, фикрнинг воқеликка муносабатини аниқлаб, уни тасдиқ ва тахмин йўли билан ифодалаб, гапда кириш сўз вазифасида келувчи сўзлар *модал сўзлар* дейилади. Модал сўзларнинг доираси қатъий ва тўлиқ аниқланган эмас. Нутқимизда фикрнинг шакллари ранг-баранг бўлганлиги сабабли модал сўзлар гуруҳи ҳам кенгайиб боради.

Модал сўзларнинг маъно турлари

Модал сўзлар ўз маънолари жиҳатидан хилма-хил бўлиб, қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) гапда ифодаланган фикрнинг аниқлиги, ростлигини тасдиқловчи модал сўзлар: *шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат* кабилар. Масалан: *Ҳақиқатан ҳам юрагининг гурсиллаб ураёттани ва оёқ-қўлларининг титрагани сезилиб турарди.* (Ойдин.)

2) *сўзсиз, шубҳасиз, шаксиз* каби модал сўзлар бошқаларнинг эътироzi, фаразига ўрин қолдирмайдиган қатъий шаклдаги тасдиқни, заруратни билдиради. Масалан: *Зокир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали пахтакор, қўли гул одам.* (А.Қаҳҳор) *Ҳар ким келса, бундан шод бўлиб кетар, сал бўлса ўткасин яраси битар, қари кўриб келса, шаксиз, ёш этар, Ёш йигитдек даврон сургани келдим.* (Э.Жуманбулбул).

3) гапда ифодаланган фикр тахминий, гумон, ноаник эканини билдирувчи модал сўзлар: *эҳтимол, чамаси, шекилли, айтидан, ҳайтовур, чоги* кабилар. *Хотин яктакни олиб ёнинг қўйди, айтидан, ҳозир тикмоқчи эмас эди.* (А.Қаҳҳор) *Ҳайтовур, ишимиз чакки эмасга ўхшайди.* (Ойбек). *Мастура эса унга бир қаради-ю, танимади шакилли, индамади.* (А.Қаҳҳор) Чамаси Азизбек осонликча жон берадиган кўринмайдир. (А.Қодирий). Айтидан улар эндиғина заводдан чиққан бўлса керак, бўёқ иси гуппиллаб димоқقا уриб турибди. (Иброҳим Раҳим).

4) бирор воқеа-ҳодисадан афсусланиш, ажабланиш кабиларни билдирувчи модал сўзлар: *афсуски, аттанг, ажабо* каби. Масалан, *Аттанг...* шундай долзарб вақтда энг яхши раҳбаримиз кетиб қолди-да. Ажабо, шу ўзимизнинг Саодатми!? Биродарим билан танищдимгку, деб ўйлаган эди, афсус, қувончига қор ёғди. (С.Анорбоев).

5) фикрнинг ўзаро муносабатини ва тартибини билдирувчи модал сўзлар: *демак, хусусан, аксинча, масалан, жумладан, чунончи, бинобарин, хумлас, аввало* каби.

Демак, хумлас, масалан, жумладан, умуман, чунончи каби модал сўзлар фикрни умумлаштириш, унинг холосасини билдириш, яна далиллар келтириш сингари маъноларни билдиради: *Хумлас, унинг уйида аллақандай янги гаплар*

кўпаймоқда эди. (А.Қаҳҳор) Ҳамма, жумладан, ўзи ҳам қотиб-қотиб кулди. Отам менга умуман гапирмас, онам ҳам кўпинча унтиб қўяр эди. (Ў.Ҳошимов).

Бинобарин, хусусан, аксинча модал сўзлари фикр оқимини, бирор фикрни таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, бирини рад этиб, иккинчисини тасдиқлаш кабиларни билдиради: Қиши ичи Фарҳод қурилишига бориб, иш кўрсатсан, дейман. Бинобарин, кўкламгача жавоб беришингизни сўрайман. (Ғ.Гулом) Нафисахоннинг назарида қизи енгилтак эмас, аксинча бамаъни бўлган, гаплари ҳам ўринили ва қисқа. (Мирм.) Чарос, хусусан Темир портрети ҳақида гапирмоқчи эди. (Ў.Ҳошимов).

Аввало, дастлаб кабилар модал сўз ўринида келиб, фикрнинг тартибини билдиради: «Қизиқ экансиз, ойи, - дейди Аваз. - Аввало, Тошкентда ким кўп, соч қўйган кўп, сўнгра, уларнинг ҳамасини чиқаверса, телевизорга одам сигадими?» (П.Қодиров) Карима Ойша опадан, дастлаб, болаларни севишни ўрганди. (С.Зуннунова).

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, лозим, мумкин, шарт, зарур, керак сўзлари ҳам модалликни ифодалашга хизмат қиласди. Гарчи бу сўзларда модал сўзлик хусусияти кам бўлса-да, булар хилма-хил модал муносабатларни (зарурият, имконият, мумкинлик, қатъийлик каби) билдиради: Чол - ақлли одам, унга ўргатиш ҳам мумкин, ундан кўп нарсани ўрганиш ҳам мумкин. (Ойбек) «Жуда ҳам бу ишга берилмаслик керак, - ўз-ўзига хитоб қилди Умид, - мен ишлашим, иш қилишим зурур». (Мирмуҳсин) Иккى-уч томчидан сўнг толга боғланган тизгин шарт этиб узилиб кетди. (А.Қодирий). Нарзи севган қизини номини унинг номи билан бир қаторда қўйишнинг лозимини тоғмади. (М.Сафаров).

Модал сўзлар асосан қуйидаги синтактик функцияни бажаради:

1. Диалогларда аввал айтилган фикрга муносабатни ифодалаб, сўз-гап вазифасида келади: «Учувчилик бизнинг ишимииздан ҳам оғир, шундай эмасми?» - «Албатта». (Ойдин.) Да давой ака! Мен сизни виждонли, инсофли, садоқатли киши деб ўйласам бўладими? - “Сўзсиз”.

2. Кириш сўз вазифасида келади: *Шарофат ... ерга қараганча ўтирап, афтидан, бу саволга жавоб бермоқчи эмас эди.* (А.Қаҳҳор)

Кириш сўз вазифасида келган модал сўзлар бальзан оҳанг билан, ёзувда ҳам алоҳида белгилар вергул билан ажратилмайди: *Ўрмонжон, бу соатнинг тўтрилигига шубҳаланди шекилли, уз соатига қаради.* (А.Қаҳҳор).

Модал сўз билан кириш сўз ўзаро teng эмас. Чунки модал сўз морфологиянинг, кириш сўз эса синтаксиснинг текшириш объектидир. Кириш сўз вазифасида турли сўз туркумлари, шу жумладан, модал сўзлар ҳам кела олади. Шунингдек, кириш сўз вазифасида қўлланадиган сўзлар қайси сўз туркумидан бўлса, ўша сўз туркумига хос маъно ва грамматик белгиларни сақладайди. Демак, модал сўз кириш сўз вазифасида кела олади, лекин ҳар қандай кириш сўз модал сўз бўлавермайди. Фақат кириш сўз сифатида қўлланиб, ўзи тегишли сўз туркуми билан боғланишини, муносабатини йўқотган айрим сўзларгина модал сўз ҳисобланади. Бу сўзларнинг маъно ва грамматик функциясидаги жиiddий ўзгаришлар уларни ўзи тегишли бўлган сўз туркумидан ажратиб туради. Шунга кўра гапда кириш сўз вазифасида келиб, фикрнинг умумий оқимини, нутқ услубини билдирувчи (*шундай экан, шундай қилиб, тўгрисини айттанда, қисқача айттанда, бошқача айттанда каби*), турли муносабатларни билдирувчи (*бахтта қарши, менинг бахтимга, иқрорман, айттандай, айтмоқчи каби*), фикр манбанини билдириш, уни изоҳлаш, аниқлаш, чегаралаш учун хизмат қилувчи (*менимча, айтишича, сизнингча, ўйлашимча, сизнинг фикрингизча, унинг айтилишича каби*) сўз ва сўз биримлари модал сўзлар гуруҳига кирмайди. Улар кириш сўзи ҳисобланади.

Сўзларнинг алоҳида лексик-грамматик гуруҳини ташкил қилган модал сўзлар асли қуйидаги сўз туркумлари билан боғланган, шулардан ўсиб чиққан:

а) от туркумидан; *ҳақиқатан, дарҳақиқат, чамаси, афтидан, афсус, эҳтимол, дарвоҷе, шубҳасиз, шекилли, мазмунан, ростдан, ҳақиқатан, аслида кабилар;*

б) отдан бошқа туркумлардан: *табиий, (сифатдан), албатта, аввало, айниқса (равишдан) балки, кошки, ҳатто,*

ҳайтовор (ёрдамчи сўзлардан), демак, демоқчи, айтмоқчи (феълдан).

Модал сўзлар гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмайди. Шунинг учун у ёзувда вергул билан ажратилади.

Модал сўзларни мустақил сўзлардан фарқлашда қўйидагиларни ҳисобга олиш керак:

1. Модал сўзлар бирор мустақил ясама сўздан ўсиб чиқсан бўлиши мумкин. Лекин бундай модал сўз морфемаларга ажралмайди (сўзсиз, шаксиз, шубҳасиз). Айнан шу шаклдаги мустақил сўз эса морфемаларга ажралади.

Солиширинг: 1. *Ногаҳон фалакка урган каби дўк, Сўзсиз қотиб турар бўйчан тераклар.* (А.Орипов). 2. *У мактабдаги мусобақаларга қатнашади ва, сўзсиз, биринчи ўринни олади.*

2. Модал сўз мустақил сўзнинг бирор грамматик шаклидан келиб чиқсан бўлиши мумкин. Бундай модал сўзлар ҳам морфемаларга ажратилмайди (*афтидан, аслида, ростдан, ҳақиқатда(н), жумладан, чамаси*).

1) *Қодир бу одамнинг афтидан касбкорни белгилай олмади.* (А.Қодирий);

2) *Афтидан, улар эндиғина заводдан чиқсан бўлишса керак, бўёқ иси гутпуллаб димоққа уриб турибди.* (И.Раҳим).

3) *Ҳавонинг тафтига боқ, одамнинг афтига боқ.* (Мақол.)

1. *Одамларнинг яхшиси – газаби секин келиб, аслига тез қайтадиганийдир.* (“Фан ва турмуш”);

2. *Аслида, бу хурсандчилик Рамазон оий кириб келиши билан бошлиданади, десам муболага бўлмайди.* (Газетадан).

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Асқарова М, Абдураҳмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми, Т., 1981.
2. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М-Л, 1960.
3. Коклянова А.А. "Категория времени в современном узбекском языке". изд. АН., М., 1963
4. Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. Ўз ФА н. Т, 1988.
5. Мирзаев М, Усмонов С, Расулов И. Ўзбек тили "Ўқитувчи" н. Т., 1979.
6. Низомиддина С. Ҳозирги ўзбек тилида сон. Ўз «ФАН». 1970.
7. Рустамова Т. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчилар. Ўз «ФАН» Т, 1965
8. Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат Ўз «ФАН» Т. 1974.
9. Турсунов У, Мухторова А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тили. «Ўзбекистон» нашриёти, Т. 1992 йил.
10. Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари. Илмий асарлар (Тош. ДПИ), 42.т.2-китоб, Т, 1964.
11. Ш.Шоабдураҳмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиева, И.Расулов, Ҳ.Дониёров. «Ҳозирги ўзбек тили», 1-қисм, Тошкент, «Ўқитувчи», 1980 й.
12. Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм, "Морфология", Ўз ФА н, Т, 1975.
13. Қунгурев Р.К. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. 1қ, Самарқанд, 1978.
14. Гуломов А. Феъл, Т, 1959.
15. Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Т, 1963.
16. Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. "ФАН" н, Т, 1966.
17. Ҳожиев А. Феъл. "ФАН" н, Т, 1973.
18. Ҳожиев А. Тўлиқсиз феъл. "ФАН" н, Т, 1970.
19. Ҳожиев А. Ўзбек тилида форма ясалиши. "Ўқитувчи. Т., 1979.
20. Ҳожиев А. «Ўзбек тилида сўз ясалиши». Тошкент.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Морфемика	6
Сўз ясалили	25
Ўзбек тилида сўз ясалиш усуллари	29
Сўз ясалиш структураси	33
От ясалиши	39
Сифат ясалиши	52
Феъл ясалиши	60
Равиш ясалиши	66
Морфология	70
Сўз туркуми	83
От	86
Эталик категорияси	89
Сон категорияси	91
Келишик категорияси	93
Отларда шакл ясалиши	108
Сифат	116
Даражা категорияси	119
Сифатларда модал шаклларнинг ифодаланиши	122
Сон	124
Соннинг маъно жиҳатдан турлари	127
Олмош	138
Феъл	148
Даражা категорияси	152
Ўтимли ва ўтимсиз феъллар	159
Бўлишили ва бўлишсиз феъллар	160
Майл категорияси	161
Замон категорияси	167
Шахс-сон категорияси	178
Феълнинг функционал шаклари	181
Харакатнинг характеристикасини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи шакллар	187
Равиш	202
Кўмакчи	209
Боғловчи	226
Юклама	234
Ундов сўзлар	236
Тақлидий сўзлар	238
Модал сўзлар	242
Адабиётлар рўйхати	248

Қаландар Сапаев

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИ

(морфемика, сўз ясалиши ва морфология)

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди,
доцент М.Ҳамроев.

Корректорлар: М.Сафарниёзова,
Н.Аҳмедова.

Саҳифаловчи: Д.Товакалова.

7 – буюртма. 200 нусха. Ҳажми 9,7 б.т.
2009 йил 24 январда босишга руҳсат этилди.
Низомий номидаги ТДГУ Ризографида
нашр қилинди.

